

شیخ نجم الدین کبری
تصوفی حیات

Шайх Нажмиддин Кубро

ТАСАВВУФИЙ
ХАЁТ



«Мовароунахр»

Нынешний год.
наш. София
наша — дочь:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

شیخ نجم الدین کبری
تصوفی حیات

Шайх Нажмиддин Кубро

**ТАСАВВУФИЙ
ҲАЁТ**

«Мовароуннаҳр»
Тошкент-2004

Муҳтарам китобхон! Нажмиддин Кубро ҳазратларининг номлари, жасорати Сизга маълум? Бу улуг зотнинг асарлари билан ҳам қисман танишсиз? Аммо Кубронинг рисолалари тўплам ҳолида иш бора нашр этилаётир? Биз ҳар қандай изоҳ ва таърифлардан кечиб, Сизни буюк Шайх билан ёлгиз қолдирамиз? Ўйлаймизки, илм, ҳиммат ва гайратингиз шарофати ила Нажмиддин Кубро сўзларидан файзу футуҳ тошишга мушарраф бўласиз?

*Таржимон ва
нашрга тайёрловчилар:*

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Филология фанлари доктори, профессор

Азиза БЕКТОШ

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспиранти

Масъул муҳаррир:

Сайфиддин САЙФУЛЛОХ

Филология фанлари номзоди,

Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби


Тақризчи:

Нодирхон ҲАСАН

Филология фанлари номзоди

Техник муҳаррир:

Ихтиёр САИД



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Кўмита рухсати билан чоп этилди.

Ушбу китоб «Бухорийлар авюоди» хусусий фирмасининг директори Абдуллаев Улугбек Баҳодирович ҳомийлигига чоп этилди.

ШАЙХЛАР ВА ШАҲИДЛАР КУБРОСИ

Инсоният илму ирфони, маданият ва маънавиятигининг олтин бешикларидан бўлган қадим Хоразм дунёга шуҳрат тараттан кўп фарзандларни тарбиялаб камолгага етказган. Кубравия тариқатининг асосчиси, халқ қаҳрамони Нажмиддин Кубро ўша машхур сиймоларнинг энг буюклидандир. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Мұҳаммад ал-Хевақий ал-Хоразмий. У 1145 йилда Хивада таваллуд топган. Аҳмаднинг болалиги ва ёшлиги жонажон юртида ўтган. Лекин ўспиринлигига ёқ унда илмга катта иштиёқ уйғонган. Илмга чанқоқлик уни саёҳатга чорлаган. У қайси юрт ва мамлакатга сафар қиласин, ўзининг илмга садоқатини, илмий салоҳиятигининг ниҳоятда ўткирлигини намойиш этиб, мунозара ва мубоҳасаларда доимо ғолиб чиққан. «Аларга Кубро андин лақаб бўлдики, йигитлик авонидаким, зоҳир улуми таҳсилига машғул эрмишлар, ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш — ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш», — дейди Алишер Навоий.

Аҳмад ғолиблиқда поясма-поя илгарилаган ва илму маърифатдаги фотихлик сирларини теран ўзлаштирган. Вақтсоати этиб Нажмиддин дин юлдузи бўлиб порлаган. Валийлиги шу қадар камол топганки, ҳолида ғолиблиқ бошланганда муборак назари кимга тушса, ўша киши валоят мартабасига кўтарилиган. Ана шунда у Шайхи Валитарош лақаби ила шарафланган. Абулжаноб — Нажмиддин Куб-

ронинг куняси. «Менинг гайбдаги исемим Қантаруңдир. Кунямга келсак, — дейди Нажмиддин Кубро, унинг ҳикояси қўйидагича: Искандарияда Ҳофиз Салафий Исфаҳонийдан ҳадис тинглардим. Бу кекса олим мазҳабда шоғеитий, эътиқодда салафий эди. Ёни юздан ошганди. Бир кун яна гайбат ҳолида, Расулуллоҳни иккининг иккинчиси (ҳазрати Абу Бакр) билан ёнимда кўрдим. Тиззалири қариб тиззамга тегиб туради. Шу лаҳза ҳар куни Куръони каримдан унинг учун ўқилган вирдларим илҳом қилинди. Дарҳол уларни ўқий бошладим. Тутатишм ҳамоно уларни жуда яхши топғанлигимни таъкидлаб: «Мана шу зайлда кундузлари ҳадис тингла ва кечалари Куръони карим ўқи!» - дедилар. Кейин менга кунямни сўраш илҳом қилинди ва: «Ё Расулуллоҳ, менинг куням Абулжанобми ёки Абулжанобми? Нафсим Абулжаноб (буюклик отаси) бўлмоғини истаяпти», - дея сўрадим. Ул Зот: «Йўқ, кунянт Абулжаноб (қўрқувчилар, парҳезкорлар отаси), дея жавоб бердилар..» Бу ҳодиса Нажмиддин Кубро дунёқарашида, маънавий-руҳий ҳаётидаги кескин бурилиш ҳосил этади. У энди зоҳирий илмнинг йўл ва майдонларини ортда қолдигириб, сайри сулук водийларида қалб саёҳатини бошлашга аҳд қиласди. Бунинг учун эса муршиднинг кўмаги ва раҳнамолиги зарур эди. Шу зарурият уни Мисрга – Шайх Рӯзбекон ал-Ваззон Мисрий даргоҳига етаклаб боради. Кубро қисқа муддат ичидаги маънавий йўлларда кўп илгарилайди, шайхининг таважжуҳини қозонади, унинг қизига уйланиб, икки фарзандга ота бўлади. Аммо, сийратидаги ҳаракат, шиддатли интилиш уни осуда ва хотиржам яшашга қўймасди. У Табризга қараб йўлга тушади. Абу Наср Ҳафданинг қопига келиб ҳадис илмини ўрганишни давом эттиради. Кўп ўтмай «Ҳақ таолонинг мажзублари ва маҳбубларидан» бўлмиш Бобо Фараж билан учрашади. Куброни бу мажзуб Шайх давот ва қаламдан қутултириб, бутунлай риёзат ва хилватта манифул айлайди. Кубронинг тасаввуфий ҳаётда тўла зафар қозонишида бошқа бир неча шайхларнинг ҳам ҳиссалари бўлган.

Жумладан, Аммор Ёсир ва И smoил Қасрийларнинг ҳам хизматлари сингтан. Шунинг учун ҳам бу масала куброшуносларнинг назаридан четда қолмаган.

*Дин илмин билмак шариат бўлур,
Унга амал этсанг тариқат бўлур.
Сидқ ила боғлассанг илму амални
Ҳақнинг ризосила ҳақиқат бўлур,-*

— дейди Насими. Шу маънода Нажмиддин Кубро олий мақсад манзилига етган, неча юзлаб муридларни тарбиялаб уларнинг қалбини дин илми, шариат, тариқат ва ҳақиқат зилолидан қондиришга қодир муршиди комил бўлганди. Узоқ йиллик айриликлардан сўнг Кубро она диёри Хоразмга қайтиши, ватандошларига маърифат тарқатиши, янги тариқат бино этиши ва иршод ишлари ила қизғин машғул бўлиши керак эди. Табриздан Мисрга қайтаркан, у ҳали бу ҳақида қатъий қарорга келмаганди. Пири ва қайнотаси Рўзбекон Мисрийнинг маслаҳатидан сўнг эса 1185 йилда Кубро Хоразмга қайтиб келди. Албатта, у бундан йигирма беш йил аввалги Аҳмад эмасди. Кубро энди маърифат ва ҳақойиқ денгизи эди. Қалбida ва руҳониятида азим Жайхунга ўхшаш кенглик файзи сокин эди.

II

«Тариқатда сиёсалиг муршид керак», — дейди Аҳмад Яссавий. Дарҳақиқат, чин бир муршид йўлбошчи бўлмаса, таълим-тарбия ила муридни кўлламаса, энг оғир синов фурсатларида унга файз ва мадад етказмаса, тариқатда илдамлаб бўлмайди. Сайру сулук, энг аввало, ишонч-эътиқод ила шайх «этаги»ни маҳкам тутиш, ҳамма нарсадан четлашиб ягона меҳвар — фақат шайх кўнгли атрофида айланиш демак. Шу «меҳвар»дан мурид узоклашдими, йўлдан чалғийди, қалб саёҳатидан ўзини маҳрум этади. Зоро, Шайх муриднинг ҳақиқий посбони ва ҷароғони.

Шайхнинг ақл, дил ва тадбир чироги муриднинг нафсига қаратилиди. Нафсининг аҳволини мурид равшан кўради. Уни ўзгартириш, яъни покланшга юрак-юрақдан эҳтиёж туди. Буни ҳали ҳеч кўрилмаган ва яшолмаган маънавий ҳаётнинг ибтидоси, деса бўлади. Нафс таслим этилиб поклангунча кечган ботиний жараённи тўла-тўкис изоҳлаш қийин, албатта. Лекин сайду сулукка доир тасаввуфдаги умумий эътирофларга асосланиб, нафс тасфиясидан кейинги ҳолат ва натижалардан баҳс юритиш мумкин. Чунончи: нафс покланиб, зийнат топаркан, қалб бамисоли шаффоф кўзгуга айланади. Энди унда ҳамма нарса акс этади. Қалбдан атрофга илоҳий нур порлайди. Энг асосийси, басират очилади. Худди шу басират Аллоҳнинг жамол ва жалол нурларини сайд қиласиди. Гўзаллик идроки ва иштиёқи тубдан ўзгаради. Шу тарзда солик ҳамма нарса ва ҳамма жойда Раббини мушоҳада қилиб, Унга талпинади. Чунки ишқ унинг кўнглида ёлқин сочади. Бунга асосий сабаб эса нафснинг покланганлиги ва сийратдаги чиркинлик, қўполлик, ёмонликларга матонат билан барҳам берилганидир. Аллоҳни таниш, Унинг маърифатига соҳиб бўлишнинг синалган йўли ана шу!

Хуллас, қалб ойнаси ёришгач, унинг теварагини туманга ўхшаб қуршаган туйғулар ҳам йўқолади. Гал дунёга келади: бутун иллати, ёвузлиги, маккорлиги, чексизлиги, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий қиёфаси билан энди қалбда дунё намоён бўлади. Қизиги шундаки, ўткинчи дунё или боқий дунё орасидаги тафовутларни фарқлаш ва ажратишда солик мутлақо қийинчилик сезмайди: фахм ва идрокда шу даражада илгарилайди, руҳий ва маъруфий ҳаётда у шу қадар баландлайди. Ҳеч бир соликда тарки дунё туйғуси ўз-ўзидан қарор тоғмаган. Балки Ҳақ ишқи ва руҳоний латифликлар қалбда тарки дунё ҳиссиётини барқарорлаштиригац. Бу – хилватга чекиниш истагининг тамали эрур. Хилват эса илоҳий ишқдан ҳузурланиш, ишқ ва ҳақиқат сирларини капиф этишининг дахлсиз гўшаси.

Шу боис тасаввуфда хилват ҳәётига алоҳида аҳамият берилган.

«Нафснинг хотиржамликка эришиши ва ёмонликка ундовчи хусусиятидан қутулиб, соҳибини эзгуликка бошлиши, - дейди Шаҳобиддин Умар Сўхравардий, - яратилишидан бошлаб унда мавжуд бўлган қуруқлик ва совукликни улоқтириб ташлашидан билинади. Нафсдан қуруқлик кўчса, унга улашган ва уни таъсирига олган руҳнинг ҳарорати ила у юмшайди». Нафсдаги бундай ҳолат ўзгариши унинг қалбга кўрсатадиган таъсири ва хуружларини батамом қамайтиради. Чунки туйғу ва идрок маркази бўлмиш қалб фақат руҳга эмас, балки нафсга ҳам юз қаратишга мажбурдир. Соликнинг нафси сайру сулук билан сокинлашиб, хотиржамлик топгач, қалбга ҳукм ўтказиш имконларидан нафс маҳрум бўлади. Бу ишнинг оқибатини «Авориф-ул маориф» муаллифи шундай шарҳлади: «Хуллас, нафс тизгинлангач, жаноби Ҳақнинг амрларини бажо этишга киришади. Қалб ҳам нафс йўналган тарафга бўй чўзиб, у жойдан яхши таассуротлар ола бошлайди. Шу зайлда мурид, толиб ва содиқларнинг нафси, қалб ила нафснинг ораларидағи жинс ўҳшашлиги туфайли қалб хусусиятларини олади». Бевосита муршид хизмати, салоҳияти ва шарофати боис юзага чиқадиган бу муриднинг нафси, қалби, руҳидаги бу эврилиш ҳоли тасаввуфда «иккинчи ва маънавий туғилиш» дея таърифланган. Чунки мурид онадан туғилишда отасига нечоғлик мансуб бўлса, маънавий туғилишда ҳам шайхига шунчалик боғлиқ ва ўҳшашдир. Бу масалани бағоят қизиқарли ва асосли гарзда ёритиб берган Сўхравардий, «Кишининг биринчи туғилиши унинг олами мулк ила бўлган иртиботини таъминлайди. Иккинчи ва маънавий туғилиш эса малакут олами ила алоқасини таъмин этар», - дейди. Олами мулк коинотнинг зоҳирий томони ва кўриниши бўлса, олами малакут унинг ички томони ва асроридир. Демак, муршид ўз муридига малакут сирларидан огоҳ бўлиш,

ҳидоят нурларидан қалб ва руҳни қувватлантиришга кенг имкон яратади. Нажмиддин Кубро «Тариқатимиз ва йўлими, кимё йўлидир. Тоғлар орасидан нуроний ва латиф нарсаларни чиқармоқ шартдир», - деганида ўша маънавий туғилишни эътиборда тутган эди. Чунки кимё санъати билан маъданлар олтинга айлантирилганидек, кубравийлик тариқатида ҳам инсон моҳият эътибори билан қалбан ва руҳан ўзгариши, янги маънавий шахсият мақомини өгаллаши муқаррар эди. Бундан ташқари, тасаввуф тилида кимёйи саодат ибораси, нафсни ёмон ва тубан хўйлар, истаклардан узоқлаштириб, энг яхши, энг гўзал фазилатлар ила уни безани, зийнатлаш маъносини билдириалики. Кубро «тоғлар орасидан...» деганда биз олдинроқ изоҳлаганимиз нафснинг қаттиқлик ва совуқлик ҳолатига ишорат қилган.

Хуллас, сайру сулукни муваффақият ила охирига етказа билган киши ахлоқ-одобда, феъл ва сифатда, фикр ва иродада фавқулодда холис янги «Мен»га эришади. Сўхравардий ҳам буни жисмоний туғилишдан кейинги – иккинчи, янги маънавий тузилиш деб таърифлайди. Ҳақиқат аҳли томонидан «қиёмати сурро» («кичик қиёмат») деб ҳам аталган ушбу маънавий туғилишда соликнинг ҳоли – унинг сулуккача бўлган, риёзат, мушоҳада, покланиш машаққатларига ҳали киришилмаган ҳолидан кескин фарқ қиласиди. Унинг ахлоқий, ҳиссий ва фикр ҳаёти аввалгисига ўхшамайди. Бунда муршиднинг хизмати ва ҳиссаси бекиёсдурки, бундай шарафли ишни улдалашда Нажмиддин Кубро шайхларнинг энг пешқадами эди.

III

Маълумки, инсон борлиқ тартиботида бошқа яратиқлардан энг кейинида туради. Дастрлаб «Ақли аввал» яралган. Сўнг ўн Ақли, фалакларнинг нафси, Арси, Курси, бошқа бир қанча жисмлар билан бирга тўрт унсур, маволиди

салоса (маъдан -наботот - ҳайвонот) бино этилган. Мана шулардан кейин, яъни охирда инсон яратилган. Яратилиш эътибори билан инсон гарчи ҳамма нарсадан кейинда бўлса-да, моҳият, салоҳият жиҳатидан баридан олдинда - юқсақда туради. Зеро, инсон - оламнинг руҳи, олам гўзаликларининг меҳвари. Комиллик унинг матлаби ва энг олий шон-шараф даражаси эрур. Мавжуд бу оламда Аллоҳ комил инсон воситасида тажалли айлади. Комиллик нури йўқолса, оламни зулмат қоплагай. Бу ҳақида Шайхи Акбар мана нима дейди: «Аллоҳ Таоло оламни омон сақлаш учун Одамни ўзига халифа қилди. Ичида комил инсон мавжуд бўлгани қадар олам ҳам муҳофазада бўлинур. Инсони комил шу ҳазинадан ажралиб охиратга кўчиши ҳамон кўк қулашга, юлдузлар сочилишга, қуёш сўнишга бошлар». Демак, бундай маънавий ҳокимлик ва муҳофизлик инсон зиммасига бениҳоя улкан масъулият юқлатди.

Бундоқ қаралса, инсон фақат ақл ва англаш билан эмас, руҳ, туйғу ва ҳиссиётлари билан ҳам ҳайвондан фарқ қиласди. Ҳиссиёти олия, яъни юқсак ҳиссиётлар деб аталмиш диний ва эстетик туйғулар ёлғиз инсонга хос, инсон учун имконият имтиёз майдонларидир. Диний туйғуга ўҳшаб гўзалик ҳисси ҳам инсоннинг фитратида мавжуд. Инсон туғилишидаёқ ана шу туйғуларга соҳиб бўлади. Тараққиёт учун хизмат қиладиган, одамларни бирлик ва ҳамжиҳатликка чорлайдиган ҳеч бир кайфият, ҳеч бир эҳтиёж тасаввуф томонидан рад этилмаган. Бильакс, тасаввуф инсонда яратилишидан мавжуд бўлган софлик, бегуноҳлик, меҳрибонлик каби хусусият, қобилият ва фазилатларни муштарак ҳамда мукаммал тарзда асрраб-авайлаш, тараққий топтиришга ғамхўрлик кўрсатади. Тасаввуф руҳий ҳаётга, унда эриниилажак натижаларга кўп диққат қилишга ўргатади. Энг пешқадам сўфийлар нуқтаи назарида тариқат руҳий меъроздан ўзга бир нима эмас. Бу фикр Нажмиддин Куброға ҳам тўла тегинили. Шу боис Кубро бир қанча тариқат арбобларидан фарқли ўлароқ,

ТУК – суннит ҳар иңсоннинг ўзига хос ҳаёт тарзи
ири – поини руҳий олами борлигини тўла ино-
ти

Га ғуф гарихидан яхши маълумки, қадим даврлар-
дан ҳизниборан сўфийлар психологияк туйгулари ва эри-
нилигига руҳий ҳолатларини «ҳол» деб атаганлар. Сулук эса
түрли хил марҳала ва марғабаларга тақсимланиб, «ма-
қом» дес номланган. Солик бу йўлда сўфиийдан бошқага
номиталум ва кўринмайдиган ҳодисаларга юзма-юз кел-
ти. Үзгилар рӯбару бўлмайдиган қийинчиллик ва машақ-
қитлир унинг йўлига говдир. Сайёр шундай ҳолларга
тўқини келадики, азоби – завққа, завқи – азобга дўнади.
Баъзан у «моддий оламга нисбатан бир безгинлик» ҳис
этади. «Ўлмасдан бурун ўлиш» қийноқларига чидайди.
Қалбда маънолар ўзгаради. Ҳоллар янгиланади. Нажмид-
дин Кубро бу ўзгариш ва янгиланишларни ранг восита-
сида ҳам изоҳлади. Унингча, яшил ранг «қалб ҳаёти ва
жонлилигининг «рамзи»дир. «Бу рангдан кейин ақиқ тош-
нинг ранги пайдо бўлади. Бу ақли Кабирнинг ранги». Ақли
кабирнинг ранги қирмизилашгач, энг қалин ҳижоблар
ҳам йиртилади. Қирмизи ранг зухурланганда «Сайёрни па-
ришон айлар, парчалар, қамраб олар ва тебратар». Булар
ғаройиб ҳодиса ва ўзгаришлар. Одатда мистик мушоҳада-
га асосланган руҳоний-психологияк бундай жараён сирла-
ри ва натижаларини ошкор айланига кўпда рухсат берил-
маган. Усмонли турк олими Мустафо Қора тўғри таъкид-
лаганидек: Нажмиддин Кубро «Фавойиҳ-ул жамол» ри-
соласида тасаввуф классиклари орасида жуда оз учрай-
диган бир усул ила, шахсий ҳис ва мистик мушоҳадала-
рига диққатни тортиб, тайбат (илоҳий яқинлик) ҳолида-
ги тасбитларини қаламга олган ва ўқувчига етказган. Ри-
солага шу нуқтаи низардан ёндошилганида, уни мукам-
мал бир тасаввуф психологияси лейиш мумкиндир».

Дарҳақиқат, «Фавойиҳ» Кубронинг ҳол ҳақиқати, руҳ
латоифи ва қалб кечинмаларини акс эттирувчи бетакрор

бир асари. Назаримда, Сайёр ҳолини англаш ва тушуниш учун инсон шу ҳолатни бошидан ўтказиши керак. Акс ҳолда, унинг тушунчалари фақат тасаввурлардан иборат бўлади, холос. Иккинчи томондан, бу ҳоллар, руҳий парвозлар фақат Нажмиддин Куброго хос. Шу боис Сайёр ҳоли бизга мангу жумбоқ бўлиб қолаверади... Асарни ўқир эканмиз, унда Кубро ниҳоятда самимий, ниҳоятда ҳассос, кўнгил ҳаёти жуда теран ва танлаган йўлига собит Шахс қиёфасида намоён бўлади. Кубро илоҳий ишқнинг сир-асороридан, ҳикмат ва ҳақиқатларидан мароқ билан сўзлайди. Ишқнинг инсон қалбидаги аёвсиз ва шиддатли таъсирларини ҳам ҳаққоний кўрсатади. Аммо у илоҳий ишққа мажозий ишқни қарпи қўймайди, Аллоҳга бўлган ишқни ёқлаб, башарий севгини ерга урмайди. Шариат доирасидаги покиза ва шиддатли бўлган мажозий ишқ саргузашларидан нақл қиласди... Зоро, Кубро ҳам мажозий ишқ ҳақиқий ишқ йўлида кўприк, восита эканлиги-ни эътироф этган мутасавифлардан эди.

Амр ал-Маккий демиш: «Аллоҳ қалбларни баданлардан етти минг йил муқаддам яратган ва ўзига яқин бир мақомда сақлаган. Руҳларни қалблардан етти минг йил аввал яратиб, уларни унс бодида туттган. Энг тоза бўлмиш виждонлар ҳам руҳлардан етти минг йил олдин яратилган ва Ўзи билан восил ҳолида сақланган. Ўшанда виждон руҳта, Руҳ қалбга, қалб вужудга ҳибс этилмиш. Ана шу синов асносида бадан ибодатга берилмиш, қалб ишққа гарқ бўлмиш, Руҳ Раббига яқинлашмиш, виждон эса Ўзи билан бирлик ҳолида ҳузур олмиш». Худди шу тўрт мавжудлик: Вужуд, Қалб, Руҳ ва Виждон, шу тўрт мавжудликнинг ҳақиқати: тоат-ибодат, ишқ, унс ва илоҳий ҳузур тасаввуддаги бош мақсад, бош талаб ва сайри сулукдаги энг олий натижа, деса асло хато бўлмайди. Нажмиддин Кубро рисолаларида булар тўғрисида қайта-қайта баҳс юритади, ҳар гал ё қалб, ё руҳ ёки виждон моҳияти ва сирларини гўё янгидан каашф этиб беради.

IV

Нақл қилининишича, кунлардан бир кун бир күён хүшбүй мевали анбаҳ дараҳтининг тагида ухлаб қолибди. Кутылмаганда даҳшатли бир шовқин эшитилғандай бўлибди. Күён ҳеч иккиланмасдан қиёмат қойим бўлди, дея ура қочибди. Буни кўрган бошқа қуёнлар ундан: «Нима гап? Нега бунча тез чопаётисан?» - деб сўрашганда, у: «Охир замон бошланди...», - деб жавоб қайтарибди. Бу гапни эшитиши ҳамон бошқа қуёнлар ҳам унинг оргидан чопа бошлишибди. Қуёнларнинг жон ҳолатида югуришларини кўрган буғулар «охир замон» хабарини эшитибоқ уларга қўшилишибди. Шундай қилиб, ҳар турли жонзотлар бирининг оргидан иккинчилари эргашиб чопишавергач, бу қочқин даҳшатли бир хафвга айланибди. Ўшанда муниюҳада ва муроқаба ҳаётини яшаб юрган бир ҳинд файласуфи ақл бовар этмас тўс-тўполонга дуч келгач, энг охирда югураётган ҳайвондан қоча-қочнинг сабабини суриштирганда у: «Охир замон бошланди...», - дебди. Шунда файласуф: «Бу нотўри. Тўхтанглар! Дунё ҳали охир бўлгани йўқ. Қочманглар. Мени эшитинглар», - дея ҳайқирибди. Хуллас, шўрлик жонзотлар тўхташибди. Файласуф охир замон ваҳимасини ким бошлаганлитини суриштирганда гап биринчи бўлиб қочишни бошлаган қуёнга келиб тақалибди. Файласуф ундан сўрабди: «Охир замон бошланганлитини сезганингда сен қаерда эдинг ва нима иш билан машғул бўлаёттандинг?» «Анбаҳ дараҳтининг остида ётгандим», - дебди қүён. «Эҳтимол дараҳтдан узилиб тушган меванинг товуши сени уйғоттандир? Балки шу товуш сенда ваҳима қўзғаб, кўркувдан қиёмат қўпди дея ўйлагандирсан? Юргилар, ўша дараҳтни бориб кўрамиз, ҳаммаси ўша жойда равшанлашади». Улар бориб дараҳтни топипишибди. Ҳақиқатда ҳам файласуфнинг тахмини тўғри чиқибди.

Тасаввур қилинг, ўша сурув-сурув ҳайвонлар у файласуфга дуч келмаганда нима бўларди? Албатта, ўзига хос

бир қиёмат юзага келарди. Ва унинг бош сабаби ҳеч ишуб-ҳасизки, қўрқувдир. Қўрқув ва ваҳима қачон тантана қила-ди? Қачонки ақл, мушоҳада сусайса. «Куён»ларнинг ҳоли-ни тушунса бўлади. Лекин бошқа ҳайвонлар-чи? Нега улар қўрқув ва ваҳимага бунчалик тез, бунчалик осон таслим бўлишди? Бу ҳақида бош қотирса, бунинг сабаблари ху-сусида кенг фикр юритса, асло зиён қилмайди. Чунки ин-сон ваҳима ва қўрқувнинг «қайноти»га етиб бормагунча, ўзига хос бир изчиллик ва журъат ила уларни чукур ид-рок этмагунча, ҳеч вақт жасорат туйғусига соҳиб бўла ол-майди. Журъат ва жасорат қуруқ гап ёки даъво эмас, ҳол ва маънодир. Бунга етишмоқ учун эса ҳам сабот, ҳам маъ-рифат зарур. Инсон ҳеч қачон ўз-ўзидан шижоатли бўла қолмайди. У ўзининг кучсизлик, қўрқоқлик, мунофиқ-ликларини мушоҳада этиб, журъат ва жасорат туйғусига эришади. «Болалигимда кимсасиз уйдаги айрим нарсаларни қўриқлаш учун бир ўзим тунашга тўғри келган эди, - дея ҳикоя қиласи Нажмиддин Кубро, - Шайтон: «Уйга ўғри киради», - деб тинимсиз васваса қиласар, нафсим эса ва-ҳимада эди. Ҳолбуки, эшиклар бекитилганди. Файбий туй-гуларнинг уйғониши, ҳисларнинг адашиши ва қўрқув шиддатидан бўлса керак, мен ўғри келганлигига қатъий ишондим. Гўё унинг тиқиллатиши эшитиларди: ана, эшик-нинг ёнига келди, тақиллатди, беркитилганлигини бил-гач, зулфинни ўйнай бошлади. Ниҳоят, эшикни очди ва ичкари кирди. Ақлим қочиб, беҳуш бўлдим. Эртаси пе-шинга яқин ҳушимга келгач, ўзимга ўзим: «Менга нима бўлди?» дедим. Иттифоқо, тунда уйга ўғри кирганини ва батзи нарсалар ўғирланганини эсладим. Дарҳол нарсаларга қарадим. Ҳаммаси жой-жойида эди. Эшикни текширдим - у ҳам берк эди. Шундагина бунинг ҳимматим қилмиши экан-лигини англадим. Қаттиқ қўрқсанда аллақандай қўрқинчли шахслар кўзга кўринурки, бунинг сири ваҳмдир». Болалик-лаги ваҳм болалиқда қолиб кетмайди: у инсон билан баб-баробар ўсиб-улғаяди.

Ривоятга кўра, бир одам кунлардан бир кун йўлда кетаётиб Вабога дуч келиб қолибди-да, ундан қаёнга бораётганини сўрабди. «Қўшни юртга хизматчилик: беш юз одамнинг жонини олиб қайтаман», - дебди Вабо. Орадан анча фурсат ўтибди. «Хизмат сафари»дан қайтаётган Вабо билан ҳалиги киши яна учрашибди. «Юкинг оғир қўрина-ди. Кўп кишининг шўрини қуритдингми дейман?». Шунда Вабо: «Шунаقا бўлиб қолди. Аслида мен беш юз киши-нинг жонини олдим, холос. Лекин бир ярим минг киши қўркувдан жон таслим қилди», - деган экан.

Хулоса аниқ: қўркув вабодан ҳам ёмон. Қўркув ҳалокати вабоникидан ҳам даҳшатлироқдир. Шу боис тасаввуф инсон қалби ва руҳиятини қўркувдан тозалашга алоҳида эътибор қаратгандир. Чунки қўркув ва таҳлика иро-данинг кушандаси, эркинликнинг кўзга қўринмас қафа-сиdir. Ҳамма жиноят, ҳамма хиёнат, ҳамма қабоҳатларда қўркувни қўли ва иштироки бордурки, у ҳар қандай кишини ожиз, муте, ҳақиқат ҳисси ўлган бир маҳлуққа айлантиради. Шунда қўрқмаслик шарт ва зарур бўлган нарсалардан ҳам қўрқилади. Тасаввуфда қўркув бир неча турга ажратилган. Булар: 1. Дунё аҳлининг қўркуви. 2. Охират аҳлининг қўркуви. 3. Аҳдуллоҳнинг қўркуви. Бу қўркувлар орасида инсонни таҳқирлайдиган, ваҳима кўзғайдиган ва журъатини емирадиган қўркув дунё аҳлининг қўркувидир. Чунки у мол-мулк, амал ва мартаба, ҳузур ва ҳаловат кабилардан ажралишдан туғиладиган, одамни одамга муте ёки қарам этадиган таҳлика ва қўркув ҳисобланади. Тарикат тарбияси эса инсонни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимадан қўрқмаслик даражасига юксалтиради. Буни Нажмиддин Кубро амалда исботлаган эди.

V

Биринчи жаҳон уруши йилларида рус мутафаккирларидан бири, «Инсон фақат Инсон бўлиб қолмоғи мумкин эмас: ўзидан у ё баланд кўтарилиши ёки тубанликка

кулаши керак, у ё Аллоҳга томон юксалади ёки йиртқичлашади», - деган экан. Дарҳақиқат, инсоннинг фақат инсон бўлганлиги учунгина қаноатланиши ва фахрланиши ҳамиша ҳам ўзини оқлай олмайди. Зоро, Инсон яхшилик ва ёмонлик, шафқат ва ёвузлик, меҳр ва қаҳр каби ўзаро ниҳоятда зид, қарама-қарши хусусият ва туйғуларнинг бир мужассамидир. Худди шу ҳақиқатни чуқур билиш - Ўзни билишнинг энг асосий, балким, биринчи шарти эрур. Акс ҳолда ҳар қандай олий туйғу ва тушунча куруқ гап бўлиб қолади. Оқибатда эса ҳақиқат ва тўғрилик туйғусига талабгорлар сони камайгандан камайиб бораверади, етуклиқ, комиллик ҳақидаги баланџпарвоз сўзларни чайнаш бир урфга айланади. Бундай пайтда саёзлик, маҳдудлик ва авомлик шиддат-ла илгарилайди. Зоро, маърифат завқи барҳам топган, нафсоний ва шайтоний муносабатлар тантана қилган муҳитда бошқача бўлиши мумкин эмас.

«Илк бора хилватта кирганимда, - дейди Нажмиддин Кубро, - ичимда бир риё, шуҳратпастлик туйғуси, минбарларга чиқиб тариқатни инсонларга англатиш ва ўргатиш орзуси бор эди. Мен шуҳратпастлардан эмас эдим. Аммо риё мени барибир улар сафига қўшаётган эди.

Сўнгра билганим қадар «Бу йўл тўғридир» дея менди бир кашиф ҳосил бўлди. Лекин хилватнинг тамали бузук эди. Чунки мақсадим сахиҳ, ниятимда содик эмас ёдим».

Бугуннинг одами ўзини-ўзи бунаقا тарзда тафтиш эта олмайди. Бунга сал-пал эришса-да, ҳақиқатни очиқласига ётироф қилишга кучи етмайди. Умумий бу кўникума учун кимларнидир айблаш инсофдан эмас. Қолаверса, ҳар бир шахс Нажмиддин Кубронинг «Унутмагилки, малак, пафс ва шайтон Сендан айри ва сендан ташқари бир борлиқ эмасдир, билъакс, улар -сен, сен - уларсан», - деган фикрларига маърифат куч-куввати ила иқрор бўлмас экан, у ҳеч вақт ўзининг ҳис-туйғу ва майлларини холис таф-


тиш қилишга кириша олмайди. Бунинг бир сабабини бошқа бир шайх: «Инсонларнинг кўпи маърифатнинг шарафидан бенасиб, лутфларидан жоҳил, мартаба қудратидан хабарсиз, теран маъноларидан узокдирлар», дея шархлайди ва уларни «адоват тарбиясида»ги кимсалар деб баҳолайди. «Адоват тарбияси» - бу нафс ва шайтон тарбияси демак. Нафс ҳам, шайтон ҳам одамнинг ботинидаги «мураббий». Уларнинг тарбия, таъсир ва таъқибларидан қутулиш жуда-жуда мушкил. Нажмиддин Кубро буни тўла эътироф этган ҳолда нажот усули ва йўлларини ҳам аниқ кўрсатиб беради. Шу маънода улуғ Шайхнинг тажрибалари фавқулодда қизиқарли ва ниҳоятда ибратли эрур.

Машхур Япон адаби Кавабата Ясунарининг икрорига кўра, «шайтон дунёси»га кирмоқ жуда қийин. Кучсиз руҳ билан у ишни улдалаб бўлмайди». Бу гапга инонмоқ керак. Чунки шайтон дунёси инсоннинг сийратидаги бир дунёдирки, ундаги тўсиқларнинг сон-саноғига етиш ва уларнинг барини тубдан йўқотиш бафоят душвор. Бу «тўсиқлар» эса инсондаги нафсоний ва шайтоний ҳирсу ҳаваслардир. Буларнинг бир қанчалари ҳукмронлик мавқеига эга бўлса, яна бир қанчалари авраси, алдаш, тўғри йўлдан оздиришга моҳир. Лекин бу ерда масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Вақту замон кечгани сайин иблисликда инсон Иблислан ҳам илгарилаб, хусусан, кейинги асрларда бузғунчилик, ёвузлик, зулмкорлик, қонхўрликда Иблислинда лол қолдирадиган, ҳатто қўркувга соладиган ҳолга етган. Ҳусайн Жовиднинг «Иблис» ва «Иблиснинг интиқоми» драмалари ана шу мудҳиш ҳақиқат тасвирига бағишлиланган. Тасаввувуф аҳли бу фожеани олдиндан кўрган ва оқибатларини яхши тасаввур эта олганликлари учун Инсон ва Шайтон, шайтонийлик ва инсон қисмати муаммосига доимий равишда дикқатни жалб этиб келганлар. Нажмиддин Кубро асарларини ўқиганда бунга яна бир карра ишонч ҳосил этасиз.

VI

Имом Раббоний тасаввуфга доир китобларни ўқиши ҳеч вақт ҳеч кимга зиён етказмаслигини маҳсус таъкидлаган. Албатта, тариқат, маърифат, ҳақиқат ёки ишқ ва комиллик сирлари ёритилган китоблардан одамлар фойда кўрса кўрадики, зарар кўрмайди. Аммо ўша китоблар фирт авом, жоҳил ва нодон ёки фикр-қараашлари тор, қайсар олимларнинг кўлига тушса-чи? Бу жуда ёмон, албатта. Чунки уларда ифодаланган маъно ва ҳақиқатлар, биринчидан – жўн ва нотўғри тушунилади, иккингиздан – тасаввур этиб бўлмас даражада хато ҳукмлар чиқарилади, хилма-хил ёлғонлар тўқилади. Шунинг учун ўтмишда сайри сулук ҳолларини яшай билган ёки тасаввуфнинг бош талабларига баҳоли қудрат амал қила олган кишиларгагина тасаввуф ҳақида сўзлаш ҳуқуқи берилган. Нажмиддин Кубро ҳазратларининг ибрат ва намунага айлануб қолган улуғ хислатларидан бири ҳам шуки, у киши Ҳақ йўлчиси ўлароқ сайри саёҳатда нимани бошидан ўтказган бўлса, шуни гапирган. Ақлий, маънавий, руҳий куввати нималарга етган бўлса, шуларни баён этган. Эришганини - эришдим, деган. Эриша олмаганини эса яширгмаган.

Азиз китобхон! Нажмиддин Кубронинг тасаввуфга доир рисолаларини алоҳида бир қизиқиш ва ихлос билан ўқишига киришарсиз. Лекин уларнинг маъно-моҳиятини пухта ўзлаштиришда, хусусан, «Фавойиҳ-ул жамол»ни зарур даражада англапида анча қийналасиз. Бунга деярли ҳаммамиз ҳам қийналамиз. Чунки рисолада ифодаланган ҳол тажрибаси, руҳониятдаги эврилиш ва юксалишлар биз учун бир тарихдир. Демак, бу «тарих»га яқин бориш ёки уни ўзимизга яинлаштиromoқнинг биринчи шарги тарихий туйғу ва билимга эга бўлмоқдир. Ана шунда Кубронинг руҳ, маъно, тафаккур оламига эркин кириб боришга монер. Ҳилгувчи тўсиқ ва пардалар бирин-кетин бар-



ҳам топа бошлайди. Ана шунда Сиз ул мислсиз руҳшуноснинг: «Қудсий руҳ латиф ва самовийдир. У ҳиммат қуввати ила тўлиб-тошгани замон самога битинпур ва самоунда фарқ бўлур. Аслида руҳ билан само айни бир нарсадир. Бу руҳ бетиним равишда парвоз этар, юксалар, қувватланар, тарбияланар ва мукаммаллашар, самонинг шарафидан ҳам олий бир шарафга эришимоқ учун ушбу ҳол давом этар. Ниҳоят само чўққисини ишғол айлар», - деган фикрларига ишончсизлик кўрсатолмай қоласиз. Энг асосийси, руҳоний ҳурлик ва эркинлик завқини тата бошлайсиз. Буни ботиний ҳолат ва ҳиссиётларингиздаги ҳайрли ўзгариш - янгиланиш дея англасангиз, хато қилмайсиз. Шунда аниқ ишонасизки, ҳур одам бошқаларнинг дунёсида яшашни асло истамайди. Унинг эркин, гўзал ва дахлсиз ўз дунёси бор. Ҳур одам манфаат тузогига илинишдан жуда баландлаб кетган бўлади. Бундай киши қушдай енгил, қушдай озод - нафс қутқуларидан фориғликда кун кечиради. Аммо бу - бир бора покланган қалб қайта кирланмайди, бир маротаба ҳурликка етишган киши ўзини ҳеч қачон қулликка маҳкум этмайди, дегани эмас. Шу маънода тасаввуфдаги нафс таълимоти ва нафсни тарбиялаш тажрибаси ҳеч вақт эскирмайдиган, доимий равишда комиллик мақсадига хизмат қилишга қодир таълимот ва тажриба эрур, дейиш жоиз.

Биз нодонлик ва жаҳолат зулматига илм нури барҳам беришига шубҳаланмаймиз. Бу тўғри, албатта. Шунинг учун олимликка ҳам ишонч-эътиборимиз баланд. Лекин ёлғиз илм билан ёки олимлик даражасини эгаллаш билан асосий муаммо ечилимаслигини кўпда ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ваҳоланки, «Қанча илмлар бордурки, натижаси жаҳолат ва билимсизликдир. Қанча илмсизликлар бордурки, самараси илм эрур. Кишига фуур ва худпарастлик иддаосини туғдирадиган илм жаҳолатдан ўзга нарса эмас» («Ан-Низомул хос», 169-бст).

Тасаввуфда «Ақаботи сабъа» деган ва нафси аммора-

нинг етти таврини англатадиган ибора бор. Булар: 1. Бухл. 2. Ҳирс. 3. Жаҳл. 4. Кибр. 5. Ҳасад. 6. Шаҳват. 7. Фазаб. Агар олим жаҳд этса, илм шарофати туфайли ушбу етти оғатлан холос бўлиб, нафси мулҳима мартабасига етишиши ва саҳоват, қаноат, тавозеъ, сабр сингари сифатларга соҳиб бўлмоғи мумкин. Бироқ нафси мулҳима «мазолики ақдом» - оёқ тойдирувчи жой, манзил бўлганлиги учун ҳатто илм-ал яқийн сирларидан воқиф олим ҳам ўзига бино қўйиб илмидан мағурурланганда яна нафси амморага қайтишга маҳқум. Бу аросат туйғуси бош кўтарганда олимнинг олимлигидан ному нишон қолмайди: у қаҳр вағазаб оловида ёнади, йиртқичлашади, ашаддий товламачига айланади, манфаатига тўқнаш келган ҳар бир одамга ташланишдан ўзини тия олмайди. Бундай ҳолат ва ҳодисани ҳаётда кўп учратиш ёки кузатиш мумкин. Тасаввуф аҳлининг ҳол илмига нажот ва умид кўзи билан қараб, зоҳирий илмларга бир қадар шубҳа билдиришларининг асосий сабаби ҳам ана шунда. Агар масаланинг ушбу томони инобатта олинмаса, Нажмиддин Кубронинг баъзи мулоҳазалари, жумладан: «Хилватдан нарида бир қанча китобларим бор эди. Уларни ўйлардим. Худди шу китоблар мени ўн бир бора хилватдан айирдилар..», деган фикрлардан тескари маъно чиқариш эҳтимолдан йироқ эмас. Яна такрор таъкидлаб айтамиз: Нажмиддин Кубро рисолаларидағи мақсад-муаддо, фикр ва мушоҳадаларни тез англаб ва жуда ўнгай ўзлаштириб бўлмайди. Уларни секинлик ва сокинлик билан, ҳол ва маърифат, ишқ ва хақиқат асрорларини баҳоли қудрат идрокдан ўтказиб, ўқиб-ўрганиш зарур.

Кубро мушоҳадани иккига ажратади: бири - Адно. Иккинчиси - Аъло. Кейинги мушоҳада юксак даражадаги мушоҳада бўлиб, у самодаги борлиқларга алоқадор. Бу ҳақида «Фавойих»даги мана бу гапларга эътибор беринг: «Файбат ҳолида мушоҳада қилинган осмонни - кўриб турган осмонинг деб ўйлама. Файб оламида янада латиф, янада

яшил, яна ҳам соғ ва бениҳоя порлоқ сонсиз -саноқсиз кўклар бордир.

Ўз ботиний поклигинг орттани ва илгарилаганинг сайин само ҳам сенга беҳад очиқ, гўзал ва соғ кўринур». Биз бу гапларга ишонгимиз келади. Аммо гайб оламидағи ўша латиф, ўша соғ ва порлоқ кўкларни қўришга имконимиз етмайди. Чунки бизда басират тарбияси йўқ. Лекин ҳамма нарса ботиний покланиш ва руҳ тазкиясига боғлиқ эканлигига умид боғласак бўлади.

Маърифат қанотини Кубро ишқ қанотидан ҳам баланд ҳисоблаганида муҳораба, мукошафа ва мушҳада қудратига тўла инонган эди.

VII

Олмон файласуфи Ф.Нитшенинг хulosасига кўра, инсон ёлғонсиз яшай олмайди. Унга ёлғон керак, у ҳақиқатга содик бўлиш, ҳақиқат юкини кўтаришга қодир эмас. «Одамларнинг тинчини бузманг! Улар ўзларининг ёлғон ва алдовлари билан умр ўтказаверишсин. Ёлғон яхши, ёлғон ҳаётнинг тираги», - дейди Нитше. Бу гапларга эътироф билдириш мумкин. Инкор этса ҳам бўлади. Лекин эътироф ва инкорга шошилмасдан, «Нитше қанчалик ҳақ, нечоғлик ноҳақ?» - деган савол хусусида ўйлаш керак. Биринчи ёлғон сўзлаган кимсанинг кимлигини ҳозир ҳеч ким билмаса керак. Аммо ёлғончилик инсониятга хос нарса эканлигини, ҳамма даврларда ҳам ёлғон у ёки бу тарзда башар ҳаётидан ўрин эгаллаб қелганлигини деярли ҳамма билади ва бунга икрор бўлмасликнинг имкони ҳам йўқ. Агар кейинги бир асрдаги ёлғонлар - ижтимоий, сиёсий, диний, маънавий ва маданий риёкорликлар сарҳисоб этилса, Нитшени ҳақиқат султони дея аташ лозим бўлади. Ахир, одий одамдан тортиб ёзувчи, шоир ва олимгача - бирор кўп, бирор камроқ, бирор қўрқиброқ, бирор қўрқмасдан ёлғон ишлалади. Ёлғон тоғ «кислород»га ўхшайди: нафас олишини сингилаштиради, иш ҳаракати-

ни тезлаштиради. Қандайдир дадиллик бағишлайди. Шу боис баъзилар учун ёлғон - яшаш усули эрур. Шунга қарамасдан, олмон файласуфининг фикрини тўла маъқуллаш түғри эмас. У инсонга фақат инсонийлик доирасида назар ташлайди. «Нафсини таниган - Раббини танир», деган ҳақиқатни Нитше балки билмагандир. Бироқ билганда ҳам буни у таң олмасди. Чунки Нитше чинакам дахрий. Аллоҳни инкор этган киши, албатта, инсоннинг илоҳийлашуви ёки Аллоҳ ила унсиятига ҳам ишонмайди. Щарқ тасаввуфи ва тасаввуф фалсафасида эса аҳвол тамоман бошқача: ёлғон инсон или Ҳақ орасидаги парда ва тўсиқдирки, ундан қутулмаслик ўз-ўзига душманлиқдир. Қолаверса, ёлғон ўрин олган кўнгилда меҳр, ишқ, ваҳдат ҳисси, албатта, заволга учрайди. Куръони каримда дунёни чукур билиш, рост ва ёлғонни хатосиз фарқлаш ва илоҳий сирлар мушоҳадаси учун ақлдан юксак бир қудрат ҳақида гапирилган. Бу - басират эрур. Басират тасаввуфдаги та-мал тушунчалардан бири бўлиб, сўфий ва мутасаввифлар уни деярли бир хилда англаб, бир хилда шарҳлашган. Басират - қалб кўзи, қудсият нури или ёришган қалбнинг фавқулодда қуввати демак. Басират хусусида энг кўп мулоҳаза юритган алломалардан бири Имом Фаззолийдир. Унингча, «Ақлдан нарида бошқа бир давра бордирки, унда ўзга бир кўз (қалб кўзи) очилур. Худли шу кўз или гайб кўрилур, келажакда воқе бўладиган ҳодисаларни, ақл англашга ожиз қоладиган нарсаларни англаш мумкин бўлур». Басират кўзи очиларкан, инсон маънобин бўлади, латифликни ва латиф нарсаларни севади, қадимдан ажралмайди. Унинг дунёга муносабати ва дунёни билиши тубдан ўзгаради. Ва қалби ҳақиқий маънода нур опиғига айланади. Шунинг учун Алишер Навоий:

*Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар, –*

дек кўрсатма беради. Чунки фафлатга таслим бўлмай, юзаки

ҳиссиётларга берилмай, дунё макру ҳийлаларига алданмай ҳақиқат ва келажакни ёрқин кўрмоқнинг бошқа йўли ҳам, чораси ҳам йўқдир. Султон Валад «Маориф» асарида басиратни виждон кўзи дея таърифлаб, шундай қимматли фикрларни баён этади: «Назар иккидир. Бири маҳсус, иккинчиси виждоний эрур. Биринчиси бошимиздаги кўздир. Виждонийси эса унинг-ла ўзимиздаги қаҳр, хотиржамлик, дарғазаблик, лутф, жўмардлик, фақирлик, садоқат, дўстлик, душманлик, бирлик, қарама-қаршилик, шаҳват ва иффат ҳолларини кўра оладиганимиз кўздир. Сен буларни бошдаги кўзинг билан кўра олмассан. Виждоний кўз билан кўриш зоҳир кўзи билан кўришдан кўп карра теран ва устун бўлур. Зоро, виждоний кўз ила ичингдаги шаҳват, кўркув ва баттоллик ҳолларини тўлиқ кўрарсан. Бошингдаги кўзни қанча очиб - ёпма, булар барҳам топмас...».

Хўш, бу виждоний кўз, яъни басиратнинг очилишига қандай эришса бўлади? Бунинг биринчи ва асосий шарти - қалб тасфияси. Қалб покланмас экан, инсон учун ҳеч бир нарса пок ва мусаффо эмас. Зоро, у покни - чиркиндан, латифни - касифдан, бокийни - фонийдан ажратса олмайди. Бундай ҳолда эса ҳар қандай юракда сохта ва ёлғон иддаолар, майда ва гаразли туйгулар, табиий ахволга номувофиқ доноликлар, илдизсиз шиҷоатбозликлар хукмронлик этади. «Кулнинг ихтиёри ва иродаси, - дейди Ҳужвирий, - унинг шахсий сифатларидир. Кул ўз иродаси ила Ҳақнинг иродасидан маҳжуб, яъни пардалангандир. Бу ҳолда қулнинг сифати орадаги ҳижоб ва пардадир. Шубҳа йўқдурки, Ҳақнинг иродаси азалийдир». Азалий бўлган нарса, албатта, фоний бўлмайди. Демак, инсон покланиш деганда, энг аввало, олий сифатларга соҳиб бўлиш ва иродасини Ҳақ иродасига фоний этишини эътиборга олмоғи лозим. Басиратнинг очилишини шундан бошланади. Ана шунда тарки дунё туйғусининг нуқсонсиз шаклани-

шига ҳеч нарса монелик кўрсата олмайди. Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш зарурга ўхшайди.

Ҳадислардан бирида «Исломда таркидунёчилик йўқ», дейилган. Суннатга қаттиқ риоя қилган аҳли тасаввуф қарашида дунёни тарк қилиш ёки дунёга қўл силташ қабилида фоя ва тушунчалар мавжуд. Сўфиylар дунёни мазаммат қилиш ва ундан этак силкишни асосий мақсадларидан бири деб билгандар. Аммо улар «дунё» деганда нимани кўзда тутишган ва нимани англашган? Биз буни ҳанузгача аниқ билмаганимиздек, тўгри тасаввур ҳам эта олмаймиз. Ва Аҳмад Яссавийга ўхшашиб зотларни дунё қадрқимматини билмаганиликда айблашдан ҳам хижолат чекмаймиз. Ҳолбуки, улар ваҳдати вужуд эътиқодига содик яшаганликлари учун ҳеч бир ашёга таҳқир кўзи билан қарамаганлар. Аллоҳ яратган ва Бирлик туйғусига халал етказмайдиган ҳеч бир нарсадан йироқлашишга ундалмаганлар. Шу боис ҳам Мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»да:

*Нист дунё нукраху фарзанди зан
Чист дунё? Az Xudo gofil будан, –*

дейди. Бу байтдан келиб чиқадиган хулоса шуки: Сен бойликни ҳам, аёл ва фарзандни ҳам дунё деб билма, улардан юз ҳам бурма! Дунё нима? Дунё - Худодан гофил бўлмоқ эрур. Сени нима гафлатда тутса, нима ҳақиқатдан узоклангтиурса ана шуни дунё деб билгил.

Бизнинг назаримизда, Мавлононинг бундай фикрни илгари суришида, кўнглида ватан ишқи жўшган, халқи-цинг эрку озодлиги учун жонини-да аямаган, буюк муъжид Нажмиддин Кубро тариқати ва шахсиятининг таъсирини илғамаслик мумкин эмас. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ида ўқиймиз: «Чун тотор куффори Хоразмга етибдурлар, Ҳазрати Шайх (яъни Кубро - И.Х.) асҳобини йигиб, амр қилибдурларки, вилоятларингизга боринг. Алар ул ҳазратнинг амри бирла ўз вило-

ятларига борибтурлар. Шайх дебдурларки, биз бил куффор илкида шаҳид бўлурмиз. Асҳоб тарқоинидин сўнграким, куффор Хоразмга кирибтурлар Ҳазрати Шайх қолғон асҳоби бирла чиқиб, ғазвига машгул бўлибтурлар, то шаҳодат шаробин тотибдур. Дерларки, шаҳодат вақтида бир кофирнинг парчамин тутқон эрминилар. Андоқки, шаҳодатдин сўнгра ўн киши ойира олмайдур ва ул парчамни кесиб ойирдилар. Ва баязи дебтурларки, Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий ғазалиётида ишорат бу қисса ва ўз иқтибосини ҳазрати Шайхқа қилиб дебтурки, шеър:

*Мо аз он муҳташамонемки, соғар гиранд,
На аз он муфлисонки, бузи логар гиранд
Ба яки даст майи холиси иймон нўшанд,
Ба яки дасти дигар парчами кофар гиранд.*

Мазмуни: Биз ўшал соғар ичгувчи муҳташамларданмиз. Озгин эчки етакловчи муфлислардан эмасмиз. Бир кўлда иймоннинг холис майини нўш этсак, бошқа кўлимиизда эса кофир байробини қаттиқ тутамиз».

Дунёда иккита асосий йўл бор: бири - Ҳақ йўли, иккинчиси - халқ йўли. Халқ йўлини танлаган ва шунинг билан чекланган киши Ҳақ йўлига юксала олмаслиги мумкин. Аммо Ҳақ йўлига кирган чинакам ошиқлар эса халқ йўлидан ғофил қолмайдилар. Улар учун Ҳақ ишқи халқ ишқидан ажралмасдир. Имон «қадаҳи» уларни элу юрт ташвиши билан яшашга, энг оғир синовларни ҳам матонат илиа енгиб курашишга илҳомлантирган. Бунинг тамалида эса, юқорида изоҳлаганимиз басират туради. Нажмиддин Кубро басиратнинг қандай очилиши ва навбатма навбат вужуддан қандай ўрин эгаллаши ҳақида сўзлаб, уни «нуроний шахс» дея характерлайди. Хуллас, басират соҳиблари қалб хасталикларининг табиблари дурлар. Улар ботиний иллатларга барҳам беришга қодирдурларки, сўзлари даво, назарлари шифодир. Аллоҳга яқин қаҳрамонлар

бўлганликлари учун улар билан муносабатга киришгандар ва сұхбат қурғанларнинг ботинидан маънавий хасталиклар, ёмонлик ва ёвузликлар супурилиб кетган.

VIII

Ҳамма дарвеш шоирлик салоҳиятига соҳиб бўлмаганидек, ҳамма шоир ҳам дарвешлик завқ-шавқига етиша олмайди. Аслида дарвешнинг кўнгли билан шоирнинг кўнглида, дарвешнинг идроки билан шоирнинг идроки орасида кескин фарқ сезилмаслиги керак. Дарвешлик туйгуларидан маҳрум шоир ҳурликнинг олий мақомларига юксала олмайди. Гўзалликни чинакам шоир қалби билан мушоҳада эта олмаган дарвеш эса ишқ алангасида ёнмоқдан бенасиб қолади. Зоҳири ҳеч қачон ботинига мувофиқ келмайди. Масалага чукурроқ қарайдиган бўлсак, дарвешлик шоирликка ўхшаб фитрий бир қобилиятлигига тан беришга тўғри келади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Нажмиддин Кубро бир рубоийсида:

*Зинҳор мазан ту таъна бар дарвешон,
Ҳастанд эшон, чунончи ҳастанд эшон, —*

— Сен зинҳор дарвешларга таъна қилма, улар қандай бор бўлган бўлсалар шундайдирлар - ўзгармайдилар, дегандир. Албатта, тарбия, шароит, мұхит, эътиқод - булар шоирга ҳам, дарвешга ҳам таъсирини ўтказади. Аммо шоирнинг ҳам, дарвешнинг ҳам таъсиrlаниш маркази фақат ва фақат Кўнгилдир. Маънавий ҳаёт тамали ўлароқ Кўнгилга таянишда, дунёга қалб кўзи билан қарашда, руҳоният жабҳасидаги масъуллик ва ҳақиқатта ташналиқда улар бир-бирларига жуда яқин. Қонида дарвешлик жўшган шоирнинг овози бошқача янграйди. Шахсияти ярқ этиб кўзга ташланади. Бундай овоз тозаланган ва холис бўлади. Бундай шахсият ҳайратланарли даражада хоксор, самимий, маърифий куч-кувватга тўлиқлиги билан ажralиб туради. Ёлғиз шундай шоиргина одамларни ишқ ва маъ-

рифат шароби ила маст айлаши, ҳеч кутитмаган тарзда кўнгил ҳақиқатларига диққатни қаратиб, Руҳ ва руҳониятчилик байробини баланд кўтариши мумкинdir.

Тасаввуф аввал бошданоқ шеъриятга муҳтоҷлик сезган: шеър йўли, фақат шеърга хос таъсир усуллари ила кенг омманинг қалбини забт қилишни кўзлаган. Ва мақсадга эришган ҳам. Бироқ шеърият ҳам бундан ютқазмаган. Тасаввуфга яқинлашган, тасаввуф билан чуқур алоқа ўрнатган Шарқ шеърияти - бу нисбатан бошқа Шеърият, том маъноси ила Инсонга муносабати теранлашган, инсоннинг қалби, руҳоният сирларини кашф эта билган Шеърият. Чунки тасаввуф инсон ва инсонийлик маъномоҳиятини бутун мураккаблиги ва бутун мукаммалиги ила кашф этиш илми, дастури, тажрибаларини жорий айлаган эди. Шеърият эса буларни ўз табиати, фаолияти ва тараққиётига мувофиқ равишда танлаган - на танлаш, на таянишда айтарли хатога йўл қўймаган. Шунинг учун қадим Туркистонимизда ҳам шайхларнинг - шоирлиги, шоирларнинг - шайхлиги файритабиий туюлмаган. Хусусан, икки буюк тариқат - яссавийлик ва кубравийликнинг асосчилари Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубронинг шеър битишга рағбат кўрсатишлари тариқат тарихидагидек, шеърият тарихи учун ҳам улкан воқеадир. Бироқ бу икки Шайхнинг шеър ёзганлигига шубҳа ила қарашлар ҳам йўқ эмас: бирига нисбатан кўпроқ, иккинчисига озроқ - лекин бор. Бундан бир неча ўн йил муқаддам атоқли рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти» номли китобида Нажмиддин Кубронинг рубойларини эълон этган эди. Турли тазкиралардан терилиб жамланган бу рубойларнинг сони бор-йўғи йигирма бешта. Кубро шеъриятини бойитадиган ёки унинг шоирлигини янада пухтароқ асослашга далил бўладиган бошқа шеърий намуналар ҳануз топилганича йўқ. Бу эса маълум бир шубҳали мулоҳазаларга сабаб бўлиши табиий. Кубро ижодиёти бўйича анча муддат жиддий изланишлар

олиб борган, асарларини таржима қилган усмонли турк олими Мустафо Қора худди шундай фикрладир. У Е.Э.Бертельснинг ишини мақбул кўрмайди. Унингча, биринчидан, ишончли ва қадимий манбаларда Кубронинг шоирлигига алоқадор бирор бир далил ёки қайд учрамайди. Иккинчидан, модомики Кубро шоирлик хунарини пухта эгаллаб шунча рубоий яратган экан, шу иқтидорини барча асарларида намойиш этиши, исботлаши лозим эди. «Фавойиҳ-ул жамол»дек бошдан-охир нозик ва психологик таҳлилларга тўлиғ бир асарда шеър унсурларига ўрин берилмаслиги англашиларсиздир», дейди Мустафо Қора. Бизнингча, айнан «Фавойиҳ»ни ўқиган одам Куброда шоирлик салоҳияти юксак бўлганлигига ишонади. Бундан таш-қари, асардаги ўша «инжа ва психологик таҳлиллар» Кубро рубоийлари билан қиёсланса, ўргада шакл ва тасвирдан бошқа фарқ йўқлигига ишонмасликдан ўзга имкон қолмайди. Масалан, «Фавойиҳ» да нафси Афъо дейилмиш илонга қиёслаб айтилган гаплар билан «Дев аст ларуни ман ки пинҳон нест» мисраси билан бошланадиган рубоийдаги фикр орасида моҳиятган кескин тафовут йўқдир. Шунингдек, Куброга бағишлиган маноқибларла унинг шоирлигига ургу берувчи далиллар мавжудлигини Мустафо Қора негадир эътибордан соқит қилган.

Маълумки, қадим-қадимдан икки нарса шеърнинг асосий шарти деб белгиланган: биринчиси - мазмун гўзалиги, иккинчиси - ифода гўзалиги. Ифодада бир қадар яхши натижага эришилса-ю, мазмун бўш, саёз бўлса - бундай шеър ҳеч қачон зукко шеърхон қалби ва руҳига таъсир ўтказолмайди. Бунинг акси бўлганда ҳам аҳвол шунга яқиндир. Кўнгчилик, шеърда ифода ва тасвир гўзалигини қўлга киритиш қийин, деб ўйлашади. Бир томондан бу тўғри. Аммо шеърда ўқувчига шавқ бағишлидиган, унинг фикр-қарашларини янгилашга таъсир кўрсата оладиган жозибали, бўлиғ мазмунни кашф этиш қийин хунардир. Ана шу хунарни кўп шоир қойиллатиб бажара

олмайди. Ана шу ҳал қилувчи жойда ҳатто қаламининг кучига ишонган шоирлар ҳам оқсайди. Чунки Мирзо Фатали Охундов ҳаққоний таъкидлаб ўтганидек: «гўзал мазмун топмоқ, Аллоҳ тухфаси бўлган табиий хусусиятларданdir, аммо қофия тизмоқ, бошқа санъатлар каби ўрганиш мумкин бўлган бир нарсадир».

Кубронинг рубоийлари - каشف ва илҳом меваси. Улар оддий бир шоирнинг эмас, балки тариқат тартиб-қоидлари бўйича яшаган, хилват ҳаётининг ранж ва тўсиқларига бардош бериб қалбини поклаган, гоҳ ошиқлик, гоҳ орифлик, кўпинча валийлик ҳолатларидан масрур шоирнинг кўнгил изҳоридир. Кубро рубоийларининг асосий қисмида ҳолдан ҳолга ўтаётган, бутун эътибори ўзининг ботиний ўзгаришига қаратилган Сайёрнинг фикр-қарашлари дарж этилган. Назаримизда, уларни Кубро рисолалари билан қиёсий тарзда тадқиқ ва таҳлил этиш келажакдаги қизиқарли илмий текширишлардан саналади.

IX

Е.Э.Бертельс Нажмиддин Куброни XII-XIII аср сўфийлар орасидаги энг ёрқин шахслардан бири, деб баҳолайди. Дарҳақиқат, Нажмиддин Кубро шахсиятидек муҳаввар, маърифатли, ватансевар ва жасур шахсиятнинг дунёга келиши, умуман, инсоният тарихида сийрак учрайдиган ҳодисалардан. Нажмиддин Кубро дин ва тариқатнинг, миллат ва маънавиятнинг энг порлоқ юлдузи эрур. Бундай сиймолар борлиғидан порлаган нур улар жисман маҳв этилганда ҳам сўнмайди.

Озарбайжоннинг машҳур шоирларидан Муҳаммад Фозийёзади: «Эй ҳибсхоналар, эй зиндонлар, эй мозорлар, сиз на қадар муқаддас маконлардурсизки, вориқаи жамоли ҳақиқат сизнинг қоронғу қучоқларингиздан порламишлар... Тиз чўкурмен эшикларингизгаким, ичкарисида лоҳутий сиймолар, мунаvvар лиқолар, порлоқ фикрлар, улвий хаёллар сокинидир». Даҳшатли ёвузликни пи-

санҷ этмаган, ўлимдан қўрқиб-қакшамаган Нажмиддин Кубронинг мозори - ҳақиқат ва жасорат нури порлаган, улвий хаёл ва енгилмас эътиқод сокин ана шундай муқаддас макон эрур. Унда ҳамиша авлодларни Аллоҳ севгисига чорловчи, юрт ва миллат эркини ҳар нарсадан устун қўйишга илҳомлантирувчи тирик руҳ ҳоким бўлган. Кўнглига ишқ ва маърифат нури инган ҳар бир ўзбек шуни англаган, шунга ишонган.

Хондамирнинг маълумот беришича, Султон Ҳусайн Бойқародан: «Салтанат соҳиби бўлмаганингизда нима иш илиа машғул бўлардингиз?» - дея сўрашганида, «Нажмиддин Кубро мақбарасида жўробкашлик қиласадим», - деб жавоб қайтарган экан. Нажмиддин Кубро ана шундай улуф эҳтиром ва эътиборга тўла лойиқ валий зотдир. Биз буларни билардик. Бироқ истиқололга эришгунгача дин ва тариқат оламида довруғ таратган Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломаларимизнинг улуғликлариға яраша фикр ва муносабатимизни очиқ-оидин изҳор этиш имкониятидан маҳрум эдик. Мустақиллик бундай адолатсизлик ва имконсизликларга чек қўйди. Олимлар, шоирлар Нажмиддин Кубро ҳаёти, тариқати ва асарларини ўрганишга киришдилар. Айниқса, Кубро таваллудининг 850 йиллиги муносабати билан кўплаб мақолалар эълон қилинди. Тошкентда, Хоразмда унинг ҳаёти, яшаган даври, тариқатидан баҳс этувчи мақолалар тўплами чоп этилди. Профессор Н. Комиловнинг «Нажмиддин Кубро» номли рисоласи босилиб чиқди. Сал кейинроқ Урганчда Кубронинг «Одоб-уз зокирин» асарига Абулғафур Лорий томонидан ёзилган «Шарҳи рисолайе одоб-уз зокирин» (таржимон М. Қодиров)нинг чоп қилиниши ҳам куброшуносликнинг илгарилашидан далолатдир.

Мен бу ўринда истеъоддли шоир ва муаррих Хуршид Давроннинг «Шаҳидлар шоҳи» асари хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Ушбу тарихий-маърифий қиссада Нажмиддин Кубронинг ҳаёт тарихи, тариқат арбоби

сифатида қад ростлаш жараёни, маърифат тараққиётидағи тарихий хизматлари, ватанпарварлик жасорати таъсирли услугбада ёритилиб берилган. Ҳуршиднинг шоирлик ва олимлик салоҳияти қиссада самимий бир уйғунлик топган. «Шаҳидлар шоҳи» хусусан ёшларнинг қалбини ром эта олиш кувватига эгалиги билан ажралиб туради. Уни ўқиган ўспирин китобхонда маълумот ва таассуротдан - мушоҳадага, мушоҳададан - илм ва маърифатга интилиш иштиёқи туғилади. Бу муҳим жиҳат, албатта.

Яна бир хайрли иш. Талантли олим ва таржимон Э.Очилов Нажмиддин Кубро рубоийларининг таржималари тўғрисида фикр юритиб ёзади: «Бу рубоийлар нисбатан қисқа фурсат ичида уч марта ўзбек тилига ўтирилди. Дастлаб қайта куриш, ошкоралик шарофати туфайли 80-йилларнинг охирида таржимон Жамол Камол бу қутлуг ишга киришди: улуғ ҳамюргимизнинг... 25 рубоийсини анъанавий вазни ва мумтоз услубини сақлаган ҳолда ўзбекчалаштириди. Яқинда эса таваллудининг 850 йиллиги мунносабати билан яна бир истеъоддли шоир Матназар Абдулҳаким Кубро рубоийларининг янги таржимасини амалга ошириди. Биз шайх - шоир рубоийларининг учинчи таржимасини амалга оширишга журъат этдик».

Галдаги вазифа эса амалга оширилган мазкур хайрли ишларнинг узвий давоми ўлароқ Нажмиддин Кубро ҳазратларининг рисолаларини таржима қилиб нашр эттириш, куброшуносликни ривожлантирадиган янги-янги тадқиқотлар яратишидир.

Иброҳим Ҳаққул
филология фанлари доктори

اصلوں عشرہ
Усули ашара
شرح اصول عشرہ
Усули ашара шарҳи
(*Тасаввۇفнۇڭ ўن асосى.*
Тасаввۇفнۇڭ ўن асосى шарҳى)



Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади маҳлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб¹.

Мазкур калима арбоби тасаввуфнинг энг машҳур сўзларидан бўлиб², унинг хилма-хил шарҳлари мавжуд.

1. Бундаги нафас инсоннинг оғиз ва бурнидан кириб-чиқадиган ҳаво бўлиб, унинг бир кунлик миқдори йигирма тўрт мингга яқинdir. Шу боис ҳар ким умр бўйи олган нафасича Ҳаққа борувчи йўл имкониятига соҳибdir.

Йўлчи қадам ба қадам илгарилаганидек, бу йўлда сабот кўрсатганлар ҳам ҳар нафасда Аллоҳга тобора яқинлашиб борурлар. Аслида йўл ягонаidir. Аммо ҳар одим манзил ниҳоясига олиб борувчи восита бўлганидиган ҳам ҳар қадам олдинга юриш ва илгарилаш хисобланган.

¹Қора рангда берилган матнлар Нажмиiddин Куброда, шарҳлар эса Иброним Ҳаққи Бурсавийга тегиши.

²Дарҳақиқат, бу сўз Нажмиiddин Кубродан анча аввал яшаб ўтган сўфийлар томонидан ҳам турлича ифодалангандир. Абу Бакр Томистоний (ваф. 340/951) «Оллоҳга элтувчи ўйлар махлуқот ададига тенгdir», деса, Абул Ҳасан Музайин (ваф. 328/939) бу ўйларнинг юлдузлар миқдори билан барборлигини айтади. Қаранг: Sulemi «Tabakatu's-sufiyye», nr: Nurettin Saribe, s. 383, 472 (Kahire 1389/1869). Ибн Таймийядан: «Бу сўз тўғрими?» дея сўралганида, «Агар бу сўздан китоб ва суннатга мувофиқ намоз, закот, жиҳод, зикр, Куръон ўқиши каби амаллар назарда тутилган бўлса, тўғридир, акс ҳолда хатодир», дея жавоб беради. Қаранг: «Месмаи fetavayi ibn Teumtiye», nr. Abdurrahman b. Muhammed Necdi, X, 454 (Riyad 1381/1961), (Изоҳ Мустафо Корага оидdir).

Шунинг учун «Ҳар бир инсон нафасини ва вақтини муҳофаза қилиши керак», дейилгандир. Зоро, нафас ва вақт беҳуда сарфланаркан кун, кунни қадрламаслик билан ой, ой билан эса йил ва ниҳоят шу тариқа бутун бир умр зое кетади.

Бу ҳақида Саноий (вағ. 526:1131) бир байтида шундай дейди:

«Чин сўфий Аллоҳ мушоҳадаси завқи билан маст бўлганлигидан ҳар нафасда икки байрамни нишонлар: бири – нафас олишда, иккинчиси эса нафас чиқаришда. Бу байрам сайри жамолдан шодланиш ва кўнгилдан ке-чириладиган ботиний ҳолдан сурур топмоқдир. Сўфийлар бундай байрам билан машғул эканлар, зоҳидларга ўхашаш ўргимчаклар пашшаларни кабоб қилиб ейдилар».

Яъни, зоҳидлар бундай байрамнинг нелигини билмайдилар. Қурбон байрамида халқ қурбонлик гўштини чайнаш билан овора экан, аҳли ҳақиқат эзгу иш ва амаллар билан машғул бўлиш учун рағбат кўрсатадилар. Бу билан дунёнинг эмас, балки жаннат ва охират неъматларини кўзлайдилар. Аслида жамоли илоҳийга муюссар бўлиш барча неъматлардан устунроқ ва юксакроқдир. Бироқ «Ман лам язуқ лам яъриф» завқини тотмаган буни қаердан билсин? Ахир таъмни фарқлай билмаган ким-сага нима ҳам дейиш мумкин?!»

Савол: Ҳеч бир нафасни зое этмасдан, ҳар нафасда ўша байрам ҳолини яшамоқ мумкинми?

Жавоб: Албатта, мумкин. Чунки Ҳазрати Пайғамбар: «Жаннатда бир тоифа борки, Аллоҳ билан улар орасида бирлаҳза бўлсин, ҳеч қандай парда бўлмайди», дега марҳамат қилганлар. Улар доимо Ҳақ мушоҳадаси билан манифудирлар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ё Раб, Сендан Сенинг важху карамингни доимо томоша айлаш лаззатини лутф қилишни ёрайман», дега дуо қилганлари ривоят қилинади.

¹Ҳадисларни санади тушириб ҳадирилди (Таржимонлар).

INV. № 19067

Маълум бўлмоқдаки, пайгамбарлар, муқарраблар ва сиддиқлар дея танилган буюк валилар доимо Унга боқищдан туғилган ҳузуру завқ билан тўлиб тошгандирлар. Чунки улар «Қоба қавсайн»да (Нажм 53:9) жамъ ва фарқ, сакр ва саҳв ҳолларини айни бир пайтда яшайдилар. Улар хилма-хил шакллар ва турфа-турфа ҳоллар ила ҳамиша мушоҳада ичида кун кечирадилар. Мақсад-муддаолари эса тажаллийи Мутлақдир. Бунда Ҳақнинг тажаллиси умумий ва таъсири кенг қамровли эмаслигини яхши билмоқ керак. Инсонда шундай қобилият ва қувватлар борки, у ҳалқ билан жисман муносабатларини давом эттиаркан, айни вақтда кўнгли ва мушоҳада жазбаси ила истигроқ ҳолини яшамоги мумкиндир. Шунинг учун орифнинг нафаси тасбех, уйқуси ибодат эрур. Унинг учун фафлат йўқдир. У ҳар доим бедор, басирати ҳар лаҳза очиқдир. Мана бу оятларда ҳам шунга ишорат бор:

«Унинг оятларидан (яна бири) – кечаси ва кундузи ухлашларингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиздир. Албатта, бунда англайдиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум, 30:23).

Бир ҳадисда ҳам: «Инсонлар уйку ҳолидадирлар. Ўлгачина уйғонадилар», дейилмиш. Ушбу ҳадисда назарда тутилган инсонлар оддий ҳалқ табақасидурки, улар Ҳаққа томон умумий ва мутлоқ ягона бир йўлдан боришини истайдилар. Ҳолбуки, асосий мақсад – хусусий ва муқайяд бир йўл билан Аллоҳга етишмоқдир. Буни пухта англагин!

2. Асмои хуснодан ҳар бирининг бир қули бор ва бу исм қулни тарбиялаб, камолга етказади. Аслида исмларла номланувчи, яъни соҳиби ном ягона Борлиқдир. Исмларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги исм соҳибининг ҳам кўп, турли-туманлилигини талааб қўлмайди. Аммо маълум бир исмнинг маҳкуми ўша исм йўналиши ва ўша исм шарофатидан Ҳаққа етади, ўзга томонга чалгимайди. Бу Ҳаққа сулук давриясидир, шунчаки тўғри инти-

лиш әмасдир. Ҳар ким бора-бора «Унга қайтариլгувчи-сиз» (Бақара 2:28), хабарига мувофиқ Уни орзу қиласа вә Унга қайтар, Унга восил бўлар. Бу чизилган бир доира кабидир: унинг интиҳо нуқтаси ибтидо нуқтаси билан бирлашади. Доиранинг марказидаги нуқтага унинг ҳар тарафи кўриниб туради. Ҳар тараф унинг учун доира эрур. Бу гўё Байтуллоҳ атрофидаги қуббаларнинг унга юзланниб туришига ўхшайди.

Бу илоҳий сир ва гаройиб нақш олами оғоқ учун ҳам хос. Чунки олти жиҳатнинг маҳлуқоти ҳар турли илоҳий исмларга, бу исмлар эса ягона бир Борликқа боқмоқда ва Унинг-ла айни бир сатҳадир. «...Ўрмалаган нарса борки, барчаси У зотнинг қўл остидадир. Парвардигорим, шак-шубҳасиз, Тўғри Йўлдадир» (Ҳуд 11:56). Шу боис ҳам бъязи комил инсонлар раҳмат доирасини жуда кенг идрок этганлар. Бироқ ҳақиқатни англамаганлар англолмаган жойларида сукут сақлаш ўрнига одоб чегараларидан ошиб, ортиқча гап-сўзга бериладилар.

Эй мўъмин, бу мақомни завқ ила қатъ эттанингдан кейингина маърифат дастурхонидан ўз насибангни олишга мушарраф бўласан. Агар қобилияting етса, илоҳий амрлар кўрсатган йўлда юарсан ва ҳақиқий қуллик мақомига юксаларсан. «Осмонлар ва ердаги бор жонзот (қиёмат кунида) Раҳмон (хузурига) бўйинсунган ҳолда келур» (Марям, 19:93), оятида таъкидланганидек, бутун инсонлар Аллоҳнинг қуллариидир. Аммо ҳаммаси ҳам У ҳоҳлаган йўлда әмаслар. Бири фосиқ бўлса, «...Аллоҳ итоатсиз (фосиқ) қавмни ҳидоят қилмас» (Тавба, 9:24), бири коғирдир, зеро: «...Аллоҳ коғирларни ҳидоят қилмайди» (Бақара, 2:264). Демак, мутлоқ ва муқайяд ҳидоятни уйғунлаштирган кишигина комил инсон саодатини қўлга кирита олади. «Ахир юз тубан (яъни оёғининг остидан ўзга ёққа қарамасдан) юрадиган кимса Ҳақ йўлни топгувчироқми ёки қадди рост ҳолида Тўғри Йўлда юрадиган кишими?!» (Мулк, 67:22)

3. Дунёда қанча мавжудот бор бўлса, Ҳаққа элтадиган йўл ҳам ўшанчадир. Ва қанчалик гўзал феъл ва ахлоқ бор бўлса, уларнинг ҳар бири Унга етказувчиdir. Шунинг учун ҳам «Аллоҳнинг ахлоқи билан ахлоқла-нингиз», ҳадисидан ташқари яна шундай ривоят ҳам бор: «Аллоҳнинг 360 та гўзал ахлоқи бор. Имон келтирган кимса улардан қайси бири билан бўлмасин, Унинг дийдорига восил бўлса, жаннат аҳлидандир», дейилганида, Ҳазрати Абу Бакр:

— Эй Аллоҳнинг Расули, менда бу ахлоқлардан лоа-қал бирортаси бормикан? - дея сўрадилар. Пайғамбари-миз (с.а.в.):

— Эй Абу Бакр, сенда буларнинг нафақат биттаси, балки ҳаммаси мавжуд ва уларнинг ичида Ҳақ Таолога энг суюкли бўлгани жўмардликлир», дея жавоб бердилар. Бундан маъlyум бўлмоқдаки, Ҳазрати Абу Бакр жаннатнинг саккиз эшигидан бир йўла кирадилар. Чунки у зот самовий эшиклардан ўтишнинг сабабларини ўзида мужассам қилган ва ҳар ахлоқнинг жазбаси илиа Уни топгандир.

Мўминлар бу ахлоқлар билан Аллоҳга етишадилар, аммо улар орасида ҳам тафовутлар бўлади. Аввал қайд этилганидек, жўмардлик билан етишган қул бошқала-рига нисбатан Аллоҳга янада яқинроқдир. Шунингдек, Аллоҳни таниган олимнинг ҳам бодиқалардан устунлиги беқиёс даражада муҳаққақдир. Чунки илм илоҳий ва шарафли сифат бўлиб, мавзуимизга бевосита алоқадор шундай фикр ҳам бор: «Аллоҳ билан қул орасида энг гўзал ахлоқ – ризо ва таслимият бўлса, қул билан қул орасидаги энг гўзал хулқ жўмардликдир».

4. Аллоҳга етиштирувчи йўлларнинг кўп бўлиши инсонлардаги санъат ва касб-кор кўплигига ҳам ишорат этади. Чунки сultonлик, вазирлик, муфтилик, мударрислик мансабларининг ҳар бири Аллоҳга бортувчи йўлдир. Шу боис ҳам буюклардан бири шундай деган эди: «Агар Иброҳим бин Адҳам (ваф. 161:777) менинг

замонимда яшаганида эди, уни таҳтидаёқ иршод қилган бўлардим». Чунки салтанат ва унинг мартабалари ҳам илоҳий исмлардандир. Сўфий ҳам Аллоҳга етишмоқ учун ниҳояти Унинг бошқа бир исмига таянмоқда. Мақсад эса айни даргоҳга йўналтиради. Фақат шуни билиш керакки, бундай маслак арбоби ҳам Аллоҳга етишади, аммо умумий ҳидоят чегаралари ичida қолади. Хусусий ҳидоятга қовушмоқ учун эса муршиди комил шарт. Шу боис санъат ва илмда қарама-қаршилик ҳамда ҳар хилликлар ўзига хос раҳмат ҳисобланган. Уларнинг ҳар бири инсонларни Унга восил айлади. Фақат бу унсият кашф соҳиби бўлган кишилардан ташқаридағилар учун сезилмаганлиги боис ҳам йўлларнинг кўплиги бу ҳаётга янги қадам қўйганлар йўлини тўсиши, мосиво қилиши-да мумкин. **Илоҳий тажаллилардан бўлган Ҳақ ва йўл шутариقا айни нарсада тажассум топади.**

Қисқаси, бу йўлларнинг қайсиси билан бўлса-да Ҳаққа таважжуҳ этилса, вуслатнинг мумкин ва муюссар эканлигига шу оят ҳам ишорат қўлмоқда: «Қайси тарафдан чиксангиз, юзингизни Масжид-ал-ҳаром томонга булинг!...» (Бақара, 2:150). Яъни, томонларнинг кўплиги кўзланган исм ва Борлиқнинг касратини талаб этмайди. Каъбатуллоҳининг қайси ёнида бўлманг, ўша жойдан яна Унга йўналурсиз. Ҳақ толибининг вуслат эшигига етишмоғи шакшубҳасиз. Чунки бутун ашё ва борлиқда илоҳий исмлар тақиҳхур айлар. Шу боис санъат ва ашё ҳам Аллоҳга қовуштириш кувватига эга, йўл кўрсатишга қодир. Масалан, ҳашо Ҳай исмининг мазҳари, ҳаракат ҳолини акс эттиради. Сув эса Муҳий исмининг мазҳаридурки, ҳалок ва фанниликни ўргадан кўтаради. Шунингдек, новвой Нофий исмига, нон Қайюм исмига мазҳардир.

Атторлик иши ўлчов ва тарозига даҳлдорлиги туғайли Аллоҳнинг Адл исмига боғлиқдир. «Фотиҳа» сурасидаги «Аллоҳим, бизларни Тўғри йўлга йўллагайни», маъносидаги оятда келган тўғрилик ҳам худди шу

маънони англатади. Яна хушбўй ҳидли нарсалар Унинг Жалол исмига, аччиқ бўлғанлари эса «Ҳар аччиқ шифодир», дея таъкидланганидек, Нофий исмига тегишли. Заҳардек заарарли нарсалар эса Жалол исмининг мазҳаридир. Шунингдек, салтанат исми Аъзам билан, вазорат Вакил билан, муфтилик Илм билан, таълим ва тарбия эса: «Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди» (Бақара, 2:31), сири билан, қозилик ва адлия ташкилоти эса «...Албатта, Парвардигорингиз қиёмат кунида талашиб-тортишган нарсалари ҳақида уларнинг ўртасида ўзи ҳакамлик қилур» (Юнус 10:93), ҳақиқати билан узвий муносабатдадир. Чунки исм мусаммони, яъни соҳибини кўрсатади, унга ишорат қиласди. Муazzинлик «Аллоҳ тинчлик диёри – Жаннатга даъват қилур ва ўзи хоҳлаган зотларни тўғри йўлга ҳидоят қилур» (Юнус 10:25), оятига, имомлик эса «Кулининг лисони билан Аллоҳ ўзига ҳамд айтувчининг ҳамдини эшигиди», маъносига ишоратдир. Мурид-муршидлик «...Аллоҳ ўзи хоҳлаган зотларни поклагувчиидир...» (Нисо 4:49), маъносига, харидор ва сотувчи эса «Албатта, Аллоҳ мўъминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди...», оятлари билан алоқадордир (Тавба, 9:111).

Бу исмлар омонатдир. Пайғамбарнинг сифати амин ва сиддиқдир. Ундан кейин келган уммати ҳам Унинг мазҳаридир. Омонатга хиёнат қилган эса амин сифатига мазҳар бўла олмайди. Уй ва дўкон вазифасини бажараётган вужудимиз Аллоҳнинг Мужид, Сониъ, Холик, Мусаввир ва бошқа исмларининг ҳосиласидир. Ҳидоятга эришганлар Ҳодий, залолат аҳли эса Музил исми доирасига тааллуқлидир.

Аслида коинотда касрат эмас, балки ваҳдат ҳоким. Бу гўё дарчалардан ичкарига ёғилаётган қуёш нурларига ўхшайди. Дарча кўп бўлса, ёруғлик ҳам кўнга ўхшаб туюлади. Аслида нур ҳам, қуёш ҳам битта.

Ҳозир сенга имонинг ижмолдан покликка юксалсин, дея ўзим ҳис қилган бир талай ишоратларни англатмоқдаман. Аслида илоҳий амаллар учун бир интиҳо, Ҳақнинг тажаллилари учун эса бир чегара йўқ. Хуроса қилиб айтганда, Унинг мазҳари бўлган Латиф исми ҳам, Қаҳҳор исми ҳам Унга юксалтиради. Чунки барча исмлар Унда жамулжам.

Биз изоҳламоқчи бўлган йўл эса бу йўлларнинг энг ойдини ва энг мукаммалидир.

Бу йўл Ҳаққа етказгувчи йўлларнинг энг яқинидир. Бошқа йўллар бу йўлга нисбатан янада яқин ёки жуда йироқ бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу йўл жуда аниқ ва очик, яъни «Моҳжайи байзо» (ойдин кўча)дир. Йўлларнинг энг мукаммали бўлган бу йўл соликни бошқа жойга эмас, балки аниқ манзилга асос йўлдан айирмасдан, қийинчилексиз улаштиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу йўллар кўп бўлсада, уларнинг ҳаммасини уч асосий гуруҳга бирлаштира оламиз.

Энг яқин, энг равшан ва энг мукаммал йўллар яратиқларнинг нафаслари ададича бўлса ҳамки, уларнинг ҳаммаси бу гуруҳларнинг биронтасига мансуб бўлади.

1. Тариқи ахёр: ибодат ва амали солиҳ соҳибларининг йўли. Бу йўлга кирувчи соликлар рўза, намоз, Куръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар билан кўпроқ машғул бўладилар.

Бу тушунча тобеин ва табаи тобеъин даврида ҳоким бўлган тушунчадир. Макка ва Мадинада, Шом, Миср, Һағлод, Басра ёхуд Кўфада бўлсин, тариқи ахёр мансубларини учратиши мумкин эди. Уларнинг орасида шундайлари ҳам бор эди-ки, улар бутун йил бўйи фақатги на байрамларда, яъни рўза ҳаром бўлган кунлардагина рўзи тутмасдилар. Бошқа ҳеч вақт рўзани канда қилмасдилар. Шу боис уларга «соимуд-давр» (бутун вақтини рўзи дилор ўтказувчи) дея ном берилганди. Яна бир гуруҳ-

лари эса саҳаргача намоз ва тиловати Қуръон билан машғул бўлсалар, бошқа бир тоифаси Абдуллоҳ бин Муборакдек – фозийлик билан шуҳрат таратган, яна бошқалари эса кўпроқ ҳаж иштиёқи ва орзуси билан нафас олардилар.

Бу йўл тариқи ахёр дея аталади. Бундай йўл ва усул билан узоқ вақтдан кейин руҳни камол топтириб, Ҳаққа етишганлар бағоят оздир.

Яъни, бу йўл энг хайрлиларнинг йўли демакдир. Бу йўл соликлари хайрли, эзгу иш ва амаллар билан машғулдирлар. Амали хайр соҳиблари эса инсонлар орасида энг хайрлилари дурлар. Шу боис ҳам шундай номга мушарраф бўлганлар. Узоқ вақт мобайнида ушбу усул билан Унга етишганлар жуда оздир. Бу йўлнинг бошқа бир номи «тариқи ишқ» эмас, «тариқи зуҳд»дир. Кўп вақт талаб қиласди. Ошиқ уч йилда эгаллаган мақому манзилини зоҳидлар ўттиз йилда ҳам қатъ эта олмайдилар. Шундай бўлса-да, бу йўлга беписанд қараб бўлмайди, чунки унга етиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Бу йўлга қадам кўйган кўпчилликнинг мақсадга етмасдан умри тугаб, ора йўлда қолади. Маккада мужовир бўлган Фузайл бин Аёз шундай демиши: «Эй мўъмин! Узоқ вақтдан кейин Ҳаққа етишмоқ қадим уммат ва миллатларга хос бир ҳол эрур, улар уч юз, тўрт юз йиллик умрларини бу йўлга сарф этган ва ғояларига эришган эдилар. Бу вақт мобайнида уларнинг вужудлари ибодат туфайли ўқдек нозиклашиб, ёйга ўхшаб букиларди. Ҳолбуки, бизга бундай узоқ умр насиб этмаган. Демак, қисқа муддатда вуслатга етишиш лозим. Бу эса қобилият ва сиёsatли муршидга боғлиқ нарсадир. Ушбу икки шарт бажарилгач, Ҳаққа етишмоқ учун камон янглиғ эгилишга ҳожат қолмайди».

2. Тариқи аброр: мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли. Бу йўл соликлари эса гўзал феъл-атворга эга бўлиш, қўнгилни тазкия, қалбни тасфия, яъни қўнглини мусаф-

фолаштириш ва ботинини обод қилиш, маъмур этиш учун гайрат кўрсатувчи кишилардир.

Мазкур йўл мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли бўлиб, унга қадам қўйганлар нафси амморанинг тарбияси билан машғул бўладилар. Бир томондан улар ўзни кўз-кўз қилиш, бесабрлик, худбинлик, молу мартаба ҳирси, баджаҳллик каби ёмон феълларига барҳам бериш билан шуғулланаркан, иккинчи томондан тавҳид нури-ю Аллоҳ билан бирга бўлишнинг ҳузури ва Ундан бошқа бутун борлиқлар билан алоқани узиш каби мужоҳадалар ила қалбларини поклайдилар. Чунки қалб бамисоли ойна, тоза ва порлоқ бўлмагунча илоҳий тажаллиларни зухурлантирмайди. Ойнанинг кирланиши ва қорайишига сабаб Аллоҳдан бошқа борлиқлар билан яқиндан боғланишимиздир. Илоҳий маърифат эса қалб ойнасини жилолантиради. Бу маърифат, албатта, тақво, амали солиҳ, сайри сулукдан туғилган ирфон бўлиши лозим. Ушбу йўллардан айри равишда қўлга киритилган маърифат шайтоний бўлиб, номақбулдир. У фосиқ ва истидрож соҳиби бўлган кишиларнинг маърифати кабидир. Улар нопокликлар ичida сузиншаркан, покликни даъво қиласидилар. Маърифатдан боинг урадилар.

Мана шу ботиний дунёning ободлиги-ю ихёси қуруқ юиф билан юқорида айтилган тарзда амалга оширилади. Ҳатто беш кун ёхуд ўн кунда бир маротаба ифтор қилиб риёзат чекканлар ичida маърифати илоҳийдан бенасиб қолғанлари ҳам кўп бўлган. Чунки уларнинг риёзатлари роҳибларнинг риёзатларига ўхшайди. Ҳақиқатан, бундай сўфийлар бедорлик, давомли сукут, узлатга кўниксалар-да, гоҳо ўзлари ҳам тушунмайдиган сўзларни айтгалилар, каромат кетидан қувадилар. Файбдан хабар етказиш, ҳавода учиш, сувда юриш, тайи макон (макон Ҳигартириш) каби ишларни ҳаётларининг мазмuni билиб, уларнинг қулига айланадилар. Натижада бу машғу-

лият олий мақсаддан чалғитади. Инсон ичидаги сирларни кашф этиш, марҳумлар, малак ва жинлар билан гаплашиш ҳам мана шундай беҳуда ишларданdir.

Холбуки, ҳақиқий риёзат инсонда бир ҳассослик, ички мусаффолик ва Аллоҳга дўстлик ҳолини юзага келтириши, дунё билан боғлиқ машғулиятларни супуриб ташлаши ва инсонни ёмон сифатлардан поклаши, илоҳий иззат, Раббоний бир салтанату мақомни майдонга чиқариши керак.

Мужоҳада эса нафсни қийнайдиган оғир ишларни амалга оширишdir. Аъмоли нафсия деганлари сабр, таҳаммул, жафога чидамли бўлиш, нафс хушлаган нарсалардан зарурат миқдорида фойдаланиш, озига қаноат қилиш, шикоят қилмаслик ҳолларини ҳам ўз ичига олади.

Тариқи аброр дея маълум бўлган мазкур йўл билан Ҳаққа қовушганлар аввалги йўлга қараганда кўпроқ бўлса ҳамки, нодир ҳисобланади.

Бу йўлдагилар ички ва ташқи тақвога амал қилганиларни учун «аброр» дея номланишга ҳақли бўлиб, уларнинг орасида Аллоҳга етишганлар аввалги гуруҳга нисбатан кўпроқdir. Шундай бўлса-да, натижа эътибори билан улар оз ҳисобланади. Силсилавийлик қонуниятида ахвол худди шундай, яъни ўзидан юқоридагиларга нисбатан кам, ўзидан пастдагиларга қараганда эса кўпdir. Масалан, дунёдаги ҳайвонлар жонсизларга нисбатан оз, аммо инсонларга қараганда кўп эрур.

Зеро, Абу Мансур Иброҳим Хаввос (ваф. 291:903)дан: «Нафсингни қай мақомда тутмоқдасан?» дея сўраган эди.

Мутасаввифлар орасида иккита машҳур Иброҳим бор. Булардан бири Иброҳим бин Адҳам, иккинчиси эса Иброҳим Хаввосdir. Иккинчи Иброҳим чўлда Хизр билан учрашгач, «Қайси амалим учун сен билан кўришишга муюссар бўлдим?» дея сўраганида, Хизр: «Онангга яхши муносабатда бўлганинг учун», дея жавоб берган эди.

Абу Мансур берган бу саволга Иброҳим шундай дея жавоб берди:

«Ўттиз йил бўлдики, нафсимни таваккул мақомида тутмокдаман».

Яъни, ўттиз йилдан буён таваккул мақомида риёзат чекиб, нафсимни тарбиялаш ва тизгинлашга ҳаракат қиласяпман. Тавҳиди сифатнинг маъниси ризо бўлганидек, тавҳиди афъолники таваккулдир. Тавҳиди афъол эса кулнинг ўз феълларини Ҳақ феъллари дея мушоҳада этмоғидир. Чунки Куръонда «...Парвардигорингиз фақат Ўзи истаган ишни қилгувчи зотdir!» (Ҳуд, 11:107), дея буюрилгандир. Бу мушоҳада қувватланса, халққа эътиroz билдиришга ҳожат қолмайди. Шундай сўз бор: «Инсон ўз нафсиға фарқ билан, халққа эса жамъ ила қараши керак» ва нажот йўли ҳам ана шудир. Жамъ билан назар қилинса, «жабри мутлоқ» лозим бўлади, бу эса сувнинг кучи билан тегирмон айланишига ўхшайди. Гарчанд тегирмон тоши ташқи куч билан айлантирилса-да, у ўз вазифасини адо эттани боис касб ва ихтиёр зарур. Бу ҳолатда мутлоқ эмас, балки мутавассит – меъёрдаги жабрни тушуниш лозим. Зоро, аҳли суннатнинг тушунчиаси ҳам шундайдир. Бу тўғрида батағсил сўзлаш имконимиз бор. Лекин ушбу мавзу қадар (тақдир) асроридан бўлганлиги боис баҳс юритмоққа изну рухсат йўқдир.

Шунда Абу Мансур: «Эй баттол! Билишимча, ички оламингни маъмур ва иҳё қилиш учун умрингни адо этибсан-да! Эй танбал! Фанофиљлоҳ мартабаси қаерда қолди? Унга сен қачон етишасан? дея хитоб қилди.

Фанофиљлоҳ Ҳақни мушоҳада қилиш, истироқ, зоҳиру бўтинни ҳис этмаслик, инфусу оғоқни унугиши демакдир. У таваккулга тобеъ ва боғлиқ эмас.

Инсоннинг ботини охират, зоҳири эса дунёдир. Ботиний ҳол ила боғланиш охиратдан, зоҳирий ҳол билан боғланиш эса дунёдан ажралмасликни билдиради.

Холбуки, орифи биллоҳ учун дунё ҳам ҳаром, охи-

рат ҳам. Шу сабаб ориф зоҳиру ботин таҳдидларидан айри ва узоқ бўлиши шарт. Худди шу зайлдагина аввалу охир бўлган Аллоҳга етишиш мумкин. Фано барча шаклу суратларнинг Аллоҳ Таоло томонидан фойиб қилинишидир. Бу ҳолда кул ўз феълини кўрмайди, чунки Ҳақ ила Ҳақда яшайди, таваккул сингари тушунчалардан ажралади. Мана шу маънодаги фанога «саводул важҳ фид-дорайн» (икки жаҳондаги юзиқоралик) номи бериладики, улар Аллоҳдан ёлғиз Ўзини талаб ва орзу қилувчи-ларнинг ҳоли эрур. Унинг акси «баёзул важҳ фид-дорайн» (икки жаҳондаги юз оқлиги) бўлиб, бу Аллоҳдан ҳар икки дунёни орзу қилувчиларнинг сифатидир. Бундаги фано маъносини билдирган савод бақони англатувчи баёздан устун саналади. Чунки бақода нафс ила боқий бўлиш кўзда тутгилади. Аслида бу ерда қора маъносини билдирган «савод» калимаси ушбу ҳолнинг юксаклигидандир. Билакс, у оламда нур ва қоронгулик деган тушунчалар йўқ. Бўлса ҳам ҳақиқий соя бўлади. Бунга ҳақиқий нур ҳам дейилади. Унинг кўланкаси бўлмайди, зотан у нурларнинг нуридир.

Абу Мансурнинг Иброҳим Хаввосга бекорчи, гайратсиз, танбал маъносини англатувчи «баттол» сўзи билан хитоб қилиши аслида унинг сайри сулукдаги илк таассуротлари туфайлидир. Чунки Иброҳим Хаввос буюк шайх ва муқарраб мартабасидаги валидир.

Хўш, ботинини обод ва ихё этиш билан машғул бўлган киши баттол бўлса, зоҳири билан умрини битказган зоҳидни ким деб аташ мумкин?

*Ечдим қабони ишқинг дастидан,
 Кийдим аборни ишқинг дастидан.
 Бир дарднокман, бир зарра хокман,
 Бир сийначокман ишқинг дастидан.
 Севдим камоҳи ул подшоҳни,
 Айлагайман оҳ ишқинг дастидан.*

*Кўлларим боғлиқ ул шоҳ қошида
Дерман: Аллоҳ, Ху ишқинг дастидан.
Ҳаққиё, ёндим, ашкка бўялдим,
Охир уйғондим ишқинг дастидан.**

3. Тариқи шуттор: бу ишқ, жазба ва муҳаббат соҳибларининг йўли. Ва у улуғ Мавлого сайру саёҳат қилувчиларниң тариқидир.

Бундаги сайр бир ҳукмдан бошқа бир ҳукмга, бир ҳолдан иккинчи бир ҳолга кечиш бўлиб, у маънавий босқич, маънавий саёҳат эрур. Соликнинг ҳам илк кундан охирги лаҳзасига қадар қиласидан иши мана шу сайр калимасида яшириндир. У муттасил маъшуқасига қараб интилади. Бу эса Каъба томон йўл олган кишининг ҳаракатига ўхшайди, чунки у Каъбага етгачгина ҳаракатдан тўхтайди. Аммо тасаввуф тушунчасидаги интиҳо «сайр илаллоҳ» (Аллоҳга томон сайр)дир. «Сайр филлоҳ» (Аллоҳда сайр)да эса бундай ҳолат йўқ. Каъбага етишганинг сафари тугайди, аммо у бино ва у жойнинг сирлари туғамайди. Илоҳий сир ва ҳикматлар ниҳоясиздир.

Эй мўъмин, ҳақиқий комиллик юзага келгунга қадар бир гайрат ва ҳиммат билан сайру сулук қилиш лозим. Бу йўл паришонлик, ялқовлик ва танбалликни кўтармайди, зоҳир, бирлик ва бутунликни талаб қиласиди. Сойирларга яхшилаб қара, паришон ва сустлашганлар йўлда илгарилай олмайдилар. Бу йўл муҳаббат аҳлидан гайратли, елиб-югурувчи ва узлуксиз ҳаракатда бўлганларнинг равишилар. Улар қариялар, хасталар ёхуд танбалларга ўшаб ўтрок бўлмайдилар. Ва бу муҳаббат зуҳднинг муқобилидир. У Ҳаққа бўлган жазбани ифодалайди. Муҳаббатнинг шиддати-ю қуввати ортиши билан ишқ майдонга келади. Муҳаббат нурдир, ишқ эса нор (оташ)дир. Бу оташ Аллоҳлан ўзга борлиқларни ва уларга бўлган майларни ёқиб йўқ этади. Аслида норда ҳам, нурда ҳам ёруғлик бор. Ошиқ-

*Шеърлар эркин таржим қилинди (Таржимонлар).

лар орасида шундай гап юради: «Икки ёруғлик бор. Бири Аллоҳдан бошқа бутун борлиқлардан юз ўтиргирса, иккинчиси Унга юз қаратади. Бу икковининг орасига «нори ишқ» кирса, хас-хашакка ўшаб қолган инсоннинг дунё билан бўлган bogларини ёқиб кул қиласди. Демак, ошиқ қисқа фурсатда манзилу мақсадига етишади. Зоро, ишқ унинг-ла баробар тезликда илгарилайди ва нафс маркабини ҳам ўзи билан бирга судрайди.

Бу йўлга сулук қилгандарнинг йўл бошидаёқ эришган мартабаси бошқаларнинг сулук ҳаётлари сўнгида эришган мартабасидан кўп карра юксакдир.

Яъни, бошқаларнинг сўнгти ҳолларига нисбатан буларнинг бошлангич ҳоллари янада устунроқ. Улар сайру сулукнинг ниҳоясида топганларига булар ибтидодаёқ эришадилар. Жазба ва олий қобилияtlари ила түё нурдан ясалган бир нарвон билан самога юксаладилар, минг одимни бир қадамдаёқ қатъ этадилар.

Бир манзилни уч манзил қилувчи қайда-ю, уч манзилни бир манзилга бирлаштиргувчи қайда?! Мана шундай борлику унсурлардан аста-секин йироқлашганлар мақсадга кеч етишадилар. Бироқ қобилияtlи шайх ва муршиди комил паноҳида бўлганлар бундан мустаснодир.

Аҳли жазба эса дафъи сулук айлайдилар. Мўътабари мана шу кашфдир, билакс дунёда чарх урмоқ эмас. Чунки дунёning тўхтацига мажбур қиласиган манзилу макони кўп. Шундан келиб чиқилса, кашф ҳам оддий бир кашфдир. Кўпгина сўфийлар мана шу таҳликага тушганлар ва оралиқда қолиб кетганлар. Бундан Аллоҳ асрасин!

Бу мумтоз йўл иродага боғлиқ бир ўлимга асослангандир. Зоро Ҳазрати Пайғамбэр: «Ўлмасдан аввал ўлинг», дея марҳамат қилган эдилар.

Бу йўлга «мумтоз» сифати олдин англатилган икки йўлга нисбатан тез суръатли ва аниқ бир натижага эга сулук бўлганлиги учун берилган. Мавзуга тегишшли бошқа бир ҳадисда шундай дейилади: «Ўзингни ўлгандек ҳис

қил ва шундай ҳисобла!». Ташқаридаги «кўлка борлиқ»-ларга ҳақиқий борлиқ ҳувиятини берма. Дунё алоқаларидан йироқ бўлгинки, фоний бўласан. Ана шунда бу фазилат илк бора ҳазрати Абу Бакрга насиб бўлганини кўрасан. Яна бир ҳадис мазкур ҳақиқатни қувватлайди: «Ким тириклар орасидаги ўликни кўрмоқ истаса, Абу Бакрга қарасин. Унинг вужуди тирик, нафси ўликдир». Чунки алоқалардан фоний бўлган, бунинг оқибатида молини-ю жонини Аллоҳ йўлига сарф қилган эди.

Ихтиёрий ўлим борлиқ ва дунё билан боғлиқ ишлардан бутунлай фоний (фанойи куллий) бўлмоқдир. Бу ҳолни бошидан кечирган киши ўз вужудининг мавжудлигини ҳам ҳис этмайди. Чунки, табиий ўлим ҳоли ҳам бундан асло фарқ қилмайди.

Аслида сўфий назар солган борлиқ айни лаҳзада ўз-ўзидан йўқ бўлмайди, балки сўфийдаги ҳол уни кўришга монелик қиласи, борлиқ мушоҳадага мавзу беролмайди. Шу боис ҳам: «Агар Мансур Халлож «Анал-Ҳақ» дъавосидан фано бўлганида эди, қатлдан қутуларди», дейишади. Яъни вужуднинг фоний бўлмоғи етарли эмас, асос мақсад - «Мен»нинг фаноси, унинг йўқ бўлишидир. Аммо Халложнинг сакр ҳоли голиб келганлиги учун орадаги вужуд барҳам топиши керак эди. Ўлим ҳам бир неча хилдир:

Мавти аҳмар (қирмизи ўлим). Бу нафснинг хоҳиш ва истакларига қарши туриш эрур.

Мавти абиаз (оқ ўлим). Бу очлик билан қорин талабларини ўлдириш.

Мавти аҳдар (яшил ўлим). Бу арzon мато парчаларидан ямоқли кийим кийишdir. Чунки янги кийим дунё билан боғлиқ орзу ҳисобланади.

Мавти асвад (қора ўлим). Бу халқнинг жабру жафосига таҳаммул этмоқ эрур. Бунга «фано филлоҳ» ҳам дейиллади, яъни бутун феъли ва ҳаракатларни маъшуқанинг феълида фоний қилмоқдир. Аллоҳдан ўзганинг феъли

бўлмагач, коинотда рўй бераётган барча ишлар бизга қарши бўлса ҳамки, унга жабру жафо дейилмайди. Чунки ҳаммаси Ундандир. Заҳар бўлса ҳамки, ичилади. Ошиқнинг маъшуқида фано бўлиши – муҳидбнинг маҳбубда фоний бўлмоғи ҳам айнан мана шудир.

*Фано топ зоти Ҳақда сен сенга берма вужуд, эй дил,
Агар зоҳир, агар ботин Ҳудога қил сужуд, эй дил.*

Сиво бандидан озод бўлмоққа сабй қил аввалроқ

Ки зеро, роҳи итлоқ ичра монеъдир қуюд, эй дил.

Бу таркиби аносирдан ечишмаса агар бандинг,

Ҳираф коргоҳиндан тузилмас тару буд, эй дил.

Бу нақди панди Ҳаққийдан агарчи моя топилса,

Бу бозори фанода эта кўр бир овози савдо, эй дил.

Бу йўлнинг тамал қоидаларини эса ўн асосда жамлаш мумкинdir.

Аллоҳ сари сайру саёҳат қилувчиларнинг йўли ўн асосга курилгандир. Бу ўн асос йўлнинг тамаллари бўлса, бошқа асослар бино устига курилган бинога ўхшайди. Аслида ҳар нарсанинг асоси ва тамали мавжуд. Агар у бўлмаса, мақсадга етиб бўлмайди. Мавзуга дахлдор шундай сўз бор: «Усулни йўқотган вусулдан маҳрум қолади». Тилимиздаги «Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил», мақоли ҳам худди шу фикрни равшанлаштиради. Ушбу сўзлардан мана бу ҳақиқат англашилади: ҳар нарсанинг негизи ва парчалари, тафарруоти бор. Асослар мустаҳкам бўлганидан кейингина тафарруот унга тобе бўлади. Динда ҳам худди шундай. Фарз аслдир, мустаҳаб фурӯдир, тафарруотдир. Биринчисини тарк қилиб, иккинчисини адо этиш қулга ҳеч қандай муваффақият олиб келмайди.

1. Тавба

Худди марҳум «Эй хотиржам – сокин жон, Сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ Таоло то-

монидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (хузури)га қайт» амрига бўйин эгиб ўз ихтиёрисиз Унга қайтганидек, тавба ҳам қулнинг ўз истак-иродаси ила Аллоҳга қайтишидир.

Оятдаги «Раббингга қайт» буйруғи ўлимга ишорат қилмоқда ва унинг мажбурийлигини, тавба янглиғ инсон иродасига боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Аслида ўлим орзу қилинмайдиган бир нарсадир. Бу ҳақида пайғамбарлардан ривоятлар бордир. Ҳазрати Мусонинг тош билан ажал фариштасининг кўзини чиқаргани, Ҳазрати Иброҳим эса: «Ё Раб, қайси дўст ўз дўстининг жонини олади?» дея иккилангани ва ниҳоят Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўнг вақтларида ўз-ўзига: «Эй нафс, сенга не бўлдики, саждагоҳга илтижо қилиб, ўзингга чора ахтармоқдасан?» деганлари ривоят қилинган. Аслини олганда, пайғамбарларнинг бу сўзлари ўлимдан чўчиганликларидан эмас, балки умматларини ўлимга хушёр қарашга ундаланликлари учундир. Моҳият эътибори билан эса, ҳадисда хабар берилганидек, ўлим мўъмин учун бир ҳадя ва армуғондир.

«Сен рози бўлган, рози бўлинган ҳолда» ифодаси эса тасаввуфдаги нафси розийя (мутлоқ ризо) ва нафси марзийяга ишоратdir. Нафси мутмаинна эса ўлимни ҳеч қачон ёмон кўрмайди. Инсоннинг ўлимни севмаслиги ризо ва таслимиятга зид туйғу эмас, балки фитрий хусусиятларидан эрур.

Тавба истакка боғлиқ бўлмоғи керак. Мажбурий тавба охир нафасида имон келтирган кишининг икрорига менгзайди ва мақбулу мўътабар саналмайди. Бошқа ибодатлар ҳам худди шундай. Зоро, пайғамбарлар ҳам инсонларни зўрлик билан эмас, балки бир қанча мўъжизалари билан имонга чорлагандирлар.

Гуноҳ эса хоҳ дунёвий бўлсин, хоҳ ухравий бўлсин, кул ва Аллоҳ орасида бир парда ва тўсиқдир.

Инсон учун наинки дунё билан боғлиқ, балки охи-

рат билан боғлиқ мартаба-ю даражалар ҳам бир ҳижоб эрур. Ҳақиқатда эса жанинат даражалари кулиарнинг амал ва ҳатти-ҳаракатларига кўра тақсимланади. Бунинг учун кул яхши амалларни адо этади, аммо уларга ишониб, ортиқча баҳо ҳам бермайди. Дунёга дахлдор мартаба-ю мақомларда ҳам аҳвол худди шундай.

Агар инсон етишган мақомига кўнгилдан боғланмаса, бу мақом унга парда ва тўсиқлик қилолмайди. Илк халифалар мансаб соҳиблари эдилар, аммо мансаб улар учун ҳеч бир тарзда тўсиқ бўла олмаган.

Шом султонларидан Нуриддин Маҳмуд Занги уч юзлардан, ўғли Малик Солиҳ эса қирқлардан эди. Улар салтанат билан маънавий мақомларини баб-баробар бошқара олган эдилар.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф тушунчасида гуноҳ нафақат шариатда белгиланган ҳаракату амаллар, балки қалб майл қилувчи, унинг кизиқишини ортирувчи нарсалар ҳамdir. Булар гарчи таъқиқланмаган бўлса-да, инсоннинг рағбати-ю яқинлиги уларни пардага айлантиради. Куръонда Ҳазрати Иброҳимнинг ушбу дуоси нақл қилинган: «...Парвардигорим, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин» (Иброҳим, 14:35). Имом Фаззолий бундаги «бут» калимасини пул ва мол-дунё дея тафсир қилган. Маълум бўлаётирки, кўнгил ҳаддан ортиқ севиб боғланган нарса унинг учун бутта айланади. Гуноҳ маъносидаги парда эса борлиқ эмас, айнан ана шу робитадир. Бу ҳақда шундай дейилган: «Аллоҳдан ташқари борлиқ бўлмаганида эди, ҳеч кимнинг камол ва мукаммаллиги англашилмасди».

Мурид Аллоҳдан ўзга бутун матлублардан, ҳатто ўз вужудидан ҳам йироклашмоғи лозим. Шунинг учун: «Сенинг мавжудлигинг, борлиғингнинг ўзиёқ бошқа гуноҳлар билан қиёс қилиб бўлмайдиган даражадаги бир гуноҳdir».

Инсон вужуди ҳақиқат билан ўзи орасидаги пардаларнинг энг қалинидир. Чунки ўзига энг яқин, ҳатто бирла-

шиб кетган борлиқ вужуд эрур. Инсон унинг йўқ бўлиб кетишини асло истамайди. Албатта, бошқаларнинг биносидан кўра ўз биносига айрича қарайди.

Инсоннинг наинки дунё, балки ўз нафсига илтифот кўрсатмаслиги «таҳаммуз» дейилади. Худди шу ўринда «фано» билан «фано ан дар фано»нинг фарқли жиҳатлари аён бўлади. Чунки мутлоқ фанода вақти-вақти билан шуур ва ҳис дунёсига қайтиш мумкин. Мурид ана шундай ҳол ичидаги эканлигини ҳис қиласиди. Бу ҳолнинг иккинчи бир номи «фано-и ноқис»дир. «Фано ан дар фано» эса мосиво (Аллоҳдан бошқа ҳар нарса)нинг бутунлай йўқ бўлмоғидир. Бунда мурид ўзига мансуб башарий ва инсоний сифату хусусиятлардан ҳам фоне бўлади. Сўфийлар орасида шундай фикр мавжуд: «Чин ихлос амалдаги ихлосни ҳам кўрмасликдир». Бу ҳол эса фақат Ҳақдаги фано ва юқори даражадаги жазба ҳолидан майдонга келурки, бунга «фано-и комил» ёки «ихлоси том» ҳам дейилади.

*Дарвеш, бунда надир сенинг гуноҳинг,
Нафсга боқиб кўрмайдирсан Аллоҳинг.
Нафий вужуд эт, қўй сен ва менликни
Исботи Ҳақ этки, шудир паноҳинг.
Номусу орингни отиб ерларга
Кўкка совур иззат, виқору жоҳинг.
Сен сени ойнада кўрарсан акбар
Дема ўзим, балки кўрарсан шоҳинг.
Ҳаққа сол, эй Ҳаққий, вужудинг, юргин
Неча фалакларга ўрлар бу оҳинг.*

2. Зуҳд

Зуҳд – хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин – дунё моли, кўнгилга манзур нарсалари-ю мақомларидан ўлиқ каби йироқлашмоқдир.

Зуҳд қўлда мавжуд ва мавжудлиги маҳзур саналмаган мол-ашёдан кечмоқдир. Акс ҳолда келажакла қўлга

киритилувчи молу мансаб зуҳдга асос бўлолмайди. Бунинг тескарисини иддао қилувчилар ҳам бўлишган. Бундан ташқари, қўлда мавжудлиги гуноҳ ҳисобланган нарсаларни тарк этмоқ зуҳд ҳисобланмаганидек, инсоннинг жуфти билан жинсий муносабатни тарк қилмоғи ҳам зуҳд эмасдир. Ҳазрати Али саҳобалар ичida энг зоҳиди бўлса-да, уч-тўрт оиласлари бор эди. Шунингдек, Иброҳим Хаввос ҳам бу ҳақида шундай дейди: «Жинсий муносабатни одатта айлантирган кишидан хайр чиқмайди». Шу билан бирга, жинсий алоқадан тийилиб, уни назорат остига олиш кўпроқ сулук асносида ва хилват вақтида бўлади. Мен ҳам сайри сулукни бошлаган чоғларимда (олами маънода) Шайхи Акбар Мұҳиддин бин Арабий (ваф. 638:1240) уч нарсадан ҳимояланишимни тавсия қилди:

1. Ранго-ранг либослар киймоқ. Ваҳдат орзуси ва талабидаги киши кийимида ҳам ваҳдату бирлик бўлмоғи лозим. Шу боис валилар наздига ҳам сурат ила маъно ўзаро уйғун бўлиши шарт.

2. Асога суюнмоқ. Бу мосивога эътиmod ва ишончга ишоратдир. Ҳолбуки, бир ёғоч синигига ҳам инонмаслик лозим. Нарсага эмас, балки Аллюҳга эътиmod қилиш керак.

3. Учинчиси эса меъёrsиз жинсий муносабатдан сақланиш эди. Шу боис тариқатимиз (жалватийя) пирларидан Уфтода Ҳазратлари (ваф. 978:1570) сулук даврида муриди Азиз Маҳмуд Худойига (ваф. 1038:1628) ҳафтада бир маротаба хотини билан кўришишга рухсат берарди.

Таърифдаги «мақом» сўзи инсонлар наздидаги иззат ва хусни қабулни англатади. Бу ўринда, албатта, моддий бир мақом ва мавқе соҳиби бўлишга ҳожат йўқ. Ҳалқ орасида шуҳрат таратиш ва инсонлар-ла муносабат ҳам ана шунга дахлдордир.

Мақом муҳаббати эса мол-дунё севгиси каби ўткинчи бир орзудир. Нафснинг бу орзусини тазкия этмоқ ва тарбияламоқ шарт. Одатий ўлим билан дунёдан ва дунё

молидан айрилған кишининг ҳоли «мавти фано» билан нафсини ўлдирған киши ҳолига ўхшайды. Ана шу иккінчи гурухға мансуб шахслар сулук йўлидан ажратмасин ва вуслатта түсиқ бўлмасин дея дунёвий риштадарини узарлар. Агар оила қурган бўлса, оиласини бузмайди. Бўйдоқ бўлса, уйланмайди. Чунки оила қуриш зеҳний парокандаликни юзага келтиради. Ҳолбуки бу йўл фавқулодда ғайрат ва тўлиқ ҳимматни талаб қиласди.

Зуҳдининг ҳақиқати дунёда ҳам, охиратда ҳам зоҳидликдир. Инчунин, ҳадисда «Дунё охират аҳлига, охират эса дунё аҳлига ҳаром бўлса, валиларга ҳар иккаласи ҳам ҳаромдир», дея марҳамат қилингандир.

Юқорида зикр қилинган зуҳд дунёни тамоман тарк этмоқдир. Бунга «тарки дунё» дейилур. Аммо ҳақиқий зуҳд охират борасида ҳам зоҳидона ҳаракат қилмоқликни талаб этади. Зоҳид ҳеч бир аснода жаннат неъматлари-ю мартабаларига қизиқмаслиги ва боғланмаслиги шарт.

Охират ҳам маҳлукдир, яратикдир. Яратувчи бор экан, яратилған билан боғланиш абасдир, хатодир. Шунинг учун ошиқлар бундай бойликларга илтифот этмаганларидек, жаннат неъматларига ҳам қизиқмаганлар. Чунки буларнинг ҳаммаси маҳлукдир. Бу фориғликдан охиратни назарга илмаслик керак, деган хulosса келиб чиқмаслиги лозим. Аллоҳни мушоҳада этиш жойи бўлмиш охиратни сўфиylар зинҳор-базинҳор пастта урмайдилар.

Ҳадисдаги «ҳаром» сўзи «маън қилинган» деган маънени билдиради. Диний амрларда ҳам чегаралар бўлганидек, охират аҳли учун ҳам дунё билан боғланишлар таъкиқланган. Чунки дунё билан охиратни бирлаштириш мағриб билан машриқни бирлаштиришга ўхшайди, бу эса умуман тасаввурга сифмайди. Булар икки кундош кабидирларки, бири рози бўлса, иккинчиси норозидир. Қўшик - саройлар қуриб, шаҳарларни ободонлаштириш, кўчнат экиш, қудуқ қазищдан вақт ортириб, ҳамиша ҳам замали солиҳ уруғини сочмоқ мумкин эмас.

Валилар Аллоҳнинг хос қуллари дидир. Улар подшоҳнинг энг яқин хизматчилаrigа ўхшайдилар, фақат хукмдорга хизмат қиласидилар. Жанг ва бошқа ишларга бош кўшишмайдилар.

Аҳли дунёга охиратнинг маън қилиниши «ҳизлон», «ҳайлулат» ва «таваккули нафсий» деб ҳам аталади. Бир оятда: «... билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур...» (Анфол, 8:24), дея буюрилмишдир. Пайгамбаримиз эса: «Аллоҳим, мени бир лаҳза бўлса-да, нафсим билан ёлғиз қолдирма», дея илтижо эттанлар.

Демак, Аллоҳдан мадад тилаш керак. Охират аҳлининг дунёдан, валиларнинг эса дунё ва охиратдан маън қилинишлари илоҳий бир ёрдам ва хос ҳидоятдир.

*Ҳаққа тушибди йўлим менинг
Кетарман, алвидо, сизга.
Тарк айладим жону таним,
Кетарман, алвидо, сизга.
Ахлуллоҳни кўр, неттилар,
Бу кавнайнни тарк этдилар.
Охир Ҳазратга етдилар,
Кетарман, алвидо, сизга.
Азал оламиндан келдим,
Роҳат қилиб не кун кўрдим?!
Бу йўлларда гариб бўлдим,
Кетарман, алвидо, сизга.
Икки жаҳон хаёл эмиш,
Бу ҳалққа макру ол эмиш,
Мақсад бўлган - висол эмиш,
Кетарман, алвидо, сизга.
Шудир сўзи Ҳаққий қулнинг:
Жумлангиз соғ-омон бўлинг,
Хешу қавм бунда қолинг,
Кетарман, алвидо, сизга.*

3. Аллоҳга таваккул

Тавакқул худди ўлик янглиғ Аллоҳга ишониб, барча сабабу тадбирлардан йироқ бўлмоқлиқдир. Чунки, Аллоҳу таоло «...Ким Аллоҳга тавакқул қиласа, бас (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир» (Талоқ, 65:3), дея марҳамат қилгандир.

Табиий ўлимда руҳ бадандан айрилгач, бошқа у билан боғлиқлиқда фаолият кўрсата олмайди. Фақат қабрда савол-жавоб учунина унга имконият берилади. Ихтиёрий ва шуурли равишда ўлган киши ҳам бофу боғча, ҳунару касб билан моддий-маънавий бутун алоқа-ю қизиқишиларини узмоғи, бутун ишларини Аллоҳга ҳавола этмоғи лозим. Айнан шу тарзда ўртадан ўзини йўқ қилган ҳақиқий мугаваккилнигина Аллоҳ асрайди, меҳнат-машаққат билан қўлга киритадиган нарсаларини ҳам унга бошқа йўллар билан насиб айлайди. Зоро, Аллоҳ дунёга: «Эй дунё, менинг йўлимда юриб менга хизмат қилганга хизматчи бўл!» дея хитоб қилгандир.

Иброҳим бин Адҳам ва унингдек буюк сўфийлар чўлу саҳроларда кезарканлар, уларга ноз-неъмат тўла дастурхон ёзилганлиги ривоят қилинади. Бошқа бир дарвешга эса ҳар овқатланиш пайтида иссиқ бир бурда нон бериларкан. Уни ким келтирганлигини сўрашганида: «Аллақандай бир кампир келтираяпти», дея жавоб берган экан. Бу кампир эса дунё эмиш. Дунё аслида маккор бўлса-да, Аллоҳ лўстларига хизмат қилади. Ҳатто шайтон ҳам бир дарвешнинг чироғини қирқ йил жомеъ масжидига кўтариб борган экан. Зоро, Куръони Каримда ҳам шайтоннинг ҳақиқий ихлос соҳибларини йўлдан адаптиrolmasлиги таъкидлангандир (Ҳижр, 15:40).

Юқорида зикр қилинган тавакқул тасаввуфий тарбия кўрган кишиларга хосдир. Оддий одамнинг таваккули эса сабабу тадбирлардан юзага келади. Деҳқон уруғ сочиб, ҳайвон эгаси эса уни боғлаб бўлгачгина тавакқул айлайди.

Солик ва дарвешнинг таваккули ҳақида ҳам турлича қараашлар бор. Тасаввуфий ҳаётга янги қадам қўйган кипши билан унда маълум бир масофага етган кишиларнинг таваккул ҳақидаги тушунчалари фарқлидир. Илк даврларда дунё билан боғлиқ ишларини тамоман бир тарафга отмагунча, ботин оламини ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун мутлоқ таваккул зарурдир. Аммо маълум маънавий масофага еттач, тадбиру сабабларга аҳамият бериш-бермаслик унинг ихтиёридадир. Шайх Абу Мадян Мағрибий (ваф. 590:1194) муридларини мутлоқ тавваккулга даъват қиласкан, шундай дерди: «Инсон бу дунёда Аллоҳнинг меҳмонидир. Меҳмоннинг уч кунлик таъминоти эса уй соҳиби зиммасида. Бу дунёning минг йили Аллоҳ наздида бир кундир (Ҳаж, 42:22). Меҳмон мезбон хонадонида ўз тўрвасидан нон ва овқат чиқариб ейиши уят, ярапшмайдиган ишдир». Қаранг, Аллоҳнинг дўстлари дунёга ана шундай назар билан қарайдилар, ўзларини меҳмондай ҳис этадилар. Уч минг йилга чўзилган меҳмондорчилик...

*Кўпдир Ҳақнинг неъматлари,
Алҳамду лиллаҳил-Карим.
Воғирдир миннатлари,
Аш-шукри лиллаҳил-Азим.
Берди бизга чунким вужуд,
Даргоҳида қилдик сужуд,
Унدادир ҳар фазлу вужуд,
Алҳамду лиллаҳил-Карим.
Кимки қиласар Ҳақни талааб,
Дунё учун чекмас ҳеч таъб,
Восий турур эҳсони Раб,
Аш-шукри лиллаҳил-Азим.
Раҳмат ёғар кўкдан бизга,
Кудрат келар ҳар ожизга,
Эҳсони мўл бизга, сизга,
Алҳамду лиллаҳил-Карим.*

*Ҳар зоҳиру ботин-қамуғ,
Небмат ила дунё тўлиғ.
Ҳаққий, не бир инъомдир бу,
Аш-шуқри лиллаҳил-Азим.*

4. Қаноат

Қаноат яшаш учун зарур бўлган эҳтиёжлардан ташқари барча нафсий орзу ва ҳайвоний истаклардан худди жонсиз вужуддек йироқлашув, ейиш-ичиш ва уй-жой хусусида исрофга йўл қўймаслик, хусусан, қильъати таомга риоя этмоқ демакдир.

Исроф қилинмаслиги керак бўлган бу уч нарсанни иккига тушириш ҳам мумкин. Чунки уйи бўлмаган одам форга ўхшашиб жойларда ҳам яшай олади. Бунда исрофга ўрин қолмайди. Кийинищда ҳам зарурий бўлган талаб – вужудни иссиқ-совуқдан асраш, ёпишиши лозим бўлган жойларни ёпишдирки, бундан ортифи исрофдир. Исроф билан табзир орасидаги фарқ қўйидагичадир: табзир – у ёки бу нарсанни кераксиз жойларга сарф этмоқ бўлса, исроф керакли жойларга лозим бўлганидан ортиқча харжлаш демакдир. Шу билан бирга, хайрли, мақбул ишларга кўтлаб сарфланса исроф эмас, балки савобдир. Чунки амалу ҳаракатларнинг ниятта боғлиқлиги ҳакида ҳам фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Валилардан бири зиёфат берганида мингта шам ёқибди. Мехмонлар бунинг исрофлигини айтишганида, мезбон: «Ундей бўлса, ўчиринг», дейди. Йигилганлар шамларни ўчиришга ҳарчанд уринмасинлар, уларни ўчира олмабдилар. Буни кўрган хонадон соҳиби: «Шамларни ўзимиз учун эмас, Ҳақ учун ёқсан эдик. Бу исроф эмаслиги учун ҳам уларни ўчира олмадингиз. Зоро, Ҳақнинг чирогини ва нурини ҳеч кимса сўндиrolmas», дея: «Улар Аллоҳнинг нурини оғизлари (яъни бехуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса гарчи коғирлар истамасалар-да, Ўз нурини (яъни динини) тўла

(яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир» (Саф, 61:8), оятини ўқимиш.

Бу йўлдаги солик кунига бир марта овқатланади. Оддий инсонлар эса «...У жойда улар учун эрта-ю кеч ризқлари ҳозирдир» (Марям, 19:62), оятига биноан кунда икки маротаба емак ейдилар. Бир кунда уч карра овқат ейиш эса исроф саналади. Куч-кувати жойида бўлган киши эса савми висол тутиши яхшироқдир. Зеро, Ҳазрати Идрис ўн олти йил емай-ичмай, бедорлик билан гина вуслатга етмиш.

Дейдиларки, бир киши қирқ кунда бир марта овқат еса, малакут оламининг бутун сирлари унга очилади. «Арбайн» дейилган қирқ кунлик чиллада ана шундай кўп фойдалар бор. Ҳадисда ҳам: «Кимки қирқ кун ихлос ва самимият билан Аллоҳга ибодат қиласа, қалби ҳикмат билан тўлади...», дея марҳамат қилингандир. Бундаги ихлос калимаси эса комил бир имон, зикри бардавом, хилвати том ва ҳоказоларни англатади. Чунки ички ва ташқи шартлар мукаммалланмагунча, қалбда илоҳий файз жўшурмайди.

*Касрати асмодан эй дил айни ваҳдатдир гараз,
Қалбни татҳир этмоқдан янбиъу ҳикматдир гараз.
Бу нечук парҳез айлабон савми висол этмак надир,
Ийди акбар айлабон авлога вуслатдир гараз.
Кофири ишқ бўлмоқ оламда шаковатдир қатъий,
Аҳли имон бўлмасдан ҳам саодатдир гараз.
Сўфиёний таъбу ҳавоий нафс ила улфат надир,
Чунки аҳли дил дунёда суҳбатдир гараз.
Ли мааллоҳ хилватига дохил бўлким, Ҳаққиё,
Хилвати такмилдан Ҳақ ила жалватдир гараз.*

5. Узлат

Узлат – бамисоли ўлиқдек ҳалқ билан бирга яшашдан инзиво ва хилват, ёлғизланиш йўли билан юз ўғирмоқ демак.

Соликнинг гайбул гуюб бўлган Аллоҳга йўналишидир. Шунинг учун у дунёга кўз тикмаслиги, Ҳақдан бошқа ҳеч ким билан олди-берди қилмаслиги шарт. Зеро, Боязид Бистомий (ваф. 261:874): «Ўттиз йилдан буён Ҳақ билан сұхбатдаман, халқ эса мени ўzlари билан сұхбатдош дея ўйлайдилар», деган эди. Бистомий халқнинг ботин ҳақиқатига, халқ эса Боязиднинг зоҳирий ва ташки кўринишига эътибор қиласади.

Узлат сукутдек буюк фазилатни ҳам ўз ичига олади. Чунки узлат ҳаётини яшаган одам сұхбатдош тополмайди, шу боис сукут сақлайди. Сукут эса сулук шартларидандир. Юқорида зикр қилингандан узлат муридларнинг, сулук ҳаётига эндиғина одим қўйғанларнинг узлатидир. У вужуд-ла адo этилади. Мұхаққиқларнинг узлати эса вужудга, қалбга асосланади. Чунки уларнинг қалбларида Ҳақдан ва илоҳий илмдан ўзга ҳеч нима йўқдир.

Узлатнинг сабаби иккидир: мурид ё халқнинг шарридан қочади ёки уларга зарар етказмаслик учун ўзини четта тортади. Иккинчи йўл янада яхшидир. Чунки инсоннинг ўз нафси учун суи зан қилмоғи бошқалар ҳақида суи зан қилишдан кўп карра мақбул.

Муриднинг унга маънавий тарбия берган шайх ва муршидига қилган хизматлари ҳам узлатга киради, асло халқ билан бўлган муносабат ҳисобланмайди.

Айни нийтда шайх зиммасига ҳам бир қанча таалблар юкланди:

1. Шайх Ҳаққа восил бўлган зот, комил, мурид тарбиясига қодир бўлмоғи шарт. Акс ҳолда сулук ниҳоясига стмайди. Бу ҳолатда мурид ора йўлда қолган йўловчига ўхшайди.

2. Шайх муридига шахсан раҳнамолик қилиши керак. Мурид узлат ҳаёти давомида дуч келадиган қийинчиликларни енгигб ўтиши учун шайхидан ажralмаслиги лозим. Буюк сўфийлар сайри сулукнинг икки жиҳати борлигини таъкидлайдилар: бири муридининг мол ва вужуд

билинг хизмат кўрсатиши бўлса, иккинчиси шайхнинг мурид қобилиятига яраша руҳ ва файз бахш этмоғидир.

Бу маълумотлардан кейин шундай дейиш мумкин: икки хил шайх бор. Бири муриднинг ўзи бош эгиб борган шайхидурки, бундан сўнгра тарбият учун ўша муршиддан бошқа муршид ёки шайх изламоғи ва интисоб қўймоғи унга раво эмас. Бу ҳол шайхи оламдан ўтгунча давом этиши керак. Иккинчи хил шайх эса муриднинг ўз шайхи бўлмаса-да, эҳтиром юзасидан зиёрат этилган ва дуоси олинган зот бўлиб, муридга хизмат мажбуриятини юкламайди. Баъзан номи шайх бўлса ҳам замонамиизда тубан ва нораво ишлари билан шуҳрат топган, тасаввуфий ҳоллардан мутлоқ бенасиб инсонлар ҳам мавжудки, улар ҳатто зиёрат этишга-да арзимайди. Агар шайх иршод салоҳиятига соҳиб бўлмаса, хизматидан айрилмасдан тариқат ва хонақодаги бошқа ихвон ва дўстлардан фойдаланиш керак. Аммо бундай шахс, албатта, қобилиятли ва шафқатли бўлмоғи лозим. Жумладаги шафқат ёнига келган муридни ҳаргиз рақиб деб билмаслик, билакс, унинг маънавий марта-баларда таҳликага тушиб қолишидан хавотир олиш маъноларини англаатади ва бунга «ихвони филлоҳ» дейилади. Замонамиизда эса бундай хислатли ва хосиятли инсонлар камёбдир.

Шайх ғассолга ўхшайди. Шу боис муриднинг шайхи хузуридаги ҳолати ғассол олдида турган ва исталган томонга айлантириладиган жонсиз вужудга менгзайди.

Ушбу эътироф муриднинг эътиrozни тарқ этмоғини англаатади. Таслимияти том бўлмагунча шайх ва устоздан баҳраманд бўлиш мумкин эмас. Файз олиш учун қалб робитаси ва алоқаси асосдир. Акс ҳолда ички дунёси туманли, хизмати нуқсонли, ҳаракатлари ноқис кимса ҳеч вақт кўзланган мақомга кўтарила олмайди.

Шайх валилик суви ила мурид вужудидаги кирларни ва унга кейинроқ илашадиган чиркинилликларни поклайди.

Валилик сувидан мақсад илоҳий файздорки, инсон бу доира ичига кирмагунча ўша файзни кўнглидан ўтказа олмайди. Бунда назарда тутилган нарса валояти омма эмас, балки валоят ва валояти хоссадир. Вужуддаги кирлар эса Ҳақдан узоқлашув касофати бўлиб, жунублик-дек ёқимсиз бир нарсадир. Куръони Каримни фақат по-киза бўлғанлар қўлга ола билганидек (Воқеа 56:79), маънан нопоклар ҳам илоҳий сирларга ҳаргиз яқинлаша олмайдилар. Жунублик инсонни масжиддан қандай йироқлаштирса, дунёга боғлайдиган ришталар ҳам инсонни худди шундай Ҳақдан йироқлаштиради. Намоз ўқиши учун таҳорат ва гусл нечоғлик лозим бўлса, тасаввуфий ҳаётда ҳам ботиний софлик ва дунёдан қўл силташ шу даражада зарурдир. Мана шу маънавий поклик учун валилик суви лозим. Шайхнинг муридга қалбий илмларни ўргатмоғи эса ана шундай кирлардан софланишига сабаб бўлади.

Инсонга илашган чиркинликлар дейилар экан, кенг маънода дунё назарда тутилмоқда. Бундаги «ҳадас» сўзи интиҳоси-ю ибтидоси йўқ маъносини англатувчи «қадим» сўзининг аксиdir. Солик дунё билан боғлиқ сайру сулук изида эмас, аксинча қадим бўлган буюк Борлиқ томон сайру саёҳат ичиладир. Пок бўлмаганлар эса юксак мақомларга ҳаргиз қадам кўя олмайдилар.

Эй ориф! Кўриб турганингдек, тасаввуфнинг аввали нафсий васф ва сифатлардан, охири эса гайрияятдан кутулмоқдир. Бу сифатлардан фориғ бўлмагунча Ҳақقا элтувчи ҳеч қандай йўл топилмайди. Бу ишларнинг сирасорини идрок этмай, бу завқни тотмай туриб, бизнинг сўзларимиз маънисини англаш анча мушкулдир.

*Кел бери, кел, мосиводан узлат эт,
Бадаху Мавлога қараб бор, сұхбат эт.
Қадам истасанг бисоти қурбатга
Нафсинги бос, ки бу йўлда гайрат эт.*

*Сирри Ҳаққа етишишмоқ охир мурод,
Ботини татхирга аввал ҳиммат эт.
Гар ядуллоҳ сирридан вофиқ эрсанг,
Муршиди комил қўлин тут, байъат эт.
Оби файзи Ҳақ билан пок бўлмоққа
Поклар-ла кечакундуз улфат эт.
Мосиво афкорини дилдан кетказ,
Ҳаққиё, Ҳақ билан унс эт, роҳат эт.*

Узлатнинг асоси хилват усули ва йўли билан кишининг ўз ҳис-туйғу аъзоларини ҳар хил тасарруфлардан узоқ тутмоғидир.

Ашёни таниб идрок этишда кўмакчи бўлган бу аъзолар эшитиш, кўриш, ҳид билиш, тотиб кўриш ва тутиш аъзоларидир. Масалан, қулоқ тинглаш ва эшита олиш қобилиятига эга. Бу қобилият бўлмагандан эди, эшитиш насиб этмасди. Алиюҳ сўзи, инсон овози, ҳайвон саси ва чолгу садосига ўхшаб овозларда ҳам маҳсус кайфият, маъно ва ҳоллар мавжуд. Қулоқ буларнинг барчасига жосусдир. Ташқаридаги бу овозларни тутиб олиб, қалбга етказади. Шу боис дин баъзи овозларнинг эшитил маслигини истади. Қулоқ йўли билан қалбга борадиган бу овозлар инсоннинг ҳақ йўлдан узоқлашувига сабаб бўлур. Колган барча аъзолар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бу ерда ҳаммасини изоҳлаб ўтирмақчи эмасмиз.

Узлат инсон руҳини синовчи турли оғат, фитна-ю бало билан кувватланишни, ёмон ҳусусиятларнинг тарбиясини ва назоратта олимномогини таъминлайди. Туйгулар дарчасидан кирган орзу ва истаклар нафсни «асфали софилин» (Тии 95:5)га етаклайди, унга ҳукмронлик қила бошлийди ва ўз хоҳишлари билан қалбни куршаб олади.

Яъни, нафс инсонга султонлик қиласди. Буюк ҳукмдор бўлмиш руҳни ағлариб, қалб тахтини эгаллайди. Ҳолбуки, руҳ ва вужуд бирлиги руҳнинг баланга тегиш-

ли барча ишларига масъуллигидандир. Дунё низоми ҳам худди шунга боғлиқ. Бундан шундай холоса чиқади: бирон кишига тобе бўлганлар янгиш ва бузгунчи бўлсалар, охир-оқибат ўзлари тобе бўлган шахсга ҳам ўз таъсирларини ўтказадилар, уни аслидан йироқлаштирадилар. Шунинг учун ҳам подшоҳларга қилинган насиҳатлар ичидаги шундай бир гап бор: «Инсонларнинг энг хайрлиларини давлат хизматига жалб этинг». Бир хабарда ҳам: «Бўрини чўпон қилиб тайинлаган киши қўйларга зулм қилимиш», дейилгандир. Хосиятсиз раҳбар билан ҳалқ муносабати ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Хилват ва узлат орқали нафснинг ҳис ва шаҳват билан боғлиқ куч-қуввати ҳам қирқилади.

Бу йўл билан нафснинг ҳою-ҳаваси қанчалар заифлашса, қалб шунчалар қувватланади. Ҳаво – нафснинг ўзига мос ишларга майл кўрсатиши ва йўналиши бўлса, шаҳват – ақлнинг орқасига яширинган нарсадир. Зотан, «Ҳар қандай иш борасида олимлар билан маслаҳатлаш, аммо оқиллар билан алоҳида маслаҳатлаш. Агар бундай қилолмассанг, бу ишдан ўзингни тийгил!» дейилиши бежиз эмас. Шаҳватпаст кимсалар билан маслаҳатлашилган ишларнинг оқибати, албатта, хусрону фалокат. Малакларда ақл бор, шаҳват йўқ, ҳайвонларда фақат шаҳват бор. Инсонда эса ҳар иккиси ҳам мавжуд.

Шаҳват суфлий бўлган табиий сифатдир, ақл эса улвий бўлган руҳий сифат ва у олимнинг яроғидир. Илм ақлнинг ҳосиласи бўлганлиги боис ақлдан кўп устун зрур...

Зеро, табиб беморни даволай бошлаганида энг аввало ундан заарарли барча егуликлардан парҳез қилишни талаб қилади ва бу билан касалликнинг сабаблари учун тадбир белгилайди. Шу тарзда хасталикни юзага келтирган заарарли унсурлар билан бемор алоқасига чек қўяди, вужудни тозалайди. Табобатда «Парҳез барча дориларнинг бошидир», деган ҳикмат бор.

Масалан, инсонни заҳарли илон чақса ёки кутурган ит қопса, бу ҳайвонлар ўлдирилиши керак. Чунки касалликнинг сабаби улардадир. Тадбир ва парҳез бир-биридан айрилмаслиги лозим. Баъзан, худди Ҳиндистонда бўлганидек, фақат парҳезга аҳамият берадилар. Яъни, овқат туфайли меъдада ҳазмсизлик вужудга келса, bemорни маълум муддат овқатланмасликка ундейдилар. Бемор шу йўл билан тузалади. Она дўлида эса бундай bemорларни овқатдан маън этиш билан эмас, балки бу ҳазмсизликни даф қилувчи нарсалар билан даволайдилар. Шундай бўлса-да, биринчи усул фойдалироқ дея тан олингандир.

Табиб bemорнинг заарарли нарсалар билан алоқасини узганидан кейин баданидагиларининг ҳам йўқолиши учун унга мусҳил ичиради. Шундан кейин вужуд табиий ҳолатига, одатий ҳароратига қайтади.

Яхши билгинки, инсон тўрт унсурдан яралмиш. Булар: тупроқ, сув, ҳаво, оташдир. Иссиқлик, совуқлик, қуруқлик ва рутубат ҳам шулардан туғилади. Кон, балғам, савдо ва сафро эса иккинчи тўртликдан ҳосил бўлгандир.

Касалликнинг сабаби ҳаво, сув ва таомдан меъёrsиз фойдаланишдандир. Айниқса, ёшлар бунга эътибор бермайдилар, аммо кексайгач, бу лоқайдиларининг жабрини тортадилар. Афсуски, сўнгра дори-дармон ҳам фойда бермайди ва улар оҳу воҳ билан дунёни тарк этадилар.

Юқорида англатилган моддий вужудимизнинг хасталиклариға қараганда ҳам маънавий дунёмиз, ич оламимизнинг касалликлариға алоҳида эътибор беришимиз ва ҳушёр бўлмоғимиз керак. Ҳақдан айро ва йироқ қолишидек дардга тенг келадиган дард йўқ. Бунинг давоси фақат тавҳиддир. Бунга эса ўз-ўзича эришиб бўлмайди, балки руҳоний бир табиб керак бўлади.

Бу қиёсдаги парҳездан сўнгра истеъмол қилинадиган мусҳилдан мақсад доимий зикрдир.

Мусҳил вужуддаги заарли моддаларни ташқарига нечоғлик отиб чиқарса, давомли зикр ҳам инсоннинг кўнгил оламини ана шундай поклайди, дунёга боғлиқлигини узади. Чунки мосиво қоронгуликнинг, зикр эса нур ва ёруғликнинг тимсолидир. Куёш нури тун зулматини қандай қувса, зикр нури ҳам маънавий барча қоронгуликларни супуриб ташлайди. Буни «сабоҳи тажалли» дерлар.

Бундаги гап мутлоқ зикр эмас, балки доимий зикр ҳақидадир. Чунки зикрда тўхташ ва гайратсизлик мақсад йўлидаги тўсиқдир. Бунда ҳар ким ўз бошича қилган зикри билан муваффақиятга эриша олмайди.

Илк фатҳ ва қалбнинг очилиши муршиди комилнинг кўли остида ўн-ўн беш кун доимий хилват ва зикр ила бошланади.

Бу нуқтада муршидинг хизмати ўта муҳимдир. Чунки ҳеч бир киши ўзининг маънавий юксалганини ёхуд тубанлашганини идрок қилолмайди. Сўнгти фатҳ эса ўн йилдан ҳам ортиқроқ вақтга ҷўзилиши мумкин. Чунки тавҳид, тажрид, тафрид, офоқ ва анфусга навбатма-навбат кўтарилади. Бу мақомларнинг эшиклари бир лаҳзада очилмайди. Бош мақсадга етишмоқ учун узоқ муддат талаб этилади. Ҳатто фанодан сўнгра қирқ йилда валоят мартабасининг интиҳосига, бақо билан эса йигирма уч йилдан кейингина ниҳоятнинг ниҳоятига етишиш мумкин. Шунинг учун бир-икки қашғу тажаллига эришганлар «Иш ниҳоясига етди», дея алданмасинлар. Бу майдоннинг саҳни жуда кенгdir.

*Қув кўнгилдан гайрни шарбати тавҳид ила,
Заъфи дилдан эт ҳалос ул қуввати тавҳид ила.
Зикри доим бўлмаса файзи Худо этмас давом,
Жоми ваҳдат нўш этакўр касрати тавҳид ила.
Осмони гайбга меъроj айлар охир жону дил,
Бу шаҳодатдан олур пай қудрати тавҳид ила.
Ҳар на қадар дарби зикр айласанг, эй марди қавий,*

*Нафсни кирдан покларсан шиддати тавҳид ила.
Сайри филлоҳга ниҳоя йўқ, деди аҳли камол,
Очилар бир дамда минг дари ҳиммати тавҳид била.
Хотами зикру Ҳудо ила Сулаймон бўлиб юр,
Ҳаққиё, забт эт жаҳонни шафқати тавҳид ила.*

6. Доимий зикр

Аллоҳдан бошқа ҳар нарсани унугтиб, фақат Уни зикр этмоққа давомли зикр дейилади. Зеро, Аллоҳу таоло: «...Унугтиб қолдирган вақтингизда Парвардигорингизни зикр қилинг...» (Қаҳғ, 18:24), дея марҳамат қилгандир. Жумладаги унугтиш бир ўлик мисоли Ундан бошқа бутун борлиқларни ва нарсаларни унугтоқни англатади.

Чунки икки зикр асло бир жойда мужассам бўлмайди. Ҳам дунё ила боғлиқ ишларни, ҳам Аллоҳни зикр этиш имконсиздир. Агар бундай ҳолат юз берса, зикри муттасил (бир-бири билан бирлашган ва доимий зикр) эмас, балки зикри мунтақий (узуқ-юлуқ ва кесик масофали зикр) қилган бўламиз ва қуллигимизнинг даражаси ҳам шу нисбат-ла кемтик ва қусурли бўлади. Шу боис ҳам Ҳазрати Оиша Расулуллоҳ ҳолини сўраганларга: «Ул зот ҳар доим зикр қиласдилар», дея жавоб берганлар. Пайғамбарларнинг ва буюк валиларнинг оддий муносабатлари ҳам зикр ҳисобланади. Чунки улар барча муомала ва амалларида Ҳақ биландирлар.

Зикрдан мақсад эса асло тил ҳаракати эмас, балки қалб ҳузур-ҳаловатидир. Бундаги давомли зикрдан мақсад ҳам хилват ахлининг тилдаги доимий зикридир. Муддао эса қалбий зикрнинг бардавомлигини таъминлашдир. Тил зикрининг овоз (зикри жаҳрий) чиқарилиб қилинишида буюк таъсирлар бор. Овозли зикрдан мақсад уни Аллоҳга эмас, билакс, кўру кар нафсга эшииттиришдир. Чунки Аллоҳ учун зикрнинг садоли-садосиз, узоқ ва яқинлиги аҳамиятсиздир. Зеро, барча ашёда тажалли қилгувчи Удир. Зикри жаҳрийга қарши бўлиб, уни ёқтири-

маганлар тасаввуфий мақомларнинг ҳолларини англай олмаганлар ва бехабарлардир.

Юқорида мусхилини зикрга ўхшаттан эдик. Бу билан айнан «Ла илаҳа иллаллоҳ « калимасини назарда тутмоқдамиз. Бу ифода эса нафий ва исботдан, яъни рад ва қабулдан ҳосил бўлган бир маъжуну даводир.

Бир маъжун бир қанча дорилардан таркиб топганидек, «Ла илаҳа иллаллоҳ» ҳам нафию исботдан иборатдир. Шу боис ҳам «Аллоҳ, Аллоҳ» ёхуд «Ҳу, Ҳу-Ҳу» каби зикрларга нисбатан устун саналади. Чунки Аллоҳнинг бошқа исмларида нафий ва исботдек икки жиҳат эмас, балки бирлик – тоқ жиҳат мавжуд. Шу боис бу исмларнинг «вирди лайлий» (махсус тунги зикр) бўлмоғи мустаҳабдир. Чунки кечада ҳам тавҳид мавжуд, касрат йўқдир. Кечаси коинотда ягона ранг ҳокимдир. Калима тавҳид эса икки томонли бўлиб, унда касрат бордир. Шу боис унинг «вирди наҳорий» (махсус кундузги зикр) бўлмоғи янада афзалдир.

Нафий бўлими қалб, кўнгил хасталикларига сабаб бўлган, руҳни турли-туман машғулотлар билан боғлайдиган, нафсга қувват бериб, уни кучлантирадиган заарли модда-ю микробларни йўқ қиласди. Булар эса ёмон ахлоқ ва ҳайвоний истаклардир.

Вужуднинг султони руҳдир, султон тизгинда тутилиши ва занжирбанд қилиниши мумкин эмас. Қалбнинг ҳақ йўлдан бошқа бир йўлга чалғиши касаллигини келтириб чиқарган ёмон ахлоқлар эса жаҳолат, хасислик, қўрқоқлик, мунофиқлик, сабрсизлик, кибр, худбинлик, баджаҳллик, риёкорлик, мол-мулк ва амал севгиси каби феъл-атворлар бўлиб, булардан жаҳаннам эшиги очилур.

Ҳайвоний истакларга эса кўп ейиш, кўп ухлаш, ҳаддан ошиқ жинсий муносабат қилиш киради. Буларнинг барчаси тубан одатлардир. Уларга тобе бўлган кимса разилдир. Бундай чиркин истагу орзулар фақатгина «Ла» (йўқ, бўлмайди) билан бир ёнга улоқтирилади.

Исбот бўлими эса қалб сиҳат-саломатлигини таъминлаб, феъл-автор тубанликларидан кутқаради, аслий хувиятдан ажралишнинг олдини олади. Инсон ахлоқи-ю ҳаётини Аллоҳнинг нури билан муниаввар айлайди.

Асос эътибори ила қалб пок ва мусаффодир. Зикр қилинганд қалбий хасталиклар унга кейин ёпишади. Бу борада Пайғамбаримиз: «Туғилган ҳар инсон фитратда туғилади. Сўнгра эса ота-онаси уни яхудий, насоро ёхуд мажусий қиласди», дега марҳамат қилгандлар.

Табиий орзу ва истаклар ҳоким бўла бошлигач, руҳий қувватлар мағлуб бўлади. Шунда инсон ҳайвон ёхуд шайтонга ўхшаган бир маҳлуққа айланиб қолади. Шу боис ичилган дорининг хусусиятлари вужудни табиий ҳолига қайтарганидек, калимаи тавҳид фазилатлари ҳам инсонни илк шаклига, яратилишдаги софиятига қайтаради.

Шундан ҳам маълум бўлмоқдаки, асл мақсад нафий эмас, исботдир. Аммо кейин пайдо бўлган нарсалар учун нафий ҳам лозим бўлади. Аслида ваҳдати вужуддан ва ягона Борлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқлиги ҳолда кофирларнинг ваҳмларини ўртадан олиб ташлаш учун калимаи тавҳидга нафий бўлими илова қилингандир. Тасаввуф йўлига энлигина кирган соликда ҳам шундай ваҳму хаёллар бўлиши мумкин. Исбот ҳоким бўлган мажзуб кимсалар эса асосан «Аллоҳ, Аллоҳ» дега зикр қиласилар. Шайх Шиблий (ваф. 334:945) ҳам «Ла» даҳшати ва машаққатидан қочиб мудом «Аллоҳ, Аллоҳ» дега зикр қиласди.

Бу вазиятда руҳ, важд ва илоҳий нурнинг таъсирида ҳис қилган Ҳақ шоҳиди Ҳақнинг зот ва сифатлари тажаллисидан ойдинлашади. Аллоҳ: «Ер Парвардигорининг нури билан ёришди...» (Зумар, 39:69), дега марҳамат қилганидек, ер юзининг хусусияти бўлган зулматлар гойиб бўлади.

Бу илоҳий нур аввал қалб ва руҳга тажалли қиласди, сўнгра эса солик вужудига ҳам таъсир ўтказиб, уни нурлантиради, баракатлантиради. Шу боис тажаллига мазҳар бўлганларнинг жасадлари қабрда парчаланиб, чи-

риб ҳидланмайди. Уларнинг ташқи кўринишлари ҳам ич кўринишларидек нуроний бўлади. Аҳли таҳажжуд (кечаси туриб ибодат қилувчилар) ана шундай кишилар сиррасига киради. Тажалли соҳибларининг нурлари бир-бирларига ўта олади. Фоғил эса уйқу ва жасад зулматларида қолиб кетади. Хулоса қилиб айтганда, Аллоҳ зоти-ю сифатининг тажаллиси ила қулдаги барча зулматлар, қоронгуликлар йўқолади. Бутун ашё ва борликда илоҳий исмларнинг тажаллиси мавжуд. Масалан, сувга «Мухъий» дейилади, аслида эса бу илоҳий бир сифатдир. Бу сифатнинг асари сувда зухур этган бўлиб, кўзини маънавий парда қоплаганлар бу сирни англамайдилар. Бу ҳақда Юнус Эмро (ваф. 720:1320) шундай дейди:

*Йўқотдим Юсуфни Кањон элида,
Юсуф топилди-ю, Кањон топилмас.*

Бу ерда Кањон эли касрат ва кўплиknинг тимсолидир. Шу касратнинг ичида Юсуф топилмайди. Кањон орадан кетгач, Юсуфдан ўзга ҳеч нима қолмайди. Кўринганларнинг барчаси эса унинг зот ва сифати эрур. Шунингдек, ашёга тажалли қилган зот ҳам якка-ю ягона-дир. Тажаллиларнинг энг юксаги эса комил инсонларнинг ашёдаги мушоҳадаларидан айри ҳолда қалбларда чақнаган «тажалли чақмоғи»дир.

Бу даражага етганлар асло йўлдан тоймайдилар ва адашмайдилар. Билакс, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мартабаларида аҳли суннат тушунчасига содик қоладилар. Аммо сўфийларнинг оиласи ва атрофидагилар унинг бу ҳолини идрок ҳамда иҳота қила олмайдилар. Тақлидан тажалли аҳли бўлгандар эса ҳар он янгишишлари ва адацишлари мумкин. Юқорида зикр қилинган мартабаларнинг ҳар бири учун Аллоҳнинг айри-айри ҳамди ва тасбеҳдари бордир. Уларнинг йўл ва усулини ёлғиз комилларгина англайдилар.

«Албатта, Аллоҳ ғолибdir ва (у) ер бошқа ерга, османлар (ўзга осмонларга) айланиб қоладиган ҳамда (бар-

ча одамлар) ёлгиз ва қудратли Аллоҳга рўбарў бўладиган кунда (қиёматда) интиқом олгувчидир» (Иброҳим, 14:48).

Илоҳий тажаллининг натижаси ўлароқ ҳалок ва барбод бўлган дунёда бир қанча ўзгаришлар юз берганидек, комил инсонда ҳам Ҳаққа вусул этга, ўзгача нашъя-ю завқ ҳоллари туғилади. Унда дунёда мавжуд бўлган таҳоратни бузиш, ташқарига чиқиш, аёлларнинг маҳсус ҳоллари ва шу қабилар бўлмайди. Чунки инсон «Макони ав адно»дан (Нажм, 53:9) қайтга, Ҳақ либосига бурканади ва бунга «жалват» дейилади. Бу мартабадаги сўфийларнинг икки жиҳати бор: инсон дея танилиб, бошқа инсонлар билан муносабатда бўладилар, малакут оламида яшайдилар. Иккинчи томондан эса кўринмайдилар, мажхулдирлар, халқдан узоқ бўлиб, ғайб оламида яшайдилар. Шу боис булар «ғурабойи ҳақиқийя» (ҳақиқий ғариблар) дея ном олганлар. Зоро, Пайғамбаримиз: «...Фариблар қандай саодатлидирлар!» дея марҳамат қилганлар.

Борлиқ олами тажалли ила йўқ бўлгач, инсонларнинг Қаҳҳор бўлган Аллоҳ ҳузурига чиқишилари гўё пўсти арчилган нарсанинг ичи-ю ташида сир қолмаслигига ўхшайди. Ҳамма нарса аслига қайтади. Шу боис ҳам Аллоҳ «...Унга қайтажаксиз» (Бақара, 2:28), дея буюрмишдир.

Агар вужуд ўзгариши ила руҳ қандай қилиб ўзгарамди, дея сўралса, биз шундай деймиз: руҳнинг икки жиҳати – зоҳири-ю ботини бор. Буларнинг биринчиси ҳодис, кейин вужудга келган бўлса, иккинчиси қадимдир. Арш ва Курсига (Юнус, 10:3; Бақара, 2:255) юксалган вужудлар асло йўқ бўлиш нималигини билмайдилар. Руҳлар оламига яқин бўлган нарсалар ҳам у оламнинг амрларига итоат қиласиди ва бунга бақо дейилади. «Фавқ-ал арш» деганимиз «арш усти» эса файласуфлар айтганидек «La ҳала вала мала» (на бўш, на тўлиқ) эмас, балки, айнан руҳ ва малаклар оламидир.

Ҳақиқатдан ҳам кўнгил аҳли эрсанг, жуда муҳим бир мавзуда сенга маслаҳат бераман: «Мени зикр қилинг, токи

мен ҳам сизни зикр қиласай», таклифига биноан, зокир ва мазкур, мазкур ва зокир ўрин алмаштироқдалар. Зокир мазкурда фоний бўлади, мазкур эса зокирнинг халифаси сифатида боқий қолади. Бу вазиятда зокирни изласанг, мазкурдан топасан, мазкурни истасанг, зокир билан юзлашасан. «Мени кўрганингда Уни кўрган, Уни кўрганингда эса мени кўрган бўласан».

Бу ҳолатга мазкур ҳадиси қудсий ишорат қилмоқда: «Кулим нафл ибодатлари орқали Менга шу даражада яқинлашадики, бундан буён Мен унинг кўзи ва қулоғи бўламан...». Жунайд Бағдодийдан: «Ориф кимдир?» дея сўрадилар. У ҳам: «Сувнинг ранги ўзи қуйилган идишнинг рангидир», дея жавоб берди. Аслида сув, овоз, нурда ранг йўқ, аммо яшил ойнадан тушаётган нурнинг ранги яшил бўлиб кўринади.

Демак, тажалли ҳолини юқорида англатганларимиз билан қиёс қилишинг ва билишинг керак, токи Ҳақ сенга сенинг рангингда кўринсин. Чунки Унинг ранги йўқдир. Охиратда ҳам инсонлар Унга қандай ишонган бўлсалар, шу шаклда кўринади. Ҳақиқий кўринишидан эса фақат комилларгина насибасини оладилар. Чунки уларнинг ҳам аниқ жиҳатлари ва ранглари йўқдир. Бу ерда Ҳақни халқ билан бир дейишдан қочини лозим. Бу фикр янглишидир.

7. Таважжух

Аллоҳга йўналиш (таважжухи том) ўлик мисоли Ундан ўзга ҳар қандай борлиққа даъват қилувчи ҳар қандай нарсадан юз ўтироқ демакдир. Бу ўринда сўфий учун Аллоҳдаи бошқа ҳеч қандай матлуб, маҳбуб ва мақсад йўқ.

Ҳақиқатан Аллоҳга йўналган сўфийда Ундан бошқа изланган ва исталган ҳеч нарса бўлмаслиги шарт. Агар бу орзу Байтуллоҳни зиёрат қилиш бўлса ҳам талаб ўз кучини йўқотмайди. Қалбни бундай ҳису рицталар билан машғул қиласлик лозим. Акс ҳолда инсон бутун куч-куvvати ва тафаккури билан Унга йўнала олмайди.

Бу ҳолга етишган сўфийга барча наби ва пайғамбарларнинг мақомлари арз ва таклиф этилади, аммо у бирлаҳза бўлса-да, уларнинг ҳеч бирига илтифот кўрсатиб боғланмаслиги керак.

Чунки мақом ишқи ва муҳаббати бу йўлни тўсадиган ҳисдир. Шу боис солик Ҳақ нақшларидан ўзга нақшни кўзламаслиги зарур. Ҳатто Ҳақни ҳам «орзу қилмаслиги» шарт. Зоро, У: «...Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) пок қилур...» (Оли Имрон, 3:28), дея буюрмиш. Чунки бирон нарсани исташда иккилий – истаган ва исталган мавжуд. Ваҳдат аҳли эса бу иккилийни қабул қилмайдилар. Мана шу ҳассосу нозик нуқтада жуда кўп соликлар чалғиб мақсадга ета олмадилар.

Бу хусусда Жунайд Бағдодий шундай дейди: «Бир сиддиқ бир неча минг йил Аллоҳга йўналиб таважжух қиласю, бир он учун Ундан юз ўгирса, йўқоттани топганидан буюkdir.

Бунда сиддиқ ориф маъносини англатмиш. Ушбу мақомга эришган киши Аллоҳдан юз ўтириши мумкин эмас. Шу боис ҳам фикр фаразан баён этилгандир.

Жумладаги бой беришлиқ эса шундан далолат беради: яшалган ҳар қандай тасаввуфий ҳолнинг интиҳоси кейинги ҳолнинг ибтидосидир, яъни қисман уни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, кечирилган кейинги ҳол олдинги онларнинг хусусиятларини ўзида акс эттирур. Ақли аввалдан инсонгача етган барча мартабаларда ҳам ана шундай ўхшашилик мавжуд. Дастребки мартабага қарангандай кейингисида янада кўпроқ нарсалар бордир. Умуман, инсон барча мартабаларнинг холосасидир. Ҳазрати Пайғамбар ҳам энг охирги пайғамбар ва бошқа барча пайғамбарлардан устундир. Ҳарфларда худди шундай ахвол мавжуд: «Ҳу» икки ҳарфдан иборат.

Биринчи ҳарф «Ҳ» маҳорижи ҳуруф (ҳарфларнинг талағфуз ўрни)нинг илк нуқтасида, иккинчи ҳарф бўлган «в» эса сўнгги нуқта бўлмиш лаб билан талағфуз

қилинади. Шу бойынша ҳам «Хұ» барча ҳарфларни ўз ичига олади. Сұфийлар шунинг учун ҳам унинг-ла вирд ва зикр қиласылар. Баъзи тасаввұфий маъноларни инкор ва рад құлмоқчи бўлган билимдонлар нечоғлик «Хұ» бор-йўғи бир олмош, олмош билан эса зикр қилиб бўлмайди, дея дайво қиссалар-да, моҳият асло уларнинг назарида-ги олмош билан чегараланмайди.

Келгин, сен бу сирни англа! Акс ҳолда йўлда тўхтаб қоласан ва ўсиб-унмассан.

8. Сабр

Сабр, мисли майит нафсга хузур-ҳаловат бағишлай-диган нарсаларга мужоҳада билан барҳам бермоқдир.

Юқоридаги «мужоҳада» калимаси вазифанинг муш-куллигига ишорат қиласи. Бу эса нафс истамайдиган нарсаларни унга етказиш билан амалга оширилади. Масалан, нафс ваҳдатни, ёлғизликни хоҳламайди. Касратни, анжуманни улфат ва дўст билади. Ҳаво-ю нафс бандаларида қўним бўлмаслиги шундандир. Улар қишин-ёзин умрларини номашруй суҳбату йиғинларга бағишлайдилар, ёмон нарсалар тилларидан тушмайди, шеър-хонликни шайтонга ўхшаб ўзларининг Куръонларига айлантириб олганлар. Инчунин, ҳадисда: «Жаннатнинг атрофи машаққат ва мушкулотлар билан, жаҳаннамники эса орзу-ю ҳаловатлар билан ўралгандир», дея буюрилгандир.

Эй мўъмин! Ана шу нуқтада адашма! Қалбинг қайси томонга майл этгани ва йўналаётганини яхши бил! Қара, инсонлар қандай қилиб бир ақчани Жаннатдан қизғанадилар, аммо минг ақчани Жаҳаннамдан аямайдилар.

Шу тариқа нафс улфатлик қилған ва истаган нарсаларини унга бермасдан намунали, чиройли йўл устида тўппа-тўғри юришни таъминлапда сабот кўрсатиш керак. Зеро, Аллоҳ Таоло: «Улар (ўз динлари йўлидаги бало-

кулфатларга) сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан (одамларни) ҳидоят қиласынан пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар әдилар» (Сажда, 32:24), дея марҳамат қымлоқда.

Тариқатдаги асл муддао интисоб қилиш эмас. Тариқат воситаидир. Бу йўлда юриб манзилу мақомга етиши моқ лозим. Ундаги «истиқомат» тариқатдан кўп муҳимдир. Аллоҳ Таоло бир оятида: «Албатта, «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) – устивор бўлган зотлар...» (Фуссилат, 41:30) дея буюрмоқда. Демак, бу икки фазилатни бирлаштириш зарур. Аслида истиқомат ҳам тариқатлардаги муҳим унсурдир. Шунинг учун мазкур оятда сабр за унинг натижаси ҳақида хабар берилмоқда. Шу боис хоҳ мурид, хоҳ муршид бўлсин, сабр қилиш асосдир. Сабрсизлар муршид ҳам, раҳбар ҳам бўла олмаслар.

9. Муроқаба

Муроқаба қулнинг худди жонсиз кишидек барча куч-кувват ва ҳаракатлардан ажралмогидир.

Бундаги ҳавл (ҳаракат) бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтмоқ бўлиб, бу Аллоҳнинг лутфидир. Шу боис дуоларда: «Эй ҳолу ҳаракатларни ўзгартирувчи Аллоҳ...», деган жумла ишлатилади. Ҳақнинг муҳаввил (ўзгартирувчи) эканлигини муроқаба қилиш Уни шу сифат билан мушиҳада этиш демакдир. Куч-кувват ҳам Унданадир. Зоро, Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири ҳам Қавий эрур.

Диққат билан назар қилсанг, улкан ва оғир тегирмон тошини сувнинг қуввати айлантиради. Тошининг айланувчиллик қобилияти ҳам бор, аммо асосий ҳаракатлантирувчи куч барибир сувдир.

Бу мақомдаги солик итоат ва амали солиҳ ила Унинг лутфини орзу қиласи, илоҳий армуғонларини кутади. Ундан бошқа бутун борликлардан юз ўгириб, Унинг ишқи дарёсига чўмади, Унга қовушиш иштиёқини ҳис қиласи

ва ниҳоят Унинг ҳузурида шавққа тўлиб йиглайди. Фақат Унга суюнади ва фақат Ундан мадад истайди.

Илохий армудонлар важд, илм, файз каби ҳоллардир. Шубҳасиз, булар ҳар кимнинг мартабасига ярашадир. Унинг лутфи эса амали солиҳ орқали сўралади. Бир ҳадиснинг маъноси қўйидагичадир: «Ё Раб! Авфу мағфиратга йўл очадиган амали солиҳда муваффақият насиб эттайсан...». Тилимиздаги «Бола йигламаса, она эмизмас», ҳикматли сўзи ҳам шу мавзуга дахлдор.

Маънавий мақомларга кўтарувчи нарвоннинг пояси амали солиҳдир. Поясиз нарвон билан ҳеч жойга чиқиб бўлмаганидек, амалсиз ҳам ҳеч бир мартабага эришиш мумкин эмас. Чунки амали солиҳ илохий амрдир. Унинг амрига итоат қўлмаган Унга етолмайди. Бу мавзу тасаввуда ўта муҳим мавзулардан бўлиб, бир қанча муридлар шу боис ҳам ора йўлда қолиб кетишган. Амалу ибодатга аҳамият бермаганлар бир алоқа ва риштадан ўзини халос этса-да, яна мингтасига рўбарў бўлади. Шунинг учун ҳам «Молини севган мафтун, бола-чақасини севган мағбун (алданган) ва ҳолини севган мажнун бўлур», дейишади.

Унинг ишқи уммонига чўмиш учун барча дарёлардан кечиб ўтмоқ керак. Зоро, Мажнун аввал Лайлита ошиқ бўлди – мажозий ишқни бошдан кечирди. Ана шундан кейингина ҳақиқий Ишқни ва Машукани топди.

Иштиёқ эса муҳаббатдан туғилган бир туйғудирки, инсон маъшуқа васлига етгач, иштиёқ янада кучаяди, мушоҳадаси чегара билмайди, кундан-кунга гўзалликлари ортиб боради. Бу ҳолатда инсон барча дарёларни бирлаштирган, лекин сира тўлиб-тошмайдиган денгизга ўхшайди, чанқоқлигини ҳаргиз қондиролмайди. Мустоқул Акбар бир байтида: «Қалбим Сендан ўзга ҳеч нарсани хотирламайди, кўнглим сен билан қовушишдан тўймайди», деган эди. Шавқда эса бундай бир хусусият йўқ. Васлга етгач, таскин топади, охирга етади. Бир шоир

шундай деган эди: «Дўстларим йироқлашгани замон уларга бўлган шавқимдан, яқинлашганимизда эса айрилиқ қўрқувидан йигларман. Гулга ошиқ булбулнинг оху ноласи янглиғ, ошиқлар ҳар икки ҳолатда ҳам йиглайдилар. Шундай бўлса-да, вуслат яна ва яна нашъя-ю сурни талаб қиласидиган ҳолдир».

Сўфи Унинг ҳузурида экан, шавққа тўлиб йиглаши ҳам вуслат қувончи-ю ҳаяжонининг натижаси. Ҳижрон кўз ёшлари қайноқ бўлса, вуслатники совуқдир. Муроқаба ҳолидаги сўфий Аллоҳнинг лутфи учун боз Унинг лутфини сўрайди. Унинг даргоҳига етишмоқ учун Ундан йўл, ёрдам ва мадад тилайди. Бунда у онаси урса ҳамки «Онажон!» дея йиглаб, марҳамат сўраётган болага ўҳшаб кетади. Аллоҳ эса онадан кўра марҳаматли ва шафқатли.

Ниҳоят, Аллоҳ Таоло Ўзининг буюқ нури билан солик учун ҳеч ким беркита олмайдиган раҳмат эшикларини очади ва ҳеч ким очолмайдиган азоб эшикларини ёпади.

Бундаги «раҳмат»дан «раҳмати хосса», яъни хос раҳмат назарда тутилган бўлиб, курб ва вуслатнинг тимсолидир. «Азоб» ҳам хос маънода Ундан узоқ ва айро қолмоқликни англаради. Шундан ҳам равшанлапшмоқдаки, вуслатдан сўнг ҳижрону айрилиқ йўқдир. Абу Сулаймон Дороний (ваф.215:830) «Вусулдан ортга қайтмоқ йўқ», лемишлиар. Мана бу сўз ҳам мавзуумизга оид: «Фано мартабасига етишган киши яна олдинги васфларига қайтмайди» (Калабозий, «Ат-таарруф»). Бу худди пайвандланган дараҳт эски ҳолига қайтолмаслиги ва олтиннинг мис бўлолмаслигига менгзайди.

Нафси аммора мушоҳада ва риёзат йўли ила ўттиз йилда йўқотилиб бўлмаса-да, мана шу мартабада тез йўқолади. «Ахёр» дея ном олғав бундай сўфийлар: «...Чунки нафс — агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса — албаттга барча ёмонликларга буюргувчиидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир» (Юсуф, 12:53), дея ишорат қилинган зотлардир.

Бу жамоанинг нафси нафси мархумадирки, улар Жаноби Ҳақнинг хос раҳмати ила шарафланғандирлар, узоқ чўзиладиган мужоҳада ва риёзатта эҳтиёжлари йўқ. Чунки бу усул ишқ, муҳаббат ва жазбага асосланган усул ва сулук шаклидир. Зеро, Пайғамбаримизга Меъроҳ кечаси нурдан нарвон баҳшида этилган бўлиб, бу қадам ба қадам кўтарилишнинг эмас, жазбанинг тимсоли эди. Сурат ва жасад билан меъроҳга юксалиш узоқ вақт талаб қиласди, меъроҳ эса тайий замон ва тайий макондир. Олами малакут билан олами мулкни қиёслаб бўлмайди. Малакут оламида руҳ билан, жабаруг ва лоҳугда эса сир билан сайру саёҳат қилинади.

Куръони Каримда ҳам таъқидланганидек (Фурқон, 25:70), Аллоҳ уларнинг ёмонликларини яхшиликларга айлантиради. Ва бундай кишилар «аброр» дея ном оладилар.

Аброр ҳолига мақоми мағфират ҳам дейилади. Авф ва мағфират орасида тафовут бор. Авф ёмонликларни орадан бутунлай чиқариб ташламоқ, мағфират эса яширмоқдир. Аллоҳ учун бунинг ҳеч қандай мушкуллиги йўқ.

Руҳ тарбияси орқали нафси аммора ҳам нафси мутманинага эврилади. Айрим бир гуноҳлари бўлса ҳамки, руҳнинг кимёси ила яхшилик суратига киради. Дунёда қанчадан-қанча юзлар авлиё кароматлари-ю пайғамбар мўъжизалари билан гўзаллашган бўлса, яна неча гўзал юзлар айнан шу сабабдан маймун ва тўнғиз суратига киргандир.

Ва «аброр» дея ном олган бу гуруҳнинг яхшиликлари «муқаррабин»нинг ёмонликларига ўҳшайди. Аллоҳ Таоло: «Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир...» (Юнус, 10:26), дея буюрмиш.

Мана шу кенглик ва кўплик Аллоҳ лутфларининг шарофати демак. Уларнинг энг буюги эса руъят, яъни илоҳий жамол мушоҳадасидир. «Аллоҳ истаганига бергувчилир», хукми эса муқаррабинлар тоифаси ҳақида. Улар хавоснинг хавосидир ва охиратдаги мақомлари ҳам жаннатнинг энг олий мартабаси бўлган Фирдавс жан-

натидир (Каҳф 18:107). У ерда, жаннатда Пайғамбарга ҳамсоя бўладилар. Бу қўшничилик дунёдаги маънавий ришталарнинг узвий давомидир. Абу Сайд Ҳарроҳ бу борада: «Аллоҳ муқаррабин тоифасига шу даражада лутф ва эҳсон қиласиди, оқибатда аброр ҳасаноти уларга қиёсан саййиот (гуноҳлар)га ўхшаб қолади», демиши.

*Ё Расулуллоҳ, мақоминг жумладан аъло эрур,
Дам-бадам ҳолинг шуҳуди ҳазрати Мавло эрур.
Кавсари файзингдан ўлмас ҳеч бир дил ташнаи сир,
Салсабил жаннати Фирдавсдан аъло эрур.
Гарчиким оинаи сирдир саросар коинот,
Жумладан аммоки рўйи анворинг ажло эрур.
Бир нигоҳла айларсан ошиқи фавқ-ал ала,
Паст қилмассан мақоминг, ҳимматинг боло эрур.
Чунки кўпдир зоҳиру ботин бу Ҳаққийда қусур,
Илтифотинг, ё Ҳабибаллоҳ, унга авло турур.*

10. Ризо

Ризо - бир марҳумнинг таслимияти мисоли нафс розилигидан айрилиб, ҳеч бир азалий ҳукмига эътиroz қилмай, муноқаша қилмасдан барча ишларини Унинг абадий тадбирларига ҳавола қилмоқ ва шу тариқа Унинг ризосига эришмоқ демакдир.

Инсон ва қул орасидаги энг гўзал ахлоқ ризо ва таслимият бўлиб, Ҳазрати Иброҳим ҳамда ўғли Исмоил ўргасидаги воқеа тилларда достондир (Саффот, 37:99 - 110).

Баъзи сўфиylар шундай дейдилар: «Жами ишларимга севгилимин вакил қилдим, истаса ҳаёт бағишлайди, истаса ўлдиради».

Ризо аҳлига кўра лутф ва қаҳр айни бир нарса. Иккиси ҳам маҳбубдан келади. Ўртадаги тўсику пардалар кўтарилиши билан ҳар иккаловининг ҳам бир нарса эканлигини кўриш мумкин.

Кимки бу дунёнинг пардаларидан, қоронғу васфларидан қутулса ва ихтиёрий равишда нафсини ўлдирса,

Аллоҳ уни инояту ёрдами билан қайтадан тирилтиради. Зеро, Қуръони Каримда ҳам: «Аввал ўлик бўлган, сўнгра биз уни тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни бериб қўйганимиз бир киши зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?!...» (Анъом, 6:122) дейилмишибдири.

Шуурли ўлимдан кейинги бу ҳаётга «ҳаёти ҳаққонийя» деб ном берилган. Бунда фоний нечоғлик эриб, оқиб кетса, боқий шунчалик устуворлашади. Ва бундан кейин боқийнинг ҳукми вожиб бўлади. Оятнинг изоҳини Нажмиддин Кубродан тинглайлик.

Яъни, тошдек қаттиқ ва мустаҳкам бўлган «Ана — Мен»нинг қоронгуликларидан халос айлаб, раббоний вас-фларимиз ила унга ҳаёт бағишлаймиз.

Ушбу пардаларнинг очилишидан кейинги ҳол пайванди дараҳт мевасининг аввалги ҳосилга ўхшамаслиги кабидир.

Сўнгра унга жамолимиздан бир нур улашамизки, энди сўфий инсонлар орасида фаросат ила уларнинг ҳоллари-ни мушоҳада қиласди.

Басирати очиқ бўлганлиги боис ориф ҳалқ ҳоллари-ни англайди, аммо ҳалқ бундан бехабар қолади. Фаросат руҳнинг илоҳий бир қувват ила мулоҳаза-ю тафаккурсиз гайбий маъноларни англамогидирки, бунга фаросати ақлийя, кашфийя ва илоҳийя ҳам дейилади.

Солик моддадан маънога интиқол этади ва ушбу фаросат уни асло адаштирмайди. Бундан бошқа фаросати табиийя ҳам борки, унинг адаштириши эҳтимолдан холи ҳомас. Фаросат соҳибларининг мартабаларини эса тўрт асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Имон. Кенг маънода барча мўъминларнинг ҳолидир ва дараҳт гулига ўхшайди.

2. Валоят. Хос мўъминларнинг сифатидир. Бу мартаба ҳўсон мартабаси деб ҳам номланади. Дараҳтининг мева-

сига ўхшайди, чунки имон, илм ва амали солиҳдан мақсад мушоҳада мақомига юксалмоқдир. Зотан, дарахт ҳам меваси учун экилади.

3. Нубувват. Аҳосул хавос – хосларнинг хоси марта-баси. У меванинг ўзи кабидир.

4. Рисолат. Бу эса ўзнинг ўзи кабидир. Биринчи ва иккинчи мартаба касбий, яъни муҳоҳада ва гайрат билан қўлга киритилади. Кейинги иккитаси эса ваҳбий, Аллоҳнинг лутфидир.

Ҳар вали ҳам бир жиҳатдан ўзнинг ўзидир. Аммо Пайғамбарга нисбатан сирт ва пўст ҳисобланади. Энг юксак мартаба эса Ҳазрати Муҳаммадга оидdir.

*Бир танловдир бу вужуди одам дунёда боқ,
Унга асмодан берибтур Ҳақ ҳилол ила вароқ.
Меваси илми илоҳийдир, эй бемазоқ,
Орифи биллоҳ бўлганларки топмишлар завқи Ҳақ.
Кел, валоят мусҳафидин ўқи асрори Ҳақни,
Бир валининг мактаби ирфонига кир, ол сабоқ.
Зулмати нафс ичра қолма - ким, сабоҳга етди шаб,
Боқ, қай важҳ билан тажалли айлар Раббул фалак.
Ҳаққиё, хуффош бўлганлар кўрмади нури Ҳақни,
Гарчи ким, оғоқдан партавнисор бўлди шафак.*

Аллоҳга ҳамд бўлсин, бу шарҳ Шайх Исмоил Ҳаққий тарафидан 1137 (1724) йилда Бурсадаги Ломеий Муҳаммадий масжидига тугаш кутубхонада ниҳоясига етказилиді^{*}. Ушбу дастурхондан маънавий насиба олганларга офият ва бу шарбатдан ичганларга соғ-саломатлик тилайман.

Аҳли ҳидоят муҳибларига эса саломлар бўлсин.

* Бурсада ушбу жомеъ атрофида ҳозир бундай кутубхона биноси йўқ. (Мустафо Корга изоҳи)

رساله الى الهائم
الخائف من لومة لائم

Рисола илал ҳоим

(Рисола илал ҳоимил
хоиф мин лавматил лоим)

(Маломат қилувчининг
маломатидан қўрқувчи ошиқ
рисоласи)



Мадад бергил, мушкулимни осон айла, Аллоҳим!

Буюклигига ҳамма нарса бош эттан Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қудрати қошида ҳар кимса заиф бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Куч-қуввати қаршисида ҳамма нарса таслим қолган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ва салтанатига ҳар кимса бўйин сунган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Унинг Бирлигига, Ундан бошқа илоҳ йўқлигига, мислсизлигига, Муҳаммад (с.а.в.) Унинг қули-ю пайғамбари эканлигига, кофир ва мушриклар истамаса-да, — бошқа динлардан устун келиш учун — уни ҳидоят ва ҳақ дин билан юборганилигига (Муҳаммад, 48:28) шаҳодат берумиз.

Унга аввалгиларнинг ва кейингиларнинг орзумандлик этганликлари қадар салот ва салом бўлгай.

Энди шуни баён этурмизки, мазкур рисола улбу кайфиятдаги кишилар учундир: улар ҳайратланурлар, маломат қилгувчиларнинг таъна-ю маломатидан қўрқурлар, қалби ила толиб бўлгани ҳолда қолипи ва вужуди билан (бу ишдан, сўфийлик йўлидан) қочурлар. Аммо, Аллоҳ Таолонинг каломидаги ваъдаларни эшитиш, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатини англаш, саҳоба ва уларга чиройли тарзда итоат қилган тобеиндан келган хабарларни ўзлантириш, шайхларнинг ҳол, мақом ва манқабаларини ўрганиш кабилар билан қалбларидаги нур узлуксиз равища кўпайиб борур.

Шубҳасизки, Аллоҳ Таолонинг арзу самосидаги Ҳақ

аскарлари (жундуллоҳ) валилардир. Аллоҳ қулларини Унга мана шу зотлар даъват қиласидилар. Ҳусусиятлари зикр қилинган кишини Аллоҳ Таолонинг нури ҳақиқат йўлига киришга ундаиди. Бироқ биродарлари ва дўстларининг маломати унинг тўғри йўлга киришига монеълик кўрсатади. Шубҳа уйғотувчи нафс билан йўлдан озган шайтон уни васвасага солади. Шу тариқа уни мақсадидан воз кечишга даъват қиласиди. Уни ўз ақли салими ва бурҳони ила ёлғиз қўймайдилар. Мана шу мискинга баъзан яқийн қуёши тажалли қиласиди, у эса ана шу (тажали) нури ила илгарилайди. Баъзан шак ва шубҳа қоронгуликлари пардага айланниб, бирор иш қилишга имкон қўймайди. Ҳайронлик ичра қолади. Гўё бир чўлки, зимистонларга тўла.

«...Ёки устма-уст тўлқин ва унинг ҳам устида булут қоплаб олган денгиздаги зулматларга ўхшайди. Устма-уст зулматлардир. У ўз қўлини чиқариб қўришга яқин бўлмас. Кимга Аллоҳ нур бермаса бас, унга ҳеч қандай нур бўлмас...» (Нур, 24:40).

Асҳоб асри саодатда Пайғамбаримизни ва унинг мўъжизаларини шахсан ўзлари кўрганликлари ва Куръони Каримни дастлаб, яъни илк бора эшитганиклари боис Аллоҳ уларнинг қалбига имон ато этди. Уларни ўзининг нури билан қувватлантирди (Мужода, 58:22).

Шу тариқа улар Аллоҳнинг нури ила Пайғамбар билан бирга яшадилар. Бири руҳини, бири молини фидо қилди, яна бири оиласини баҳшида этди, яна бири эса дунё зийнатини тарқ қилиб фақрни финога, зиллатни иззатга, фанони ҳаётта таржиҳ этди. Улар (р.а.) бу ҳараратлари билан Аллоҳ Таолонинг ва Расулиниңг (с.а.в.) розилигини талаб этган эдилар.

Зеро, бу ҳақида Расулуллоҳ шундай дея марҳамат қилган эдилар: «Мен сизларга фарзандларингиздан, ота онангиздан ва барча инсонлардан ҳам суюкли бўлмагу-

нимча ҳақиқий маънода имонли бўла олмайсиз». Шунда Ҳазрати Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз менга - ўзим мустасно – фарзандлариму ота-онам ва барча инсонлардан ҳам суюклисиз», деди. Пайғамбаримиз: «Ўзингдан ҳам», деда илова қилишлари ҳамоно: «Ҳа, Расулulloҳ, сиз менга фарзандимдан, ота-онамдан, ўзимдан ва барча инсонлардан ҳам суюклисиз», деда тасдиқ этди. Ҳазрати Пайғамбар эса: «Мана энди ишондим, таслим бўлдинг, тасдиқ этдинг ва чин имонга эришдинг», деда марҳамат қилдилар.

Аллоҳу таоло ҳам шундай тушунчадаги саҳобаларни мақтаб: «...У билан бирга бўлган (мўъмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўъминлар билан) эса раҳм шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўурсиз...» (Фатҳ, 48:29), деда марҳамат қилади.

Яна бир оятда эса шундай деда буюрилмиш: «Эй мўъминлар, сизларнинг ичингииздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўъминларга хоксор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, ўзи хоҳлаган кишиларга берур...» (Мойда, 5:54). Асҳобга назар қил, сўнгра ундан кейингиларга қара! Ораларида бирон ўҳшашлиқ борми?

Шу билан бирга Пайғамбаримиз бир ҳадисларида: «Умматим ёмғир кабидир. Аввали хайрлимикан ёхуд сўнгтими, билиб бўлмас», деда марҳамат қилганлар.

Энди маломатчиларнинг таъна-ю маломатидан ва фийбатидан қочган ошиқ ва дарвешларнинг давоси масаласига келсак. Шахсан ўзим ҳамсуҳбат бўлган дин араббларидан бири шундай деган эди: «Қадим-қадимда, илк даврларда инсонлардан нафс ва шайтонлар бир нималар ўғирлаб қочишарди. Ҳозир эса ўғирликка ҳожат

қолмади, ҳамма нарса уларники. Бас, шундай экан, сиз улардан бирон нарсалар ўғирланг!» Мен: «Нимани ўғирлайлик?» дея сўранимда эса шундай жавоб бўлди: «Умрингиздан бир он... Уни олинг-у, Аллоҳ йўлида сарфланг!».

Эй содик, ихлосли толиб ва мурид, сурату сийратингни покла! Кир ва ифлосликларни тозаламагунча қудсий ва раббоний хузурга юксалиб бўлмас. Ички ва ташки покизаликка эса ўн асос (усули ашара) ва қуйидаги шартлар адо этилмасдан эришиб бўлмайди.

1. Вужуд покизалиги

Вужуд покизалиги фул талаби ва аъзолардаги ҳадасу кирларни тозалашдир. Пайғамбар (с.а.в.): «Таҳорат мъминнинг аслаҳасидир. Таҳоратли ҳолда такрор таҳорат олиш эса нур устига нур. Чунки қудсий руҳ тупроқ илиа қоришган ва кирлангандир, дея марҳамат қўлмишлар. Аллоҳ Таоло ҳам: «Дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафси-ни-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши најжот топди. Ба у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди» (Шамс, 41:9-10), дея бу юрмиш.

Руҳнинг тупроқ-ла кирланиши завқ учун ейилган луқмаларидан ҳосил бўлгандир. Сув эса тупроқ ва балчиқни тозалаш учун яратилган. Одатий ва тўла таҳоратда ишлатиладиган сув мана шу қудсий руҳ юзидағи тупроқ изларини тозалайди. Тупроқ билан боғлиқ юкларни аритиб, уни енгиллаштиради. Бу тозалик узлуксиз равишда адо этилсагина раббоний нурлар барқ ура бошлияди. Хаёл кўзгусига монанд бу нурлар фақат басират билан кўрилур.

2. Хилват

Хилват қуёш шуълалари ва кундуз ёруғлиги кирмайдиган қоронғу бир ерда турли хил машғулотлардан йи-

роқлашиб ибодат қилмоқдир. Хилватта кирган киши түйгү аязоларини жиловлайды, фаолиятдан тұхтатади. Бу эса қалбнинг очилиш шартларидандыр.

Диққат билан мушоҳада қил! Бедорлигингда кўрмаган қанчадан-қанча нарсаларни уйкуда кўра оласан. Шунингдек, хилват усули билан уйғоқлигингдаётк түйгү аязоларини жиловлассанг, сен учун қалбий түйгуларинг эшиги очилади. Шу боис Расулуллоҳ ҳали пайғамбарлик келмасидан аввал хилват ҳаётини севган эдилар. Ўша йилларда Аллоҳнинг суюкли қули ўлароқ ул зот маълум бир куну тунларда Ҳиро тоғига чиқар ва ибодат қиласыди, нубувватдан ўн беш йил аввал Аллоҳнинг нурини кўришга мушарраф бўлган эди.

Хилват нима учун керак? Нафс ўйин-кулгу ва халқ билан унсият қуради. Инсон хилват усули билан нафси-ни инсонлардан йироқлаштиради, уни ҳибсга олади ва ножоиз нарсалардан тийиш билан уни (истаклари амалга оширилмаганлиги боис) заифлаштиради, далилу бурхонларини йўққа чиқаради. Уларнинг гарқ бўлиши ва қўпорилиши билан (қарама-қарши равищда) қалб бурхони зухур топади ва гайб нури билан ёришади.

3. Давомли сукут

Азизу жалил бўлган Аллоҳнинг зикридан ташқари мудом сукут сақлаш керак. Пайғамбаримиз: «...Инсонларни юзтубан ҳолда оташга судраган нарса ўз тиллари экиб-ундирган нарсалардан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?» демишилар. Инсонлар мунофиқлик ва ёлғончиликдан сукут билан қутуладилар. Зоро, Аллоҳ Таоло ҳам: «...Улар тилларида, дилларида бўлмаган нарсани ёлғонни айтурлар...» (Фатҳ, 48:11), дея марҳамат қилмишилар. Алалхусус, Закариё пайғамбар Яҳёни сўраган пайтида ҳид билиш билан кифояланиб, сукут сақлашга буюрилган эди. Аллоҳ унинг сукутини истаганди: «...Сенга белги шуки, соппа-соғ бўлган ҳолингда уч

кунгача одамларга гапира олмайсан». Бас, (Закариё) меҳробдан қавмининг олдига чиқиб, уларга эрта-ю кеч (Аллоҳни) поклаб-ибодат этишни ишора қилди» (Марям, 19:10-11).

Шундай қилиб, сукут Яхё пайғамбар ва ҳаётининг ҳам ахлоқи, ҳам ишорати бўлди. Ҳазрати Яхёнинг гўдаклигида сўзлашининг сири ана шунда эди.

Сен ҳам беҳуда гап-сўзлардан кечиб сукут қилсанг, қалб қаломию садосини эшитишинг эҳтимолдан холи бўлмас. Ҳақ Субҳонаҳу ва Таолога борадиган йўлдаги чақалоқ бу қаломдир. Шунингдек, мурғак бир гўдак бўлган Ҳазрати Исонинг гапиришини истагани замон Аллоҳ унинг онаси Марямга сукут қилишни ва кўринган одамларга: «...Мен Раҳмон йўлида рўза тутмоқни назр (аҳд) қилғанман, бас, бугун бирон инсонга сўзламайман...» (Марям, 19:26), дея жавоб беришни амр этган эди. Хуллас, тил гапира бошласа қалб жим қолади ва фароғат топади. Аммо тил сукут сақласа, қалб сўзлай бошлайди.

4. Давомий рўза тутиш

Аллоҳ қудсий бир ҳадисида: «Рўза мен учундир. Мукофотини ҳам ўзим бераман», дея марҳамат қилади. Яна «Рўза (ёмонликларга қарши) қалқондир», дея буюрилгандир. Нафс ва шайтон билан мужодала қилган киши учун бу қалқон жуда зарурдир. Фақат унинг воситасида-гина шайтон ўқларидан қутулиш мумкин.

Рўза вужуддаги сув ва тупроққа оид нарсаларнинг камайишига таъсир этади, қалбни губор, кир ва мубҳамликлардан поклайди. Зеро, Расулуллоҳ: «Баъзан қалбимда бир губор ва кўланкали ҳолни сезаман ва дарҳол Аллоҳга етмиш марта (бир ривоятда юз марта) тавба-ю истиғфор қиласман», дея марҳамат қилғанлар.

Қалбнинг тубан (райн) ҳоли коғирлар учун хосдир. Жумладан, бир оятда: «Йўқ, (ундоқ эмас)! Балки улар-

нинг дилларини ўзлари касб қилгувчи бўлган гуноҳлари қоплаб олгандир» (Мутаффифун, 83:14), дейилади. Қалбнинг булутли (файм) бўлиши эса мўъминларга дахлдор. Усайд бин Ҳудайр Пайғамбаримизга келиб:

- Ё Расулуллоҳ, бу кеча «Қаҳф» сурасини ўқиётган эдим, тўсатдан бошим устида қандил янглиғ булутларни кўрдим, улар нима эди?» дея сўраганида, Аллоҳнинг Расули:

- Улар сакинатдир (бошқа бир ривоятда малаклардир). Ўқилаётган Куръони Каримни эшлиш учун келган эдилар», дея жавоб бердилар.

Қалбнинг мубҳамлиги (файн) эса пайғамбарларга хосдир. Бу юқоридаги ҳадисдан ҳам англашилиб турибди.

5. Узлуксиз зикр

Зикр қалб ҳузури ичиди, зўр қувват билан овозни кўп кўтармасдан, тил билан томир ва шоҳтомирларга таъсир қиласидиган тарзда Аллоҳ Таолони хотирлаш эрур. Шайтон зикри жаҳрий қаршисида ортга чекинади ва ўз қалқонини ишга солади. Энг фазилатли зикр эса «Ла илаҳа иллаллоҳ « калимасидир (Саффот, 37:55; Мұҳаммад, 48:19). Чунки нафс қалбни истило этгач, ҳукмронлик ва улуҳиятни даъво қилур. Ҳою-ҳаво, шаҳват ва шайтон эса нафс лашкарини майдонга келтиради.

Кул «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деганида – зеро, бу ифода нафий ва исботдан, рад ва қабулдан иборатдир – рубубият иддио этган, нафсу ҳаво ҳамда шаҳват туфайли улуҳият талаб қилаётган илоҳларнинг рад ва инкори назарда тутилади. Чунки, Аллоҳ Таоло: «...Ким ҳаво-ю нафсларини илоҳ қилиб олган бўлса...» (Фурқон, 25:43); «...нафс, албатта, барча ёмонликларга буюргувчидир...» (Юсуф, 12:53); «Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман туtingлар! Шак-шубҳасиз у ўз фирмасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари

бўлишлари учун даъват қилур» (Фотир, 35:6), дея марҳамат қилгандир.

Зокир қул «Ла илаҳа» ифодасидаги нафий бўлими билан ўз душманларининг орзу салтанатларига барҳам беради. Исботни ифодаловчи «иллаллоҳ «қисми эса Ҳақ ва Унинг аскарлари (Тавба, 9:40) даражасида бўлган қалб, илм, Куръон, суннат ва илҳом ҳокимиятини пайдо қиласди. Ҳақ аскарларининг ҳокимияти майдонга чиққач, қалб табиат ҷоҳидан Ҳақнинг яқинлик фазосига юксалади. «Ҳеч бир кўз кўрмаганни кўриб, ҳеч бир қулоқ эшитмаганни эшитади».

Табиат денгизига чўмган ва ҳеч кимсанинг ақлидан кечмаган нарсалар солик қалбида тажалли қиласди. Табиат ҷоҳидан эса фақат Куръони Карим ипига ёпишган ва зикр этагини маҳкам тутган кишигина халос бўлади. Бундан бошқа нажот йўли йўқдир. Зеро, Аллоҳ Таоло ҳам: «Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Куръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз!...» (Оли Имрон, 3:103) «...Ким Аллоҳга боғланса (яъни, Унинг динини маҳкам ушласа) бас, муҳаққақки, тўғри йўлга ҳидоят қилинибди» (Оли Имрон, 3:101), дея марҳамат қиласди. Пайғамбарига хитобан эса шундай буюради: «...Албатта, сиз (ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида) Тўғри йўлга етаклайсиз» (Шўро, 42:52).

Зикр бizzот Аллоҳга юксалади. Чунки У: «...(Ҳар бир) хуш сўз Унга юксалур ва яхши амални ҳам (Аллоҳ ўз ларгоҳига) кўтарур» (Фотир, 35:10), дегандир.

Кимда-ким зикрни маҳкам тутса, Ундан йироқлик ботқоғидан қутулади – Унга яқинлик баҳтиёрлигига Әришади. Ўзига яқин бўлган Аллоҳга муножот қилиш ҳукуқини қўлга киритади. Бу ҳақида шундай ляя буюрилгандир: «Бандаларим Сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларининг дуосини ижобат қиласман...» (Бақара, 2:186); «Бас, Мени

эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман...» (Бақара, 2:152); «Эй мұғынндар, Аллоҳни күп зикр қилинглар! Ва эрта-ю кеч У зотни поклаб тасбөх айтинглар!» (Аҳзоб, 33:41-42).

Зикр нурдир. У қалбни ишғол этиб ўз ҳукмига олғанда қалбни ҳам, қалб күзини ҳам нурлантиради. Шу тарзда олдин күришига тұсқынлик қилған қоронғу ерларда ҳам нарсаларни худди мана шу қалб күзи билан күришігә етишади. Зоро, ўлим түшагида ёттан киши ҳам ёнида ҳозир бўлған кимсалар кўрмаган нарсаларни кўра олади. Бу ҳақида Ҳақ Таоло: «...Бас, Биз сендан пардангни очиб юбордик. Энди бу кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир» (Қоф, 50:22), дея буюради.

Кул зикрни давом этдиаркан, Аллоҳнинг дўсти, Аллоҳ ҳам унинг дўсти бўлади ва уни зулматлардан нурга чиқаради: «Аллоҳ мұғыннларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик нурга чиқаради...» (Бақара, 2:257); «Ахир Аллоҳ кўксини Аллоҳ учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир нур – ҳидоят устида бўлған киши (куфр зулматларида адашиб улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурму)?! Бас, диллари Аллоҳни эслашдан қотиб қолған (яъни, Аллоҳни эслашни тарқ қилған) кимсаларга ҳалокат бўлғай!..» (Зумар, 39:22). Мазкур оятда кулнинг жуда қувватли тарзда зикр қилишигага ишорат бор. Чунки Аллоҳ қалбларни қасват сифати билан тавсифлагандир. Қайғу ва ғам, қаттиқлик эса тошнинг сифати. Зоро, Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қиласиди: «Сўнгра шундай мұғжизаларни кўргандан кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у диллар тош кабидир ёки ундан-да қаттиқроқдир. Зоро, шундай тошлар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб ичидан сув чиқади, яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан қўрққанидан пастга қулайди...» (Бақара, 2:74).

Тош қаттиқлашгач, уни фақат кучли болта зар-

баси билан синдириш мумкин. Бунда тош қалб бўлиб, болта зикр қилувчининг тили, темир эса зикрдир. Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда темир билан зикрни инзоли-танзил калимаси билан ёнма-ён келтирган ва худди шу калимани (инзол) қўллагандир: «...Яна Биз темирни туширдик – яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир...» (Ҳадид, 57:25); «Албатта, бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни саклагувчимиз» (Ҳижр, 15:9). (Шу тариқа темир ҳам, зикр ҳам инзол қилингандир).

Бу яқинликдан маълум бўлмоқдаки, қалбга улашган зикрдан бир оташ ҳосил бўлади ва бу оташ Аллоҳ билан қул орасидаги барча пардаларни ёқади, зикрни Унга етказади. Чунки, «...(Ҳар бир) хуш сўз Унга юксалур...» (Фотир, 35:10), дея буюрилмоқда. Пайғамбаримиз ҳам: «Аллоҳ билан қул орасида нур ва зулматдан майдонга келган етмиш минг парда бор. (Агар) бу пардалар очилса, важҳининг нури ҳамма ёқни куйдириб, қул қилиб ташлайди», дея марҳамат қилганлар.

6. Таслимият

Бу калима ризо ва тафвиз билан бир қаторда таваккулнинг илк сафҳасини ҳам ўз ичига олган. Аллоҳ: «Эсланг: Парвардигори унга: «Бўйинсун!» – деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйинсундим», – деди» (Бақара, 2:131), дея буюради. Асҳоб (р.а.)ни мақтар экан, шундай марҳамат қиласиди: «Мўъминлар у фирмаларни кўрган вақтларида: «Бу Аллоҳ Пайғамбари бизларга ваъда қилған нарсадир (яъни имтиҳондир). Аллоҳ ва Пайғамбари-нинг сўзи ростдир», дедилар ва (устларига бостириб келаётган фирмаларнинг сон-саноқсизлиги) уларнинг (Аллоҳга бўлган) имон ва итоатларини янада зиёда қиёди, холос» (Аҳзоб, 33:22), «Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас у мус-

таҳкам ҳалқани ушлабди...» (Луқмон, 31:22), «Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?!..» (Нисо, 4:125) дея марҳамат қилгандир.

Аллоҳнинг муқаддар қадарига ва муборак қазосига розилик таслимият талабларидандир. Куйида келтирилганлар ҳам таслимиятга дахлдордир. Булар: фақр-фино, ҳузун-хафв, қабз-баст, унс-ҳайбат, маърифат, муҳаббат, маҳв-исбот, ҳузур-иҳзор, шуҳуд-ишҳод, буд-ибад, қурб-тақарруб, саҳв-сакр, сабр-шукр, маҳвул асар, маҳвул айн, маҳвул эйн, мужоҳада-мушоҳада, ҳумуджумуд, ўргимчаклар уя тўқиган манзилларнинг зухур қилиши, мунодама-муноҳаса, муножот-муҳовара, мукошафа-муҳодаса. Шулар туфайли қалбим менга Раббимдан хабар берди. Таҳалли – ладуний илмлар нақшланган лавҳларнинг тажалли этмоғи бўлса, тоҳолли убудијат-хурриятдир, ўтмишдан ва келажакдан андиша этмоқдир. Азалий иноят ва абадий қиёфатга келсак, ғайб оламида бўлган қалб қўёшининг (у муқаддим-ул ғайб, шайх-ул ғайб, мезон-ул ғайб, шамс-ул қалб ва шамс-ул иқон, шамс-ул ирфон, шамс-ур руҳония ҳам дейилади) туғилишидир. Бунга нафси нотиқа ва қалб даҳлизи ҳам дейилади. Барча жамолий ва жалолий сифатларнинг шоҳидлари, азамат, аҳадият, қаҳр, галаба, иззат, камол ва латиф сифатлар мана шу қалб даҳлизида таваллуд топади.

Сайёрга бу мақомлар тажалли этгани ҳамон у бир титроқ ва паришонлик ҳоли бағрига киради. Бу оннинг сири учун мана бу оят тиловат қилинади: «... Қачонки Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майдада-майдада қилиб ташлади ва (бу ҳолни кўрган) Мусо ҳушсиз ҳолда йиқилди...» (Аъроф, 7:143).

У руҳ ва жасадларни мунозаа этувчи виждоний ёғдулар ва раббоний шуълалардан юзага келган атиф, таат-

туф, фазл ва раҳмат ҳолини яшайди ва ундан тотади, ҳузурланади. Қиёмат кунида шу оятнинг ўқилганини ҳис қилгандек бўлади: «... Бу Кунда подшоҳлик кимнидири? Яккаю ягона ғолиб зот Аллоҳнидири?» (Фоғир, 40:16).

Шунда қалбни қуршаган шак-шубҳа аскарлари қочади, малаклар у ерга нур қатралари ва раҳмат булуглари шаклида инадилар. Қалб ҳузур-севинчга тўлади, раҳмат ёмғирларидан қонади: «... Уларни ёлғиз Ўзигина билур...» (Анъом, 6:59). Ниҳоят тил Унинг кибриё, жалол ва азamat сифатларини васф қилолмайдиган ҳолга етади. Шунда беихтиёр лисони қалб ила: «... Аллоҳни тўғри таний олмадилар...» (Анъом, 6:91), ояти ўқилур.

7. Хотирани поклаш

Бу (нафси хавотир) мужоҳада йўлидагилар учун бағоят қийин бир ишдир. Аллоҳ: «Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас (Тўғри Йўлни) кўра бошлийдилар. Уларнинг (шайтонларнинг) дўстлари эса йўлдан оздиришда уларга (шайтонларга) ёрдам берадилар, сўнг (бу иғволарини) тўхтатмайдилар» (Аъроф, 8:201-202), дея буюрмишдир.

Шунингдек, «Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилисангиз камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Аллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам (бойлиқ) ваъда қиласди...)» (Бақара, 2:268); «Албатта ўзларига ҳидоят (йўли) аниқравашан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларини) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзу-хаёлларни) узун қилиб қўяди» (Муҳаммад, 47:25); Ҳазрати Яъқуб: «...Йўқ! Сизларга ҳавои нафсларинг бирон (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган...» (Юсуф, 12:18); Ҳазрати Юсуф: «...Мен нафсимни оқламайман...» (Юсуф,

12:53); «Мен қиёмат кунига қасам ичурман ва мен ма-ломаттүй нафсга қасам ичурман» (Қиёмат, 75:1-2); «Қа-чонки, иш тугағач (яғни, жаннат ахли жаннатта сазо-вор бўлиб, дўзахилар дўзахга ҳукм қилингач), шайтон деди: «Албатта, Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен эса (ёлғон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўли-га) чақиришим биланоқ ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз...» (Иброҳим, 14:22); «Қасамки, энди мени йўлдан оздир-ганинг сабабли мудом Сенинг Тўғри Йўлинг устида уларни (Одам болаларини) кутигиб ўтирурман...» (Аъроф, 7:16); «...Албатта, шайтонлар ўз дўстларини сизлар би-лан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар...» (Анъ-ом, 6:121); «Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиласилар...» (Анъом, 6:112); «Эй мўъминлар, ароқ (маст қиласиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яғни, уларга сифиниш) ва чўплар (яғни, чўплар билан фолбинлик қилиш) шай-тон амалидан бўлган ҳаром ишдир» (Моида, 5:90), каби кўпгина оятлар нафс ҳисларини ва шайтон васва-саларини очиқ-ойдин кўрсатмоқдадир. Бу ҳақида Пай-ғамбар (с.а.в.)дан келган «Шайтон инсон фарзандининг қон томирларида қонга ўхшаб айланади, сизга бирон нарса отишидан андиша этдим» ёки «Шайтон одам фарзандига қон томирларидан нуфуз қиласи», каби саҳиҳ ривоятлар ҳам шундан далолат беради.

Яна у зот «Шайтон аzon овозини эшитгани ҳамон (бу овозни эшитмаслик учун) ел чиқарган ҳолатда қочади. Аzon тугаши билан қайтиб келади. Иқомат келтирилаёт-ганида яна қочади, тугаши ҳамон орқасига қайтади ва қул ила қалби орасига кириб: «Фалон нарсани эсла,

пистон нарсани хотирла», дея аввал хаёлига келмаган нарсаларни хотирлатади. Шу боис ҳам банда намоз ўқидими ёки ўқимадими, билолмай қолади»; «Шайтон Умарнинг ҳатто соясидан қочади»; «Бугун кечаси шайтон менга осилиб намоздан чалғитмоқчи бўлди, уни имонга даъват этдим. Сўнгра тутиб олиб масжид устунларидан бирига боғлаб, сизларга кўрсатмоқчи бўлдим. Аммо биродарим Сулаймон (пайғамбар)нинг «Раббим, менга шундай мулк ва салтанат бергинки, токи у мендан ўзга ҳеч кимсада бўлмасин», дея қилган дуосини эсладим. Сўнгра уни кувиб юбордим, у кетди»; «Туғилган ҳар шахснинг жинлардан бир дўсти ва биродари бор», деганларида, асҳоблари: «Ё Расулуллоҳ, сизда ҳам борми?» дея сўради. Расулуллоҳ: «Ҳа, менда ҳам бор. Аммо унга қарши Аллоҳ менга ёрдам қиласди», дея марҳамат қилдилар.

Яна бир қанча ҳадислар мавжуд. Саҳоба ва тобеинлан қуидагича нақл ва хабарлар етиб келган. Абдуллоҳ бин Масъуд: «Расулуллоҳ шундай дедилар: «Мўминнинг қалбига шайтоннинг бир уриши ва малакнинг бир уриши бордир. Шайтоннинг инмоғи ёмонликни ваъда қилур, ҳақни ёлғон дейишга ундар. Малакнинг инмоғи эса яхшилик кафолатидир ва ҳақни тасдиқ эттирас. Ким ўзида кейинги ҳолатни ҳис этса ва кўрса, дарров Аллоҳга ҳамд угсин. Шайтон билан боғлиқ ҳолни ҳис этган киши эса ҳамон унинг шарридан Аллоҳга сифиниши керак», дея ривоят қиласди. Ушбу оят ҳам ибн Масъуднинг сўзини тасдиқлади: «Шайтон сизни факирлик билан қўрқитали ва ёмонликка буюради...».

Биз англатмоқчи бўлган хавотир олти эмас, беш қисмдир.

1. Хавотири Ҳақ. Бу илк хотир ҳеч қандай ташқи аbab ва ҳукмга боғлиқ бўлмасдан қалбда вуқуъ бўлган отир маъносини беради. Ҳақ Таолоннинг хотири шутири. Бу ҳам икки турли: бири яқозо ҳолида хавотирга

мухолиф бўлади. Лекин уни титратмайди, сиқмайди, азобламайди, ҳайдамайди. Аксинча қалбда абадиян мутманн бўлиб қолади. Йиккинчиси эса илҳом дея номланган бўлиб, ҳақдир, Ҳақ хотиридир. Аллоҳ Таоло: «Жонга ва уни расо қилиб яратиб унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб ўргатиб қўйган зотга қасамки, дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафсинижонини имон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди» (Шамс, 91:7-10), дея марҳамат қилгандир.

Аллоҳ Таолонинг илҳомга мазҳар бўлган қалбда яратган илми илҳомнинг ҳақиқатидир. Агар қалбдаги илмга таянилса, шайтон ҳеч бир нарсани яратишга қодир бўла олмайди.

Пайғамбаримиз: «Шайтон хартумини мӯъминнинг қалбига санчади. Агар бу қалбда Аллоҳ зикри бўлса, у зикр билан машғул эса, дарров тортиб олишга мажбур бўлади», дея бу юрганлар. Нос сурасида ҳам шундай марҳамат қилинмоқда: «...ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига вассаса соладиган, (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган вассасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўраб илтижо қилурман» (Нос, 114:4-6).

2. Ҳавотири қалб. Қалб хотирининг табарруклиги учун куйидаги шартларни бажо келтириш лозимдир:

- а) қалб шайтон ҳукмларига таслим бўлмаслик;
- б) нафснинг ҳавожизидан солиммлик;
- в) жамол ва жалолнинг мушоҳадаси ила зийнатлашиш;
- г) чиркинлашувга сабаб бўлган гуноҳлардан, қўпол ва ёмон хулқлардан йироқлашув. Чунки бу гуноҳлар коғирларнинг қалбларини бузганидек, мӯъминларникини ҳам кирлатади. Ушбу оят ҳам ана шу мавзуга алоқадордир: «Йўқ, (ундоқ эмас)! Балки уларнинг дилларини

ўзлари қасб қилгувчи бўлган гуноҳлари қоплаб олган-дир!» (Мугаффифун, 83:4).

Мўъминларнинг қалблари ҳақида эса шундай дея марҳамат қилинган: «(Камбағал-бечораларга) берган садақаларини (қиёмат кунида ҳисоб-китоб учун) Парвардигорга қайтгувчи эканликларидан диллари қўрқиб турган ҳолда берадиган кишилар» (Мўъминун, 23:60); «Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганда қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда имонлари зиёда бўладиган кишилар (ҳақиқий) мўъминдирлар» (Анфол, 8:2); «Албатта бунда (огоҳ) қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлган ҳолда (яъни сидқидилдан) қулоқ тутган киши учун эслатма-ибралар бордир» (Қоф, 50:37); «У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас, магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуаро, 26:88-89). Зоро, Пайғамбаримиз ҳам: «Муфтилар сенга нечоғлик фатво берсалар-да, сен барибир қалбингдан сўра, ундан фатво иста», «Шубҳали бўлган нарсани тарк эт, шубҳасиз бўлганини ихтиёр эт», дея буюрмишлар.

Қалбга келган хотирнинг аломатию ишорати шудир: нафс, қалб, ҳатто узвлар у келиши билан баҳтиёр бўлалилар. Бу ҳолатдаги қалб нима бўлганда ҳам эътиroz этмайди, аксинча ҳар нарсага таслим бўлади. Иршод қилинишни истайди, шак ва шубҳа панжасидан кутулишни орзу этади.

3. Ҳавотири малак. Бу сакинатдир. Аллоҳ Таоло шундай буюрмишдир: «У (Аллоҳ) ўз имон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўъминларнинг дилларига сакинат – ором туширган зотдир...» (Фатҳ, 48:4). Дейдиларки, сакинат - ёмфири тўкилган булутдир. Яна айтишларича, сакинат мушук бошли бир нарса эмиш. Яна ўса малакларнинг бир тоифасига ҳам ушбу ном берилгани экан.

Ушбу хотир асос эътибори билан хотири қалбга ўхшаса-да, ораларида нозик тафовут мавжуд. Буни шариат аниқлаган. Саҳобалардан ибн Аббос шундай демиси:

«Расулуллоҳ (с.а.в.) хайру ҳасанот борасида инсонларнинг энг жўмарди, саҳоватлиси эдилар. Ва энг жўмард бўлган пайтлари рамазон ойи эди. Жаброил ҳар кеча унинг қошига келар, Куръонни музокара қиласади. Шу боис ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) хайру ҳасанотда жўмардлиги асло тўсиққа учрамайдиган бир рўзгор (шамол)га ўхшардилар».

4. Хавотири шайтон. Бу хотир қулни залолату тубаникка бошлайди. Мужоҳада соҳибини ҳам гуноҳга ундейди, агар у бу даъватдан юз ўгирса, бошқа бир гуноҳга бошлайди. Хавотири шайтоннинг ажойиб лутғлари ва гаройиб ўйинлари бор. У ҳар инсонни унга хос бир ҳийла-ю ўйин билан йўлдан чалғитади. Жоҳилларни жаҳолатлари билан, олиму зоҳидларни эса яна бошқа бир тарзда йўлдан уради. Масалан, олим илмига мувофиқ амал этишни истаса, унга яқин келиб: «Барча илмларни эгаллаб бўлганмидингки, амал билан машғул бўлмоқчисан?» дей шивирлайди. Пайғамбарнинг (с.а.в.) шу сўзларига амал қилсанг-чи: «Бир фақиҳ шайтонга минг обиддан кўра даҳшатлироқдир».

Сўнгра ушбу икки оят ва ҳадисни унга талқин қиласади: «...илм ато этилган зотларни (баланд) даражага-мартабаларга кўтарур...» (Мужодала, 58:11); «Дегин: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин» (Тоҳа, 20:114); «Чинда бўлса ҳам илм истанг». Шундан кейин нафс унга эргаша бошлайди. Нафс соҳиби ҳам алданиб, ўз-ўзига шундай дейди: «Олдинда ҳали анча кунлар ва ийллар бор... Ҳозирча илм таҳсил этгин. Келажакда, умрнинг сўнгида – ўлим келмасидан аввал уларга амал қиласан...»

Шайх (р.а.) шундай дедилар: «Бир кун Аллоҳ учун мужоҳадада эканман, хилватиму жаҳдимни қориштириш

учун шайтон келди ва менга: «Сен олим бир одам бўлсанг, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилаётган бўлсанг. Энди муҳаддис устозлардан ва ҳофизлардан осор ва пайғамбар суннатини ўргансанг, ҳозирги ишингдан кўра яхшироқ бўларди. Агар бу мужоҳадангни тарқ қилмас экансан, буюк муҳаддис устозлар ва уларнинг олий санадларидан истифода этиш имкониятини қўлдан бой берасан». Ана шу гапларга ишониб сал бўлмаса йўлдан адашардим. Худди шу лаҳза файбдан шундай садо эшитдим: «Воситасиз хабар олган кишига восита билан хабар тинглаш ҳаромдир». Ва шу ондаёқ Шайх Муҳаммад бин Ҳусайн Сулламийнинг умри сўнгидаги айтган ушбу сўзларини эсладим: «Дунёнинг безаги-ю зийнатларидан бири бўлган олий санадлардан Аллоҳга тавба қилдим». Шундан сўнггина бу хотирнинг васвасай шайтон эканлигини англадим. Уни қувиб-ҳайдаб, хотирнми покладим.

Иккинчи марта янада жозиб бир таклиф ва бутунлай бошқа васваса билан олдимдан чиқди ҳамда: «Ҳийла-ю васвасаларимни жуда аниқ билиб англамоқдасан. Энди буларни тўплаб бир китоб тузгин ва номини «Ҳиялул марил алал мурил» дея қўй. Бу ишинг сен учун лунё-ю охиратда бир хазина бўлиб қолсин. У ўқилгани сайин сен савоб топасан. Ҳақ Таоло толиблари китобингда келтирилган ҳақиқатларни эгаллаб, шайтоннинг ҳийла-ю тузоқларидан нажот топадилар. Ана шу яхшироқ эмасми?» деди. Бу таклиф менга жуда маъқул келди ва уни амалта оширишга киришмоқчи бўлдим. Шунда шайхим (р.а.) менга: «Бу ҳам шайтон тузоқларидандир. Сени китоб ёзиш билан овора қилиб вақт, унс, зикр ва қалбингдаги ваҳдатни тарқатиб юбориш, улар билан ришталарингни узиб ташлашни истаяпти», дея танбеҳ бериллар. Дарҳол гафлат уйқусидан уйғондим ва бу ишдан тамомила воз кечдим».

Хулоса қилиб айтсак, мужоҳада-ю риёзат билан маш-

ғул бўлган кишига хавотир катта Эрам селидек (Сабаъ, 34:16) ёпирилиб келар. Ундан талаб қилинадиган нарса булатнинг ҳеч бирига илтифот кўрсатмаслик ва барчасини унумоқдири. Сўнгти камолат даврида эса ҳақ бўлган хавотир билан ҳақ бўлмаганини бир-биридан фарқлаб, лозимига амал қилишдир.

5. Хавотири нафс. Бу хотир ақл-фаросатсиз гўдакка ўхшайди. Масалан, тенгдошлири билан ошику ёнғоқ ўйнамоқчи бўлган гўдакка минглаб тилла (ва чиройли нарслар) берсангиз ҳамки, уни мамнун қила олмайсиз.

Муридларга келадиган энг кучли ва шиддатли хавотир мана шудир. Чунки нафс инсон ички оламининг султонига ўхшайди. Унинг лашкарини эса шаҳват, ҳаво, ҳавас, башарий ва ҳайвоний руҳ ташкил этади. Мурид бу пайтда сўқир бўлиб, таҳликаларни кўрмайди ва яхши-ю ёмонни бир-биридан фарқлолмайди. Бу ҳолат Аллоҳнинг инжа ҳикмати, гўзал муомаласи ва кенг раҳмати билан басирати нурлангунга қадар давом этади. Ана шундан кейингина мурид дўсту душманни ажратади. Нафс мана шу вақтда инсоний қолипда тўнғиз ҳирси, кўпрак душманлиги, йўлбарс важоҳати, бўри фитнаси, тулки ҳийласи, маймун эҳтироси, эшак шаҳвати, ҳўқиз орзуси, шайтон макри ва ҳасад оташи билан тўлиб тошади. У бу пайтда шу ҳолатга сабр қилиб ўтиргани ва уларга омонлик бергани учун ўзини маломат қиласди. Ҳамда уларни ўз вужудидан йўқотиш учун тузоқлар қўяди, улар ёрдамида бадан уйини тозалайди. Сўнгра разиллик асоратларидан ҳам поклайди. Шу тариқа имоннинг олтмишдан (бир ривоятга кўра эса етмишдан) ортиқ шўйбаси билан зийнатланади.

Нафс ана шундагина гўзалланади ва рози бўлади. Зеро, Аллоҳ ҳам: «Эй хотиржам - сокин жон, сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ Таоло томонидан сенинг амалларигдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (хузури)га қайт!» (Фажр, 89:27-28) дея

буоргандир. Ушбу оятда зикр қилинган нафс қалдан бошқа нарса эмас.

Нафснинг уч ҳоли бордир:

1. Нафс ёмонликка амр қилади (нафси аммора).
2. Нафс маломат қилади (нафси лаввома).
3. Тамкин ва истиқомат ҳолига эришади (нафси мут-маинна). Шундай қилиб яқийн қүёши порлайди ва нафс «қалб» дея ном олади.

Биз бошланғич ҳолдаги муридга барча хавотирдан фориғ бўлишни буюрган эдик. Ахир у тариқатга эндиғина қадам қўйтан ва маълумоти етарли эмас. Нима тўғри-ю нима нотўғрилигини узил-кесил фарқлолмайди. Нажот топиш учун эса ҳар иккаловини тарқ қилиш зарур. Агар хотир малак ва қалбга оид бўлса, событ қолади, муриднинг қатъияти ҳам уни кетказа олмайди.

Агар у нафс ва шайтонга оид хавотир бўлса, йўқолали. Аллоҳ Таоло ҳам: «Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартиргунларича, Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирас...» (Раъд, 13:11), дея амр этмишdir.

8. Робитай шайх

Шайх тариқат ва йўл биродаридир. Аллоҳ: «Эй мўъминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва имонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!» (Тавба, 9:119) дея марҳамат қилмоқда.

Ҳазрати Пайғамбар эса: «Асҳобим юлдузларга ўхшайлилар. Қайси бирига эргашишингиздан қатъи назар, тўғри йўлни топасиз», «Мендан кейин иккита кишининг йўлилан юринг: улар Абу Бакр ва Умар (р.а.)дирлар», «Юлдузлар аҳли сано кафолатидир. Улар ғойиб бўлишлари билан таҳдид қилинган нарсалар ердагиларнинг бошига келади», дея буюмишлар.

Аллоҳ Таоло пайғамбари Ҳазрати Мусо билан валиси Ҳазрати Хизр орасидаги суҳбатни нақл қиларкан, шундай дейди: «Мусо унга: «Сенга билдирилган билим-

дан менга ҳам түғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?» деди. У (Хизр) айтди: «Аниқки, сен мен билан бирга (илм машақатларига) сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас» (Қаҳф, 18:66-67).

Шайх ҳақ йўлга сулук этган, бу йўлнинг заарли, қўрқинч ва таҳликали томонларини яхши билган, вақт, манзил, ҳолу мақомлардан муридига таълим бериш билан иршод қилувчи, фойдали-ю заарли нарсаларни танитувчи зотдир. Суҳбати солиҳларнинг суҳбатидан ҳам оз фойда берадиган киши эса шайх бўлолмайди. Зоро, бир ҳадиси шарифда: «Солиҳларнинг мажлиси хушбўй атирлар сотиладиган аттор дўконига ўхшайди. Сотиб ололмасанг ҳамки, бўйидан баҳраманд бўласан. Ёмонларнинг мажлиси эса темирчининг ўчоги кабидир. Ёнмасанг ҳам тутуни-ю ҳидининг оғатидан қутулмассан», дейилгандир.

Шундай валилар ҳам борки, Ҳақ Таоло уларни ўзиға жазб этиш билан яқийн даражаларига эриштиради, уларда сайру сулук ва мужоҳадага муҳтожлик бўлmas. Мана шу тарзда вали бўлиш жоиздир. Аммо бундай кишилар иршод қилиш салоҳиятига эга эмасдирлар. Чунки улар амалу мужоҳадасиз ҳаққа восил бўлгандир. Ҳалқни иршод қилиш лаёқатига эга киши эса тариқатга сулук қилган кишидир. Бу зот йўлдаги фойда-ю заарларни, манзилларни, мақомларни, кароматларнинг ҳолларини яхши билади ва мужоҳадалар воситасида мушоҳадалардан насибини олади.

9. Фақат мажбурият ҳолида ухлаш

Зарур пайтда ухлашнинг ўлчови уйқусизлик асносида зикрни бир-бири билан қориштирмаслиқдир. Мурид худди шу аҳволда истироҳат қиласи. Нима дейишни билгунинга қадар ухрайди, сўнгра (такрор туриб) зикрни давом эттиради.

Чунончи, Аллоҳ Таоло: «Улар кечадан озгина (фурсаттина) кўз юмар эдилар. Ва саҳарларда улар (қилган саҳву хатолари учун) Парвардигордан мағфират сўрар эдилар» (Зориёт, 51:17-18); «...Кечаси (бедор бўлиб, намозда) туриң! Фақат озгина – унинг (кечанинг) ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камайтириңг, ёхуд унга (бир оз) зиёда қилинг (яъни кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг) ва Куръонни тартил билан (яъни дона-дона қилиб) тиловат қилинг!» (Муззаммил, 73:2-4); «Яна кечанинг бир қисмида ҳам У зотга сажда қилинг ва тунда узоқ (бедор бўлиб), у Зотга тасбех айтинг!» (Инсон, 76:26); «(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни унга оят-мўжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал Ҳаромдан (Куддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир...» (Исро, 16:1); «Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгиланган) вақти комил қирқ кеча бўлди...» (Аъроф, 7:142), дея марҳамат қилгандир.

Ушбу оятларда зикр қилишнинг кундузи эмас, айнан кечада амалга оширилиши уйқу билан боғлиқлиги туфайлидир. Чунки ваъда қилинган нарсани кутаётган кимса бедор кутади. Аллоҳ Таоло бунга бошқа бир оятида ҳам: «Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухрайдилар...)» (Сажда, 32:16), дея ишорат қилмоқда.

Бир ҳадиси шарифда ҳам: «Инсонлар ухлаётганда, кечаси туриб намоз ўқишга дикқат қилинг», дейилмиш. Чунки мужоҳада ва риёзат вужудни толиқтиради, уйқу эса аксинча роҳат беради. Шунга биноан уйқу ва риёзат ўзаро зилдир.

Аслида уйқунинг ҳақиқати қалбдаги түйфу аъзолари очилсин, деб зоҳирний ва ташқи түйғуларни беркитмоқ, яни, зоҳирдаги түйғу узвларининг ёпилиши туфайли қалбдаги түйғу узвларининг очилиши эрур.

Уйқудаги ҳикматни эса шундай изоҳлаймиз: руҳи қудсий, нафси нотиқа ва раббоний латифа сүфлий вужудимизда фарид бир ҳолдадир. У вужудимизни ислоҳ қилиш, фойдалини эгаллаш, зааралиларни эса даф қилиш учун файрат кўрсатади. Киши уйғоқ экан, руҳ бадандা ҳибсланади. Инсон ухлаши билан қудсий руҳ ҳам аслий ватани – ладуний ва илоҳий манбаига парвоз қиласди. Файб ва маъно оламини танишдан, руҳлар ила мулоқот бахш эттан ҳузурдан яйрайди. Малакут оламига етганда эса уни шаҳодат оламида мисоллари ила кўур. Туш тâъбининг сири ҳам худди ана шундадир.

Мужоҳада аҳлидан бўлган зот истироҳат ва уйқуни тарқ этаркан, тупроқ, сув, олов ва ҳаводан иборат тўрт унсурнинг ҳокимияти эриб битади, йўқ бўлади. Қалб бу пардалардан сидирилиб соф ҳолга келиши билан мужоҳада аҳли бўлган кимса басират кўзлари ила малакут оламини томоша айлайди ва Раббига иштиёқ сезади.

10. Ейиш-ичишда ўрта йўлни танлаш

Бу йўл ҳаддан ортиқ оч қолмаслик, аммо тўйиш дарражасидан ортиқ ҳам емасликдир. Инчунин, Аллоҳ Таоло: «... еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар» (Аъроф, 7:31); «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида – мўътадил бўлур» (Фурқон, 25:67), дея буюрмиш. Ҳадисда ҳам: «Ишларнинг энг яхшиси васат бўлганийдир», дейилмишдир. Ўртанинг икки тарафи ҳам (ифрот ва тафрит) ёмондир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мұймин бир меъда билан, коғир эса етти меъдаси билан ейди», «Меъданинг учдан бири таом, учдан бири сув, қолган қисми эса нафас олиш учун бүш қолиши керак», дега буюрганлар.

Аллоҳ Таоло күп ейиш ила орттириладиган күч-күватни «Озгина вақт еб, фойдаланиб қолинглар! Албатта, сизлар жиноятчиидирсизлар!» (Мурсалот, 77:46) дега маломат қилғандир.

Яна Ҳазратимиз (с.а.в.): «Бир кун түқ бұлсам, бир кун очман», демишилар. Мавзуга тегишли шундай ривоят ҳам бор: Шиблик (р.а.)дан «Яқийн недир?» дега сўрмишлар. У бунга: «Очлик, очлик, очлик», дега жавоб бермиш. Яна сўфийлардан бири: «Руҳий оғат ва балоларнинг ҳаммаси тўйишу түқ бўлишда мужассам. Хайру баракот эса оч қориндадир», демиш. Пайғамбаримизнинг «Инсон фарзанди тўлдирган энг ёмон қоп бу қориндир», ҳадислари ҳам юқоридаги сўзларнинг тўғрилигидан да-лолат беради.

Тўқликнинг оғатлари бисёр. Булардан айримлари эса қалбнинг қаттиқлашуви ва пардаларнинг қалинлашувидир. У мушоҳадани сусайтириб, мискинлик ва танбалликни келтириб чиқаради. Тозалик ва таҳоратта монеълик қиласи. Бундай нарсалар эса малакларни инсондан узоқлаштиради. Вақтни зойеъ этади. Энг ёмони эса Қуръон тиловати, намозга тўсиқлик қиласи.

Варъ соҳиби бўлган бир сўфийдан: «Нега нон емасдан шўрва ичаяпсан?» дега сўраганларида, у: «Нонни чайнаб ютган вақт ўрнига Азиз ва Жалил Аллоҳ китобидан бир парча тиловат қилишпим мумкин...», дега жавоб берган экан. Инсонларнинг азиз умрларини маъмур айлашга бўлган иштиёқларига назар қил ва ибрат ол.

Айтишларича, сурувини боқаётган чўпондан бир йўловчи сув сўради. Суви йўқлигини айтганида, йўловчи: «Ҳеч бўлмаса сут бер», деди. Подачи дарров бир қўйнинг сутини идиштга согиб, мусофирининг чанқо-

фини қондирди. Аммо озгина сут ортиб қолди. Йўловчи чўпондан «Сен ичмайсанми?» дея сўраганида, у: «Мен рўза тутганман», дея жавоб берди. Шундай жазира-ма ёз кунида қандай қилиб рўза тутаяпсан?» дея ҳай-ратланганида, чўпон: «Қарасам, кунларим беҳуда ўтиб кетмоқда. Уларни шу тарзда қадрламоқчи бўлдим. Аллоҳ сизларга ҳам ноғиз ва ўтқир басират насиб этсин. Унга итоат бобида ҳам муваффақиятлар эҳсон айласин. Ҳаммамиз Унинг раҳматига муҳтожмиз», дея жавоб берди.

Ҳидоятта ташвиқ қилгувчи ҳам ёлғиз Аллоҳ (ж.ж.)дир.

فوا يع الجمال و فواتح الجلال

Фавойих-ул жамол

(*Фавойих-ул жамол
ва фавотих-ул жалол*)

(*Жамол хушбўйликлари
ва жалол кашифи*)



Бизга мантиқут тайрни ўргаттан (Намл, 27:16), бизни файрнинг ташвиши-ю машғулиятларидан йироқлаштирган, сайри сулук аломати ва ишпоратларини кўрсатган Аллоҳга беҳад ва беҳисоб ҳамду санолар бўлсин...

Унинг улуг Расулига салоту саломлар айтамиз. Ҳазрат шайхимиз, буюк имом, дину мазҳаб юлдози, мусулмонларнинг ва Исломнинг кутби, тариқатнинг бурҳону далили, суннатни тирилтиргувчи хужжат-ул Ҳақ, Нажмиддин Кубро номи билан машҳур Абулжанноб Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сўфий Хивақий Хоразмий – Аллоҳ руҳини муқаддас қилсин ва ота-онасидан рози бўлсин ва уларни ҳам рози қилсин – бундай дейди:

Суюкли дўстим, яхши билгилки, Аллоҳ севгани ва истагани учун сени муваффақиятта эриштириди. Мурод Аллоҳу таолодир ва мурид ундин бир нурдир... Аллоҳ ҳеч бир кимсани зулматга ташлаб қўймагандир, ҳеч кимсага зулм ҳам этмас. Зеро, У ҳар бир инсонга руҳ ва ақл ато қилганидек, «кулоқ, кўз ва кўнгил» ҳам бергандир. (Аҳкоф, 46:26). Аллоҳ пардадан халос айлаган кишилардан бошқа барча кимсалар эса кўрдир. Бу парда ўша кимсалардан айри бир борлиқ эмас, балки уларнинг ўзларидаги, ўз вужудларидағи қоронгуликдир.

Ардоқли дўстим, кўзларингни юмгил ва қара! Қани, нимани кўра оласан ва қандай кўрасан? Агар: «Ҳеч нарсани кўрмаяпман», десанг, янглишасан. Аслида сен худди

ўша онда кўраяпсан. Аммо вужуд ва жисмоний борли-фингнинг зулмати уни сенинг басиратингдан ва ниго-ҳингдан йироқлаштирмоқда, шу боис ҳам ҳеч нимани топа олмайсан ҳам, кўра билмайсан ҳам.

Мабодо кўзларинг юмилган ҳолда уларни топиш ва кўришни истасанг, вужудингдаги айрим нарсаларни камайтири, бошқача қилиб айтганда, бир қанча нарсаларни танингдан йироқлаштири. Бунга эришмоқнинг йўли эса муҳоҳададир. Муҳоҳада – афёрни (ҳақиқий дўст бўлмиш Аллоҳдан бошқасини)¹ ҳайдаш, ҳатто йўқотиш учун жаҳд ва ғайрат кўрсатмоқ эрур. Афёр эса вужуддир, нафсдир, шайтондир.

Бу муҳоҳаданинг йўли уч турлидир:

1. Аста-секинлик билан вужудни кўнигира-кўнигирига ейиш-ичишни камайтирмоқдир. Чунки таом вужуд, нафс ва шайтоннинг қувват манбаидир. Қильти таом уларнинг руҳ устидаги салтанату ҳукмдорлигини кескин заифлаштирур.

2. Истак, ирода ва ихтиёрни тарқ этмоқ. Мурид ислоҳ қилишда унга мос усулни танлаши учун иродасини ишончли шайх ихтиёрига таслим қилмоғи керак. Мурид ҳали балоғатга етмаган ёш болага ёхуд ўринсиз сарф-харажат қиласиган нодонга ўхшайди. Бундай кишиларнинг ишини бошқаришда ё султон ё қози, ё валий ё ҳомий лозим бўлганидек, муридга ҳам шайх зарур.

3. Жўнайд Бағдодий (Аллоҳ у кишининг руҳини мұқаддас қиласин) тариқатидаги қуийидаги саккиз шартни адо этмоқ:

- 1) доимо таҳоратли юриш;
- 2) рўзада бардавом бўлиш;
- 3) мудом сукутда бўлмоқ;
- 4) давомли хилват;
- 5) доимий зикрда бўлмоқ (Ла илаҳа иллаллоҳ дейиш);
- 6) шайхи ила мудом қалбий робита ва алоқада бўлиш,

ўз тасарруфини шайхи тасарруфига топшириш орқали унинг воқеот илмидан истифода этиш;

7) ҳар доим хаёлга, ақлга келаётган нарсаларни унумоқ, уларни хотирламаслик;

8) Аллоҳдан нимаики келса – у хоҳ фойдали бўлсин, хоҳ зарар етказсин – мутлақо эътиroz этмаслик. Шунингдек, жаннатни исташ ва жаҳаннамдан паноҳ тиляшни ҳам тарк этмоқлик.

Мушоҳада мақомида вужуд, нафс ва шайтон орасидаги тафовут

Вужуд, яъни инсон бадани илк кўринишда қуюқ қоронгуликдир. У бироз покланиб, тозалангач, сенинг наздингда сиёҳ булут ҳолига келар. Бадан шайтон аршига айланганда эса қирмизи рангга киради. Анча кейин ислоҳ қилиниб, моддий ҳузур ва лаззатлардан қутулса, ҳукуқларни барқарорлаштиурса, у тиниқлашади, оқ тусга киради ва ёмғир булутига ўхшайди.

Нафс зуҳур этганда эса унинг ранги кўқ ва мовий тусда кўзга ташланади. Ва унда ер остидан отилиб чиқаётган сув булоғига ўхшаш бир тошқинлик бордир. У шайтоннинг арши ҳолига етдими, зулмат ва оташдан иборат бир булоқقا ўхшаб қолади. Бунда тошқинлик нисбатан сустроқ бўлади. Шайтон ва нафс вужудга файзу тарбия беришга отланса, бундан ҳеч бир хайр чиқмайди. Қачонки нафс тоза ва пок бўлсагина вужудни хайр-яҳшилик қуршайди, ундан яхши ва фойдали ишлар воқеъ бўлади. Шар ва гуноҳ ўраб олганда эса фақат ёмонлик ҳосил бўлади.

Шайтон куфр булатларининг ўзаро бирлашувидан пайдо бўладиган улкан кўринишдаги нопок бир оловдир. У қаршингда ҳайбатли, новча бир занжига ўхшаб пайдо бўлади. Оғзингдан кириб кетишни истагандек елиб келади. Агар шу онда ундан қутулмоқ ва узоклашмоқни истасанг, қалбдан: «Эй нажот тилаганларнинг нажоткори,

менга ёрдам эт!» дея ёлвор, шунда дарров қочади. Билгинки, у сени кўради, сен ҳам уни кўрасан. Унинг либоси либосингга тикилгандир. Бу либосларни бир-биридан айирсанг, кўзи кўр бўлиб, яланғоч бўлиб қолади. Аммо шунда ҳам у сени билади ва қаёқقا борсанг, сенга эргашади. Истаги — сенсан ва баъзан сенга ҳунар кўрсатади. Сен билан ҳамкор бўлмоқ, ўйнаб-кулмоқ, мусобақалашмоқ, ўзига лаънат айтмоғингни хоҳлайди. Бу истагини бажо келтирганингда эса сен билан гаплашиб, ҳунарларининг намойишини давом эттиради ва лаънатдан кувватланади. Шу тариқа сен билан муносабатини чўзаверади. Агар унга нисбатан сукут сақласанг, сенга ҳунарини кўрсатиши ҳам, кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Шунда Аллоҳга таваккул қилисанг, у сендан ўзини тортади. Бу ҳолатда у сенга ҳунар кўрсатишдан ожиздир. Мабодо: «Мадад сўрагувчиларнинг додига етгувчи, додимга етгил», деб юракдан айтсанг, шайтон: «Раббимдан мадад тилади», дейди ва сендан бор куввати ила қочади.

Зикр оташи ва шайтон оташи ўртасидаги тафовут

Зикр оташи соф, шиддатли ва юқориларга қараб юксалувчи бир оташдир. Шайтон оташи эса қоришиқ, туманли, зулматли ва сустдир. Бу икки оташ ўртасидаги фарқ эса фақат ҳол ила билинади. Сайёр ўз устида оғир юқ ва юрак сиқилишини ҳис қиласиди: қалби фараҳ, кўнгли роҳат топмай гўё барча аъзолари тош билан қарскурс синдирилаётгандек ҳолатни бошдан кечиради. Бундай ҳолдаги сўфий қоронғу оташни мушоҳада этади, бу эса шайтон оташидан ўзга нарса эмас.

Баъзан сайёр бунинг акси ўлароқ бир енгиллик, ич ҳузури, қалб гўзаллиги ва қаноат ҳис қилганида юксакларга ўрлаган соф оташни кўради. У қуруқ ўгиннинг оташига ўхшайди. Ва мана шу оташ қалбнинг фазоси-ю са-мосидаги зикр оташидир.

«Зикр олови» «ҳар нарсани ёқиб йўқ этувчи» (Муддассир, 74:28) оловдир. Кирган уйида (қалбда) шундай дер: «То мен бор эканман, мендан ўзга ҳеч нарса бўлмас». Бу эса «Ла илаха иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ) маъносини билдирур. Уйда ўтина бўлса уни ёқар, ўтина олов бўлар. Агар у уй (қалб) қоронгу бўлса, зикр нур таратар, қоронгуликни кувар, уйни нурга чулғар. Уй нурга тўлғач, унга қаршилик қилгувчи ҳам, рақиб ҳам қолмас. Аксинча, зикр, зокир (зикр қилинвчи), мазкур (зикр қилинвчи) дўст бўладилар. Ана шунда «Нур устига нур» (Нур, 24:35) ёғилгай.

Зикр ҳақдир, ҳақиқатдир ва ҳақиқатнинг сифатидир. Лаззатларни йўқ этар, ҳақиқатлар боқий қолар...

Ҳақиқатлар ўргасида номувофиқдик бўлиши эса асло мумкин эмас. Ҳузурлар эса борлиққа оид бир талай кераксизликлардирки, у исрофдан, ҳаддан ошишдан майдонга келади. Шу боис ичга зикр оташни кириши ҳамоно ҳаммаси барҳам топади. Ҳаром луқмалардан майдонга келган парчалар ҳам худди ана шундайдир. Зикр салтнати сийратни эгаллагач, уларни ҳам ёқиб йўқ қиласди. Аммо ҳалол луқмалардан пайдо бўлган жузъларга эса ҳеч ким кўл теккизолмайди. Чунки улар ҳақдирлар.

Вужуд мазкур тўрт унсурдан майдонга қелгандирки, ҳаммаси «Устма-уст зулматдир» (Нур, 24:40): тупроқ, сув, оташ, ҳаво.

Сен ана шу унсурларнинг ҳокимияти остидасан. Улардан айрилиб бошқа нарсани ҳам тамаъ қилолмайсан. Чунки бу ҳақни ҳақ соҳибига қайтиб бериш билангина амалга оширилади. Бу ҳам бўлса жузъни куллга – бўлакни бутунга қовуштиромоқдан иборат. Шу тариқа тупроқ тупроқлигини, сув сувлигини, оташ оташлигини, ҳаво ҳаволигини эгаллайди. Буларнинг ҳар бири ўз ҳиссасини олдими, вужуд барча юклардан фориғ бўлади.

Тариқатимиз ва йўлимиз кимё (маъданларни олтинга айлантириш санъати) йўлидир. Тоғлар бағридаги ну-

роний ва латиф нарсаларни қазиб чиқармоқ шартдир. Тупроқ билан боғлиқ ҳузуринг йўқ бўлгач, бир саҳро кўрурсан. Бу саҳрони қатъ қилурсан, энди бу гал саҳро сенинг оёғинг остида юрар. Гўё чўл оёғинг остидан кечиб кетмоқда. Ҳолбуки, кечиб кетаётган чўл эмас, сенсан. Зеро, кемадаги йўловчи ҳам кема эмас, балки рўпарасидаги соҳиллар ҳаракат қилаёттир деб ўйлади. «Сиз төгларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булатлар юргандек юрарлар...» (Намл, 27:88).

Бу пайтда яна ўзингни юқоридан пастга тушувчи, аслида эса пастдан юқорига чиқувчи бир қудуқдагидек ҳис этурсан. Ёки тепадан тушган ва пастда йўқ бўлиб кетган бир қишлоқ, шаҳар ёхуд уйда эканлигингни кўрурсан. Худди денгиз канорасида туриб денгизга йиқилган ва гарқ бўлаётган бир деворни кўргандек бўласан.

Дўстим, яхши билгинки, сен буюк ўлимдан ташқари ушбу тўрт унсур – ҳаво, оташ, сув ва тупроқнинг борлиғидан ўзингни асло қутқара олмассан. Бу ўлим сендаги унсурлар билан боғлиқ айрим нарсаларни йўқ этар. Ана шундан кейингина сен илгари ақл ила билган ва эшигтан нарсани ўз кўзларинг ила мушоҳада этурсан.

Агар сен бир денгиз кўриб, нариги соҳилга ўтишни истасанг ва гарқ бўлаётганингни мушоҳада қилсанг, яхши билгилки, бу сув билан алоқадор лаззатларнинг фано топмоғидир. Денгиз соғ бўлиб, унга қуёшлиар, нурлар ёки оловлар чўккан ва чўмган бўлса, хўб англағилки, бу денгиз маърифат денгизидир.

Ёмғир ёғаётганини кўрсанг, билки, бу раҳмат ўлик срга ўхшаб қолган қалбларга ҳаёт баҳш этмоғи учундир.

Бир оташ ичига кириб унга чўмганингни ва ундан чиққанингни мушоҳада этсанг, билгилки, бу олов унсурига даҳлдор лаззатларнинг фаноси эрур.

Агар кўз олдингда чексиз бир фазо, бепоён бир кенглиқ, ундан юксакда мусаффо ҳаво ва охирда бир қанча

яшил, қирмизи, сариқ, мовий сингари ранглар гавдаланса, билки, сен ушбу ҳаводан мана шу рангларга етишурсан. Аслида ранглар ҳолларнинг рангларидир.

Яшил ранг қалб ҳаётига, соф оташ ранги бўлмиш қирмизи эса ҳиммат ҳаётига, яъни қудратга ишорат эрур. Ҳимматнинг маъноси қудратдир. Агар бу ранг қоришиқ қирмизи бўлса, у шиддатнинг оташидир. Бу эса Сайёрнинг нафс ва шайтон-ла қилган муҳоҳадаси қаттиқ бўлғанлигини, унинг толиққанлигини англатур. Мовий – нафс ҳаётининг ранги, сариқ эса заифлик ва заифликнинг тимсоли. Буларнинг барчаси завқ ва муҳоҳада лисони или соҳиби билан юзма-юз гаплашувчи маънолардир.

Бу завқ ва муҳоҳада икки одил шоҳид эрур. Чунки сен кўзинг или муҳоҳада этганингни нафсинг билан тотасан, у билан тутганингни басиратинг или кўурсан. Бу яшиликни кўрганинг замон қалбингда бир ҳузур, кўнглингда фараҳ, ичингда гўзаллик, руҳингда эса лаззат ва кўзингда равшанлик муҳоҳада этурсан. Буларнинг барчаси ҳаётнинг сифатларидир.

Бу ҳолатта ўсимликларнинг ҳолларини далил келтириб шундай дея оламиз: дарахтларнинг яшиллиги жонли, қувватли ва жуда тез шакланишига қодир эканлигини, сарғайиш эса ўзидағи айрим сабаб ва касалликлар туфайли қурий бошлашини намоён этади. Шунга ўхшаб юзнинг қизариши ҳам ё ҳаё, ё уят, ё қўркув ва ёхуд севинч ва ёки фам-аламу ғусса туфайлидир.

Яхши билғилки, рангнинг бирлашуви истиқоматга ва шу ҳолнинг тўла ва мукаммаллигига (жамъият) ишоратдир. Рангларнинг бир жойга жамланиши ва бир-бираiga қоришиб ягона рангга айланиши эса талвин эрур. Агар яшил ранг ўзгармасдан доимо ўзининг рангини сақлаб қолса, бу тамкиндур... Яшил кейинда қолган охирги ранг. Бу рангдан чақмоқча ўхшаб оловлар ва ойдинликлар барқ уради.

Яшиллик соф ҳам, қоришиқ ҳам бўлиши мумкин. Соғлиги Ҳақ нурининг ғолибиятидан, қоришиқлиги эса вужуд ва борлиқ қоронгуликларининг устунлиги ва ҳокимлигидан юзага келур.

Қалб дея аталмиш латифа – сув қўйилган идишнинг рангини акс эттирганидек ёки само-ю тоғларнинг (яни, Қоф тоғининг) рангидек – бир ҳолдан бошқа бир ҳолга эврилиши мумкин. Бу эврилишни қабул этганлиги боис ҳам қалбга қалб дейилгандир. Хусусан, руҳ ва вужуднинг ҳам қалби-ю ўзи бўлганлиги учун (ич ҳамда ўз маъносини англатувчи) мана шу исм билан номлангандир.

Қалб (қаттиқ, дағал ва қуюқ эмас) латифдир. Ашёни ва ашё атрофида чарх айланаётган маъноларни акс эттиради. Атрофидаги маъно ва ашёни инъикос эттирали. Бу шаклу суратларнинг ойнада ёки тиниқ сувда акс этиши ва гавдаланишига ўхшайди. Бирор нарсанинг ранги унинг қаршисида турган латифада ўз суратини топади, шакли акс этади. Бу суратларнинг тиниқ сувда ва ойнада акс этишига ўхшайди.

Вужуд қолипидаги қалб нурга эга бўлганлиги учун ҳам унга қалб дея ном берилган. Бу Юсуф пайғамбар (алайҳиссалом)нинг қудуқдаги нурига (Юсуф, 12:10-15) ўхшайди.

Яхши билгинки, вужуд қолипи олдингда, юз ойнасида теран, аниқ-тиниқ ҳолда кўринур. Шаҳодат оламила ундан теранроқ бошқа ҳеч нарсани кўра олмассан. Бу қулуқ авваллари бошингнинг устида бўлғай, сўнгра ўнгингда, яна кейинроқ эса оёқларингнинг остида зуҳур этар. Ушбу ҳодиса йўлнинг сўнгида воқеъ бўлур. Бу пайтга келиб вужуд қудуғининг тубида бир яшил нур кўрурсан. Бу борлиқ ва ҳудуснинг интиҳоси, қадимнинг юса ибтидосидур.

Бу қудуқ сенга яқозо ҳолингда тажалли қилса, уни сўғтирасан ва унга яқинлик сезасан. Файбат ҳолида тажалли этса, ундан етган бир ҳайбат, бир шиддат ва тит-

ратма сени ўз таъсирига олади. Шунда руҳинг сени тарк этаётгандек бўлади ва ўламан дея ўйлайсан, бу пайт сенга зикрдан ўзга халоскор бир ҳол топилмас.

Бу кудуқда жабарут оламининг барча гаройиботи ва малакут оламининг жами ажойиботи намоён бўлур. Буларни абадул абад унуга олмассан. Чунки бу йўлда жуда шилдатли кувват, кўркув ва қийинчиликларга юзма-юз келасан. Бу билан севинасан, ундан қўрқасан, у билан унсият курасан. Ана шу боис ҳам бир ҳол ичида бирбирига зид ҳолларни бошдан кечирасан. Баъзан у мушоҳаданинг илк пайтларида улкан тасаввур ичра қоронгуликда, ҳоли ва тамали бузилган равишда тажалли этар. Анча кейин бу қоронгуликлар барҳам топиши билан та-мал тузалади ва устма-уст терилган фиштлар билан тартиб топади. Кейинроқ эса бино-ю фиштлар билан боғлиқ барча шакллар йўқ бўлади ва нурдан ёхуд яшилилкдан ҳосил бўлган бир кудуқдан ўзга нарса кўра олмассан.

Илк даврлардаги қоронгулик - бу шайтон мақоми эди. Кейин эса у раҳмат ва малаклар инадиган манзилга айлангани учун яшилланди ва нурланди.

Яхши англагилки, вужуд ягона нарса эмас. Унинг устида Ҳақнинг вужудига қовушгунча ундан-да хос, ундан-да гўзал бошқа вужудлар мавжуд. Ҳар вужуд учун ҳам бу йўлда кудуқлар бор. Вужуднинг турлари еттигадир.

Ер ва кўкнинг еттига ажратилишида ҳам шунга ишорат бор. Борлиқ турларини акс эттирган бу етти кудуқдан юксалтирилганингда сенга рубубият ва қудрат самоси кўрингай. Бу самонинг ҳаво қатлами ҳаёт зотидан саналмиш қуюқ яшил бир нурдир, ул нурларнинг баъзилари доимий равишда иккинчисига қараб ҳаракатла-нурлар. У ерда руҳлар таҳаммул эта олмайдиган бир кувват бордир. Шунга қарамай, руҳлар завқда асосланган чуқур бир севги-ю ишқ ила унга ошиқдир. Яна кўк юзида оловдан ҳам қирмизи нуқталар ва муганосиб шаклда бешта-бешта қилиб тизилмиш лаъл ва ақиқ тошлари бор.

Ҳол соҳиби уларга ичдан иштиёқ сезар, шавқ туряр ва уларга етишмоқ истар.

Яхши англалики, Сайёрни ушбу қудрат ва рубубият мақомига тўртта малак олиб чиқади. Бири ўнг, бири сўл, бири паст ва бошқаси ортда туради. Бу мақомга юксалгач, Сайёр қуллик ожизлиги ила шундай дейди: «Сен менинг Раббимсан ва менинг ҳокимимсан, қудратлисан ва соҳибимсан... Истасанг, мени яшатурсан, истасанг ўлдирурсан!..» Мана шу вактда жуда кучли ва шиддатли қувват билан рўбарў қолмоқдан қўрқади. Шу боис руҳининг олинишини ва шу ерда қолдирилишини орзу этади. Ўзини руҳи ва нағсидан ажralаётгандек ҳис қиласи. У оламга кетаётib қачонки қудуқдан чиқарилса, унда руҳ ёки нағс қолмайди. Сўнгра ана шу ердан олами шаҳодатга қайтарилади.

Сайёр илк бора дуч келадиган нурлар боши устидан ёғиладиган тажалли мақомидаги иззат нурларидир. Ўзига ворид бўлган ушбу нурлардан туғилган даҳшат ва қўрқув уни титратар, изтиробга солар, оқибат у қабз ҳолига кечар. Истар-истамас саждага бош кўяр. Сўнгра қудуқдан юқорига чиқарилур. Зеро, қоронғу бўлган нарсалар тозаланиб, нурланмагунча ва нур жинсидан бирор нарсага айланмагунча нуронийга етишолмас. Восиллик ана шундан кейин ҳосил бўлур.

Малаклар, асосан, инсонга орқа томондан, баъзан юқори тарафдан ташриф буюрадилар. Малаклар жамоатидан иборат сакинат ҳам (Бақара, 2:248) худди шундайдир. Сакинат қалбга инар. У инганида қалбингда бир фарофат, қониқиш ва хотиржамлик ҳис қиласан. Шунда бутун борлиғинг сендан ажратилар, сўз ва ҳаракат ҳурлиги хотима топар. Энди ҳавотиринг Ҳақдан бошқа ҳеч бир томонга асло майл кўрсатмас. Бунда Пайгамбарга ҳамдамликнинг аломати ва ишорати ғайрихтиёрий равишида тил ила Үнга узлуксиз салоту салом айтмоқдир.

Кунлардан бир кун бир малак мени юксакларга олиб

чиқди. У мени орқамдан тутиб елкалаб олган эди. Сўнгра олдимга ўтди ва мени ўпди. Унинг нури кўзларимга ёйилди. Кейин «Бисмиллаҳиллаҳий ла илаҳа иллаҳу вар-роҳманур раҳиим», деди. Яна бироз юксалтти ва мени ташлаб кетди.

Яна бир кун саҳар вақти хилватда зикр қилаётib ма-лакларнинг тасбеҳини эшиитдим. Ҳақ Таоло гўё дунё са-мосига инганди. Малаклар эса ғазабланган отанинг кал-тагидан қўрққан бола нажот истаб: «Тавба, тавба қилдим», деяётгандек тез-тез сўзлай бошлаган эдилар. Қўрқув ҳоллари кучайган малакларнинг «Ё Қодир, Ё Қодир, Ё Қодир, Ё Муқтадир», дея ёлвораётганларини эшиитдим.

Бу қўрқув ҳоли ўтиб кетгунча улар: «Аллоҳим, савоб ўлароқ бизга жаннатларингни лутф эт, азобдан ҳам омон сақла», дея дуо қиласидилар.

Хавотири ҳақ билан хавотири нафс ўртасидаги тафовут

Хотири Ҳақ. Хотири қалб билан хотири малак ҳам хотири Ҳаққа дахлдордир. Аммо хотири нафс хотири шайтонга таалкуқли эмас. Орада бироз фарқ мавжуд.

Хотири қалб ва хотири малак Азиз ва Жалил Аллоҳнинг изнига боғлиқ. Бу иккаласи гуноҳсиз, Аллоҳ амрларини тўлиқ адo этадиган ва Унга осийлик қилмайдиган икки малакдир («Тахрим», 66:6).

Соф хотири Ҳақ эса илҳомдандир, илҳом эса саҳиҳдир. Келган илҳомга ақл, нафс, шайтон, қалб ва малак эътироз этолмайди, уни рад ҳам қилолмайдилар. Бу илҳом баъзан ғайбат ҳолида келади. Шунда у янада равшан ҳис қилинади ва завқ ҳолига янада яқин бўлади.

Бундаги сир ва инжалик ҳаққоний хавотирнинг илми ладун (маърифат, қашф, илҳом...) эканлигидир. Яъни, илҳом аслида хотир эмас, балки «Аласт базми»да Аллоҳнинг руҳларга «Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?» деда қилган хитоби (Аъроф, 7:172), «Ва У зот Одамга

барча нарсаларнинг исмларини ўргатди...» (Бақара, 2:31) ояти ишорат этган азалий илмдир. Руҳлар ҳам буни худди шундай ўзлаштирилар. Руҳлар илми ладунийни ҳануз ўрганиш иштиёқидадурлар. Фақат бу илм баъзан вужуд ва борлиқ зулмати ила ўранади. Сайёр вужуддан йироқлашиб гойиблиқда поклангани замон ладуний илм ёхуд унинг ҳукм ва ҳикматларидан бир ҳикмат юзага чиқади.

Сайёр анча кейин бу илм ва илҳом билан такрор вужудига қайтади. Мана шу илм илҳомдир. Энди бу вужуд чанг ва кирдан кўринмай қолган ва тозалангач, тўла тикланган лавҳдаги ёзувга ўхшайди.

Бир марта ғайбат ҳолида бўлганимда, Ҳазрати Пайғамбарни Ҳазрати Али билан бирга кўрдим. Дарҳол югуриб бориб Ҳазрати Алиниң қўлларини олиб мусофаҳа этдим – кўришдим. Шу пайт менга илҳом келди: «Расулулуҳдан келган хабарларда шундай нарса эшигтандек эдим: «Кимки Али билан мусофаҳа қилса, жаннатга киргайдир». Қайтиб Ҳазрати Алидан: «Бу ҳадис саҳиҳми?» дея сўрай бошладим. «Ҳа, Расулулуҳ (с.а.в.) шундай деганлар. Расулулуҳ ростдан ҳам шундай деганлар. Мен билан мусофаҳа этган жаннатга киради», дея жавоб бердилар.

Тобеъ ва итоаткор руҳлар шарафли руҳлардан билим оладилар. Бу таълим ҳозир ҳам давом этмоқда. Аммо бу шаҳодат оламида эмас, балки ғайб оламидадир. Бу худди валиларнинг пайғамбарлар руҳлари ила учрашувига ўхшайди. Сайёр то борлиғидан ажралгунча буни тотади ва ҳис этади.

Илҳом баъзан ҳузур ҳолида вуқуъ этар. Аммо бундай илҳом аввалги шаклидан, ғайбат ҳолида вуқуъ бўлган илҳомга нисбатан мубҳам ва яшириндир. Шу билан бирга унга ҳеч нима (нафс, руҳ ва шайтон) эътиroz эта олмас, узвлар унга таслим бўлур, нафс бўйин эгиб, кўнгил у билан фараҳ тонур ва қалб татмин бўлур.

Нафс ҳоҳишига қарамай малак доимо яхши ва гўзал

нарсаларни ташвиқ қиласди. Бироқ нафс тазкия этилиб поклангач, хотиrlарнинг ўзаро таfovutлари энди унга сир бўлмай қолади. (Хотири малак ёхуд хотири шайтон-лигини узил-кесил айира олади).

Қалб ҳам худди шундайдир. Аммо қалб малакдан шаҳват, шавқ, ҳонин, тайш, таёрон, инсибоб, рағбат, муҳаббат, ишқ, валаҳ, жунун ва Ҳақда жунун¹ хусусиятлари или ажралиб туради. Мўъминларнинг малаклардан устунроқ бўлишининг боиси ҳам айнан мана шундадир.

Абул Ҳасан Ҳарақоний (ваф. 425:1033) бундай дейди: «Бир кун пешин вақти Аршга юксалдим, тавоф эта бошладим. Минг марта ёхуд мингга яқин марта тавоф этдим. Шу аснода Арш теварагида менга номақбул бир ҳолда тавоф этаётган ва тавоғларимнинг суръатидан ҳайратга тушган сокину мутмаин бир жамоатни кўрдим ва сўрадим:

— Кимсиз, тавоғларингиздаги бу совуқлик ва оғирликнинг боиси недур?

— Биз — малакмиз, биз — нурмиз, табиатимиз шундай. Бундан бошқача тарзда тавоф этмоққа кучимиз етмас, — дедилар.

Сўнгра улар мендан:

— Сен кимсан? Тавоғингдаги бунчалар суръату ҳаяжонга сабаб недур? — дея сўрадилар.

— Мен — инсон ўғлимани. Менда нур ва нор хусусияти бор. Суръатим эса шавқ оташи туфайлидир, — дея жавоб бердим».

Орзу ва шаҳват малаклар учун мутлақо хос эмасдир.

Хотири нафс. Хотири нафс роҳат ва истироҳатни юзага келтирувчи бир хотирдир. Покланса, софланса, таслим бўлса-да, ҳолат ўзгармас. Фақат поклангани замон ибодатларидан ҳузурланар ва хайрли ишларидан завқланар. Худди шундай жойлардан роҳат излар ва топар.

¹ Истилоҳлар учун қаранг: *Kelabazi, Terc. S, Uludag, Dogus devrinde tasavvuf (Ta 'arruf)*, s. 278-308 (ist. 1979).

Чиркинлашиб кирланганида эса ёмонликларга буюрар (Юсуф, 12:53). Поклангач, хотир янада яхшиланади. Бунинг аломати эса қалбнинг хотиржам бўлиб, фарофат, фараҳ ва татмин топмоғидир. Тазкия қилиниб покланмаса, хотир булғанч ҳолда қолур. Бунинг аломати эса қалбни алам, руҳни бир сиқилиш, аъзоларни оғриқ, нафсни қўркув эгаллашидир. Шубҳа йўққи, нафс тўғнотич ё жийда ёхуд тухум ўғирлаб қочган болага ўхшаб қўрқоқ ва инкорчиdir. Мана шундай нафс соҳиби икки жаҳоннинг ва икки жаҳонда мавжуд нарсаларнинг унга эътиroz этишини ҳис этади.

Хотири шайтон. Хотири шайтон баъзан ибодат, хайрли ишларда қувват ва кароматни орзу қилади. Бу ҳолат киши ҳақиқий ихлос соҳиби бўлгунга қадар давом этади. У ихлос соҳиби бўлгач, ушбу ҳол ундан йироқлашади, сўнгра унга асло яқинлаша олмайди. Ҳолбуки шайтон нафс хотирига мувофиқлашур.

Агар хотир ёмон бўлса – ташвиқотчиликка ўтади, унга ҳоким бўлади, ёмонни яхши қилиб кўрсатади. Хотири шайтон хотири нафсдан янада ёмондир. Чунки нафснинг хотири ягона фан ва ўйин бўлса, шайтонники жуда кўп фанлар ва ўйинлардир.

Нафс ёш гўдакка ўхшайди. Душман бўлмиш шайтон унга бирор нарсани рўбарў қилади, нафс эса ёшлиги ва парвосизлиги туфайли уни тасдиқлайди. Чунки шайтон ўйину ҳийлаларда бағоят моҳир ва устадир. Ихлос эшигигина истисно, ҳар қандай йўл ва эшиқдан бемалол қалбга кира олади.

Дўстим, ихлосли ва самимий бўл! Агар ихлосга эришган бўлсанг, ўзингни асло ихлос мақомида кўрма. Чунки ихлосинг учун бу бир нуқсондир ва айнан шу тарзда шайтон ич дунёйніга кириб келади.

Хотири шайтоннинг аломати шундай: ушбу хотир келгач, жонсараклик ва саросималик юз беради, қалбингда унга қарши ҳаловат топилмайди.

Гүё зулматлар билан юзма-юз қолгандай, риё билан ҳашру нашр бўлурсан, Ҳақдан бошқасига юз бурасан. Унинг ташрифи аъзоларингни парча-парча этур.

Буюк Аллоҳ баъзан ҳолатлардаги нозиклик ва ҳикмат эҳтиёжи юзасидан қулларини шайтон воситаси ила курб мақомига кўттарур. Бу эса қўйидагича содир бўлур: шайтон халқ назарида риё мақсади ила ана шу қулларнинг қалбларида ибодат севгисини уйғотади. Натижада улар ҳам халқ илтифоти учун ибодат қила бошлайдилар. Ҳалқнинг уларга илтифоти-ю эътибори кўпайтгани сайин рафбатлари ҳам зиёда бўлади. Аммо бундан лаззатлангач, ҳақиқий қуллик дарёсига чўмадилар. Бир тарафдан Ҳақ учун ибодат қилишни истайдилар, бошқача бўлишидан ўзларини асрайдилар. Ана шу зайлда зикруллоҳ ила Ҳаққа ибодат лаззатини тотадилар. Улум, асрори нур ва асрор сирларидан бўлган зикр ва ибодатларнинг мақоми зухур этади. Шу тарзда халқдан фирор айлаб, Ҳаққа юзланадилар.

Бу дунёning энг майда бирор бир нарсасига боғлиқлигинг бор экан, ҳеч вақт шайтон ҳийлаларидан омон қолмассан! Буни яхшилаб англа!

Нақл қилинишича, Ҳазрати Исо бир кун бошларини бир фиштта кўйиб ухлаётган эканлар. Чўчиб уйғонгач, тенасида лаъинни (шайтонни) кўрди ва: «Нечук ёнимга келдинг? Менда нима ишинг бор?» деба сўради. Шайтон: «Сени йўлдан оздириш ниятидаман», деганида, Ҳазрати Исо: «Эй малъун, мен Аллоҳнинг руҳиман, бу ишга қандай журъат қилурсан?» деди. Шайтон: «Тўғри-ку-я, аммо менинг матоҳимни олдинг, шу боис ҳам ёнингга келдим», дегач, «Нима экан у матоҳинг?» деба сўради. «Бошинг остидаги мана шу фишт менинг матоҳим бўлади». Бу гапни эшигтган Ҳазрати Исо дарров фиштни ирғитиб юборди, пишиқ фишт парчаланиб кетди.

Бир кун хилватда зикр ила машғул эканман, шайтон келди. Хилват ва зикр ҳаётимни издан чиқариш учун

ҳийла бошлаб, тузоқларини ортириди. Иттифоқо, қўлимга бир ҳиммат қиличи берилди. Учидан дастасигача «Аллоҳ, Аллоҳ» калималари ёзилган эди. Бу қилич билан инсонни машғул этувчи ва Аллоҳ зикридан йироқлаштирувчи хотирларни йўқотар эдим.

Хилватда ногоҳ қалбимга «Ҳиялул марид алал мурид» («Йўлдан озган шайтоннинг мурид учун қўйган тузоқлари») номли бир китоб ёзиш нияти пайдо бўлди. Уни шайхимнинг рухсатисиз ёзиш тўғри бўлмас, деб ўйладим. Шайхим ила робитам кучли бўлганлиги боис шу пайт унинг овозини эшигдим. У бундай дерди: «Бу фикрдан кеч...» Шайхим ила ғойибона кенгашдим. Улар: «Аллоҳ бундан йироқdir ва ушбу хотир шайтондандир. Шайтон ўзига марид дея исм берди. Шунинг учун ҳам сен шайтон ўзини бу тарзда ҳақоратламайди, дея ўйладинг, унинг бу ҳаракатини эҳтимолдан узоқ деб тушундинг. Зоро, ғояси ҳам сени (китоб ёзиш билан) машғул қилиб, Ҳақ зикридан тўхтатмоқ ва ишингни мушкуллаштиromoқ эди», дедилар. Шундан сўнг бедор бўлдим — уйғондим ва ниятимдан воз кечдим.

Кўнглинг фазосида ёки қалбингда бир хотир ҳис қилганинг замон дарров шайхинг билан мушовара қил. У бу хотири Ҳақдир, деса, билки, худди ана шундайдир.

Агар «Бу хотири нафсdir ва бундай ёхуд шундайдир», деса ҳам билгинки, у ҳақдир. То завққа етиштунингча сен учун ягона қоида мана шу йўл ва усулдир. Завққа восил бўлганинг замон хотирни тотарсан, танирсан ва Ҳақ хотир билан Ҳақ хотир бўлмаган нарсанинг тафовутини кўрарсан. Ари уясидаги бол билан Абу Жаҳл тарвузининг фарқи қандай билинади? Албатта, тотиб кўрилганда. Бу ана шунга ўхшайди. Буларнинг фарқини сўз билан англатиш ғоятда мушкул. Масалан, сен фарқлашда мана бу ширин, мана бу эса аччиқ дейсан. Аммо шунда сендан: «Аччиқ ва ширин нимадир?» дея сўралади. Қани, буларни таърифлаб бер-чи! Энди фақаттинга аччиқ ва ширин-

нинг аломату натижаларини эслаб англатишдан бошқа нарсани тушунтира олмайсан, шу боис ҳам шундай жавоб берасан: «Аччиқ – нафсни ижирғантирган, уни сиқилтириб қочирған ёқимсиз нарса. Ширин эса унга хуш ёқувчи ва кайф бахшида этувчи нарсалар эрур. Ёхуд бу хушдир, мувофиқдир, бу эса мухолиф ва ёқимсиздир. Бу бузиб, айириб роҳатсиз этса, буниси тузатади, бирлаштиради, таскин беради. Буни меъда қабул қиласди, буни эса қабул қилмайди ва ҳакозо...», дега аччиқ билан ширинни тушунтиришга ҳаракат қиласан.

Икки хил аччиқлик билан икки турли ширинлик ўртасидаги тафовутни завқи салим бўлсагина фарқлаш мумкиндир. Аммо бу завқ бузилса, ширинни аччиқ деб биласан. Зеро, бу ҳақда шоир: «Хасталиги туфайли оғзи bemaza бўлган киши ширин сувни аччиқ дейди», демиши.

Тасаввифий ҳаётнинг ибтидоси интиҳосига нисбатан ана шундайдир. Шубҳасиз, унинг ҳам боши хасталик, сўнгти эса саломатликдир. Зеро, бошланғичда қалб хастадир. Ҳассос ва талабчан табиб, яъни шайх даволагачгина қалб сиҳат-саломатликка эришади. Шу боис бошланғичда ибодатдаги лаззат аччиқ, гуноҳдаги нордонлик эса ширин тутолади. Аммо қалб согайтгач ва завқи салим бўлгач, буларга тобе бўлган ҳар нарса ва барча аъзолар ҳам саломатликка етишади.

Таклиф зиммадан тушадими?

Валоят мартабасига етишган хавос (намоз ва рўза каби) кундалик ибодат масъулиятидан фориф бўладими?

Таклиф калимасининг машаққат маъносини англатувчи кулфат сўзидан ясалишини назарда тутсак, шундай бўлади. Зеро, валилар ҳеч бир кулфат ва машаққатта сира ён бермасдан ибодат қиласдилар, аксинча ундан завқланадилар, хушиуд бўладилар. Ана шу маънода таклиф инади.

Албатта, шак-шубҳасизки, намоз бир муножотдир.

Лекин обид шайтонга мувофиқ, Раҳмонга мухолиф ҳолида муножот лаззатини тотмас, билакс, бу унга юк бўлиб, мешаққат туғдиради. Зеро, мухолифнинг муножоти вужуд учун оғир ва қийиндир. Бироқ обид Раҳмонга мувафақат, Шайтонга душманлик қилдими, энди бу муножоти ҳақиқийдир. Лаззатларниңг энг аълоси ҳам ана шудир. Шунда намоз севгили билан суҳбат ҳолига айланади. Энг лаззатли нарса ҳам худди ана шудир.

Хадрамийнинг бундай дегани ривоят қилинади: «Бир гурӯҳ одамлар менинг ҳулулий эканлигимни айтмоқдалар. Мен эса қуллардан ибодат эмас, кулфатининг соқит бўлиши ҳақида сўзлайман. Ҳўш, Аллоҳдан ўзга бир борлиқ кўрмайману, қандай қилиб ҳулулий бўла оламан? Болалигимдан то шу кунга қадар асло тарқ этмаган вирд ва зикрим бор экан, наҳотки, таклиф зиммадан соқит бўлади, дейишга журъат қила олсан? Аммо мен шуни айтишини хоҳлардим: Аллоҳнинг хос қулларининг ибодатларида кулфат йўқлиги ростдир.

Завқ табдили

Мушоҳада ва завқ баробар келади. Бироқ мушоҳаданинг сабаби қалбни ўраган парданинг кўтарилиши, басиратнинг очилиши бўлса, завқничи вужуд ва руҳларнинг ўзгартирилишидир.

Завқ сенга келган бирон нарсани англамоқдир. Бундай табдил ва ўзгарувчанлик туйғу аъзоларимизга ҳам хос. Зеро, бешта туйғу аъзоларимиз бошқа туйғу аъзолари билан ўрин алмашиши мумкин. Бунга уйқу чиройли намунадир. Инсон ухлаб, оз бўлса-да вужуд юкларидан фориғ бўлгач, вужуд денгизи или туйғу аъзолари қуршалгани замон кўз, қулоқ, таъм билиш, оғиз, қўл, оёқ ва ўзга вужуд навидан ғайб оламига бошқа туйғу аъзолари очилади. Инсон энди худди шу аъзолари билан кўради ва эшигади. Ғайбдан насиба олади ва тановул қиласи. Баъзан эса бедор бўлғандага ҳам оғзида ана шу таомнинг

таъмини ҳис қиласди. Гаплашади, юради, ушлаб кўради, узоқ жойларга боради. Узокълик унга тўсиқ бўла олмайди. Ва ана шу вужуд бу вужудимизга қараганда мукаммал роқдир. Чунки кўпинча у парвоз қилиш, денгиз сатҳида юриш ва оловга кирса-да ёнмаслик кучига қодир эрур. Буни зинҳор-базинҳор бемаъни нарса деб билма! Бу ҳақиқатдир. Ва уйқу ўлимнинг биродаридир.

Халқ бу оддий вужуд қуввати ила уйқуда топган нарсани Сайёр уйқу ила яқозо орасида бўлганида моддий ва оддий бўлган вужудининг заифлиги-ю ўзга маънавий ва шарафли вужудининг қуввати билан бу кучга эришади.

Сўнг ушбу шарафли вужул кучга киради, энди олами файбда бўлганидек, олами шаҳодатда ҳам бундай феъли ва ҳаракатлар воқеъ бўла бошлияди. Натижада у ҳавога учади, сув устида юради, оловга кирса ҳам зиён кўрмайди. У кўрар, эшитар, олар, чиқар, тушар, ҳиммат қўли ила тасарруфда бўлар. У билан бирга бўлган киши эса касиф вужуди ила тўсилгани боис буни ҳис қилмайди ва кўрмайди.

Яхши билгинки, мушоҳада аввал сурат, шакл ва хаёллар ила юзага келади, ранглар зуҳур қилгач эса зотлар ила зуҳурланур. Кейинроқ эса зотлар ҳам бир зотда фано топгайлар.

Сурат ва хаёлнинг сабаби аввал ақлга хизмат қилган икки қувватдир, булар ашёни ақл учун забту қайд этарлар. Бу эса овчининг ити ва тузоғига менгзайди. Сурат ва хаёл ашёни эгаллайди, ақл эса унинг устида ҳукм юритади.

Назар (тафаккур ва истидлол) эса овчининг тозисига ўхшайди, борлиқлардан маънолар ҳосил бўлганида ақл дарҳол тасаввур ва таҳайюл кучини уларга юклайди ёхуд назар итини уларнинг изидан жўнатади – ортидан югуртиради, ана шу тарзда уларни тасаввур ва таҳайюл кучининг тишлари ила овлайди. Яна кейинроқ эса буларнинг устида ақл тасарруф этмоғи учун ҳофиза ва хотира кучи ушбу маъноларни муҳофаза этади. Шу зайлда

ақл уларни, яńни маъноларни сўроққа тутади, сўнг бу маънолар устидан хукм чиқаради, ҳайратини енгади.

Муҳаййила қуввати бир маънони шу маънога лойик бир қиёфат ичида таҳайюл этса, тасаввур кучи унга сурат ва шакл беради. Масалан, оддий бир душман ит суратида, ҳайсиятли фаним арслон шаклида, буюк одам тоғ шаклида кўринса, подшоҳ денгиз тарзида, яхши одам мевали дараҳт, ёмон одам эса мевасиз дараҳт тимсолида, фойда-ю ризқ таом ҳолида, дунё эса нажосат ва эру хотин қиёфасида... тасаввур қилинади, айни шундай суратларда кўринади. Таъбир илмидаги сир ҳам худди мана шудир.

Ақл эҳтиёжини, ҳаддини ва ўзидан йироқлаштириш ишини ўз ўрнида қўллаб, том бир ҳайрат ичра қолганида унга кўриб-эшитгани, тотиб-топганидан бошқа ҳеч бир борлиқ йўқдир, деяётган илк ҳис ва идрокнинг ёлғон сўзлаётганини дарҳол англаб етади. Ҳолбуки, ундан аввал ақл ушбу илк ҳис ила узоқ вақт биродарлик қилган, оризий бўлса ҳамки, уни мудом тасдиқлаган. Энди эса бошқа бир илм (маънавий ва улвий), ўзга бир ҳисни топгач, ақл уни ҳам қувватламиш. Зеро, бу гайбий ҳисни инкор қилгудек бўлса, гайбнинг рақиблари унга худди ҳақиқатларнинг борлигини иддио қилувчиларнинг соғистларга қилган ишини татбиқ этади. (Ашё ҳақиқатларни инкор қилган соғистларга эса ҳақиқатларни тасдиқ этишлари учун ҳар турли оғир жисмоний ранж етказилгандир).

Буни билгани замон ақл илк ҳис ва идрокни ёлғончига чиқаради, ундан юз ўтириб, ҳиссий нарсаларни овламоқдан ортга чекинади. Узоқ вақт ўтгач, тасарруф кучи заифлашади. Шундай қилиб, сурат ва хаёл оламига, яńни, моддий оламга нисбатан бир безгинлик ҳолига тушади. Алал-оқибатда ов итлари ва тузоқларини сайд ишида фойдалана олмаслик ҳолига етади. (Таҳайюл ва тасарруф кучи ила ташқи оламда фаолият кўрсата ол-

майди). Бунинг устига маънолар зуҳур этади. Зеро, бу маънолар ила басират орасида робита либоси бордир.

Сўнгра бу маънолар ҳам маъно манбаида барҳам топади. Бу манба эса Қалбидир. Шунда иш якранглик ҳолига келади. Бу ранг эса қалб ҳаёти ва жонлилигининг рамзи бўлган яшил рангdir. Бу рангдан кейин ақиқ тошининг ранги пайдо бўлади. Бу эса ақли кабирнинг рангидир. Бирор киши ақли кабирнинг ранги ила сифатланса, бу ақл соҳибини ўзи истаган ишини амалга оширишга рафбатлантиради: у истаса истамаса-да, майдонга келишини хоҳдамаган ҳар нарсага тўсқинлик қиласди. Яна ҳам очикроқ айтсак, унга ҳеч бир маънода қарши туролмайди. Зеро, сен ҳам оташдан халос бўлай, дея унинг фойдасидан кечмассан.

Бу ранг қийинчиликдан кейинги осонлик билан юзага келар. Бу қийинчилик эса мужоҳаданинг мушкулиги эрур. Мужоҳид сидқ билан ихлос жабҳасида навбат кута бошлигани ҳамон устига улкан тоғлардек оғир воридлар интагай. У буларнинг остида эзилади, гўё ернинг қаърига киради. Аммо бунга сабр айлайди, асло инграмайди ва маълум бир муддат сокинлашади, ҳаракатдан тўхтайди. Ақли кабирга етишувнинг ҳақиқати ана шудир.

Ақли кабирнинг ранги устида ақиқ тош янглиғ қирмизи нуқталари бор қора бир лавҳа каби пешонада наамоён бўлади. Парданинг йиртилиши нисбати ила каттайиб-кичраяди. Бу парда пардаларнинг энг қалини, йиртилиши жуда қийиндир. Бу ранг файбат ҳолида кўрилган Сайёрни парицион айлар, парчалар, қамраб олар ва силкитар. Бунинг сабаби эса шундай: заифнинг кучлига қарашга кучи етмас. Аммо бу ҳол илк замонларда эмас, тасаввуфий ҳаётнинг интиҳосида воқеъ бўлади.

Истиғроқ

Илк истиғроқ зикрда вужуднинг истиғроқидир. Бу ҳам фақат вужуд ва борлиқдаги нопок, кир парчалар йўқо-

тилган, гўзал ва яхшилари биринчани замон ҳосил бўлар. Шунда борлиқ зикрини эшитурсан. Ҳар парча ва заррардан най овози ёхуд довул садоси каби зикр овозини тинглайсан. Буларнинг зикри буткул муқим ҳолга келгач, у асаларининг визиллашига ўхшайди.

Муқим ҳолга келмасидан (истиқомат) аввал зикр бош доирасида пайдо бўлади. Чунки бош юқоридадир. У ердан ногора, довул ва дабдаба овозларини эшитурсан. Зикр бир сulton ва ҳукмдор. Унинг дабдаба-ю ҳашамати доимо ўзи билан биргадир. Бир неча бора бу ҳолат ақлдан озиш ва ўлим таҳликаси юзлангунга қадар давом этар. Бироқ содик кишиларга бундай ҳолатларнинг зиёни бўлмас.

Мен бир кун хилватда зикр қиласар эканман, шиддатли бош оғриғи билан бирга шу каби овозларни эшитдим. Ҳолбуки, мен бу ишда самимий ва содик эдим, ушбу даргоҳдаги оёқларнинг тупроғига ўзимни фидо этган эдим.

Ўша овоз ва сиқилишларимни шайхимга арз қилдим. «Ўлмасдан ва ақлингни йўқотмасдан аввал дарров хилватдан чиқ, зикри қўй», дедилар. Мен: «Йўлда ўлмомим ҳар қандай (тасаввуфий мақомда ва) манзилда ўлмомимдан кўра яхшироқ», дея жавоб бердим. Шунда шайхим: «Мен шу ондаги ич аҳволингни англатмоқдаман. Модомики, бу йўлда жонингни фидо этмоқ учун сидқидилдан азму шиор этган экансан, нечун бундай нарсаларга эътибор бермоқдасан?» дея эътиroz этдилар.

Бу ҳолат ва қийинчиликлар – Аллоҳ бу тугунни ечгунга қадар – бир ҳафта давом этди. Зикр такрор бoshимга келиб инди, ўрнашди. Баҳтиёрлик, нафс истаклалири, руҳларнинг лаззатлари ва қалбларнинг гўзалликлари зухур этди.

Бу эшикнинг очилишига сабаб эса ўша кунларда ихлосда самимий ва саботкор бўлмоғим эрур. Бу эшикнинг очилиш сири Унинг тафвиқидан ўзга ҳеч нарса эмас эди.

Ушбу қувватли овозларнинг сири эса зикрнинг Ҳақ мосивосига зиддигидандир. У бирон жойга етгач, энг аввал зиддини йўқотар. Зеро, сен олов бор жойга сув келтиранг, худди шу ҳолатни кўрасан. (Зикр Аллоҳдан бошқа ҳар нарсани ёқиб қул қиласи).

Бу довул ва най овозларининг орқасидан яна хилмалихил оҳанглар эшитасан. Булар: сув шилдираши, шамол товуши, ёнаётган олов чирсилаши, кийик овози, ухлаганда от ва тойдан чиқадиган сас, бўрон пайтида дараҳт япроқларидан эшитиладиган садо... ва ҳоказолардир.

Бунинг сири эса шундай: инсон фарзанди қийматли-қийматсиз турли унсурлардан яралган. Ер, кўк ва улар орасидагилар ҳам шу унсурлардандир. Мана шу овозларнинг барчаси ўша жавҳарлар ва унсурларнинг зикрларидан иборат. Бу овозларни эшитган киши Аллоҳни барча лисон ила (бутун борлиқлардан тараладиган овозлар ила) тасбеҳ ва тақдис этади. Мана шу тушунча тариқат шартларидан ҳисобланади. Ушбу истиғроқ кучли бир тарзда адо этилган тил зикрининг бир натижасидир.

Иккинчи истиғроқ. Ундан кейин зикр бошнинг ён томонидан доирага ўхшаш юмалоқ бир дарча очади. Бу ерга юқоридан аввал бир қоронгулик, сўнгра бир оташ, ундан кейин бир яшиллик инади. Қоронгулик – вужуд зулмати, оташ – зикр отashi, яшиллик эса қалб яшиллиги эрур.

Аввал бош тепасидан бир эшик очилади. Чунки зикр чиройли калима бўлганлиги ва биззот Унга юксалиши (Иброҳим, 14:24) туфайли ҳувияти юксаклададир. Гўзал калима бўлган зикр ҳам Унга юксалади. Ҳақ ҳам қудсий нурлар ва руҳий воридлардан юзага келган фазлу марҳамиtı ила зокирни мукофотлантиради. Бошдан оёғигача уни амният, имон, рағбат, шавқ, муҳаббат, иқон, итқон ва ирфон билан тўлдиради.

Қалб шу аснода фараҳлангай. Саломатлик ҳолида Рабби (ж.ж.)га рағбат туяр. Бу истиғроқ фано маъносидаги

истигроқ эмас, балки қалбда юзага келган зикрнинг истигроқи эрур. Қалб бир қудук, зикр эса шу қудукдан сув тўлдириб бўштилган бир чеълакдек тасаввур этилади. Бу онда аъзоларда парвоз ҳисси майдонга келади, титраётган кишининг ҳаракатлари янглиф ғайритабиий ҳаракатлар кўзга ташланади.

Сен қачонки зикрдан тўхтаб, сукут ҳолига ўтсанг, кўксингдаги қалб зикр талаби или ҳаракат қила бошлайди. Бу худди она қорнидаги боланинг ҳатти-ҳаракатини эслатади. Чунки қалб Ҳазрати Исога, зикр эса уни қондирган сутта менгзар. Қалб кенгайса ва қувватланса, ундан чиқаётган нолалар, оҳу фиғон Ҳаққа юксалади, зикрга ва мазкурга эштилган иштиёқнинг таъсиридан ҳосил бўлган ўздан кечишилар ва овозлар юзага қалқийди. Қалб соҳиби зикрдан ва мазкурдан ғоғил бўлса ҳам, яъни буларни фарқламаса-да, ҳолат ўзгармайди. Қалб зикри ари визиллашига ўхшайди, чунки у на баланд, на-да ҳаддан ошиқ даражада паст ва яширин эрур!

Қалбда майдонга келган зикрнинг аломат ва ишорати ўнгингда шиддатли бир тарзда нур сочаётган бир манбани мушоҳада этмогингдир. Сайёр унда татмин бўлур ва унинг-ла дўстлашар.

Бунинг бошқа бир аломат ва ишорати эса қуйидаги чадир: зикр ўнг тарафни очади ва у ерни муҳрлайди. Гўё чандиқдек бир из қолдиради. Ва ана шу ердан зикр нурлари порлайди. Сўнгра бу из айланиб-айланиб қалбдаги зикр ҳаракатига яқинлашади, зикр билан баробар қалб юзига йўналади. Сўнг ён томондан ортга қайтади. Шу онда Сайёр буни дохилда ва хорижда ҳис қиласди. Қалб ва қудсий руҳ ана шу эшиқдан чиқади. Шу тарзда от соҳиби от устига минар, ҳолбуки, бир оз аввалги ҳолат бунинг акси эди. Бу ўринда отлиқ деганда латифайи нотиқани, от деганда эса вужудни назарда тутмоқдаман. Яна кейинроқ у билан бирга (ушбу от билан) ҳузурларга, юксак мақомларга, Ҳақ ҳузурига (ва тажаллиларга) юксалади.

Учинчи истиғроқ. Зикрнинг сирга инмоғидир. Бу эса мазкур (Аллоҳ)га етишган зокирнинг зикрдан ғойиб бўлиши, Унда фарқ бўлиб, Ишқ ҳайратлари ичра қолмоғи демакдир.

Бунинг аломатларидан бири – сен зикрни тарқ этсанг-да, зикр сени тарқ қилмаслигиdir. Зикрнинг ботинингдаги парвози эса сенга ғайбат ҳолидан хузур ҳолига ўтишингни эслатади. Яна бошқа аломати зикрнинг бошва бошқа аъзоларингни банд қилмоғидир. Бу ҳолатда ип ва боғлар ила маҳкам боғланган кишига ўхшарсан.

Учинчи аломати зикр оташининг сўнмаслиги ва нурларининг ғойиб бўлмаслигиdir. Доимо бир томондан юқорилаётган, бошқа бир тарафдан эса паствлаётган нурларни кўрасан. Атрофинингдаги оташлар соғдир, ўзаро туташар, ловуллаб туради.

Мана шу ҳолда хузур ҳолига етмасдан ҳарфлар ила қилинган зикр – тил зикри, қалбдаги хузурнинг зикри – қалб зикри, мазкурда хузурдан етган ғайбат зикри – сир зикри дейилади.

Ҳузур ҳолига қайтган пайтингда зикр тушунарли бўлса, бир даража пастга инасан. Агар хузурдан ҳам, мазкурдан ҳам ғофил эрсанг, фақат тил ҳаракати билан овора бўлсанг, демак, яна бир даража пастларсан (танзили рутба – мартабадан тушиш).

Зикр фақат тил билан айтилса ҳамки, унинг буюк бир салтанати ва қудрати бордир. Аммо вужуд ва борлиқ пардалари зикр салтанати пардаларидан янада қалин ва кучли бўлғанлиги боис унинг қошида зухурланиши мумкин эмас. Сайёр уйқу ёки ғайбат ҳолида вужудини ушибу пардалардан халос этса, вужуднинг бу заифлигидан фойдаланиб зикр султони майдонга чиқади. Бу шундай бир нурдирки, у ё юқоридан, ё орқадан ёхуд олдиндан унга ёғилар.

Шу лаҳзада Сайёр титрар, тебранар ва қўрқув чорасизлиги ичра зарурат тақозоси ила «Ла илаҳа иллаллоҳ»,

лер. Шундан сўнг ўзида муazzам бир қувват, даҳшатли бир қудрат ҳис этар. Шу аснода унинг таъсири ила саждага бош урар, тавба қиласар, исми азиз бўлган Аллоҳга таслим бўлар, мўъмин бўлар. Бу ҳолат зикрга хизматчи бўлган ва уни давом эттирган пайтида зухур қиласар.

Нафс

Уч хил нафс мавжуддир.

Нафси аммора (ёмонликка буюрувчи нафс). Умуман, бу нафс барчада мавжуддир. У қоронгуликдан таркиб тоғган. Зикр-ла юзланса, ойдинлашади. Чунки зикр қоронгу хонадаги қандил кабидир. Шунда у нафси лаввомага айланур ва ўзининг чиркинликлар, ҳайвоний (ит, тўнғиз, шер, илвасин, эшак, ҳўқиз, фил) сифатлар, шунингдек вужудда мавжуд бўлган бутун тубанликлар или тўлганлигини идрок этар.

Нафси лаввома йиртқичликнинг ҳар қандай туридан келган жароҳат ва ёмонликлар қолдирган кирларни поклаш ва вужуд қасридан суриб чиқариш учун файрат кўрсатар. Шу боис тўхтовсиз зикри Ҳақ ва Унга тавба или машғул бўлар. Шу зайлда зикр султони уларнинг устидан ғалаба қозонур. Сўнгра нафси мутмаинна ташриф буюар. У уй безатулгунига қадар керакли нарсаларни ҳозирлаш учун тўхтовсиз ҳаракат қила бошлар. Шу зайлда уй ашё билан зийнатланар, султоннинг унга ташрифи учун мувофиқ ҳолга етказилар. Ва султон ўз жойини эгаллар. Султон кириб, Ҳақ тажалли етгач, у ҳам қаноат топар.

Яхши билгилки, мушоҳада марҳалаларида ҳам нафси амморанинг бир қанча белги ва ишоратлари бордир. У сенинг олдингда пайдо бўладиган қоп-қора мум янглиғ улкан бир доирага ўхшайди. Бир муддат кейин йўқолади. Сўнг ўнг тарафиндан бир булатта ўхшаб яна юзага чиқар. Сўнгра эса у булат ҳолида экан, ёнидан ой мисоли бир нарса зухурланар.

Кейин яна пайдо бўлар, бу гал ҳилолга ўхшаш бир нарса ўртага чиқар. Ва у булутлар бағридан уч кўрсатар, ниҳоят ҳилол шаклига кирад. Сўнгра Сайёр нафсини яна қийнагач, ўша доира ўнг ёнокдан қуёш қизиллиги ила пайдо бўлади. Бу катта доира баъзи пайт қулоқ ёнидан, айрим вақт манглай олдидан, гоҳо эса бош устидан туғилади. Ақл дея атаганимиз ушбу нарса нафси лаввома эрур.

Нафси мутмаинна учун ҳам мушоҳада ҳолларида аломат бор. Улар баъзан нурлар сочаётган улкан сув булоқларидаги доираларга ўхшаш бир шаклда намоён бўлади. Гоҳо эса уни гайбат ҳолида порлоқ бир ойнадек соғ нур ўлароқ юзинг атрофида кўрарсан.

У юзингта қараб юксалади ва юз унда фоний бўлгани замон сенинг юзинг нафси мутмаинна бўлур. Бошқа бир гайбат ҳолида уни ўзингдан узоқда кўурурсан: гё сен билан унинг доираси ўртасида минглаб манзиллар борга ўхшайди. Шунда у томон бир манзил яқинлашсанг, сени ёндирап.

Яхши билгилки, сайр ва сулук сўнггида юзда зухурланадиган бир қанча доиралар бўлади. Ўнгга ва сўлга ҳар боққанингда кўриладиган нурдан яралмиш икки кўз доираси ана шулардандир. Икки кўз ва икки қош оралиғидан зухурланадиган Ҳақнинг нур доираси ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Бироқ бу доиранинг кўздагидек ўртасида нуқтаси йўқдир. Баъзан кўзнинг икки доираси шу нуқтада гойиб бўлур. Нуқта қолар, доиралар йўқолур. Руҳ доираси эса бурун сатҳида ўртага чиқар. Тилнинг нури доира эмас, балки мутлақ нурдир. У соғ бир томчи ҳолида бўлиб, доирасиздир. Эшитиш нури ҳам шундай бўлиб, у икки кўз айланасининг ортидан пайдо бўлган нурли икки нуқта эрур.

Бир кун хилватда гайбат ҳолига кирдим. Кейин баландга юксалтирилдим. Энди бош кўтарган қуёшнинг яқинига етдим. Унинг шиддати ва улкан қувватига дош

бергандан сүнг қүёшга сингиб кетдим. Кейин буни шайхим Аммор Ёсир (ваф. 582:1186)дан сўрадим. Шайхим: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Мен ҳам шу кеча иккимиз биргаликда Маккага борганимизни кўрдим. Қуёш кўкнинг қоқ ўртасида бўлган бир пайтда Маккада, Ҳарами шарифда менга:

— Эй шайх, мен кимман? Мени танияпсизми? — дединг.

— Сен кимсан? — дея сўрадим.

Сен эса:

— Мен қўклаги ана шу қуёшман, — дея жавоб қайтардинг», дедилар.

Ушбу икки ҳодисанинг бир-бирига мувофиқ келишидан шайхим ниҳоятда мамнун бўлди, суюнди ва менга ўз ҳолини баён этди: «Мен қалб оламига чекиниб, кечалари Аллоҳ йўлида мужоҳада қилдим. Осмон ичимга киргунига қадар доимий тарзда кўкка термулардим. Ҳатто завқнинг зўридан ўзимни осмон дея ҳис этардим. Айрим тунлари эса осмонни ҳозир юқорида кўриб турганимдек ўзимни тепасида кўрмагунча самога кўз тикканим тиккан эди. Бошқа бир кечаларда арзга қараб: «Воажаб, у недур?» - дея ўзимча уни англашга уринардим. То нурдан бир доира фоний бўлгунча бу ҳолим давом этарди.

Бу воқеотдан (доимий хотир, илҳом, мушоҳада, камрат...) илмий хулоса шудир: қудсий руҳ латиф ва самовийдир. У ҳиммат қуввати ила тўлиб-тошгани замон руҳ самога битишур ва само унда гарқ бўлар. Аслида руҳ билан само айни бир нарса. Бу руҳ бетиним равища парвоз этар, юксалар, қувватланар, тарбияланар ва мукаммаллашар, самонинг шарафидан ҳам кўп устун бир шарафга эришмоқ учун ушбу ҳол давом этар. Ниҳоят само чўққисини ишғол этар...

Ёхуд шундай дейишимиз ҳам мумкин: ҳар бир маъдан соҳиби ўз жинсидан бўлган жавҳарни излайди. Иро-

даси, талаби самимий ва жиддий бўлса, аслини топгай ва унга қовушгай. Самони пастда ва дохилда фақат мазкур ҳоллардан кейингина кўрдим: «Мен нима учун са-мода ёхуд самодан-да буюк бўлган нарсада ва ёки само-нинг устида эмасман?» дея дохилимда бир талаб ва итоб ҳам қойим бўлди. Бунинг устига маъданларига нисбатан соғинч ҳис этган гариб жавҳарлар самимилашиб, оҳу фифон ҳолига кирдилар ва мен ҳам уларга етишдим. Арз фоний бўлган доира эса кудрат доирасидир.

Муроҳада

Муроҳада икки турлидир. Бири – Адно, иккинчиси – Аъло.

Адно (энг паст босқичдаги) муроҳада. У арзда мавжуд нарсаларга тегишли. Бунда мен шаҳодат оламидаги эмас, балки файб оламидаги арзни назарда тутмоқдаман. Ундаги шакллар, ранглар, денгизлар, оловлар, чўллар, шаҳарлар, қишлоқлар, кўшклар ва шунга ўхшашиб борлиқларнинг идроки томошаси ана шу муроҳадага дахлдордир.

Аъло (энг юксак даражадаги) муроҳада. Бу самодаги борлиқларга алоқадор. Қуёш, ой, юлдузлар, буржлар, ой гардиши ва шунингдек, фақат бир қисмини кўриб муроҳада этиладиган ҳамма нарса Унга тегишлидир. Чунончи, биз жавҳар фақат маъданини муроҳада этар, ёлғиз уни орзу қилас, фақат ўз маъданига соғинч туяр, деган эдик.

Агар осмон, ер юзи, қуёш, юлдузлар ва ойни муроҳада эта олсанг, билгилки, ўша маъдандан сенда мавжуд бўлган бир парча покланган. Агар у тазкия бўлмаса эди, муроҳада воқеъ бўлмасди.

Файбат ҳолида муроҳада қилинган осмонни кўриб турганинг мавжуд осмон деб ўйлама. Файб оламида янада латиф, янада яшил, яна ҳам соғ ва бениҳоя порлок, сонсиз-саноқсиз кўклар бордир.

Ўз ботиний поклигинг ортгани ва илгарилаганинг сайин само ҳам сенга беҳад очиқ, гўзал ва соф кўринар. Бу ҳолатинг Аллоҳ сафосини сайр қилгунингга қадар давом қиласди. Аллоҳ сафосида сайр сайри сулукнинг ниҳоятидир. Аслида эса Аллоҳ сафосининг интиҳоси йўқ.

Етишган мақомдан сўнг яна бошқа мақомлар йўқ дея шубҳаланишдан эҳтиёт бўл! Яхши билғилки, Аллоҳнинг бир қанча маҳзар (мазҳар, мажло ва тажаллигоҳ)-лари бор. Булар сифатлар тажалли этган жойлардир.

Бир маҳзарни бошқа маҳзардан ҳолинг ила ажратадарсан. Бу мақомга юксалганинг замон ул маҳзар ва мазҳарнинг исми ва сифати беихтиёр тилингдан чиқа бошлайди. Сўнгра маҳдар ва мазҳарнинг сифатига эришасан. Ана шунда Аллоҳни унинг-ла тасбеҳ этурсан. Бир сафар «Субҳона алийюл кабир» дерсан, бошқа бир пайт «Субҳона алийюл аълю», яна бир вақт «Роббий ва Қодирий», ниҳоят «Аҳад, Аҳад», дерсан. Бу дуолар барча маҳдарлар учун тегишли. Қалб учун азза ва жалла Аллоҳнинг зот ва сифатларидан бир насиб бор ва бу муттасил ортиб боргай.

Бу борада арбоби қулубнинг ҳолатлари ва маҳдарларнинг сифатлари хусусида кўп хилма-хиллик мавжуддир.

Ҳақнинг ҳар бир сифатидан қалб бир ҳиссага эга. Шу боис ҳам ушбу сифат қалбдаги насиб ва улуш воситаси ила тажалли этур. Шу тақлид сифатлар сифатлар учун, зотлар зотлар учун тажалли қилур. Баъзан сифатлар Уни мушоҳада қиласар, баъзан эса сифатларнинг маҳларларидан мушоҳада этар.

Тажалли энг аввало илм ила ҳосил бўлади. Сифатлар уни кўрсин ёхуд сифатларнинг маҳдарида кўрсин дея тажалли мушоҳада ила юзага чиқур.

Сўнгра тажалли иттисофдан майдонга келади. Бу эса фазл ва адл (жамолий ва жалолий тажалли) сифатларидан бўлмиш (таквин, ижод, ўлдирмоқ — тирилтирмоқ,

марҳамат қилмоқ – жазо бермоқ ва шу каби) феълларга эришиш орқали қалбнинг мазкур ахлоқлар ила ахлоқланниши ҳамда бу сифатларга муттасиғ бўлишига боғлиқдир.

Иттисофнинг даражалари қўйидагилардир:

Биринчиси инсоннинг айрим маъноларни ўзгартириш иштиёқида ўзига нисбат-ла баъзи сифатлар ила сифатланиши.

Иккинчиси эса яна бир қанча маъноларни ўзгартириш истагида ўзи ва ўзга инсонларга нисбат-ла айрим сифатларга эришуви.

Учинчиси мутлоқ тарзда бутун борлиқ ранг ва маъноларни тасарруф этмоққа йўналтирилган сифатларга етишмоқдир. Бу борадаги камол исми Азиз бўлган Аллоҳга оид.

Шуни яхши билгилки, инувчи ва юксалувчи нур мавжуддир. Юксалувчи нур қалдан юксалар. Инувчи нур эса Аршдан тушар. Вужуд қалб ва Арш ўртасида бир пардадир. Орадаги бу вужуд шикаст топса ва қалдан Аршга томон бир эшиқ очилсагина, жинс ўзининг жинсига соғинч ҳис этади. Шунда нур нурга юксалур, нур нурга инар, «Нур устига нур бўлур».

Жамъиятнинг ҳақиқати шудир: қалб Аршни соғинар, Арш ҳам қалбга иштиёқ туюр. Ўргаларидағи вужуд ва нафс шу тариқа жамъ этилур. Янаям очиқроқ айтилса, ораларидағи нарсалар барҳам топиб ўртадан кўтарилиур. Зеро, икки кўл орасида ҳам ҳаво бор. Аммо икки кўлингни бир-бирига урсанг, ҳаво йўқолар. Икки тош орасидаги таом ҳам худди шундай. Тегирмон тошлиари бир-бирига тегиши билан дон эзилар ва орадан чиқар.

Сендаги қийматли жавҳарлар сенда ишқ, муҳаббат ва шавқ алангаси каби бир қанча жавҳарга монанд ҳол ёхуд самовий мушоҳадаларнинг юзага чиқишини талаб этади. Қай замон сендан нур кўтарилса, сенга ҳам нур ёнап, не вақт сендан олов кўтарилса, сенга ҳам оташлар

ёғилар. Билсанг, фалакдаги жавҳарлар ҳисоблидир. Сендағи жавҳарлар эса беҳисоб. Чунки сендағи жавҳарлар кўпаймоғи ва мукаммалашмоғи мумкин. Мабодо самодаги жавҳар сендағи айни жавҳардан ҳам қувватли ва қийматли эрса, ишонгилки, нуқсонли жавҳар мукаммалига эҳтиёж сезар, қудратли заифни ўзига тортар. Агар кучлари тенг бўлса, ҳар иккиси ҳам бир-бирига иштиёқ туяр, ҳар бири иккинчисини ўзига жазб айлар, шу зайлда йўлнинг ўртасида учрашарлар. Бу соғинч раҳматнинг сифати бўлиб, жазба қувватнинг кучлилигидан далолат беради.

Сендағи жавҳарлар кўпайиши билан бу жавҳар самодаги ҳамжинсига муқобил ўлароқ турлича шакл олади. Шунда жавҳар самодан соғинч ҳис этади, уни сендағи жавҳар ўзига жазб айлар ва у сенга етиб келар. Сайр ва жазбадаги сир худди мана шудир. Зеро, сайр аёну ошкор бўлсин, дея жавҳарни тасфия этмоқдан ўзга бир нарса эмасдир. Шу муомала-муносабат оқибатида жавҳар кўпайса ўзига жазб этар, ноқис бўлса соғинч туяр.

Абу Бакр Воситий (ваф. 320:932 дан олдин): «Аллоҳнинг жамол ва жалол сифатлари тўқнашди. Бу тўқнашувдан руҳ туғилди. Ўғил бўлак, яъни парчага, ота-она асл ва бутунга ишорат эрур», демицдир.

Юз доираси тоза ва мусаффо ҳолга етгач, нур тарата бошлар. Икки қош ва икки кўз оралиғидаги шу нур манбай туфайли Сайёр нур қайноғини ўз юзида ҳис қилгай. Кейин эса юзни бутунлай нур қамрар. Шу тариқа нурдан бир юз пайдо бўлар.

Нурлар мавжланар. Ул замон латиф бир парда ортидан аргимчоқ янглиғ тебрангувчи бир қуёш балқир. Аслида бу юз сенинг юзинг. Қуёш эса бутун вужудда ҳаракатланувчи руҳ қуёши. Кўп ўтмай бу софлик ва мунаварлик бутун вужудни забт этар ва қаршингда ўзидан нурлар таратётган бир шахсни мушоҳада этарсан. Сайёр шу онда вужулининг ҳар узвидан тўлиб-тошаётган нурларни ҳис

этар. Бир неча бора менлик пардалари орадан күтарилади. Ана шу пайтда бор вужудинг ила бутунлик ва кулини кўрарсен.

Басиратнинг очилмоғи кўздан бошланур. Кейин навбатма-навбат юз, кўкрак ва ниҳоят бутун вужудда воқеъ бўлар. Олдингдаги бу нуроний шахс сўфийлар тилида «муқаддам», «шайх-ул файб» ёки «мезон-ул файб» дейилар.

Сайри сулукнинг ilk даврларида бу шахс сенинг қаршишингта чиқар. Аммо у сени занжидек қоп-қора бир рангла қаршилайди. Сўнгра у ғойиб бўлади. Аслида эса у сендан ажралмаган. Аксинча, сен унинг ўзисан. У сенинг сийратингга кирар, сен билан бирлашиб ягона борлиқда айланар. У фақат тана ва вужуд либоси туфайли қорадир. Сен ундан вужудни фоне қилиб, шавқ ва зикр оташи ила унинг либосини ёқиб кул қилсанг, либос ичидағи жавҳарнинг ўзи юзага чиқали ва шу тариқа олдин кўрганингдек, нуроний бир ҳолга келур.

Унумтмагилки, мәлак, нафс ва шайтон сендан айри ва сендан ташқари бир борлиқ эмасдир, бильякс, улар сен, сен — уларсан. Шунингдек ер, кўк, курсий, жаннат, жаҳаннам, ҳаёт, ўлим... ҳам сендан хорижда эмас, балки сенда мавжуд нарсалардир.

Сайр қилиб покланар экансан, бу сир сенга аён бўлур, иншооллоҳ.

Хотирдан чиқармагилки, «Алиюҳ осмонлар ва ернинг нуридир» (Нур 24:35). Пайғамбарнинг нури Унинг иззат нуридан, валилар ва мўъминларнинг нури эса Пайғамбар нуридан эрур. Демак, нур фақат Аллоҳники. Ушбу икки оятнинг сири ҳам ана шунда: «Ким куч-қудратни истайдиган бўлса, бас, барча куч-қудрат Аллоҳникидир...» (Фотир, 35:10); «...Ҳолбуки, куч-қудрат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўъминларникидир...» (Мунофиқун, 63:8).

Пухта англағилки, ҳар бир Сайёрнинг шоҳиди бор.

Унга «Шайх-ул гайб» дейилтур. Сайёрни у самога юксалтирар, кўкда зуҳур этар. Шайх-ул гайб Сайёрнинг шоҳиди, ҳатто унинг ўзи эканлигининг далили шу: Сайёр унинг ҳаракати ила ҳаракат қиласи, у тўхтаса тўхтар, унинг файзи ила файзланур. Уни топмоқдик билан баст ҳолини яшар, йўқотиш билан эса қабз ҳолига ўтар. Соф ҳолга келиши ва нурланиши тарозининг оғир келишини англатур. Қорайиб кетса, беркинса ёки пардалар ортига яширинса, бу тарози палласининг енгиллигидан дало-лат эрур.

Шунингдек, йўл ўртасида ҳам икки кўз доираси бор. Буларнинг зуҳуроти гўзал бир ҳолга ишорат, яшириниши эса ёмон ҳол ва вужуд ғолибиятига ишорат этар. Бу доиралар йириклишар, кўпаяр, баъзан эса кичраяр ва камаяр. Бу эса мезоннинг оғирлигини ва бир палланинг ноқислигини билдиради. Аммо ақли кабир Сайёрга ҳужум этган ҳолат бундан мустасно. У пайт доиралар пинҳон қолур, мезон оғирлашар. Бунинг аломат ва ишорати қўзининг юмуқ ҳолатда ўнг ва сўлга айлантирилмоғи эрур. Шунда Сайёр ақли кабирнинг ақиқ тош рангли нуқталарини кўргай.

Бу нуқталарни кўриш фақат пешонадан хос бўлганлиги туфайли ёлғиз ўша жойдангина кўриш мумкин. Зоро, кўриш хусусияти ақли сағирга тегишилдири. Биз бироз аввал жавҳарни ёлғиз ўз жинсидан бўлган бир борлиқ-қина кўра олади. У ҳам фақат уни ўз жинсидан бўлган бир нарса ила кўра билур, деган эдик.

Гайб оламида Аллоҳ Таоло битган китоблар бордир. Бир қисми нуқталар ила, бошқа бир қисми ҳаракат, яна бир қисми эса ҳарфлар билан ёзилмишдир. Аммо бу ифодалардан ташқари ушбу китобларнинг кўп ажойиб номлари ҳам бор: «Янбуъ-ул аббор», «Мажмаъ-ул асрор», «Китоб-ул маҳд», «Китоб-ул фалакий», «Фурҳат-ул аббор», «Нузҳат-ул асрор», «Китоб-ул азаим», «Китоб-ул ишқ», «Китоб-ус сехр», «Бурҳон-ул кабир», бундан бошқа юл-

дуз ҳукмларидан баҳс этувчи «Китоб-ул ашқол» ва ҳоказолар. Сайёр дастлаб Куръондек – ёзилган, тушунарли ва идрок этилувчи китобларни кўрар. Сўнгра эса сир воқеъ бўлур. Уни баъзан англар. Баъзан эса вужуд ва борлиқнинг хотирдан ҳайдовчи қоронгулиги боис уни англай олмас. Сўнгра бир қанча тўртбурчак ва бошқа шаклдаги ҳаракатлар ила, ундан кейин эса нуқталар билан ёзилмиш китобларни кўрар. Уларни англар ва ўқир, шу тарзда илми ладунийни ўрганар.

Такрор вужудига қайтанида барисини унутар. Аммо бу англашнинг лаззати қалбидан давом этар, унга ишонар. Бу ҳолат рафбат, ишқ, шавқ ва муҳаббатта таъсир ўтказади ва натижага етказади.

Баъзан унга юлдузларга тўлиқ фалак намоён бўлади. Бу Куръондир. Уни нуқталар ёрдамида ўқийди ва англайди. Гоҳо эса гайбат ҳолининг азоби ва қийинчиликлари ичиди – агар буларга ихлос ила сабр эта олса – олтин ва кумуш рангини кўради. Булар сидқ ва ихлос рангиdir. Гоҳо эса зикрнинг Суҳайл юлдузи олисдан тулув этар, Сайёр шу юлдуз янглиғ титрар. Бу зикр юлдузи имон, иқон ва ирфон Яманидан туғилар.

Баъзан эса узоқдан Зуҳалнинг ҳиммат юлдузи яширип пайдо бўлгай. У юксалса, дунё охирига этар. У Сенга яқинлашаркан улканлашгай, Муштарий юлдузига менгзар, юқоридан пастга инар.

Ҳиммат (Зуҳал) юлдузининг аломати шудир: сен қаёнга боқмагил, кўз тиккан жойингда уни кўрарсен. Баъзан уруш ва қон тўкищ, яъни жанг юлдузи Миррих ўртада пайдо бўлиб қолади. Сайёр бу ҳолдан маҳрум бўлса, фақир (вали, сўфий) мақомига кўтарила олмайди. Шайхлар демишларки: «Вали тирилтириб ўлдира олмаса вали эмасдир».

Баъзан қўёш туғилар, бу эса руҳ ёки қалб қуёши эрур. Баъзан эса Аллоҳ (ж.ж.) билан унсиятдан туғилган нашъя, севинч ва жўшқинлик юлдузи кўринар, бу Зуҳра

юлдузидир. Баъзан эса илм Уторуди ва вужуд Ойи зухур этар.

Бир пайт Сайёр ўзининг эшакка минганини кўради. Бу эса унинг шаҳват малики ва қироли бўлганлигининг аломатидир. Хачирга миниши нафс қироллигига ишорат. Унинг пастида бир киши ўлса, ўз ўлимининг нишонаси. Отга минган эрса - бу қалб сайридан аломат, туяга минса шавқ ила сайд эттанига ишорат, учса ҳиммат ҳаётига далолат. Ҳувиятта ўраниши эса маҳбуб ва матлуб бўлишини тамсил этар. Агар денгизда бир кемага минган бўлса, билсинки, бу кема шариат, дengiz эса тариқатдир.

Яхши билгилки, шариат ҳикмат қонунидир. Ҳикмат эса суфийлар тилида қудрат маъносини англаштан ҳимматнинг тамали ва қонуни эрур.

Унугмагилки, Сайёрлардан ҳар бирига исми Аъзамлардан бири берилмиш. Исми Аъзам қалблардан жўшар. У бутун оятларнинг бир жойга йифилишидан ҳосил бўлади. Олами файб ва олами шаҳодатдаги барча оятлар исми Аъзам ҳарфларидан бири эрур. Бу аломат, оят ва далилларнинг аён бўлиши нисбатига кўра исми Аъзам ҳам ортади ва кўпаяди. Маърифат ва исми Аъзамнинг озайиши баробар бўлиб, ишнинг охири маърифат ва муҳаббатдир.

Муҳаббат маърифатнинг меваси. Чунки билмаган сева олмас. Унинг бизга бўлган муҳаббати бизнинг Унга бўлган муҳаббатимиздан муқалдам. Инсон севганини тез-тез зикр қиласи ва хотирлайди. Аллоҳ субҳонаху ва Таоло: «Мени севишими даъво қила туриб кун қорайиши ҳамоно ухлаган киши ёлғончи. Ошиқнинг аломати илм ўлароқ эмас, балки ҳол ўлароқ Ундан ўзга бирон нарса кўрмасликлир», дея буюрмиш.

Ривоят қилинурки, Самнун Муҳиб муҳаббатдан баҳс отганида Шунузийя жомеъ масжидининг қандиллари ўнгу сўлга қараб тебрана бошлиарди. Унга: «Муҳаббатдан

сўзла», дейишганида: «Ер юзида буни англашга қодир бир зот борлигига ишонмайман!» дея жавоб берди. Шу пайт унинг олдига бир күш келиб қўнди. Самнун: «Ана энди муҳаббатни бунга англатса бўлар», деди ва муҳаббатдан сўз очди. Күш эса тумшуғини ерга ура бошлиди. Охири оғзидан қон келди ва ўлди.

Файб ва шаҳодат оламидаги оятлар зуҳури имон, иқон ва ирфон натижасини пайдо қиласди. Эҳсон ва неъматлар ирфон илиа юзага келур. Бу эса муҳаббатни майдонга чиқаради, муҳаббат эса фанони ҳосил айлади. Яна ҳам тўғрироги, фано ҳам муҳаббатнинг ҳақиқати, ҳам ҳосиласи эрур.

Фано

Фано икки хилдир:

1. Ҳақ сифатларида баҳарий сифатлардан фоний бўлмоқ. Бу фардониятдаги фано.
2. Унинг Зотида экан, сифатидан фоний бўлмоқ. Бу эса ваҳдониятдаги фано.

Зот тажалли этар экан, ҳайбати илиа тажалли этар. Шунда Сайёр ушалиб йўқолгандай бўлади. Кичраяди ва ўлар ҳолатга етади. Ушбу онда: «Аҳад, Аҳад... («Бир, Бир!..) деган овозни эшпитади. Зотидан фоний бўлгач эса У билан боқий бўлар ва Унинг-ла яшар.

Баъзан Сайёр гайбат ҳолига кирап ва Ҳақ уни ўзига юксалтирас. У ҳам ўзида рубубиятни ҳис этар. Бу завқ бир лаҳзагина воқеъ бўлар. Аллоҳнинг (азза исмуҳу) қулига бу завқни бахш айлаши мақомлар ва кароматларнинг энг олийсидир. Доимо итоб ва жидолда ҳам Аллоҳ Таоло билан бирга бўлган Сайёр шундай дейди: «Сени Раб, мени қул, Сени Холиқ, мени маҳлуқ, Сени Қадим, мени муҳдас қилган нарса недур?». Бунга жавобан Аллоҳ унга бу лаззатни насиб айлади, масаланинг моҳиятига илҳомлантиради, бу ҳайрат ва танбех истироҳатга васила бўлади. Шунда ориф тин олар, ҳайрат асири эса юрар. Мутлоқ

ориф эса Аллоҳ. Бошқалар ориф бўлиб кўринади, холос. Кейинги мақом ҳамиша аввалги мақомдан устун. Қадим ва рубубият завқи гўзал ва порлоқ бўлса-да, бу завқнинг давоми ундан-да жозибали ва муҳташам.

Бу майдон Унда ҳалок бўлмагунча ва Унга қайтмагунча ҳадди, чегараси идрокка сифмас даражада бепоёндир. Ҳалокат фақат буюк қўркувлардан кейингина идрок қилинмоғи мумкин. Бунга эса худди Ҳалложнинг (ваф. 309:922) «Анал-Ҳақ» демогидек руҳни фидо этиш билан эришилар. Бу нуқтада ҳалок ҳам, фано ҳам айни бир нарсадир.

Ҳаллож бир муножотида шундай дейди: «Носутиятим лохутиятингда ҳалок бўлди. Лохутиятингдаги носутиятим ҳаққи, мени қатл этишни истаганларни афв эт».

Истиҳлоқ муҳаббатнинг ҳосиласи. Муҳаббатдаги илк одим нафс учун маҳбубнинг орзу этилмоғи. Сўнгра нафснинг ўзига фидо қилинишидир. Ундан кейин иккиликнинг унугилиши бўлса, энг охирги марҳала ваҳдониятда фано топмоқлиқдир. Махлуқларда узлуксиз ва доимий бир ҳол ўлароқ ўзимиз буни бошдан кечирдик.

Аммо бу тез қўлга киритиладиган ва чегарасига этиш қуладай бўлган бир майдон Эрур. Фардоният майдони эса юқорида айтганимиздек, идрокдан узоқдир. Чунончи, ҳар мато ўз қиймати билан сотилар.

«Ишқ недур?» дея сўралганида Жунайд Бағдодий (ваф. 297:909) шундай жавоб берган эдилар: «Ишқнинг нелигини билмасмен. Аммо бир болага ошиқ бўлган кўр одамини кўрган эдим. Унга майл кўрсатмаётган боладан: «Азизим, мендан не истарсен?» дея сўради. Бола: «Руҳингни», деган эди, дарҳол руҳидан айрилди - жонини фидо этди».

Ишқ инсон ичини ва жигарини ёқувчи бир оташ. Ақлни довдиратади, адаштиради, кўзни кўр қилади. Эшитиш туйғусини маҳв этар. Буюк қўркувларни кичрайтипар. Инсон бўғзини сиқиб, нафасдан бошқасига имкон бермас, жонини ҳалқумига келтирап. Ориф бутун ҳим-

матини маъшуқ ва маҳбубига бағишлаб, маъшуқасини қизғонганлиги учун номатлуб хаёлларга борар, бу ҳол кучайиб, мувозанатни бузиб, шошқалоқликка йўл очар, ниҳоят у паришон бўлар ва ўлимни хуш кўра бошлар.

Вуслат эса ишқ оташини сўндиради, маъшуқанинг ранжи, қаҳри ва озорини ҳам камайтиради. Унинг васли ўзгаларга насиб этмаслиги учун ошиқ: «Кошки севгилим бўлмаса эди», дея орзу қиласи. Бу ҳол упи: «Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга Раббим йўқ», дейиш даражасига етказади. Бир маҳлуқ ҳақида бундай дейиш, албатта, куфрdir. Аммо ҳол ва издирор натижасида айтилган бу сўз асло ихтиёрӣ ва иродий эмасdir. Буни айтган аслида ошиқ эмас, балки ишқ отashi эрур. Ишқ оташининг тарбияси ва камолоти маъшуқадандир. Ошиқ лисони ҳол ила фақат шундай дер: «Сен менинг дину дунёим ҳалокатисан. Менинг куфрим, имоним, орзуим ва рағбатимнинг сармоясисан. Ва сен менсан». Ҳаллож шундай демиш: «Сенга ҳайронман. Мени мендан олдинг, Ўзингда фонеъ этдинг. Мени Ўзингта шу даражада яқинлаштирдингки, Сени мен деб ўйладим».

Баъзан ошиқ ишқда фоний бўлар. Шунда ошиқ ишқ, ҳолини олади. Сўнгра эса ишқ маъшуқда фано топади.

Мисрда Нил дарёси соҳилига яқин қишлоқдан бир жорияга ошиқ бўлган эдим. Бир неча кун ейиш ва ичишдан тўхтадим. Ишқ алангаси шу қадар кучайдики, гўё нафасим ҳам оташга айланган эди. Бу оташ пасайди дегунча устимга гўё фалакдан ҳам оташ пуркаларди. Ва бу икки оташ олдимда бирлашарди. Самодан келганини таний олмадим, аммо кўқдаги шоҳидим дея тахмин қилдим. Лекин у ердаги ким, учрашув жойи қаер – билмасдим. Ниҳоят у менинг кўқдаги шоҳидим эканлигини англадим.

Муҳаббатнинг охири ишқнинг аввалидир. Муҳаббат қалб учун, ишқ эса руҳ учундир. Сир севгилиларни бир жойга бирлаштирас. Ҳиммат эса жамъ асари эрур.

Агар «Бу ишнинг охири недур?» – дея сўрасалар, жавоб шудир: ушбу ишнинг интиҳоси ибтидога қайтмоқдир. Ва мазкур ишнинг бошланғичи жинснинг ўз жинсини талаб ва орзу этмоғи эрур. Бу эса у жинсдан (Ундан) бир нур ва лутф бўлиб, у шаҳватга орзу, юракка (фуод) ирода, қалб (кўнгил)га севги, руҳга ишқ, сирга вуслат, ҳимматга тасарруф, сифатга софлик ва зотда фано, Унинг-ла бақо ҳолини юзага келтирад.

Ҳол - Мақом - Вақт.

Ҳол, мақом ва вақт ўртасидаги тафовут нима?

Ҳол

Айтurmизки, ҳол егулик, ичқилик ва уловдир. Сайёр булардан қувват топар. Улар куллий ва ҳақиқий матлубга боришдек маънавий сафарда унга ёрдам кўрсатадилар. Куч-қувватга эришмасдан сафарга чиқиш ҳаромдир. Сўфийлар наздида куч-қувват ва тоқат эса молу ҳол ила бўлур. Ҳол шаҳват, нафс, қалб ёхуд руҳнинг қуввати. Мол эса, маълумки, фақат нафс ва шаҳватни тақвия қилгувчи нарсадир.

Табиатига кўра ҳол янада қувватли бир куч ва тоқат ҳисобланади. Чунки ҳол боқий бўлгандан боқий бўлганда ва боқий бўлганга, мол эса фоний бўлгандан фоний бўлганда ва фоний бўлганга бериладиган бир қувватдир.

Бундаги «боқий бўлгандан» дегани Ҳақ бўлгандан лемақдир. Бу худди элчи бўлиб келган кишига султон кўрсатган иззат-икромга ўхшайди. «Боқий бўлганда» ифодасидан эса қалб ва руҳни назарда тутмоқдамиз.

Энди «Нафс ва шаҳватнинг ҳам боқийлик хусусияти бормидики, уларни ҳам айни таснифга кўшдингиз?» деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобимиз шундай: агар нафс буни ўзига мақсад эта олса, тазкия қилинади, покланади. Покланган эса ўзини маломат айлар (нафси лаввома), маломат қилгувчи зикр этар, сокинлашар ва қалбга айланар. Шаҳват ҳам шунга ўхшайди:

фонийдан боқийга инаркан, қалбда шавқ, соғинч ва рағбат ҳолига дўнар. Шунда қалбдан от кишинашига ўхшаш бир овоз чиқар. Нафсга тақвонинг илҳом қилиниши ва шайтоннинг мусулмон бўлишидаги сир ана шудир.

«Фонийдан, фонийда, фонийга» ифодасига келсак, «фонийдан» - молдан демак, мол эса фонийда бўлган бир фонийдир. Ва мол нафс ва шаҳват қуввати эрур. Ҳар иккаласи ҳам фонийдир. Булар тўғри тамойил ва ҳақ йўлдан четланишлари ҳамон ҳайбат сахроларида йўқ бўлиб кетишади.

Яна «Ҳайбат қалб ва руҳ йўлида эмасми?» деган савол пайдо бўлиши мумкин. Албатта, фақат қалб ва руҳ - ёлғиз иккаласигина Ҳақни излаган, Унга осий бўлмаган ва Унинг амрига зид бир иш қилмаган, Ҳақ талабида куч сарф этган икки ҳақ эрур. Ва уларнинг устида ҳайбат шуъалари пайдо бўлганда иккаласига ҳам фазилат, раҳмат ва жамол нурлари ёғилади. Қаерда бўлиш масин, Аллоҳнинг лутф ва эҳсони ўлароқ асло қўркув ва андишага берилмаслар.

Ҳаво-ю шаҳват қалб ва руҳ ила тенглашишни истаган ва ҳайбат вориди ила уларни бунга ундалаган вақтда инобанинг ҳақиқати, яъни ҳаво-ю шаҳватдан халос бўлишда Аллоҳга сифинмоқнинг сири юзага чиқар. Сўнг ҳаво-ю шаҳват қалб ва руҳнинг этакларига ёпишар, шу тарзда руҳларнинг руҳи ва қалбларнинг қалби ила зийнатланган ҳусни зан билан бирга қалб ва руҳда таваккул, ризо, тафвиз, таслимият, ҳавл ва қувватдан баҳрамандлик сири аён бўлади. Шунда жамолнинг нури ва раҳмати унга етишар, унинг-ла дўстлашар. Ана шундан сўнг қалб ва руҳ Рабби ила, ҳаво ва шаҳват эса қалб ва руҳ ила боқий бўлур. Шу тарзда бариси нажот топадилар. Айни пайтда улар шундай бир қавмдурларки, улар ила яқинлашганлар бадбаҳтиликдан йироқ бўлурлар. Рафиқнинг сири йўлда аён бўлади, дегани мана шудир.

Мақом

Мақом сафар ҳорғинлигидан халос айлайдиган истироҳат ва қароргоҳ эрур. Ҳол – сайру сафар сабаблариға, мақом эса йўлдаги бекатларга менгзар. Бошқача қилиб айтганда, ҳол – күшининг икки қаноти, мақом эса ошёни янглиғдир. Сайёрда бир маънодан айни бир ҳолат ичра икки муҳталиф қувват бўлмоғи шарт эрур. У хоҳ йўл бошида, хоҳ ўртасида, хоҳ охирида бўлсин, вазият ўзгармайди. Иш бошловчи кимса йўлдаги гўлакдир. Ўртадаги балофат соҳиби бўлса, интиҳодаги шайхдир, пирдир.

Ушбу икки қувват тарози паллаларига ўхшаб тенг бўлмоғи лозим. Бу сирнинг қашфидан мезон тажалли этар. Буни «Сирот қилдан ингичка, қиличдан кескирдир», деган фикрдан ҳам билса бўлади. Полапон қаноти ўрта ёшлиниңг қанотига, ўрта ёшлиниңг қаноти эса мунтаҳи қанотига ўхшамайди. Шундай экан, бошқа күшининг ва буос қүшининг қанотини кўз олдингга келтир ва қиёсла!

Полапон қанотлари хафв-ражо, ўрта ёшлиниңг қанотлари қабз-баст, кексанинг қанотлари эса унс ва ҳайбат эрур. Улардан сўнг Сайёр маърифат, муҳаббат, фано-бақо, васл-fasl, саҳв-сакр, маҳв-исбот қанотларига эришар (ва юксакларга учар).

Бу икки қанот ила парвоз эта олиш учун улар зот ва ҳаракатларида мувофиқ бўлмоғи керак. Қанотларнинг зот ёки сифатларида фарқ бўлса, Сайёрни ҳам, бу қанот ила юксалганни ҳам мувозанатсизликка дучор қиласр. Чунки оғир томон пастга босса, енгил бўлгани юқорига кўтарилилар – мувозанат бузилар. Бири иккинчисидан қувватли бўлса, биринчиси олдинга ўтади, иккинчиси эса ортда қолади. Бу эса Сайёрнинг турғунлигига сабаб бўлади.

Мабодо икки қанотдан бири иккинчисидан кўпроқ ҳаракатлангудек бўлса, бу тафовут қиличдан ингичка бўлган сироти мустақимдан ва тўғри йўлдан четлашти-

ради. Бу йўл қўйдан нозик. Мабода қўил каби бўлганда ҳам адашмаслик учун бир кенглик бўларди.

Бир кимсанинг хафв томони ражо томонидан устунлик қўйса, қора қиши каби совуқ фикрларга асир бўлади. Аксинча, ражо хафвга нисбатан юқори бўлса, мустақимдан юмалана-юмалана алдов жаҳаннамига тушади. Одил Ҳақнинг сифати, азоби-ю шиддати, лутфи беҳисоб (Фафур, 40:3). Шу ҳолда Аллоҳнинг азоби Сайёрни хафв қанотига, лутфи эса ражо қанотига соҳиб айлайди.

Яхши билгинки, ушбу икки қанот гўдаклик чоғига хосдир, то ривож топмагунча қанотлар ҳам ўзгармайдилар. Истиқомат ва интизом эса кўприкдан ўтиш сабабидир. Сайёр гуноҳ қилиб ногўри қадам босади, кўркуви ортади ёки ибодатига алданади. Шу тариқа оёғи тойиб, кўприкдан қайта ўтишга журъати қолмайди. Бу ёш болаларга хос одатдир. Улар маълум фурсат қора қишига ўхшаҳ хафвда, яна бир қанча мулдат жаҳаннамга менгзаган ражо ҳароратида қоладилар, кейин эса ўша ерда мустақим ва турғун ҳолни топадилар. Бу ҳолларининг сабаби уларнинг заифлик ва ноқисликлари дидир. Хафв ва ражодаги талвин мақоми мана шудир. Ҳар бир мақом ва ҳол соҳибининг бидоятда мулавван, ниҳоятда эса мустақим ва мутамаккин бўлмоги шубҳасиз. Истиқомат ва тамкин ҳосил бўлиши билан сиротдан кечган ва имкон майдонига етган ҳисобланади.

Хафв ва ражо мақомидаги истиқомат охирлаши ҳамоно Сайёр ўрта ёшлилик чегараларининг бошланғич нуқтасига етишади. Бу эса қабз ва бастдир. Қабз ва бастнинг ҳам шартлари бор. Уларнинг шарҳлари худди хафв ва ражоникига монанддир.

Қабз ва баст ўрта ёшли кишининг кўш қаноти ҳолига келиб ишларини мувофиқлаштирувчи бир тарозига айланади ва Сайёр бу иккиси орасида бир йўл пайдо қиласди. Агар ундан ўнгга ёки сўлга чалфиса, у бир ҳарорат ёхуд рутубат ҳолига гирифтор бўлар. Зеро, бунинг

сабаби ҳар иккисининг, яъни қабз ва бастнинг хафв варажодан даража жиҳатдан бир мартаба устун бўлмоғидир. Сабаби эса бундай: хафв варажонинг тамали илм бўлса, қабз ва бастнинг сабаби Сайёрдаги қадим қудрат тасарруфи эрур.

Сайёр илмига унугиши ёхуд илмнинг зидди, мухолиф бўлган нарсалар билан машғул бўлиш оғатлари орис бўлур. Айни вақтда илм ирода соҳибининг феълидир. Ҳолбуки, қабз ва баст учун бундай таҳлика хафв сола олмайди. Чунки қадим қудратдан қайноқланган бирорта орисга ҳеч қандай тўсиқ ва оғат дахл эта олмас. Чунки ул нуқтада Сайёрнинг эмас, балки Воҳид-ул Қаҳҳор бўлган Аллоҳнинг ирода ва ихтиёри ҳокимдир (Юсуф, 12:39; Faфур, 40:16).

Бошқа бир фарқ эса қабз ва бастнинг завқи ҳам қалб учун, ҳам вужуд учун хослигидадир. Хафв варажонинг завқи вужудда ҳис қилинмайди, балки қалб билангина ҳис этилади, тотилади.

Демак, хафв варажони ягона бир ҳол дея англаш, иккаласи ўртасида истиқомат мавжудлигини қабул этиш мумкин. Бас, бу ҳолат ўзаро бирлашмайдиган икки зидлик бўлган қабз ва бастда ҳам воқеъ бўла оладими? Жавоб шундай: бу майдонга киришнинг илк кунларида қалб гоҳо белги ва нишони юзда кўринадиган тарзда – баст ҳолида, гоҳо эса яна излари юзда тазоҳур этадиган шаклда – қабз ҳолида бўлур. Бу қабз ва баст майдонидаги талвин мақоми эрур. Унда мустақим бўлган киши ҳам қабз, ҳам баст ҳоли ичра яшайди. Аммо жоҳил киши уни кўраркан, фақат қабз ҳолида эканлигини фаҳмлайди, ҳолини англайдиган киши эса уни кўргани ҳамон ичиди баст жавҳари бор қабз ҳоли маҳзани эканлигини пешонаслидан ўқиб олур. Чунки бу шахс у эгаллаган мақомни ундан аввалроқ эгаллаган, у тотгандан бу ҳам тотмишдир. Бунинг боиси эса шудир: Аллоҳнинг хос қуллари бутун маънавий хазина ва дафиналарни билсалар ва уларнинг мангу битмас-тутанмаслигини англасалар ҳам, эришга-

нига қаноат қилиб, унинг-ла севинадилар. Яна-да ортиғини излаш учун йўлга тушсалар ҳамки, виқор этагидан тутарлар, асрорнинг ағёрга воқиф бўлмоғидан кўрқсанликлари ва қизғангандилари учун уларнинг изҳоридан сақланурлар. Жабарут ва кибриё сифатлари уларни юксалтиради, улар эса жамол ва раҳмат сифатларини пинҳон тутадилар. Улар гўё эслаш, вазмин ҳаракат ва виқор шиддати боис занжирлангандек бутун вужудлари ила қабз ҳолидадирлар. Шамол аттор дўконидан хушбўй ҳидлар олиб келганидек, уларнинг руҳлари ҳам баст ҳолига етишади. Агар: «Ҳайбат ва жабарутнинг уларни юксалтироми, уларнинг эса жамол, фазл ва раҳмат сифатларини яширмоғининг боиси недур?» дея сўрасалар, шундай жавоб берамиз: жамол, фазл ва раҳмат сифатлари ҳарамдаги аслзода гўзал, нозли қизлардир. Бегоналар кўрмасин ва фитнага дучор бўлмасин, дея уларнинг юzlари тўр ва пардалар ила ёпилар.

Агар: «Унда бу ҳайбат ва жабарут матлуб ва мақбулми? – дея сўралса, жавоб қуйидагичадир: «Албатта!. Аммо ағёр уларнинг маъноларини эмас, суратларини кўрар. Уларнинг суратлари эса илон, арслон ва чёндек кўрқинчли. Ағёр бу хил нарсалардан йироқдир. Ҳолбуки, жамол сифатларида ҳолат бунинг акси бўлиб, жамол сифатларининг жалол сифатларига нисбати гўё сурат ва зоҳир гўзаллик жиҳатидан аёлу эркак ўртасидаги гўзалликка менгзар. Маъно эътибори билан эса ҳолат бунинг тескарисидир, яъни эркак аёлга, жалол эса жамолга қараганда чиройлироқ.

Рақс – самоъ

Жунайд Бағдодий демиш: «Агар бизнинг қандай ҳол ичра яшшимизни султонлар билишганида эди, унга эришмоқ учун, ҳеч шубҳасиз, бизга қарши жанг бошлардилар».

Бир кун Жунайд бир гуруҳ дўстларининг самоъ маж-

лисида иштирок этарди. Дарвешлар жўшдилар ва рақс бошладилар. Жунайд жойидан қимирламади. Буни кўрган муридлар «Жунайд рақсни ҳаром ҳисоблади, дея ўйладилар. Ва рақсга иштирок этмаганигининг сабабини сўрадилар. Жунайд эса бу саволга шу оят билан жавоб берди: «Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар...» (Намл, 27:88).

Рақс қилувчи кишига баст молик бўлур ва уни ўз тасарруфига олур. Шайхга эса ҳеч бир нарса ҳоким бўла олмас, аксинча, у ҳолларга молик ва ҳоким эрур.

Яна бир кун Абу Ҳасан Нурий (ваф. 295:907) самоъ мажлисида экан, дўстлари рақс ва даврон эта бошладилар. У эса жойидан кўзғалмади, гёё жонсиз борликдек ҳаракатсиз қолди. Қошидагилари эса уни самоъдан таъсирланмади, дея ўйладилар. Бир оз вақт ўтгач, пешонасидан тер чиқди ва ранги ўчди. Бу унинг ҳолати юксалиб, чўққига етишганидан далолат берарди. Ҳол ниҳоятига етдими, ҳолатнинг мақоми руҳ эрур. Қон қочиши эса руҳ Арши бўлиб, бу пайтда томирлар очилади ва тўлади. Ҳолат учун бир мажол вадайлиниш жойи қолмагунча у жўшишда давом этади.

Қабз ҳоли фақат сурат ва ҳолга инҳисор айлайди. Чунки касофат, шиддат, қасоват ва қувват нуқтаи назаридан сурат ва ҳол ашёнинг энг чидамлиси эрур. Қабз ҳоли айни жинсдан эканлиги учун қувват, қасоват каби нарсалар уни бир жойга жамлайди. Ҳолбуки, маънолар, нурлар, қалблар ва руҳларда ҳолат ўзгачадир. Булар латиф нарсалардир. Латифликларининг мукаммалликлари туфайли – кибриё ҳайбати билан боғлиқ ҳолат мустасно – олиш ва боғлаш ҳолидан форигдирлар.

Латофатга нисбатан событ бўлгани учун ҳам унс унинг-ла мувофиқлашди. Ўрта ёшли зот бу икки қанот или шайх майдонига қараб учади. Ва у ерда қабз-баст ҳайбат-унс билан ўрин алмашар. Ҳайбат ва унс қабз ва

бастнинг бир погона баланд даражаси эрур. Чунки ҳайбат ва унсда виждон, завқ ва мушоҳадага муқобил шоҳидлар жуда кўп. Бастда эса шоҳидлар оз. Қабз ва бастнинг шоҳидлари фақат виждон ва шавқдир. Шу маънода унс ва ҳайбат буюк эрур. Шайхликка эришган киши ҳам ушбу икки қанот ила сироти мустаким ва истиқоматдан четланиши, ўнг ва сўлга тойиши мумкин. Бу унинг талини ва тамкини эрур. Таъвин баъзан карам, лутф, раҳмат ва фазл каби жамол сифатларининг тажаллиси са-марасидир. Бу ҳолда шайх унсга гарқ бўлар. Баъзан эса маҳкам тутмоқлик, сатват, иззат, буюклиқ, улуғлик, куч, қудрат каби жалол сифатларининг тажаллиси ила воқеъ бўлур. Бунда эса у ҳайбат ҳолига гарқ бўлур.

Гоҳо зот тажалли этганда сифатлар бирикиб кетар, чунки сифатларнинг асоси ва жамланган жойи зотдир.

Ҳам хавж, ҳам ражо ичидаги кимса ислом мақоминдадир. Қабз ва баст ҳолида бўлган эса имон ва иқон мақомида эрур. Унс ва ҳайбат соҳиби муттақий бир орифдир. Муҳсин, иҳсон, ирфон ва тақво соҳиби бўлган бундай кишига Аллоҳ Таоло тажалли этгани замон қалби-ю руҳи билан кучли севган нарсасидан айрилса-да, бу ҳолати у қулга бағоят хуш ёқади. Чунки у бу ҳолнинг муazzзамлиги ва теранлигини кўрмиш ва идрок этмиш. Мана шу севги ва муҳаббат унинг унси эрур, маъшуқа-пинг уни олиши эса ҳайбатдир. Ҳайбат ва унсдан муҳаббат ва маърифат ҳамда фано ва бақо қанотлари қўлга киритилур.

Ундан аввал унс ва ҳайбат бамисоли шайхнинг икки қаноти эканлигини, булар эса Зот тажаллисининг натижа ва мевалари, шайх Зотга етишган ва Унга етказувчи кишилигини, бу ҳам охирги мақсад эканлигини айтган ва фикримизни шундай дея давом эттирган эдик: қабз ва баст сифатлар мевасидир. Шунинг учун бу нуқтада Сайёр ўрта ёшли киши ҳолатидадир, зеро у сифатларга восил бўлгандир.

Хафв ва ражо соҳиби эса гўдак. Чунки хафв ва ражо илмнинг меваси ва натижалари эрур. Юқорида зикр этганимиздек, оғату мусибатлар мана шу иккаласига таҳдид солар.

Хафвнинг тўла ва мукаммаллиги илмга, қабз ва бастнинг комиллиги эса доимий сабр ҳамда шукрга боғлиқ. Унс ва ҳайбат мукаммаллиги эса бардавом ризо ва тафвиз туфайлидир. Ризо-ю тафвиз баъзан ҳайбат ва унс самараси, натижаси ҳолига қайтар. Чунки ўзидан ироданинг олиниши туфайли исми Азиз бўлганнинг неъмату балоларини кўрган шайх қазога ризо, неъматга шукр, балога сабр қилиш чораси-ю ҳукми ила Ҳаққа тамаллук ўлароқ шундай дейди: «Сен менинг Раббим ва Қодиримсан. Хоҳласанг яшат, хоҳласанг ўлдир!».

Маърифат ва муҳаббат қанотлари ҳеч қачон тенг келмагай. Маърифат қаноти доимо муҳаббат қанотидан баланддир. Шу билан бирга, катта-кичикликда аслига тенг бўлган бирор нарсанинг сояси янглиғ ундан ажралмасдир. Фано-бақо ҳам шундай. Киши бошқа нарсалардан фоний бўлиш нисбатида Унинг-ла боқий бўлар. Унга етишганига қиёсан бошқа нарсалардан айрилар, ўзга борлиқлардан ажралишига қараб Унга бирлашар.

Шайх Ундан хориж борлиқлар сабаби ила саҳв ҳолига келгач, Унинг мушоҳада шароби ила такрор сакр ҳолига кирап. Ҳақ уни маҳв қилиши нисбатида бор қилас. Саналган ушбу маҳв, исбот, саҳв, сакр мақомлари фано-бақодан аввалдадир.

Мабода шундай савол берилса: «Ҳар таъбирнинг бир ўхшаши, иккинчи қаноти бор. Хўш, шавқнинг шериги небди? Ёхуд у ўхшаши йўқ, тоқ, қанотлимис?» Бунга жавобимиз шудир: шавқ муҳаббат заминидадир, жуфти эса ирфон. Ва ирфоннинг миқдори қанча бўлса, ўшанча шавқ ва соғинч туғилар.

Ирфонда уч даражада мавжуд:

1. Омманинг ирфони (ирфони омма). Зоҳирдаги оятлар ила истидлодир.

2. Хавоснинг ирфони (ирфони хосса). Ҳам зоҳирий оятлар, ҳам гайбдаги яширин оятлар ила истидлол.

3. Хоссат-ул хоссанинг ирфони. Оятлар устига оятлар билан истидлол этувчилар йўли. Бу итқоннинг ирфони эрур. Хавос-ул хоссадан бўлганлар ҳар нарсани Унингла танигандирлар, билакс Уни ҳеч бир нарса ила таний олмаслар.

Бу ҳолат сув манбаи, дengiz ва ариқ ўртасидаги боғлиқликка ўхшар, ариқни кўрган сувнинг қайдан келишини билади. Бу – ирфоннинг бир тури. Аммо ноқисдир. Чунки у ариққа сув етказаёттан жой мавжудлигини билса-да, бироқ миқдорини билмайди. Қизик, у ариққа ўхшармикан? Ё ариқнинг ўзимикан? Балки ариқнинг устидаги бирон катта нарсадир? У бу борада билимга эга эмас. Мазкур ҳолатдаги солик ариққа манба бўлган дengизга етишгунга қадар уни кузатади. Денгизни кўрганида эса унинг ҳайбати-ю сувининг кўплигидан ажабланади. Энди у ўзича: «Денгиз улкан, аммо ҳажми чегарали бўлганлиги боис у ҳам ариқ жинсидаги бир нарса экан», дейди. Шу тариқа дengизнинг катталиги дengиз манбанинг улканлигига далил бўлади. Бу ҳам ирфоннинг бир туридир. Аммо нуқсонлидир. Чунки асосий манба ва марказни кўрмаганди. Ажабо, манба шу дengиз қадарми ёундан-да катта ёхуд кичикми?

Бу ҳолат ва тасаввур барча дengизлар ва ирмоқларнинг асос манбаига етишгунга қадар давом этади. Ниҳоят, у дengиз ва наҳрларнинг Ундан эканлигини англайди. Ҳолбуки, бироз аввал ариқ ва дengиз воситаси билангина таниган эди.

Биз айтмоқчи бўлган нарса шудир: ҳар ирфондан унинг кучи миқдорида муҳаббат ва шавқ тугилади. Бошқача қилиб айтсак, толиб шавқда, маърифатда ёхуд му-

ҳаббатда фоний бўлади. Чунки ирфон васфни талаб айлар, муҳаббат эса васфни йўқ этар. Ва сифатдан ҳам юксакликни кўзлар. Мавжуднинг сифатда, мусмирнинг са-марада фоний бўлмоғи худди шавқ ва ирфоннинг муҳаббатда фоний бўлмоғига менгзар. Сифат узлуксиз тарзда мавсуфини талаб этар. Ошиқ севгида фоний бўлгач, севгиси севгилисининг севгиси билан бирлашгай ва бутунласпгай. Энди на қуш, на қанот қолур. Бу ҳолатда унинг учиши-ю севгиси қулнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати билан эмас, балки Ҳақнинг ўзига бўлган муҳаббати илиа Ҳаққа оиддир.

«Мен севганимнинг ўзиман, севганим эса Мендири». «...Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангутир)...» (Fafur:Қасос, 28:88).

Шавқ муҳаббатнинг аввали эрур. Ноқислиги боис олдин таважжуҳ илиа бирликда бўлади. Муҳаббат ва ишқ ҳолига юксалгач эса таважжуҳдан ажralади ва ҳар ёндан ҳар ёнга парвоз этган қуш ҳолига етар, зеро севгили шундадир. У олдиндан, ортдан, тепадан, пастдан, ўнгдан, сўлдан, ичдан, ташқаридан учгай. Чунки севгили унга ҳар жиҳатдан, ҳар жиҳатда, ҳар жиҳат сари, ҳар жиҳат учун ва ҳар жиҳатдан тажалли этар.

Ҳол сени бир мақомдан иккинчи бир мақомга элтгувчидир. Мақом эса ҳориганингда ўтирадиган, дам оладиган жой эрур.

Вақт

Вақт кескир бир қиличдир. Агар кескир бўлмаганида эди, ҳолдан ҳолга ўтгунингта қадар сени кутган бўларди. Ҳолбуки, замон ўткир қиличдек ҳаракатланади ва ўз хукмини ижро этади.

Сўфий ибнул вақт, яъни вақтнинг ўғли. У билан баробар юрар. У ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам назар ташламас. Чунки унинг мозийга ёки мустақбалга боқмоги ўтмиш ёхуд келажакни ўйлаб айни ондаги вақтини бе-

худа кетказмоғи демакдир, бунинг такори эса кўп вақтни зойеъ этар. Соғлом муроқабанинг шарти ҳам муҳофазаи вақтдир.

Муроқаба муфоаладандир. Шу боис муроқаба Ҳақ ила сўфийнинг ўзаро бир-бирини назорат қўлмоғи демак.

Ҳақ Таоло хайр, шар, бошқани тинглаш ва таважжуҳ каби қул адо этадиган ҳар бир ҳаракатни назорат этади ва синайди. У Рақибдир.

Сўфий ҳам «Бошимга бало ва дўстликдан не келар?» дега Ҳақдан кўз узмас, асло масъульликдан чекинмас. Буларни йўл бошида сабр ва шукр ила, йўл ўртасида шукр ва исор-ла, бошқа пайт эса барчасини ягона бир ҳол билан кутиб олар ва «Лутфинг ҳам, қаҳринг ҳам хушдир», дер.

Бухтурий айтадики, «Қайси ҳол ва вазиятда бўлмайин, Лайлининг яхшиликларини ҳам, ёмонликларини ҳам севарман».

Бир замонлар маъшуқасидан тарсаки еган ва бундан кулиб, халққа мақтанган ошиқни кўрган эдим. У ҳолидан жуда мамнун эди ва: «Маъшуқам ҳаққимни беришда асло хато қилмади», дерди.

Шундай бир сўз бор: сўфийнинг ҳиммати ўз оёғидан илгарида эмас. Буни сўфий ҳимматининг пастилигига йўйма! Чунки унинг оёқларидан бири ортда, иккинчиси эса сўнгизликладир. Шунинг учун ҳам у ҳеч қачон ҳимматини бой бермайди. Сайёр суворий бўлса, ҳиммати у минган тулпордир.

Ҳимматнинг боши бўлганидек, охири ҳам бор. Ибтидоси ирода, кейин талаб, сўнгра рабт, тасарруф, ниҳоят кавн эрур. Ҳиммат қудратдир. Сир эса Ҳақ қудратини ва ҳимматни мужассамлаштиради. Ирода ва талаб қалбандидир. Руҳ пинҳон эмас, у фақат завққа асосланган бир восита ва боғ ила ошкор бўлади, кўринади. Биз айтамизки, «Ирода кучайса ва талабдаги самимият ҳам кувватланса, ҳиммат соҳиби билан матлуб ўртасида бир

робита майдонга келур. Бу робита ё ижод ва бор айлаш ёхуд ифно ва йўқ этиш тарзида ҳосил бўлади. Бу гўё икки нарса орасидаги силсила ёхуд жангчи билан душман оралиғидаги мизроқ, ёинки қуёш билан ер ўртасидаги нурни хотирлатади.

Аллоҳ Унга қайтганларнинг қалбларини Ўзидан та-
ралган бир нур йила боғлар, шунда Сайёр ўзи ва фалак ўртасидаги робитани худди яхлит бир нарса янглиғ ид-
рок этади. Баъзан эса самодан қалбига инган ва ўзи ҳам
тутиб турган занжирни кўради. Бу Аллоҳнинг ипидир.
Ва бу самовий парчаларнинг тазкия ва покланмоғидан
кейингина вукуъ бўлгай (Оли Имрон, 3:103, 112).

Ҳимматни ҳар лаҳза ва нафасда биздан йироқлаша-
ётган ҳамда самога юксалаётган бир одам қиёфасида му-
шоҳада этгандим. Бу ҳодиса таквии ҳолида юз берган
эди.

Болалигимда айрим нарсаларни қўриқлаш учун ким-
сасиз уйда бир ўзим тунашга тўғри келган эди. Шайтон:
«Уйга ўғри киради», дея тинимсиз вассваса қилас, наф-
сим эса ваҳимада эди. Ҳолбуки, эшиклар беркитилган-
ди. Мен эса гайбий туйгуларнинг уйғониши, ҳисларнинг
адашиши ва қўркув шиддатидан бўлса керак, ўғрининг
борлигига ишондим. Гўё унинг тиқиллатиши эшиклиар-
ди. Ана, эшикнинг ёнига келди, тақиллатди, беркитил-
ганини билгач, зулфинни ўйнай бошлиди.

Ниҳоят, эшикни очди ва ичкари кирди. Ақлим қочиб,
бехуш бўлдим. Эртаси пешинга яқин ҳушимга келгач,
ўзимга-ўзим: «Менга нима бўлди?» дедим. Иттифоқо,
тунда уйга ўғри кирганини ва баъзи нарсаларни ўғирла-
ганини эсладим. Дарҳол нарсаларга кўз югуртирдим. Ҳам-
маси жой-жойида. Эшикка қараб чопдим. Шошганча
эшикни текширидим – у ҳам берк эди. Бу ҳимматимнинг
қилимиши эканлигини шундагина англадим.

Қаттиқ кўрқканда аллақандай қўрқинчли шахслар
кўзга кўринишнинг сири ваҳмдандир.

Ҳиммат – жамъият меваси, ҳатто унинг сири эрур. Акси эса тафриқадир. Жамъият каби неъмат, тафриқадек азоб йўқ. Жамъият қалбнинг Аршга етишмоғи, бошқача қилиб айтсак, Аршнинг қалбга қовушмоғи ва ёхуд иккаласининг йўл ўртасида юзланмоғидир. Жамъ-ул жаъм эса қалб ва Аршнинг Ҳақда фонелиги бўлиб, бу Ҳақнинг ҳар иккиси устидан истиво қилмоғи демакдир.

Аллоҳнинг Аршга истиво этмоғи (Фурқон, 25:59; Тоҳа, 20:5) қалбларни истиво этмоғига кўра рўй беради. Шуниси ҳам борки, Унинг Аршни истиво этмоғи жалоли, қалбни истиво этмоғи эса жамоли эрур. Бу эса «Раҳмон ва Раҳим»нинг маъносидир. Раҳмон Аршга истиво қилгувчи, Раҳим қалбда тажалли этгувчи эрур. Раҳмон ва Раҳим калималаридағи «алиф» ва «йо»нинг маъноси ҳам ана шунда.

Бу завқ ва идрок ила боғлиқ бир сирдир. Масалан, Раҳмон калимасини тилга олганингда ёки бошқа бировдан эшитганингда буюклиқ, улуғлик, қудрат, азамат, маҳкам ушлаш каби барча жамолий сифатларининг йиғиндисини кўрасан ва ҳис этасан. Айни шаклда Раҳим калимасини айтган ёхуд бошқадан эшитган пайтинг неъмат, саломат, оғият, карам, лутф, раҳмат сингари жамол сифатларининг барини тотурсан ва ҳис этурсан.

«Алиф» само ила, «йо» эса ер билан боғлиқ. Шунингдек, Арш самовий, қалб арзийдир. Шу боис «алиф» наслб, «йо» эса жаррнинг аломати. «Вов» рафъ тамсили эрур. Рафъ наслб билан каср орасида жойлашгандир. «Вов» руҳ, «алиф» Ҳақ, «йо» эса ҳалқнинг исми. Шунинг учун руҳлар сирларнинг жойлари ва ҳалқ ила Ҳақ орасидаги алоқалару боғлар ҳолига келтирилган. Бу коинот ила уни майдонга келтирган, яъни муқаввин ва муқавван ўртасидаги ишлар.

Бу сўзларнинг маъносини Аллоҳнинг ушбу оятидан янада аниқроқ англарсан: «(Эй Мұхаммад), сиздан руҳ жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардиго-

рим биладиган ишлардандир»...» (Исро, 17:85). Бу тарькил руҳнинг маъносига доир бир тафсир бўлиб, у сукут ва сўзламасликни англатмайди. Балки Аллоҳ, Пайгамбар ва мўъминлар ўртасидаги сир бўлганлиги боис ушбу жавоб сукутга ўхшаб қолган.

Шайхларнинг руҳ баҳсидаги ихтилофларига сабаб ҳам мана шудир. Менимча, айтилган фикрлар орасида энг тўғриси Жунайд Бағдодий (Аллоҳ руҳини тақдис айласин)нинг: «Руҳ қадимdir ҳам демасмиз, маҳлуқdir дейищдан ҳам тийилурмиз», деган сўзлариdir.

Хуллас, руҳнинг Ҳаққа ва ҳалққа нисбати «вов»нинг «алиф» ва «йо»га, бошқача қилиб айтганда, рафънинг насл ва жаррга нисбатига ўхшайди. Шу тариқа Сайёр ҳарфлар асрорига қараб йўналур.

Кўз (манба, зот) айланга бирдан пайдо бўлмас, астасекин зухур этар, тадрижан шаклланар. Бу худди ойнинг биринчи куни кичик, иккинчи, учинчи, тўртинчи кунлари эса тўлишиб боришига ўхшайди. Шу аснода Сайёр фалакдаги ой ва ойга оид манзиллардан шавқ топади. Вақти-вақти билан ой гардиши йириклишади, баъзан эса кичрайди ва йўқ бўлади.

Буларнинг барчаси Сайёрдаги ой ва ойга оид фалак, манзиллар ва буржларнинг нишонасиdir. Йигирма саккизта ёхуд йигирма тўққизта бўлган ҳарфларнинг қамарий фалак деб номланган биринчи самодан туғилишини Сайёр яхши билади. Каломда еттита само мавжуд. Биринчи қавати ҳарфларга оид, шу сабабли ҳарфлар ҳам шакл, ҳам маъно ўлароқ ой манзилларидағи ихтилофларни ифодалар ва акс эттирар. Ойнинг ўз меҳвари атрофида айланиш муддати ва ўттизта ҳарфларнинг талаффуз жойи бўлмиш оғиздаги тишларнинг ўттиз дона эканлиги ҳам айни шу маънога ишорат этар.

Аршдаги ҳарфлар лавҳининг чегараси оғиздан қалбга, бошқача қилиб айтсак, «бе»дан «ҳе»га қадардир. Бу лавҳдаги ҳарфлар инсоний ирода ва ихтиёр воситаси илиа

тасбит этилур. Инсоний сифатлар барҳам топгач эса бевосита, иродадан холи, Ҳақ қалами қандай талаб қиласа, худди ана шундай ва айни йўл билан тасбит қилинур. Ҳақ қаламидан бошқа Ҳақнинг иродаси бордир, Ҳақ қудрати эса Унинг қалами ортидадир.

Бу пайтга келиб муҳдас котиб фоний бўлмишдир, энди котиби азал ёзар... Айтганини хоҳлаганидек, истаган шаклида битар.

Ушбу мақомга етишган руҳим лавҳида ёзилган илк ёзув «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» эди. Басмаладаги Аллоҳ қалимасининг маъноси «Раҳмон ва Раҳим» дея изоҳланган. Яъни маъруф жамол ва жалол сифатлари ила мавсуфдир. Шу боис унинг барча ҳарфлари тамомимила маърифат ҳарфлари эрур. Бу билан гўё: «Ерда маъруф, кўкда маъруф, Аршда маъруф ва қалбда маъруф бўлган Аллоҳ номи билан...» дейилган эди.

Бир кун гайбат ҳолида Расулуллоҳ ва асҳобини кўргандек бўлдим ва сўрадим: «Ё Расулуллоҳ, Раҳмоннинг маъноси недир?». Расулуллоҳ дедилар: «У зот ўз аршини эгаллаган Раҳмондир» (Тоҳо, 20:5: Фурқон, 25:59). Яна сўрадим: «Раҳим не демакдир?» Бунга эса: «... У мўъминларга меҳрибон бўлган зотдир» (Аҳзоб, 33:43), ояти билан жавоб бердилар.

Мазкур ҳарфлар шу зайлда собит бўлгац, Расулуллоҳ (с.а.в.) Аллоҳдан ривоят этган унибу сўзларнинг маъноси очиқ англашилар: «...Кулим мен билан сўзлашар...».

Бу доира айн (зот) доираси эрур. Ҳоли, ҳолати ва миқдори турғун эмас. Билакс, сайри нисбатича ортар ва такомиллашар. Бундаги айн доираси етти табақа ва етти қават самога ишорат этар. Ҳар табақанинг ҳар само янглиф ҳарфлари бор.

Самовий бир жузъ тадрижан мусаффолашгач, са- монинг ранги ва миқдори аввалги табақага нисбат-ла зуҳур этар. Олдин баҳс этилганидек, бу ҳол юз доираси нурга ғарқ бўлгунча давом этгай.

Аллоҳга йўналган кишига баъзан шиддатдан сўнг фараҳ, ҳайбатдан кейин унс, қабздан сўнг баст, фитратдан кейин рағбат ҳоллари, ниҳоят важҳи каримининг жами доиралари гўё тасбеҳдек ва тасбеҳланаётгандек намоён бўлади. Шунда Аллоҳнинг муборак важҳи нурлари тажалли қилар ва Сайёр гайриихтиёрий равишда «Субҳоний, субҳоний, ма аъзама шоний» (Ўзимга тасбеҳ айтаман, шоним қанчалар улуғдир), дер. Бу Сайёр тамоман ва буткул истиғроқ ҳолига кирган замонга хос. Аммо Сайёр маҳфуз, яъни Аллоҳ муҳофазасида бўлса, шундай лейди: «Унга тасбеҳ айтаман. Унинг шони қанчалар улуғлир». (Субҳонаҳу, субҳонаҳу, ма аъзама шануху).

Хилватдаги зокир зикр бошлар ва зикри қалбига қадар етишар, басирати ва қалб кўзи очилар, хилватла унсият этар, фақат зарурий эҳтиёжлар учун хилватдан чиқиб, сўнгра такрор хилватга киради. Зикр бошласа, Сайёрга зикр қўшини чигиртка галалари янглиғ ҳужум қиласидилар. Улар ари визиллашига менгзаган бир овоз чиқарадилар. Кўшин Сайёрнинг ортидан гир айланиб, гўё олов ўтинни бағрига олганидек уни бутунлай қуршайди.

Сайёр баъзан тунда хилватдан чиқиб кимсасиз саҳроларда кезар экан, унга ўнгидан, сўлидан кўз қисишаётганини кўради. Бу гўё қалбдаги шайтонга ўхшайди. Кўпинча у хилватдан ташқарида воридлар ҳужумига дучор бўлади. Натижада ашё ундан ғойиб бўлиб, шу онда у ойна ичра ойнадан бошқа ҳеч нарса кўролмай қолади. Борлиқ сафосининг сўнити марҳаласи унинг шаффофлашувидир. Шундан кейин у руҳ қуёшини ўз ортида кўради.

Ер юзининг бағрида бир оташ мавжуд, самонинг энг юксак нуктасида ҳам бир оташ бор. Зикр оташи маҳфийлашган бир жой ҳолига етгач, у ерга оташлар ёғилади, бамисоли темирчи ўчогидан сачраётган чўғдек ердан ҳам оташ отилгай.

Ихлос уйи олтиндан бино этилган бир уй эрур. Сай-

ёр вужуд ва борлиқ унсурларини илма-тешик қилмасдан унга етолмайди. Борлиқ юмалоқ бир қалқонга ўхшаш шаклда Сайёр олдида воқеъ бўлур. Сайёр ўлимни ҳис қилмасдан туриб уни кечиб ўтолмас. Ҳайбат туйфуси ана шудир.

Бир кун унга элтгувчи йўлдаги тўсиқлар ва пардаларни беихтиёр кечиб ўтдим. Янаям тўғрироғи, бу пардаларнинг ортидаги оламга ўтказилдим ва унда ўлим тотини тотдим. Сўнгра Ҳазрат ва ҳузурга кўзим тушгач, бир ҳузурланиш ҳолига етдим. Ва бунинг раҳмат Ҳазрати эканлигидан огоҳ бўлдим. У ерда бир шайх бор эди. Унинг Ризвон, ундаги бокиралар жамоасининг эса хурул айн эканлиги илҳом этилди. Улардан бири мустасно, қолганлари мени кўришлари ҳамон пардаларини ёпиндилар. Мен гўё тупроқ юкларидан халос бўлиб кафанга ўралган бир тарзда ер ва само орасида учайтгандек эдим. Ерга яқинлашар эканман, у чашми оҳу келиб мени кўтарди ва Курсий устига ўтқазди. Сўнгра эса шайх ўрнидан туриб орқа тарафга ўтирди, мени ўради ва қалбимга: «Қани, Раббингга илтижо қил, ёлвор», дея шивирлади. Шунда унинг мени Ҳазрати рубубият ва улуҳиятга йўллаганини англадим.

Кейин такрор вужудимга қайтдим. Барча чарчоқларим тарқалган, фароғат ичида эдим. Мен шавқ, яқийн, куллик ва ҳайрат ила лиммо-лим тўлгандим.

Қалб ва руҳ тупроққа оид жузълардан халос бўлган ва руҳий қувватлар ила тақвия этилган вақт оралифида Сайёр ҳам сукун, уйқусизлик ва зикр ҳолидан ажралмас. Ухлаш учун ёнбошлаганда ҳам аниқ биладики, ётса-да Азиз ва Жалил бўлган Аллоҳ зикри ила ўтироқдадир. У бу ҳолидан бағоят таажжубланади. Сўнгра эса бу ҳолатининг тасаввур қилиниши ҳақида ўйлай бошлайди. Натижада ўтириш ҳолати ётиш ҳолатига кўчиб, булар ўртасида фарқ қолмас. Шундай қилиб икки ҳолат бир ерда жамланар.

Кимда-ким тик туриб зикр қилишни одатта айлантирса, кейин ўтирганда ҳам, ўзини тик тургандек ҳис қиласи. Худди ана шу пайт Ҳай ва Қайюм (Оли Имрон, 3:2; Бақара, 2:255) бўлган, доимо бедор ва мудрамаган (Бақара, 2:255) Зот унга тажалли этар. «Доимо қоим бўлган» - «қиёми бардавом бўлган»нинг ҳоли ҳам ана шудир.

Сайёр сайру сулукнинг илк даврларида ўз хоҳиши билан уйқуни тарқ қиласи. Бу тарқ раҳмат посбонлари уни ухлатгунча давом этади. Уйғонгани замон эса ё ён тарафига ётган бир ҳолда ёхуд саждада бўлур. Ўнг томонга ётиш сўл томонга ётишдан хосиятлироқдир. Аммо чап томонлама ётган аҳволда уйғотилган Сайёрнинг ҳоли ўз ирода ва хоҳиши билан ухлаганнинг ҳолидан яна-да яхши. Сажда ҳоли эса ҳаммасидан аъло ва гўзал эрур.

Бу уйқунинг боиси эса шудир: нафс тупроқ ила йўғрилган, тупроқ эса тупроқни талаб этар. Нафс тупроқдан қутулиб поклангач, юқорида шарҳланган ҳолатга етишур.

Сайёр сайдар ҳаётининг ибтидо ва интиҳо мартабалари орасидаги ҳолатига келсак, унинг ётиши ва кўп ухлашига рухсат йўқдир. Ўз иродаси ва истаги билан ётганда эса устида уни гир ўраган зикр аскарларини кўради. Уларнинг ари визиллаши ёхуд шамол овозига ўхшаш сасларини эшитади. Уйқуни қочирган бу овозлар уни ухлагани қўймас. Бу ҳолат зоҳирий туйфулар заифлашиб, ботиний ҳислар ва қалбий туйфулар қувватланганида майдонга келади.

Ҳамма нарсани тарқ этиб, Аллоҳга йўналган ва хилватга чекинган Сайёр ҳузур ва ҳайбатда ваҳму мушоҳада ила қўрадики, хилватгача бўлган биродарлари уни аввалги ҳолига даяват этмоқдалар. Агар иродаси заиф бўлса, улар уни ўзларига чорлаб жазб этадилар. Ва яна ўйин-кулгуга рағбатлантирадилар. Оддингидек унинг-ла ўйин бошлийдилар, ўзларига ўхшаб уни ҳам ҳалоку паришон этадилар.

Аммо иродаси кучли бўлса, баҳоли қудрат уларга қарши туради. Шу ҳолатда хилват ҳаётини ниҳоясига етказа олса, баридан ғолиблигини, акс ҳолда улардан ожизлигини англамоги жоиз. Дастреб шайх паноҳи унга куч бағишлайди. Зеро, у ҳали гўдакдир.

Сайёр биродарлари соғинчи ила хилватни тарқ этса, бу шайхининг ноқис ва заиф эканлигидан далолат этади. Чунки пир муриднинг жозибали ва ўткинчи нарсаларга майлини йўқотмасдан туриб уни хилватга бошланган бўлади.

Шу билан бирга шайх баъзан муридни охирги манзилга етказиши ёхуд маълум бир фойдалар олиш учун хилватга олиб киради. Баъзан эса умуман фойдани кўзлаб хилватга бошлайди. Масалан, шайх мурид ботинийдаги ёмонлик ва чиркинликларни хилватдан бошқа бирор восита ила бутунлай йўқотишга қодир эмаслиги учун ҳам уни хилватга йўллайди.

Илк бора хилватга кирганимда ичимда бир риё – шуҳратпарастлик туйғуси, минбарларга чиқиб тариқатни инсонларга англашиб ва ўргатиш орзузи бор эди. Мен шуҳратпарастлардан эмас эдим. Аммо риё ва шуҳрат туйғуси мени барибир улар сафига кўшаётган эди.

Сўнгра тушуна олганим қадар «Бу йўл тўғридир», дея менда бир каşф ҳосил бўлди. Аммо хилватимнинг тамали бузуқ эди. Чунки мақсадим саҳих, ниятимда содик эмас эдим. Хилватдан ташқарида бир қанча китобларим бор эди. Уларни ўйлардим. Худди шу китоблар мени ўн бир бора хилватдан айирдилар. Хилват ранжининг асорати зоил бўлгунга қадар ундан йироқ қолдим. Сўнгра яна хилватга кирмоқчи бўлдим. Шунда ўзимга-ўзим: «Агар хилватга олдингидек кирсам, чиқишим ҳам худди шундай бўлади. Чекинадиган жойимга энди сидқ билан чекинайки, токи ундан чиқишида ҳам содик бўла олай», ледим. (Исро, 17:80).

Хуллас, ниятимни соғ ва самимий қилдим. Рухимни

күлгә олдим ва ўзимга: «Уни маҳкам ушла!» дедим. Китобларимни вакф қилиб, кийимларимни ҳадя этдим. Пулларимни садақа қилдим. Дунёни ортта улоқтиридим, Қиёматни қаршимга келтирдим. Ор ва номус либосини ечдим. Токи одамлар: «Паришон ва залил бўлди, эгилди, ёхуд ақдини йўқотди, зеро, борар жойи ҳам ўзи шу эди», десинлар. Ўзимни шайхим олдида тахта устидаги ўлиқдек ҳис этдим ва дедим: ҳозир қабрга кираман ва қиёмат кўпмагунча у ердан асло чиқмайман. Ниҳоят, бор-йўғим - кўлимдаги ана шу либос менинг кафаним. Агар хилватдан чиқиши учун хаёлимга бирор нарсалар келса ҳамда кучайса, одамларга яланюоч кўринишдан ҳаё қилиб, устидаги кийимларимни йиртиб ташлайман. Ана шунда хилватхонанинг деворлари менга либос бўлади. Буларнинг бари қутулиш ва нажот шавқининг натижалари эди.

Хилватга шундай ўй-фикрлар билан кирганимча уни шайхимнинг изни-ю рухсатисиз асло тарк этмадим.

Шайхим Аммор Ёсир менга шундай деган эдилар: «Хилватга кирганингда зинҳор-базинҳор нафсинг ила сўзлашма. Қирқ кунлик хилватни тугатгунингча бунга риоя қил. Нафси билан гаплашган кимса илк кунданоқ хилватдан бенасиб қолади. Агар у сени гапга солса, унга айтгил: «Бу ер қиёмат кунига қадар сенинг қабрингдир. Буни яхшилаб англа!»

Сўнгра илова қилиб дедиларки, «Бу жуда нозик бир нуқтадир ва уни фақат Ҳаққа етишганларгина англай оладилар».

Олдиндан таниган, дўстлик ва биродарлик этган кишилар билан мужодаласи ва кураши давом этар экан, Сайёр хилват ила асло унсият қуролмас, хилват хузуридан ҳам маҳрум қолар. Сабаби – улар унга жанг зълон қиласидилар. Чунки хилватдан аввалги илоҳи ана шулар эди. Сайёр барча нарсадан воз кечиб, фақат Аллоҳга йўналган пайтида ҳам мосиво уни таъқиб этар ва Аллоҳдан юз буриб, ўзига қул-хизматкор бўлишга даъват қилар.

Сайёр мужоҳадасини давом эттиrsa ва Аллоҳ ҳам унга мадад етказса, хилвати муқаммал бўлади, ганимлари-да ниҳоят уни ўз ҳолига қўядилар. Шу тариқа унда хилватга нисбатан бир рағbat пайдо бўлади. Сўнг хилватга ёт нарсалардан сиқила бошлайди. Шундан кейин у хилват эшигини очган Зот зикри ила унсият пайдо қилас. Бу Ҳақ Субҳонаҳу ва Таолонинг зикри эрур. Баъзан зикр унсдан илгарилайди. Улар, умуман, ўзаро мусобақалашиб, бирбирини таъқиб этарлар. Бу мусобақанинг сири эса шудир: Сайёр йўл бошида қарама-қаршиликлардан сиқилади, йироқлик ҳис қиласди ва хилват ила унсият қуради, сўнгра эса Дўст излай бошлайди. Баъзан эса йўл бошидаёқ Ҳақ қашфи воқеъ бўлур. Сўнгра Дўст зикри билан унсият қуради, кейин эса қарама-қаршиликлар Дўстнинг севгисини қориштириб юборади. У мана шунинг учун ҳам зикр ва хилват ила унсият қурмоқ истар. Доимий равишда зикр ва хилват ила унсият этади. Ниҳоят ўзга илоҳлар ва рақиблар билан алоқасини узар. Айни вақтда уларга оид зикр ҳам қатъян тўхтайди, энди унс ёлғиз Ҳақ биландир. Сурий хилват майдонининг охири шудир. Худди ана шу ердан маънавий хилват нуқтаси ҳам бошланади. Шунда Сайёр шаклан ағёр, аммо маънан орифлар ила баробарлашади.

Жунайд Бағдодий (Аллоҳ руҳини тақдис айласин) хилватда бўлган муридларига шундай дер эди: «Эй хилват соҳиблари! Хилватда хилват ила дўст тутинсангиз, хилватдан чиққанингиз замон бу дўстлик ва унсиятдан ажralиб қоласиз. Агар хилватдалигингизда У билан дўстлашсангиз, сиз учун хилватхоналар билан саҳролар тенг бўлур».

Абу Нажиб Сұхравардийнинг (ваф. 563:1168) ёнида аҳли хилватдан бўлган бир киши ҳақида шундай дедилар: «Зикрдаги истиғроқи шу даражага етганки, кўксидан зикр овози эшитилади. Аммо моддий оламдан бирон нарса кўрса ёхуд эшитса, дарров зикр дунёси ту-

манлашади, юраги сиқилади, ғазабланади ва инкор этишга ўтади. Шунда шайх муридларига: «Зинҳор-базинҳор унга ўхшамангиз!» деде кўрсатма бермиш. Бу гапнинг маъноси шудир: У билан унсиятингиз шу даражада мустаҳкам бўлсинки, зеҳнингизга бошқа ҳеч бир нарса яқин бўлмасин. Ул кимса ўзига Аллоҳни эмас, балки зикрини, шоҳидларини ва парвозини маъбуд этганди. Шунинг учун бирон нарса кўрса, бирор нимани эшитса ёхуд қалбига ёт хотир келса, ботин оламининг қоришиб кетмаслиги имконсиз бўлиб қолганди.

Зикр билан машғул Сайёр унга: «Зикринг сени қандоқ зикр этаётганини кўриш учун зикр этма. Чунки у зокир эмас, мазкурдир. Инсон мудом Ҳақ мазкури эрур. Аммо Аллоҳ билан ўзи орасидаги қоронгуликлар ва каашф пардалари монеълик қилганлиги боис, у буни эшитиб ҳис қилишдан мосиводир.

Мурид зикрда истиғроқ ҳолига етгач, сулукида узилиш бўлиб тўхтаганлардек жойида туриб қолмасин, деде шайх зикр таркини амр этар. Чунки сифатларда тургунлик зотдан йироқ қолишни талаб қиласди.

Сайёр узоқ бир муддатни тил зикри ила кечиргач, қалб зерикиш нуқтасига етади. Энди тилдаги зикр қалб мувозанатини бузиб, уни паришон этади.

Шу боис тил зикрдан тўхтатилади, қалбдаги хузур давом этган йиллар мобайнида тили ила зикр қила олмас. Энди бу шахс мўймин, муқийн ва мутқийндири. Аммо фарз намозларини феълан қалб тақвоси ила адо этар. Чунки қалб ҳеч бир замон фарзларнинг тарки учун ва шубҳали мавзуларда фатво бермагай.

Тасаввуфда ҳумуд-жумуд

Жумуд нафс, шайтонлик, очлик-ташналик, шаҳват оташи ва буларнинг барчасига дахлдор чиркин хулқларга хос ёмон отацларни ўчиргачгина юзага келади.

Аҳвол шунга етгач, бири самога юксалувчи, иккин-

чиси кўқдан тушувчи икки совуқлик ила дохилий ва ботиний салқинликларнинг ҳарорати кетади.

Бу пайт Сайёр совуқдан музлаш ҳолига етади. Бу афв совуқлиги ва салқинлиги эрур. Аммо Сайёрдаги бу музлаш ҳоли ажиз бир шаклда, яъни нашъя, севинч, ҳафиғлик ва фароғат бағрида пайдо бўлар. Бунда кийимнинг қалинлиги ёхуд уйнинг иссиқлиги фойдасиздир. Ҳатто Сайёр олов ичига кирса-да, ҳеч нарса ўзгармайди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Раббим, мени қор ва совуқ сув билан ювгил», дуосининг ҳақиқати ана шунда равшанлашади.

Ҳумуд эса мазкур оловнинг сўнмоғидир.

Ҳумуд ва жумуд бир-бирини изловчи икки ҳолдир. Оташ ўчиши билан устини кул қоплар. Жой ва нарса бор экан, албатта унинг зидди ҳам мавжуд. Бу икки ҳол доимий ўлароқ то Сайёр совуқ ва иссиқдан зарар кўрмайлиган ҳолга етишгунча унга ҳамроҳ бўладилар. Сўнг Сайёр учун на иссиқлик қолур, на совуқлик! Сайёр жумуд ва ҳумуддан жумуд ва ҳумуд бўлмаган бир ҳолга юксалар. Бу эса бир қанча аркон ва унсурлардан қутулиб, дахлисиз сафога етишганида воқеъ бўлади.

Бу оташлар бутунларнинг парчалари дир. Улар тамоман йўқолмайдилар, аксинча, бутунга бирлашадилар. Бу бутунлик айнан ўзи билан жазо бериладиган мужриму уноҳкорларнинг азоб оташи эрур. Бу мужримлар ўз гуоҳлари билан оташ борлигини улказаштиришилар. Шу зайлда катта ва кичикнинг сири ойлинланар. Чунки катта олов асло кичик оловга teng бўлмас. Шу боис намоз ёргулиги ва нашъаси бу оташни бутунлай бўлмаса-да, қиссан сўндирап, қолганига эса кучи етмас. Уларнинг сўнмоғи учун қасос, ҳад, каффорат ва тавбай томнинг совуқлигига эҳтиёж бор. Тавба пушаймонликдир. Тавба бир зобитдир. Ёнилғиси тошга айланган қалблар ва инсонлар бўлмиш оташ туташтирилиши ҳамоно қалб соҳиби Раббини унтар ва у олов учун емиш ва ёнилғига

айланар. (Таҳрим, 66:6). Олов тўйгач, ҳаяжони сукунатга айланар, шунда гуноҳкор ўз ҳолатини хотирлаб, ботилдан юз бурага ва Ҳаққа йўналмоқ учун файрат кўрсатар. Зеро, у пушаймонлигидан Раббига шундай арз этар: «Қилган кўп амалларим нечоғлик ёмон-а?! Ҳолбуки аввал ҳам, кейин ҳам Сен билан қандай чиройли аҳдлашган эдим. (Аъроф, 7:172). Мени афв эт, менга марҳаматли ва шафқатли бўл, Раббим. Орзуим ва умидим ҳам шудир».

Бу совуқлик ҳам бир жузъ бўлиб, унинг йўқолмайдиган бир кулли бор. Аммо бу кулл ҳам бошқаси ила бирлашар. У кулл эса жаҳаннамдаги Замҳарирдир.

Сайёр моддий унсурларниң юк ва оғирлигидан қутулгач, тўрт малак уни Кудрат ва Рубубият ҳузурига олиб чиқади. Бу унсурлар тарбияси ҳам ана шу рубубият билан боғлиқ. Юксалишдаги бу йўл тор бир доира шаклидадир. Вужуд буржлари ва табиат қудуқлари худди ана шулардирки, уни қандай ифода этсанг эт!

Бундан кейин Сайёр Аршининг ёхуд қалбнинг мусаффолигини томоша айлаб, доимий ҳузур ва файбат ҳолида яшайди. Бу софлик туфайли олами шаҳодатда қай тарафга нигоҳ ташламасин, у нарса қалб ойнасида нақшланаар. Ва ул суратни – кўз қовоқлари хоҳ очиқ, хоҳ ёпиқ бўлсин – маълум бир муддат қаршисида мушоҳада этади. Сўнгра сурат тойиб бўлар. Шу тариқа хилватнинг фойласи ҳам юзага чиқар. Чунки хилват Сайёрнинг ақлий балогатини таъминлар. Дунё ва дунёдаги нарсалар ила улфат қурган замондан бўён қалб ойнасида нақшланган нарсаларни у хилват или жилолантиради. Бу нақшлар устма-уст қатланган ва маълум бир тартибда жойлашган зулматлардирки, қалб чиркинликлари ҳам ана шулардан пайдо бўлади.Faflat деган нарсамиз ҳам худди шудир. Қалб ойнаси хилват, зикр, рўза, поклик, сукут, нафйул хавотир ва робита-ю орзуларни тавҳид этмоқ ила ушбу кирлардан тозаланиб, равшанлантирилади.

Зикр оташдир, эговдир ва болғадир. Хилват темирчи ўчоги бўлса, рўза зоҳирий ва ботиний поклик, жило бериш яроғи эрур. Сукут ва нафийул хавотир Сайёрга ёпирилган қоронгулик воридларини йўқ этмоқ бўлиб, робита — талаба, хоҳиш-истакларни тавҳид этмоқ эса мураббийдир.

Бир замонлар мағрибдалигимда бировга ошиқ бўлган-дим. Ҳимматимни унга мусаллат айладим. Ҳимматим ҳам уни забт этди, боғлади ва мендан ўзга ҳамма нарсадан айирди. Бироқ бошқа рақиблари борлиги учун сукутга толди, очиқ-ойдин сўзлашмади. Айни пайтда лисони ҳол ила мен билан гаплаша бошлади. Айтганларини ўзи ҳам англар эди. Ҳудди шу тарзда мен ҳам у билан сұхбатлашар ва буни фаҳмлар эдим. Бу ҳол то у — мен, мен — у, яъни ошиқ маъшуқ, маъшуқ ошиққа айлангунча давом этди. Ва ниҳоят ишқ руҳнинг мутлоқ соғлигига гарқ бўлди.

Унинг руҳи бир куни саҳарда менга етиб келди, юзини тинимсиз тупроққа суртиб:

- Эй шайх, ал-омон, ал-омон! Мени ўлдирдинг, ёрдам қил, — дер эди.
- Не истайсан? — деганимда:
- Келиб оёғингни ўпмоғим учун мени чорлашингни истайман, — деди.

Изн бердим, истагини амалга оширди. Сўнгра юзланди, кўнгли қониб роҳатлангугча уни ўлдим!

Истасалар-да, истамасалар-да, жонлиларнинг зикри улар олиб чиқараётган нафасларидадир. Олинган ва чиқарилган ҳар нафасда Аллоҳ (ж.ж.)нинг исми бор. Бу эса ҳе сасидир. Чиқувчи «ҳе»нинг манбай қалб, кирувчи «ҳе»нинг манбай эса Аршдир. «Ху» калимасидаги «вов» эса руҳ исми эрур. Зеро, у Ҳазрати Рубубият хизматкорларидан. Шунинг учун ҳам унга бу вуслат баҳшида этилмишдир.

Шайхлардан бири, эҳтимолки, Саҳл бин Абдуллоҳ

Тустарий (ваф. 283:986) дир, муридларига шундай демишиди: «Сизга бир бало ва мусибат етса, зинҳор-базинҳор «Үх» деманг! Чунки бу шайтоннинг исми, «Оҳ» дeng, бу эса Аллоҳнинг исми эрур. «Воҳ, воҳ» ҳам худди шундайдир. Чунки бу Ҳунинг аксиdir» .

Тил биргина ҳарф билан зикр этмоққа қодир эмас. Чунки лисон жуфт нарсалар тоифасидан. Қалб эса бундай эмас, унинг зикр этмоғи учун бир ҳарф ҳам кифоя. Зеро, у барчанинг кўкрак бўшлиғида биттадандир (Аҳзоб, 33:4).

Аллоҳ қалимасидаги «Ҳе» мана шу «Ҳе»дир. Алиф билан лом ҳарфи таърифдир. Иккинчи ломнинг ташиди таърифни кучайтириш учундир. Бу ҳолатда сўнти «ҳе» билан таъриф ломи сокиндир. Араб грамматикасига кўра, иккита сокин ҳарф ёнма-ён келса, биринчиси касра билан ҳаракатлантирилади. Шунда «Алиҳа» бўлди. Аммо бу тақдирда у феълига ўхшаб қолди ва вазнини йўқотди. Сўнгра бир «лом» илова қилингач, у биродари бўлган бошқа ломга қўшилди. Шу тариқа биринчиси аслига уйғун бўлиб жазм этилмиш ҳолда қолди, иккинчиси эса ҳаракатланди. Буларнинг барчаси исми Аъзамнинг «Ҳ» эканлитига диққатни тортиш учундир.

«Ҳе» сокиндир, деган эдик. Зеро, унинг асли қалбдандир. Қалб доира шаклидадир. «Ҳе» ҳарфининг ёзувда юмалоқ шаклда бўлиши ҳам ана шу маънога ишорат этмоқда. Доира ўз маркази ва асли бўлган нуқтадан айрилмас, ҳаракат ҳам этмас. Қалб доирасининг марказий нуқтаси эса Ҳақдир.

Ёки бундай дейиш ҳам мумкин: доирага менгзаган бир сокин билан бирга бошқа бир мутаҳаррик ҳам бордир. Доира эса ягона нуқта атрофидадир. У тегирмонни айлантирувчи темир теварагидаги тошдир. Ёхуд доира гарбий ва шарқий кутб доиралари ўртасидаги икки нуқтадир. Биз айтиётган «ҳа» талаффузимиздаги «ҳе» эмас. Чунки бу «ҳе» «ҳ» ва «алиф»дан иборат икки ҳарфdir. Бу

билин биз моҳият эътибори билан тоқ бўлганини, яъни тилда эмас, балки қалбда асл жиҳатдан тоқ бўлганни ва қатъиян жуфтлар оламига алоқаси бўлмаганни назарда тутмоқдамиз. Чунки қалб тоқлар ва жуфтлар ўртасидаги бир восита эрур. Бу билан исми Азиз Аллоҳнинг: «Сизлар эслатма-ибрат олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик. (Эй Мұҳаммад), уларга айтинг: «Бас, Аллоҳга (иймон келтириш учун) чопинглар-шошинглар!..» оятининг сири аён бўлмоқда (Зориёт, 51:49-50). Яъни, иккиликлардан бирликка шошилинг.

Қалб қалимасининг луғавий маъноси бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси ва ўзаги демакдир. «Хе» ҳарфи ҳам абжад ҳисоби билан беш рақамининг исми. Беш эса тоқ рақамли ҳарфларнинг (1-9) қоқ ўртасидан жой олган. Беш вақт намоз асрори ҳам шу билан боғлиқ. «Ислом беш тамал устига бино этилгандир», ҳадиси ҳам айнан шунга ишорат эрур.

Хувият иккидир: Унинг хувияти ва сенинг хувиятинг. Ўз хувиятинг ва менлигингдан қутулсанг, Унинг зоти ила боқий бўларсан. Зоро, «Ла илаҳа иллаллоҳ» сўзининг маъноси ҳам шудир. Яъни, ҳақиқий хувият Унинг хувияти эрур. «...Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)...» (Қасос, 28:88) ояти ҳам ана шунга ишорат этмоқда. Ундан бошқа ҳамма нарса йўқ бўлгач эса: «...Бу Кунда подшоҳлик кимникидир? Яккаю Ягона ғолиб зот Аллоҳникидир!» (Фоғир, 40:16) дей буюрилади.

Ўз хувиятингни қанчалар йўқотсанг, Унинг хувияти сени шунчалар ўраб олар. Шу тарзда, энг аввало, яхши бўлса-да, ёмон бўлса-да ўз сифатларингнинг хувияти фоний бўлар. Шунда Унинг жамол ва жалол сифатлари сени куршар. Кейин зотингдан фоний бўларсан ва Унинг хувияти сени тамоман таслим этар. Шунда фақат Унинг хувияти қолур. Ундан хориж ҳеч нарса йўқдир. Энди въласини нақд, насияни эса ортда кўурурсан: «Бу Кунда

подшоҳлик кимницидир?». Жавоб: «Бир ва Қаҳҳор бўлган Аллоҳницидир...»

Зот тажаллиси мақомида Аллоҳ Воҳид маъносини англатур. Чунки бирлик ҳеч бир томондан иккинчи бир борлигини қабул этмайди. Зоро, бу асл бирликка зид эрур. Бундаги Қаҳҳор бир ва тоқ маъносини билдиради. Зотан, У ваҳдонияти ила фардоният мақомидагиларга қаҳр қилур. Аллоҳ уларни маҳв этиб, исботи ифно эттач, улар унинг исходига жавобан: «Қаҳҳор бўлган ягона Аллоҳ бор!» дея фарёд айлайдилар.

Ғайб оламида либосидан айрилгач, Сайёр Аллоҳнинг каломи-ю сўзини ифодаловчи ва гўё қулоқ пардасини тешиб юборгувчи бир қанча овозлар эшитади. Шу онда у хоҳласа-да, хоҳламаса-да бехуш бўлур ва саждага бош урап. Сўнгра Ҳақ жамоли унга етишур ва уни исбот этар – бор этар. Бу ҳолат Сайёрнинг тоқати-ю маънавий қуввати даражасида юзага чиқар. Агар Аллоҳ ўз каломидаги тажрид ҳолини яна давом эттиrsa, Сайёр ўлади.

Унга Ҳазрати Мусо (а.с.)нинг ҳолати кашфани кўрсатилади. Исми азиз Аллоҳ Ҳазрати Мусога: «Биз сен билан ўн минг инсон қуввати ила гаплаштурмиз. Агар буни бироз ортирганимизда эди, муҳаққақ ўлардинг», дея буюрмишди.

Шу пайт сурнинг дами ва «Аллоҳ кунлари» (Иброним, 14:5; Жосия, 45:14) тажалли қилур. Аллоҳнинг кунлари У ҳалок қилган гуноҳкор қавмларнинг вақт ва замонларини ифодалайди. Мана бу оятда ҳам Аллоҳ: «...Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўё ҳеч қачон (дунёда) яшамагандек, ўз диёрларида тўклилиб қолдилар...» (Ҳуд, 11:94), «Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўклидилар (ҳалок бўлдилар)» (Аъроф, 7:91), дея буюрмоқда. Сўнгра Аллоҳнинг лутфи уларга насиб этмади ва ҳаммалари дарҳол маҳв бўлишди.

Бу ҳол исми азиз Аллоҳдан бир лутф ва икром ўла-

роқ Сайёрга унинг саботи, қуввати, имони ва ирфони ошсин, Аллоҳга йўналганлар чиндан ҳам Унга лойиқ тарзда бош эгишсин ва Ундан қўрқишишин, дея ато этилур. Мазкур сир «(Эй Муҳаммад), сизга пайғамбарларниң хабарларидан дилингизни мустаҳкам қиласиган қиссаларни сўйлаб берурмиз...» (Худ, 11:120), оятидан ҳам аён бўлмоқдадир. Расулулоҳ ҳам бу хабарлардан завқ ва қаноат топардилар. Бу ҳақдаги бир ҳалисида: «Ҳуд сураси ва унга яқин бошқа суралар мени кексайтириди», дея марҳамат қилган эдилар. Бу ҳис ва қўркувдан ҳатто юзлари оқариб кетганди. Чунки Аллоҳ ушбу сурада унга: «Бас (эй Муҳаммад), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиғ Тўғри йўлда бўлингиз! Түфёнга тушмангиз!..» (Худ, 11:112) дея-амр этган эди.

Яна Тустарий (қаддасаллоҳу руҳаху) «Оҳ Аллоҳнинг исмиидир... Ўҳ эса шайтоннинг исми», демишdir. Чунки «ҳ»нинг талаффуз ўрни қалб дея аталган қурб мақомидан йирокда.

Шунинг учун, айтайлик, балғамини ташламоқчи бўлган киши гўё бехузурликдан уни лаънатлаб қуваётгандек «ўҳ» дея овоз чиқаради. Шунингдек, инсон ёқимсиз нарсани кўрса ва уни ўзидан узоқлаштиromoқчи бўлса «ўҳ» дейди ва шу билан унга тупуради. Бунинг устига «ҳ» ҳарфининг талаффуз ўрни ҳам шайтоннинг кибр ва улуғлик риёсига мос равишда талаффуз жойларининг энг устуни ва энг юқорисидадир.

Нафс роҳатга етгач, фарогатга берилади, кайфланиб «ўҳ» дейди ва ёнбошлаб олади. Чунки шайтоннинг севгилиси ва дўсти худди ана шудир. Сипқорган қадаҳларни ҳам биродари ва дўстининг номи илиа ҳўплар. Бошига мусибат ва бало ўқи тегса яна «ўҳ» тортар. Ҳолбуки, нафси мутмаинна қийинчилик асносида «Аллоҳ, Аллоҳ», дер. Мазкур оятнинг сири ҳам мана шундадир: «...Бирор мусибат келганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг

(бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг, (Эй Мұхаммад)» (Бақара, 2:155,156).

Шуниси ҳам борки, бу исм, яъни «ҳа» исми Аъзамга битишгудек бир даражага етар. Исми Аъзамнинг бошланғичи ҳам Аллоҳдан. Чунки Аллоҳ қалимаси бутун жамол ва жалол сифатларини ўзида мужассамлаштирган зот исмидир. Бироқ анча кейин кашфининг ортиши билан маъноси янада ёрқинлашиб, Аллоҳ қалимасининг ҳарфлари озаяр. Ва у замон сен «Ҳу» дейсан ва у ҳозир, яқийн ва событ бўлган Зотга ишорат эрур.

«Ҳу» қалимасидаги «вов»нинг қисқариши ва ўртадан кетиши билан бирга ҳарфлардаги кўплик, таркиб, талаффуз ва оғиз ҳаракати ниҳоясига етар. Энди зикр ва қалб ҳузури ёлғиз бошда қолади. Сўнгра бу ҳолат қалбни қувватга тўлдириб, сир нуқтасига етади. У ердан эса ҳиммат ва қудратга интиқол қиласи. Ниҳоят, исми Аъзам ила бирлашур. Ҳарфлар ва кўплик сабабли вов қисқартирилиб камайиш ҳолати воқеъ бўлар. Шу тариқа «ҳе» ҳарфидаги касрат, таркиб ва уни талаффуз этиш ҳоли ўртадан кетади. Мана шу пайт мужаррад зикр ва қалб ҳузури майдонга чиқар. Кейин бу ҳолат қалбда кучаяр ва сирга интиқол этар. Сир ҳам кучайгач, ҳиммат ва қудратга ўтар. Энди у исми ила топишар.

Баъзи-баъзида исм денгизига чўмган Сайёр қалбидан – унинг иродаси ва истагига боғлиқ бўлмаган равишда – бир нола, бир овоз чиқади. Илк замонларда бу нидо кўкракдан чиққан қичқириққа ўхшайди. Сўнгра «ҳе» ҳарфи қувватланади ва Исрофил сурининг овози янглиғ Сайёрни ва бошқаларни ҳалок этувчи бир мақомга юксалади. Исми Аъзам ила иттисол ва бирлашув заиф бўлгани замон бир бўғин, қувватланганида эса икки бўғин, баъзан иттисолнинг кўплигига ишорат этиш учун уч бўғинга етади.

Бу садо ва овоз риё ва шухрат ҳиссининг мавжуд ё

мавжуд эмаслигига қараб кучли ёки заиф бўлади. Ушбу мавзу учун қуйидаги оятда бир ишорат бордир: «У Зот икки дengiz-dарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб қўяди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша) тўсиқдан) ошиб ўтмаслар» (Раҳмон, 55:19-20). Бу икки нарса ҳудус ва қадим олами эрур. Қалбда қадим олами голиб бўлган муддат мобайнинда ҳудус оламининг қалбдаги музаффарияти озаяр. Яъни қалб биридан бўшалгани сайин иккинчиси билан тўйлар ёки аксинча. Бунда мазкур оятга ишорат бордир: «У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас, магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуаро, 26:88-89).

Абу Нажиб Суҳравардий (қаддасаллоҳу руҳаху) шундай деган эди: «Қалбим бўш бир қудуқ кабидир, фақат Унинг учун».

Қалбларнинг исми Аъзам-ла иттисолидан туғилган бу нидо ва фигонлар ихтиёр ва иродадан озод бўлсагина пок ва холис бўлади. Агар у ихтиёр ва иродадан ажrala олмаса, бу нидолар ихлос саройига асло кира олмаслар.

Ирода-ю истакка тобе бўлмаган овоз ва садонинг юзага келиши — сенга боғлиқ бўлмаган ва қачон бошланганлигидан сен бехабар қолган икки тошнинг бирбирига урилишидан чиққан овозга ўхшайди. Ёки бу овоз шундай бир овоздирки, Сайёр тасбех айти бошлаган пайтида унинг қачон бошланганлиги маълум эмаслигини ва илгари асло ҳис этмаганлигини англайди, аммо бу овоз даҳшатли тарзда қулоқларга таъсир қиласди. Бу садо Сайёр тасбех айтиётган чоғида эса момақалдироқнинг шиддатли гумбурлашига ўхшайди. Ва, албатта, унда қулоқларга зиён етказиш таҳликаси мавжуд. Ҳолбуки, сен ибтидода буни топган ва туттан эмассан, қачон бошланишини ҳам билмассан.

Бироқ инсоннинг ўз истак ва иродаси билан чиқаралиган овозига келсак, бунинг учун бошланғичда бир

улфат ва илк даврда бир қасд мавжуд. Буларнинг бири иродаси ила, иккинчиси эса табиий ҳаракат этувчига ўхшар. Орадаги фарқни қатъий тарзда идрок этурсан. Бу икки садодан биринчиси мусаффо бўлиб, борлиқ ва кавндан ташқаридаидир. Иккинчиси эса риё ва шуҳратдан кирланган. Шубҳасиз, қалблар ва руҳлар биринчисини қабул этар, нафс унга бўйин эгар. Ихтиёрий бўлган иккинчисини эса қалб ва руҳлар хуш кўрмайдилар, нафс ҳам ироданинг зўрлиги туфайли мажбуран қабул этар. Биринчиси ҳар қандай табиий овозлардан баланд ва ҳайратлантирувчи бир нидони ҳосил этса, иккинчиси табиатдаги овозларга ўхшар. Аммо бу овозларнинг чиқарилишида фавқулоддалик ва гайритабиийлик йўқ.

Биз покиза деган аввалти нидо Сайёр ўз иродасини шайх иродасида фоний эттачгина унга икром этилади.

Жунайд Бағлодий (қадласаллоҳу сирраҳу)дан дарвешларнинг нидолари ҳақида сўрадилар. Шайх: «У исми Аъзамдир. Уни ким инкор этса ёхуд қораласа, қиёмат кунидаги сайҳа лаззатидан бебаҳра қолур», дея жавоб берди.

Ҳузун мутлоқ сукутдир. Унда сас-садо йўқ. Бу ҳолдаги Сайёрнинг нафас олиб чиқариши нафас қисма қасаллигига йўлиққан кишининг ҳолига ўхшайди. Бунда ёлғиз кўрқув туфайли чуқур-чуқур нафас кириб-чиқишлиари бор. Бу ҳол кучайгач, овоз рийн ҳолига келади. Ундан ошиб ўтса, ҳузун ниҳоясига етади. Шу замон ҳузун ва унс ҳолининг юзага чиқиши учун нашъя, жўшқинлик ва фараҳ ҳоллари бостириб келиб, ҳужум бошлар.

Ҳузун орзу қилинган бирор нарса кўлдан бой берилганда пайдо бўлади. Бунинг ҳақиқати қалбнинг маъшуқани кўмсаши ва ҳасратга толишига менгзар. Аммо бу ҳолида соғинганига восил бўлгани учун ҳам энди соғинч ҳис қилмас. Бироқ айрилиши билан ҳижрондан ҳузун тортар. Ҳузун либос ёки ташқи пўст эрур. Ич ва ўзак эса ё соғинч ёки матлубдир. Бошқача бир қиёс кел-

тирсак, ҳузун луқмадир. Ошиқ эса уни егувчи. Ҳузун шаробдир, ишқ ёки ошиқ уни ичувчи.

Либос соҳибининг қуввати ортгач, либосини ирғитар ёки устидагиларини йиртиб ташлар. Чунки либос ошиқ-маъшуқлар орасида бир парда ва тўсиқдир. Ёки шундай ҳам дейиш мумкин: ич ва ўзак катталашгач, қобигини ёхуд уруғ нишурса, тош ва тупроқни ёриб чиқади. Шунингдек, тухумдаги жўжа каттайиб, жонланади ва ўз қобигини синдириб чиқади. Ёки соғинганнинг соғинчи доимий равища хузун озуқаси билан қувватлангангач, дарров улфат ва дўстлик сари қадам ташлайди. Сайёр нидоси ва фарёди беихтиёр унга томон одим ташлашидан нишонадир. Дарвоҷе, жами қушларнинг овозлари уларнинг кўксиларидағи соғинчдан туғилар. Бу овозлар дастлаб хузунсиз бир завқ ва сафо ёхуд аввалида куч берувчи бир хузун бўлган ҳузур ва завқнинг натижасидир.

Сайёр ўзидан күш саслари тараладиган бир ҳолга етишур. Бу Аллоҳ ила унс ва баст ҳолининг, ундан-да аввал У билан бўлган фараҳ ва севинчнинг натижаси ва меваси эрур.

Карбало йўлида кетаётганимда бир дарвешдан ана шундай овозларни эшигандим. Бу нарса менга жуда ёмон туюлганлиги учун уни ўзимча инкор этдим ва ҳолати ҳақида ўзидан сўрадим. У: «Иншооллоҳ, бу хайрли, муборак бир нарсадир», дея жавоб берди. Фаросат ила ҳануз бу мақомга кўтарилмаганлигимни англагач, бошқа ҳеч нарса гапирмади. Дарҳақиқат, маълум бир муддатдан кейин ушбу мақомга етишиб, күш овозларини эшитиш ҳолини ўз тажрибамда англай бошладим. Шунда дарвешнинг нидоси тўғри ва саҳиҳлигига иқрор бўлдим. Надомат-ла бармоқ тишлидим. Ҳайрат ва даҳшат ичиди қолганлар каби «Субҳоналлоҳ», дедим. Ишнинг қизиги шунда эдики, бундан боҳабарлар мустасно, инсонлар орасида номим мажнун ва жиннига чиқди.

Бу бир гўзал ҳолдир. Аммо ундан баланд, янада му-

аззам ҳоллар бор. Бу мулк-ул ҳол бўлмоқдир. Инсоннинг ҳолга ҳоким ва голиб бўлмоғи ҳолнинг унга молик ва голиб бўлмоғидан кўра қувватлидир. Бу қуйидагича юзага келади: бирор шахс аввал ўз иродасини Ҳақ иродасида фоний этади, сўнгра янада илгарилаб Ҳақ иродаси ила васфланади. Бу Ҳақ ихтиёрида фоний бўлмоқдан ҳам улуғдир. Ва у буюк ҳужумлар, жалол сахроларида елишлар, улуғлик майдонларидағи мусобақалар, ҳувият ҳавосидаги парвозлар янглиғ имтиҳон ва синовлар билан тамомланур. Оқибат Сайёр васфлар ила иттисоф либосини кияди ва унга ихтиёр хильъати кийдирилади. Энди у ҳақиқий маънодаги тариқат халифасидир.

Аллоҳ бунга ишорат этиб: «У сизларни ер юзида халифа қилиб қўйган Зотдир...» (Намл, 27:62; Фотир, 35:39), «...Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман!..» (Бақара, 2:30) дея марҳамат қилмиш.

* * *

Файбат ҳолида айрим самолар кўрингайки, уларда юлдузлар, қуёшлар, ойлар мавжуд. Буларнинг бариси яқийннинг шарофатларидандир. Бироқ бу юлдузлар учун хилма-хил таъбир ва тафсирлар бор. Улар баъзан Қуръон, баъзан эса айрим инсонларнинг жавҳарлари бўлур. Бир юлдуз ўз осмонида событ чоғида Сайёрга ҳужум этмасдан унга кўринса, Сайёр унга томон боради ва зиёрат этади. Агар юлдуз унга ҳужум қилса ва ичига кирса, бу сафар у Сайёрга келган, уни зиёрат этган бўлади. Бу юлдузнинг катта-кичиклиги, соғлиги, сирлилиги, нури, жамъ(тўп) ёхуд айри бўлмоғида зиёратчилардаги худди ана шу сифат ва хусусиятларга ишорат этувчи оят ва аломатлар мавжуд.

Баъзан Сайёр буржлар, манзиллар ва улардаги етти сайёрани мушоҳада этади. Булар Сайёрни қарши оловчи воқеа ҳамда маънолардир. Ва бу мушоҳада воқеа ва маъноларнинг яқинда вужуд оламига дохил бўлишига ишорат қилмоқда.

Бир кун гайбат ҳолида эканман, қүёшнинг Қавс буржидан Жадий буржига кирганини кўрдим. Сўнгра мени зиёрат этмоқ учун ул худуд султонининг вазири қошимга келди. Ўшанда мен хилватда эдим. Бу – султоннинг мен фақирга кўрсатган тавозеъ ва ҳокисорлиги эди.

Жасадлардан аввал руҳларнинг бир жойга жамланиши ва вужудлардан олдин бир-бирларини зиёрат этишларининг сири уларнинг жасадларга нисбатан устунлигидандир. Бу ҳолат барча инсонлар учун умумий, аммо завқи бузуклар буни ҳис эта олмайдилар. Басиратсиз вужуди хасталар ҳам буни кўрмоқдан маҳрумдирлар. Зеро, руҳларнинг мажлисидан фақат қувватта яраша насиба олинур. Токи инсонларнинг ҳар бири руҳлар бирлашувидан ўз ҳолларига лойиқ улуш ола билсинлар.

Авом ақл билан хотирлар ва тил билан зикр этар. Авомга мазкур ҳужум этса, унинг томонидан ушбу ҳикматли сўзлар айтилур: «Дўстингни ва севгилингни зикр этганингда майизни хотирла!» Бунинг маъноси қўйида-гичадир: У сени руҳи ила зиёрат этгай ёки сен уни руҳинг-ла зиёрат қиласайсан. Бу зиёрат яқин орада шахслар ва вужудлар ўргасида воқеъ бўлажакдир.

Хавоснинг ҳолати эса шундай: у дўстини зиёрат қиласи ёки аксинча. Ораларида эса шундай-шундай... ҳодисалар бўлиб ўтади, дея хавос вакилининг ичидаги бир ҳис уйғонади. Ёки ўз устига ёпирилиб келаётган виқорни сезади ва дўстини зикр этишдан кўнгли тўлади. Кейин бу виқор бир оз улканлашади, оқ булутга ўхшаб кўринади. У рўбарў бўлиб тебранади, йириклишади. Кейин эса ўзгариб, шуъла таратувчи нур ҳолига келади. Инсон жуда ажойиб ва диққатга молик бир нарсага кўзи тушгандек ёки қандайдир бир шоҳ асарни тинглаётгандек ҳайрат ва даҳшат ичра унга термула бошлайди. Шу онда кўриш ҳисси ҳам ўзгаради. У киприк қоқмасдан бир нуқтага тикилиди ва чўмиб кетади. Бу пайтда сирларнинг руҳлар оламида бирлашуви туфайли ҳамма нарсани, ҳатто ўзи-

ни ҳам унугади. Ва шу он хавос ўзлари ила биродарлари ўртасида, моддий олам ва баданлар орасида бир зиёрат ҳосил бўлишини англайдилар. Бу зиёрат руҳлар зиёратидан иборат.

Шайх Амморнинг хизматида юрганимда «Бу иш тўғримикан, нотўғримикан?» дея доимо тараддул этардим. Ўша кунларда эса шайх бир қишлоққа бориб қайта-ётган эди. У биз яшаётган шаҳарга яқинлашгач, унинг виқори, сояси ва ҳиммати бир тоғ янглиғ мени босди. Бу ҳолатдан қилт этолмасдим. Шунда унинг шайх эканлиги, меҳмондан қайтаётганлиги ва бизга яқинлашганлиги менга илҳом этилди. Ва биродарларимга: «Тезроқ бўлинг, шайхимиз келаётир, пешвоз чиқайлик», дедим. Улар «Сенга буни ким айтди?» дея сўрашганида, «Унинг виқори мени босди», дея жавоб бердим. Улар мазах қилгандек устимдан кулишди. Менинг қатъиятимни кўриб эса гапимнинг чин-ёлғонлигини аниқлаш учун йўлга тушибдилар. Шаҳар ташқарисига чиқар-чиқмас отта минган шайх қуёш каби бир тепаликдан жамол кўрсатди. Муридлар ва дарвешлар ҳайратда қолдилар ва пушаймон бўлдилар.

Хавоснинг руҳлари ой, қуёш, ҳамсайи мутаҳаййир каби самодаги событ юлдузлар шаклида зухур этар. Бунинг бошланғич нукталари ҳам, охирги нукталари ҳам тордир.

Сайёр гайбат ҳолида бўлганда улар дастлаб бир нуқта каби кўринур, кейин эса каттаяр, юлдуз ҳолига келар. Баъзан эса улар Сайёр гайбат ҳолида бўлмаса-да, қовоқлари юмуқ пайтларда пайдо бўлар. Сўнгра эса кўпаядилар ва бу юлдузлар Сайёрга куннинг ўртасида зухур этарлар. Шунда кўзлар очиларкан, беихтиёр: «Субҳоналлоҳ, валҳамдулиллоҳ ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, ва ла ҳавла ва ла қувватла илла биллаҳил алийюл азийм», дер.

У шу ҳолда илгарилар, энди Сайёр учун янги бир ҳол ҳосил бўлар. Унинг ҳиммати ила руҳлар истасалар

ҳам, истамасалар ҳам ҳузурига келурлар. Сўнгра унинг ҳоли илгарилаб, ўликлар билан тирикларнинг руҳлари ни фарқлагай. Шу тарзда набилар, шаҳидлар ва бошқа инсонларнинг руҳлари орасидаги тафовутни кўрар.

Сайёр пастда бўлгани ҳолда само ва самодаги юлдузлар кўринса, бу тасарруф кучи ва салоҳиятисиз уларнинг ҳолларини муроқаба этмоғининг бошланғич нуқтаси эрур. Агар унинг ўзида зуҳур қиласа ва тотмоқ ила унинг айнан ўша эканлигини билса, бу ўз ҳолининг уларнинг ҳоли билан тенглашуви демакдир.

Кўк ва кўқдаги юлдузлар Сайёрга пастдан кўринса, бу комил бир муроқаба бўлиб, унга уларни тасарруф этмоқ салоҳиятининг баҳш этилмоғини англатар. «Унинг Ўзи бандалари устида ғолибдир...» (Анъом, 6:18-61) ояти ҳам худди ана шундан тажалли этмишdir.


Сайёрга тасарруф қудрати берилмоғининг аломат ва ишорати баъзан шундай бўлар: кўз ўнгига икки кутб, бурж ва манзиллар гавдаланади. Қўлини такрор-такрор уларнинг ичига тиқади ва ичидагилардан хабар топади.

Мен ғайбат ҳолида эканман, дин олимларидан бирини кўрдим. Осмон порлоқ, юлдузлар билан тўла эди. У мендан: «Бу қуёш ва юлдузларнинг маъносини англаяпсанми?» дея сўради. «Ўзингиз айтинг», дедим. У: «Аллоҳ кеча-ю кундуз қулларига назар қиласа, Унинг тунги назари юлдузлар, кундузгиси эса қуёшdir», дея жавоб берди.

Яна ғайбат ҳолимда юлдузли бир осмон кўрдим. Ул самодаги юлдузлардан Куръони Каримни англадим. «Оят ал-Курсий» эса шундай битилган эди:

У, " " " " .

Оят ҳарфсиз ва калимасиз ёзилган эди. Бошқа бир кун ғайбат ҳолида само Куръон бўлиб кўринди. Унда тўрт бурчак шакллар ва нуқталар билан шундай ёзилган эди:



Бу Тоҳа сурасининг: «...Менинг ҳифзу ҳимоямда униб-ўсишинг учун Мен сенинг устингга Ўз томонимдан бир муҳаббат ташладим...» (Тоҳа, 20:39-40), ояти эди.

Мен буни бемалол англар ва ўқир эдим. Унинг менга таниш бир аёлга тааллуқли эканлиги илҳом этилди. Аёлнинг исми Бинафша, файб оламидаги исми эса «Истафтийн» эди.

Сайёр мақбул ҳолга етгач, файб оламида унга исм ва куня берилади. Шунингдек, шайтоннинг исми ва Аллоҳ Таолонинг исми Аъзами унга таъриф этилур.

Менинг файдаги исмим Қантарундир. Кунямга келсақ, унинг ҳикояси қуидагича:

Искандарияда Ҳофиз Силафий Исфаҳоний (вафоти 576:1180) дан ҳадис тинглардим. Бу кекса олим мазҳабда шофеъий, эътиқодда салафий эди. Ёши юздан ошган эди.

Бир куни яна гайбат ҳолида Расулуллоҳни иккининг иккинчиси (Ҳазрати Абу Бакр) билан ёнимда ўтирганларини кўрдим (Тавба, 9:40). Тиззалири қарийб тиззамга тегиб туради. Шу лаҳза менга ҳар куни Қуръони Каримдан Унинг учун ўқилган хилма-хил вирдларим илҳом қилинди. Дарҳол уларни ўқий бошладим. Тутатиш имоно уларни жуда яхши топганлигимни таъкидлаб: «Мана шу зайлда қундузлари ҳадис тингла ва кечалари Қуръони Карим ўқи», дедилар.

Кейин менга кунямни сўраш илҳом қилинди ва: «Ё Расулуллоҳ, менинг куням Абулжанобми ёки Абулжанобми?» Нафсим Абулжаноб (буюклик отаси) бўлмогини истаяпти», дея сўрадим. У зот: «Йўқ, кунянг Абул-

жанноб (қўрқувчилар отаси) дир», дея жавоб бердилар. Шунда ёнларидағи биродари ҳам: «Албатта, ё Расулуллоҳ, у Абулжаннобдир», дея қувватладилар. Худди мана шу икки исм дунё ва охират сирига соҳиб эрур. Агар Абулжаноб деганларида эди, мен дунёга соҳиб бўлардим. Абулжанноб дегани учун Аллоҳ изни ила ҳар иккаловидан ҳам йироқ қолдим.

Энди шайтоннинг исмига келсак. Мен шайтонни файбат ҳолида кўрдим ва танидим. Лекин уни синаш учун ўзимни танимаганликка солдим ва ундан сўрадим:

- Кимсан, исминг нима?
- Мен бир гариф одамман, исмим эса Юноқ.
- Ёлғон, сен Азозилсан, — деган эдим, дарҳол устимга отилди ва:

— Ҳа, Азозилман, кўлингдан нима келади? — деди.

Орамизда можаролар кечди. Иттифоқо, вужуди вужудимга яқинлигини сездим, енгим унинг енгига тикилганлигини кўрдим. Халос бўлишни истаган ожиз кимсадек ундан кутулиш ва најот йўлини сўрадим:

- Инсон сендан қандай қилиб кутулади?
- Фақатгина кийимини кийимимдан айирсагина кутулади.

Дарров кийимимни ечдим. У ҳам ечди ва кийимим кийимидан айрилди. Яланғоч бўлгач, кўзи ҳам қўрмай қолди.

Бу ҳодиса Пайғамбаримизнинг шу ҳадиси билан тафсир ва изоҳ этилур: «Шайтон инсон ўғли томирларида қондек айланур. Эҳтиёт бўлинг ва бу йўлни рўза билан торайтиринг». Куйидаги ҳадиснинг маъноси ҳам бунинг изоҳидир: «Имон яланғоч (бир одам каби)дир. Либоси тақводир. Ва, албатта, тақво шайтон ила жангда кўнгиллар учун бир сифиноқдир.

Устимдаги йиртиқ либос ҳирқамдир. Ундаги йиртиқлик куч ва қувват туфайли эмас, балки ожизлик ва заифликдан пайдо бўлмиш. Сўфийларнинг ямоқли кийим

кийишларидаги сир ҳам мана шундадир. Бунинг таъбири қуйидагича: мұймин ва мусулмонлар ер юзида Аллоҳнинг күзи ва посбонлари эрур. Таккаларида суфдан кийим кийган фосиқ кишини кўрганлари ҳамоно уни жуда қаттиқ танқид ва маломат қиларлар. Ҳатто туйғуларига эрк бериб, бир таккада яшасалар ҳамки, уни жазолашдан чекинмайдилар. Аксинча, агар киши сирран ва ботинан валий бўлса-ю, зоҳирان фосиққа ўхшаса, маънога сурат ила эътибор қилиб, унга озор берурлар.

Ушбу зоҳирий тўсиқлар ундан зоил бўлгач, гуноҳкорларга бўлган шафқати, марҳамати ила Сайёрнинг айблари яширилур ва бундан фойдаланган лайн, яъни шайтон Сайёрни ўзига жалб этишни истайди. Шундан сўнг Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилишига умид боғлаш мумкин.

Нафс ҳеч ўлмайдиган бир илондир. Афъо аталмиш заҳарли илон бунга яхши мисол бўла олади. Бу илон чопиб ташланса ҳам, боши мажақланса ҳам, тўқмоқланса ҳам ёки териси бутунлай шилиниб олинса, гўшти шиширилса ва ейилса-да, бир неча йил ўтгач, унинг терисига қўёш нури тегиши ҳамоно ҳаракатлана бошлайди. Нафс ҳам худди шундай. Ўлган нафсга ҳаво, шаҳват ва шайтонлик оташи хуруж этса, дарров жонланиб, ҳаракат эта бошлайди. Сўнгра нафс вужуд аъзоларига зулм этмоққа давом этади, инсон аъзоларидаги куч ва озифини қайтариб олади ва ниҳоят оёққа туради.

Шундай экан, бу ишни туб-тубидан даволашга фақат сурат ва шаклни ўзгартириш орқалигина эришилур. Бунинг сири эса: «Кучининг етмаслиги исматдандир», леган сўзимизда яшириндир.

Исмат – худди пайғамбарлар ва малакларнинг исмати каби бевосита юзага чиқади. Баъзан эса худди сил-силадагидек минг киши воситасида воқеъ бўлур. Уйғоқ ва хушёр Сайёр ушбу силсилани кўради. Фофил, жоҳил ва ҳовлиқмалар ундан бенасиб қолади.

Биринчиси ёлғиз Раббини, иккинчиси эса фақат нафсини кўрар. Сайёр авваллари сабабни, сўнгра эса мусабибни мушоҳада этар. Вақт ўтиши билан сабабу мусабибни айни онда мушоҳада этгудек бир тарзда улар билан алоқа боғлаб, улфатчилик қилар. Сўнгра эса фонийдан кечиб боқийни танлар ва шундан кейин фақат мусаббибни кўра бошлар. Бир гуруҳ шайхлар (қ.с.)нинг: «Ҳамма нарсадан сўнг Аллоҳни кўрдим, кейин эса Уни ҳамма нарса ила бирга кўрдим. Ундан ҳам кейин ҳамма нарсадан аввал Уни кўрдим», деган сўзларининг маъноси ҳам худди ана шудир. Бу Аллоҳ тавҳидида фоний ва зикрида истиғроқ ҳолининг шарофатидан эрур.

Бунинг қиёси шундай: бир киши хушсурат бир одамини кўрар. Илк боқища унинг юзини, бўйини ва кўз, бурун, яноқ, оғиз каби аъзоларини бирма-бир кўрар. Тадрижий суратда уни ёқтирап ва хушнуд бўлар. Бу муносабат гўзал сифатларга соҳиб бўлган зотга нисбатан қалбда бир севги уйғотар. Шу тариқа у барча васфларда кезинар. Барча васфлар сайр этилиб иш ниҳоясига етгач, ишқни камолга етказар, сайр қилинувчи Зот сайр қилувчи қалбida муқим жой топар. Маълум бир муддат уни шу тарзда мушоҳада қилиб шу ҳолида тўхтаб қолар, ўша васфларнинг соҳибини ҳузур ва тазаккур ила сайр айлар. Ниҳоят васфларнинг тазаккур ва мутолааси фоний бўлар ва мазкурнинг зикри боқий қолар. Сайёрда ҳам худди шундай: оятлар тазаккури ундан фоний бўлар, оятлар ҳолиқининг тазаккури эса боқийлашар.

Валининг аломатлари

1. Аллоҳ Таолонинг маҳфуз этиши валининг аломатларидан эрур. Бу ҳифз эса бир-бирига боғланган бир қанча ишлар билан юзага чиқар. Сайёр бу ишларга Аллоҳ (ж.ж.) ҳифзи сабаб эканлигини билар.

2. Аллоҳ Таолонинг қулини хилма-хил лутфлари ила талаб этмоғи ва ахтармоғи ҳам валийлик белгиларидан

эрур. Ҳали бирор бир танбек ва мазаммат етмасидан олдин бағишланган икром моҳиятидаги бундай лутфлар ҳадсиз ва ҳисобсиз.

Бу ҳолат валида Аллоҳга қайтиш ва йўналишни ҳосил этар, ёки бошқа бирор учун бир мақомга айланар. Ушбу мақомдаги амалларига жавобан Ҳақнинг итоб ва танбеки бордир. Бу эса қилингандан ишга қараб Аллоҳнинг бир икози ва ҳушёрликка ундашидир. Кўпинча бад ишлар оқибатидан юзага келган яқийн ҳоли хайрли ишларининг сўнгига ҳосил бўлган яқийндан ҳам кувватлидир.

Буни шунга ўхшатса бўлади: қул хўжайнининг хизматини кўнгилдагидек бажара олса, хўжайнин уни сийлаб, тўн кийдиради. Акс ҳолда эса уни ё урар, ё ҳибс қилар ёхуд занжирбанд этар. Ҳар икки ҳолда ҳам хўжайнининг мукофот ёхуд жазоси унинг қалбидаги хизматкорга бўлган муносабатни акс эттиради. Унинг таёқ кўтариши икромига қараганда афзалроқдир. Чунки икром бевосита қулнинг хизматидан ёки хўжайнин карамидан ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга бу хўжайнининг қулига бўлган меҳри тазоҳури ҳам бўлмоғи мумкин. Таёқ кўтариш эса фақат хўжайнининг қулига яқинлик ҳис этиши ва уни севишига ишорат айлар. Чунки хўжайнининг хоҳиши ўз амр-фармойишларига тўла итоат эрур. Зотан муҳаббат ҳам ошиқнинг маъшуқасига мувофақат этмоғидан ўзга нарса эмасдир.

Худди шунингдек, ўз уйқусида ёки биродарининг уйқусида Рабби бирор бир Сайёрни озорлаб, унга бир ёмонлик ва мусибат етказса – у Аллоҳ эҳсонида ҳам тополмайдигани – яқийн даражасини топар. Зоро, эҳсон ва икром Унинг сифатларидандир. Ҳолбуки, жазо унинг сифати эмас.

3. Дуосининг ижобат бўлмоғи ҳам валининг аломатларидан ҳисобланади. Бунда ҳам Аллоҳ валилари гурухларга ажралур. Баъзиларининг дуоси ўша онда, кимларникидир уч кунда, айримлариники бир ҳафтада, бир

ойда, бир йилда, бундан ҳам оз ёки узоқ вақт мобайнида ижобат қилиниши мумкин. Бу вақт силсиласи уларнинг манзил ва мақомлари билан боғлиқ. Биз назарда тутган дуо эса фақат: «Раббим, шуни-буни бергин», мазмунидаги дуо эмасдир, балки қалбдаги дуодир.

Бир байтда шундай дейилгандир:

«Шубҳасиз сўз қалбдадир. Тил эса қалбга далил бўлди».

4. Валиликнинг яна бир аломати унга исми Аъзам берилишидир. Валилардан ҳар бирига Аллоҳ исмларидан бир исми азим насиб этилади. Вали ҳам шу исм билан Унга дуо қиласди. У ҳам қулининг дуосини ижобат этар.

Бир шахс Боязид Бистомийга келиб исми Аъзамнинг нималигини сўради. Бистомий: «Менга бир исми асфар кўрсатки, мен ҳам сенга исми Аъзамни кўрсатай», деди. У киши бу жавобдан шошиб қолди ва «Ҳа, Унинг барча исмлари буюқдир», дея олди.

Бағдоднинг Шунузия масжидида хилватда эканман, «ифтоҳ биҳанин» калимаси ёзилган бир қофоз кўрдим. Бу калимани дарҳол бир қофозга ёзиб, хонақоҳ хизматчисига олиб бордим ва «Мана шу Аллоҳнинг энг буюк исмидир», дедим. У бошини эгди ва ўзича бир нарсаларни шивирлай бошлади. Кўп ўтмай эшикни бир киши тақиллатди, рухсат берган эдик - кирди. Унинг қаердан келганинги билмасдик. Ёнимизга бир қофоз кўйди-ю кетди. Олиб қарасак, не кўз билан кўрайликки, ўн динор экан. Хизматчи бехуш бўлиб йиқилди. Бир соатдан кейин ўзига келди. У ҳайрат ва таажжубда эди. «Сенга нима бўлди?» дея сўрадим. У: «Сал аввал сен «ифтаҳ биҳанин» – Аллоҳнинг энг буюк исми, деганингда шубҳалангандим. Ва ўзимча: ё Раббий, агар бу исм ҳақиқатан ҳам исми Аъзам бўлса, шу ондаёқ менга ўн динор юборгинки, дарвешларга тарқатай, дегандим. Буёги ўзингта маълум».

Хонақоҳ хизматчиси бир оз вақт ўтгач, менга шуларни гапириб берди: «Худди тушидагидек бир одамларни

кўрдим. Уларни малаклар деб ўйладим. «Биз фалон кишига исми Аъзамни бердик», ледилар ва сенинг исмингни айтишди». Хизматчи яна: «Мен қизғанчлик билан уларга: «Яхши, лекин Уни менга эмас, унга бердингиз-ку?!» деган эдим, улар: «У жуда кўп мушоҳада ва риёзат тортди. Сен эса бундай қилмадинг. Сен ҳам Аллоҳ учун муъжоҳада йўлига кирсанг, унга берганимизни сенга ҳам берурмиз», дея жавоб бердилар».

Валига исми Аъзам берилгани қаби ғайб оламидаги ўз исми ва куняси билан биргаликда малак, жин қаби руҳоний борлиқларнинг исмлари ҳам таъриф этилур.

Сайёр учун валоят уч даражада ниҳояланур:

I даражада	II даражада	III даражада
Талвин	Тамкин	Таквин
Илм	Хол	Фано анил ҳолати фил-муҳаввил
Мушоҳадайи сувар	Мушоҳадайи маоний	Фано анил-маоний фий маънал маоний
Тажрид	Тафрид	Тавҳид
Хавф-Ражо	Қабз-Баст	Унс-Хайбат
Илм-ал яқийн (Муқтасабдир)	Ҳақ-ал яқийн (Холдир)	Айн-ал яқийн (Фанодир)
Ибодат	Убудият	Убудат
Талаб-ул абд	Қабул-ул Ҳақ лил-абд	Фано фил – Ҳақ
Қатъ-ул алойик	Иттисол билл-ҳақойик	Фано анил-ҳақойик фий ҳаққил – ҳақойик
Тааббуд	Убудият	Хуррият
Тазаккур	Зикр	Истиғроқ фил-мазкур
Фаноу сифатил-абд	Фано фий сифатил-абд	Фано фий Зотихий
Иборат	Ишорат	Ғайб
Хузур	Ғайбат	Ихзор
Шухуд	Ғайбат	Ишҳод
Таҳалли	Тажалли	Тавалли

«У солиҳ бандаларга ёр бўлур» (Аъроф, 7:196).

* * *

Билки, Сайёрга фақат «Кун!» (Бўл!) амри берилгандагина валоят ила васфланур. Бу эса мазкур оятдаги Аллоҳнинг амри эрур: «Бирон нарсани (яратишни) ирова қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл» демоқлигиидир. Бас, у (нарса) бўлур – вужудга келур» (Ёсин, 36:40).

Вали ўз иродасини Ҳақ иродасида фоний этгандагина унга «Кун!» амри берилур. Сайёр иродасини Ҳақ иродасида йўқ қилгач, унинг иродаси Ҳақ иродаси бўлур. Энди Ҳақнинг ҳар истаги – қулнинг истаги, қулнинг хоҳиши эса Ҳақ иродаси ҳолига келар.

Куйидаги оят ҳам бунга ишорат этмоқдадир: «(Эй инсонлар), сизлар фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина (У зот томонга йўл тутишни) хоҳларсизлар (яни, бирон иш Аллоҳнинг хоҳиши-иродасисиз бўлмас)...» (Инсон, 76:30).

«Коф» ва «нун»дан таркиб топган «Кун!» амрини Аллоҳнинг талаффуз этмоғи жоиз эмасдир. У бирон ишни узлуксиз равища бажариш маъносини ифодалар. Ва ушбу калимадаги «коф» кавннинг «кофи», «нун» эса Унинг нури эрур. Зеро, бир ҳадисда: «Эй ҳар нарсанинг мукаввани, эй ҳар нарсада макнун бўлган борлиқ!..» деган жумлалар мавжуд.

«Ифтаҳ биҳанин», «Юноқ», «Қантарун», «Истафтийн» калималари бир қанча маъноларга згадир. Аммо буни завқ ҳоли ила эшита олган кишигина билур. Масалан, «Ифтаҳ биҳанин», «Юноқ» ҳийлада лутф ва латифа қилгувчи, «Қантарун» воридларни тўла қабул қила олгувчи, «Истафтийн» эса замонанинг Оишаси маъносини англатур.

Агар шундай савол берилса: «Ифтаҳ биҳанин» исми Аъзам деяпсан. Хўп, унда «Ифтаҳ биҳанин»нинг маъноси қандай бўлади? Ва бу маъно қай даражада ишончли?

Жавоб шундай: «Биз буни завқ ва туйғу йўли билан англадик. Яъни, қалбда Аллоҳ зикри вуқъу бўлгунча Ал-

лоҳни зикр этдик ва сукутга толганимизда қалбдан қичқириқقا ўхшаш бир овоз эшилдиқ. Сўнгра азамат ва кибриё воридлари қалбнинг жалол ва жамол тажаллиларига мазҳар бўлмоғи, зоҳир ва ботин оягларнинг унга зуҳур этмоғи туфайли қалб қувватлангани сайин ушбу ҳол ҳам кучайиб борди.

Ҳақиқат дengизидан шароб ичгач эса у сакр ҳолига юксалади. Бу сакр буюклиқ ва улуғликларга ташналикни ифода этар.

Руҳнинг парвоз қудрати ва ҳимматининг улуғлигига сабаб, у азамат ва жалолни хотирлагач, унга етишмоқ учун қулда бир соғинч ноласи судур бўлар. Бу кўмсаш боласини соғинган түя ва йилқининг ингрогига менгзар. «Ифтаҳ биҳанин»нинг маъноси ана шудир.

Бундан шу нарса маълум бўлаётирки, ҳар нарсанинг исми Аъзами жалол сифатларининг ва жамол сифатларининг мазҳарларини қанчалар яқиндан таниса, сифатларнинг сири шунчалар ошкор бўлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Исо (а.с.) пайғамбар сув юзида юрар эди», дейишганида у зот: «Яқийни юксак бўлсайди, ҳавода юрарди», дея марҳамат қилдилар.

Таваккул яқийннинг мевасидир. Мева эса дарахтнинг қувватига яраша бўлур.

Таваккул Сайёрнинг ваъд ва воид хусусида Аллоҳга инонмоғи, ўзига келувчи ҳар бир нарса, шубҳасиз, ўзиники эканлигига ишонмоғидир. Шу тариқа умидсизликка берилмас. Қўлга киритган нарсасидан ҳам қувонмас. Чунки масаланинг моҳиятига боқар, моҳият эса шудир: ҳар кимнинг амалига ярашасини бергувчи Удир. «Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат кунида), ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур» (Залзала, 99:7-8).

Сайёр унга ёмонлик қилган кимсани Аллоҳга топширап. Чунки лойиқ даражада жазо берувчи фақатгина Удир.

Сайёрға яхшилик қилинганида ҳам аҳвол худди шундайдыр. Яньи, бу яхшиликни у инсондан эмас, Ундан деб билар. Ҳатто яхшиликни Ундан деб билмоқ янада яхшироқдир. Барчасининг изоҳи исми Азиз бўлган Аллоҳнинг мазкур қаломида мужассамдир: «На ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳ-ул Маҳфузда битилтган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир. Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайфурмагайсизлар ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмагайсизлар...» (Ҳадид, 57:22-23).

Шундай бир ҳикоя бор: бир одам бошқа бир одамнинг салласини ўғирлаб кунчиқар томондаги иморатга қараб югуради. Салланинг эгаси эса кун ботиш тарафда жойлашган қабристон сари чопади. Уни қабрлар ёнида кўрган бир одам: «Эй биродар, сенинг саллангни ўғирлаган киши бошқа томонга – уйига кетди, нега сен уни бошқа ёқдан – қабристондан ахтараяпсан?» деганида, у: «Эй оқкўнгил инсон, қочиб қаёққа ҳам борарди? Энди уни пойлайман, қаерга қочса қочаверсин, охир-оқибат мана шу ерга, мозорга келади», дея жавоб берди.

Ушбу ҳикоятда қалблар қочиб сифинадиган ягона манзил - Ҳақ эканлигига ишорат бор. Мосивонинг ҳам борадиган макони Удир. Зеро, Аллоҳ Таоло: «...Барча нарса ҳалок бўлгувчиидир, магар Унинг Ўзитина (мангудир). Ҳукм Унинг (хукмидир). Ва (барчаларингиз ёлғиз Унга қайтарилурсизлар» (Қасос, 28:88), дея буюрмиш.

Тафвиз, таслим, ризо, сабр, шукр ҳам таваккулга дахлдордир. Буларнинг барчаси яқийн дарахтининг шох ва япроқлари эрур.

Зикр сирга воқеъ бўлгач, Сайёрнинг сукут ҳолидаги зикри гўё нина билан дилда чизилган нақшларга ўхшар. Ёки қиёфаси тамоман дил ҳолини олар ва ундан жўшиб тошувчи бир нур ила зикр этар.

Сайёр соф ҳолга етганда унда ҳиммат қўли пайдо

бўлар. Мабодо уни йўқотса ҳам қўлсиз қолмагай. Бу қўл қалб қўлидир. У кўнгил мулкида файбдан олади, файбга беради.

Бу қўл кучга тўлгач, Сайёр олдидағи оятларни оладигандек у ерга интилар.

Баъзи пайтлар эса бу ҳайрат ниҳоясида Сайёрда шундай ҳол юз берар: гўё бу қўлда оташ тўла бир идиш бор ва у уни ер юзига отмоқда. Само эса яқийн ғалабасидан ва унга ҳужум этган оятлар лашкарининг шиддат ва қувватидан қон оқизар.

Ҳайрат сўнг марҳалага етгач, унда шундай ҳол пайдо бўлар: ул қўлда оташдан бир тўқмоқ бордир. Қўл у билан ер юзи ва самони тўқмоқлайди. Яқийн ғалабаси ва оятлар қўшинининг шиддатли ҳужуми туфайли Сайёр гўё қон тўкаётгандек бўлар. Баъзан тўқмоқ урилган жойда ичи тўла ёғ шиша идиш бўлар, Сайёр эса арз ва самода мавжуд ҳар нарсани ўша ёғ билан ёндиromoқ истаган бир кишидир.

Бунинг сирига келсак, содик, ихлосли ва ошиқ Сайёрга мақсад ва матлубга эришмоқ учун ҳеч нарса парда ва тўсиқ бўла олмас.

Ибтидолда мақсадига қараганида оят ва аломатлар унга нарда бўлар эди. Энди у оят ва аломатлар шаробини ичиб сархуш бўлади, сўнгра тўполон бошлайди, кейин сакрдан саҳв ҳолига қайтади ва яна такрор сакр ҳолига дўнали. Пайдар-пай такрорлар, ниҳоят, унинг жонига тегади ва у зерикади. Мана шунинг учун ҳам Сайёрдаги сидқ, ишиқ ва ихлос ундан хориждаги оятлару далилларнинг – гарчанд булар унга раҳбар бўлсалар ҳамки – қувилишини талаб этади.

Чунки матлубга олиб борувчи йўл мавҳум бўлгандағина далил, раҳбар ва муршид изланади, исталади. Йўл равишнанлашгач, яна-да аникрофи, У йўлни таъриф этгач, энди далил ва оят тўсиқ, парда бўлолмайди, шу боис ҳам энди унинг қувилмоғи ва йироклаштирилмоғи

шарт. Чунки бу нүқтада далил ва раҳбар валиларнинг ганимидир.

Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло Ҳазратлари файб оламида ботиний оят ва далиллар билан, шаҳодат оламида эса зоҳирий оят ва далиллар билан пардаланмишdir. Чунки олами шаҳодат нур ва зулматдан пайдо бўлган ва иккаласи ҳам ҳижобдир. Файб олами ҳам худди шундай. Ҳатто шаҳодат оламидаги нур ва зулмат файб оламидаги нур ва қоронгуликнинг исми, файб оламидаги нур ва зулмат эса шаҳодат оламидаги бу икки исмнинг маънолари эрур. Маънолар маъноси, руҳлар руҳи ва қалблар қалби шудир. Шунинг учун дунё охират исми, охират эса дунёнинг маъноси, ва ниҳоят, барча маънолари ила охират Ҳақ Таоло исмидир.

Сайёр ўз маърифатини файбий оятларнинг зуҳури ила орттиргай. Сўнгра эса азамат ва кибриё ҳужумларида файбий оятларнинг фано топмоғи ила маърифатини оширап. Шу зайлда зоҳирий оятларнинг ҳолига нисбатан файбий оятларнинг Сайёрдаги ҳолати фавқулодда бир нарсага айланар. Зот ва сифат тажаллиси эса файбий оятларга кўра фавқулоддалик касб этади. Шунга кўра исм билан маъно бир нарса бўлгунга қадар давом этади, ниҳоя топади. Энди зоҳирий оятларга боқсан пайтдаги ҳайрати каашф оламида файбий оятларга назар қилған пайтдаги ҳайрати нисбатига тенглашар. Зот ва сифатлар тажалли этгач, нисбат ҳам яна шундай қолар.

Сайёр шунда яқийн исмдан эмас, балки маънодан юзага келганлигини фаҳмлар. Шу боис унинг назарида иккаласи айни бир нарса бўлса-да, исми Азиз бўлган Аллоҳнинг маҳлуқларини, инсонларни яна файбий оятларга чакирав, ҳаргиз зоҳирий оятларга ундумас. Чунки у аниқ билганки, уларнинг яқийнлари фақат мана шу йўлдан ортиб борар.

Зотан, асос муддао яқийнни қўлга киритмоқ ва ирфонни кўпайтирмоқдир.

* * *

Тариқатда сайри сулук этмаган, гайб оламида яхши-ю ёмонни кўрмаган, ҳайбат, ўлим ва фанонинг буюк таарузларига кўкрак кермаган кишининг шайх бўлмоғи ва тарбия ишлари билан шуғулланмоғи асло тўғри эмас. Мажзубнинг шайхлиги ҳам нораводир. Аслида мажзуб мақсадига етишган, Уни ҳис этган кишидир. Аммо мақсудга элтувчи йўл сирига етмагандир. Шу боис ҳам у қатъиян шайх ва муршид бўла олмас. Чунки шайхлик йўл қоровуллиги ва раҳнамоликдир.

Сайёр зоҳирий ва ботиний оятлардан ўз насибини олиб зот ва сифатларнинг тажаллисига мазҳар бўлгач, ҳайрат ҳолига етишади ва Унга иштиёқи янада ортади. Шунда еру кўк - ўзи унда маҳкум ва маҳбус бўлган жой, бир ҳибсхона, бир зиндан, бир кудук, бир кўргон, бир қалъага айланар. Ундан қочиб қутулиш учун бирор чиқадиган жой топишга ҳаракат қиласар, бу пайт ер, само ва бу иккаласида мавжуд бўлган оташ, нур, ҳайвон, ўсимлик, тош, тупроқ каби оят ва аломатларнинг пардалари унга рўбарў келар. Ва у ердан чиқиб кетиш учун чора тополмас.

Ҳайрат ҳолида бўлганида баъзан оятлар ила уйғунлик топар, баъзан ҳузун ҳолида ҳам унга мувофақат этар, ушбу ҳолда ҳатто йиғлашга майл этар. Гоҳо бу оятлар «Юр, Унга юр!» дер. Гоҳо эса уларнинг ҳар биридан шундай овозлар эшитар: «Менга назар қил! Ва Мендаги ажойиботларни ҳисоб эт!.. Буларнинг барчаси хоҳ у ер юзидаги бир хас, хоҳ ҳаводаги бир зарра бўлсин, ажойиб ва гаройиб нарсалардир.

Баъзи баъзида Сайёрнинг гайрати ва ҳиммати ортар. Ва оятлар унинг ёки у оятларнинг ичига кирап. Ёхуд самодаги юлдузлар устига сочилар ва ёки кўк унинг устига ингандай бўллар. Баъзан самони кўнглиниң ичидаги ҳисётар, баъзан эса ўзини фалак устида кўрар. Айни пайтда у ҳам ерга боқар. Ер юзи унга дўст бўллар ва шундай дер:

«Менга ва мендаги ажойиботларга назар қил! Аллоҳ сенга икром күрсатдик, менинг устимда юраяпсан. Бир ўйлаб күргин-а, бу қандай бўлмоқда? Ҳолбуки, мен сенинг онангман ва сендан ҳам улканман. Ва мен ниманинг устидаги турибман?

Гоҳо кўз ўнгида тўлқинлананаётган денгиз пайдо бўлар. Сайёр чўкмасдан унинг сатҳида турар. У денгизнинг сўзларини эшитмаса ёхуд беҳад ҳайрат билан тинглагани замон денгиз ўлароқ тамассул этар. Сайёр тўхтовсиз денгизга боқар, ниҳоят, арздаги руҳонийлар унга қарши хурож ва ҳамла этарлар. Аммо у ўзини сидқ ва ихлос қўрғонида асрар, шу боис ҳам улар уни қўлга кирита олмаслар. Охири арз қудрат доирасида фоний бўлур. Бундан мақсадларидир: Сайёрнинг файрати ва қизғанчлиги шиддатланиб, ҳиммат буюклашгач, илм ва ихтиёр йўли билан эмас, балки ҳолат йўли билан оят ва аломатларнинг юзига урмоқ унга ҳалол бўлар. Аммо бу тарсаки жусса ва вужуд-ла эмас, балки ҳиммат биландир. Бу ҳолинг ҳам ибтидоси ва интиҳоси бордир. Бошлангичи уйқу, сўнгти эса уйқу ва бедорлик ўргасида бўлган воқеадир. Бундан кейин ҳолат, ҳолатдан сўнг важд ва виждан галабалари, ундан сўнг қудрат мушоҳадаси, охири қудрат билан иттисоф, алалоқибат таквин изма-из келур.

Агар биз бу ерда Сайёрнинг сайру сулук асносида кўрган ва билган ҳар бир нарсасини муфассал қаламга олганимизда эди, оппоқ қоғоз саҳифалари асло етмаган бўларди. Чунки бу оятларни кашф этмоқ ва шарҳламоқ Аллоҳнинг зоҳир ва ботин ҳимматларидан эрур. Булар ҳам мазкур оядда ишорат қилинганидек, сонсиз ва саноқсиздир: «...Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар...» (Иброҳим, 14:34; Наҳл, 16:18).

Сайёр маълум бир мақомга улашгач, унга ҳарф ва товушлар билан эмас, балки васл ва фасл йўли билан «Тўхта!» дейилур. Бундаги васлдан Сайёрнинг ваҳдониятга етишмоғи, фаслдан эса инсоний ҳукм ва хусусият-

лардан айрилмоғи назарда тутилғандыр. Бу инсон күввати етмайдыган бир ишдир. Ҳатто тил ҳам уни васф этмоққа тоқат қылолмас. У ерда «Күзлар күриб, қулоқ әшитмаган ва инсон ақлига келмаган нарсалар бордир».

Шахристоний бир китобида шундай дейди:

«Барча мадрасаларни кездим, жами илм даргоҳла-рига күз тикдим. Аммо ҳайратдан иягига күл тираган ёки изтиробдан тишиғирилатаёттан кишилардан бошқа ҳеч кимни күрмадим».

Аллоҳ Таолодан келгувчи элчиларнинг сўнгти – хотимаси йўқдир. Бундай бўлмоғидан Тангirim Ўзи асрасин. Аксинча, ҳар он ва ҳар замон элчи юборар. Булар Унинг лутфлари, ишоратлари, танбехлариидир.

Шу ергача тушунтирган оят, ишорат ва аломатлар аbd билан маъбуднинг яхши-ю ёмон муносабатлари во-ситасида У билан бўлган суҳбат ҳукмларининг натижа-лари эрур.

Булар Аллоҳга йўналганлар учун фақатгина бир на-мунаидир. Бизнинг ифодаларимиз бу завқни тотганларнинг завқи, ошиқларнинг ишқи, орифларнинг нури, севгандарнинг оташи, соғингандарнинг шиддати, ахли важд важди-ю мужоҳада ва кашиф ахлининг мевалари, муножот қилувчиларнинг сирлари ҳамда нажотга етганларнинг шарҳи ҳолидир.

Ва бу китобга у Аллоҳга йўналувчилар учун бир иб-рат василаси бўлсин, ихлос соҳибларига эса йўл кўрсат-син, дея «Фавойих-ул жамол ва фавотих-ул жалол» дея ном бердим.

«Ла илаҳа иллаллоҳ, Мұҳаммадур Расулуллоҳ», де-ган ҳар кишига ва жами уммати Мұҳаммад (с.а.в.)га дунё ва охиратда афв, саломатлик, мағфират ва раҳмат сўрайман. Барча маҳлуқот учун ҳидоят тилайман.

Аллоҳ Карим, Маннон, Мажид ва Ҳаннондир. Аллоҳ-та ҳамд, Аллоҳ танлаган мумтоз қулларига эса саломлар бўлсин.

بعض الاصحاب ان او فتحها بالسان المزكي المطلق

البسوس بالشیخ العالم العارف المشهور بـ الجلباب

بین الدین الکبری فلسوس سره و عمود الشیخ من

المهدى الذى وضع الاصول لتأسيس بناء الاصول
والصلة والسلام على حضرة الرسول الذى هو
معنا كل مسئول وعلى آله وصحبه البشرة لاسيا
البشرة (اما بعد) فهذا شرح الاصول المشهورة

بـ بسم الله الرحمن الرحيم

شرح الاصول المشهورة

ليكون افهم الكلام الجليل الالى فاجبته رحمة الموصول
من طريق الاصول والله المسسر الالى ما لم يقدر على الوصول
إليها من صفات الحانات الاعمال وهو مولى المولى في الدوایة
والهباية او المولى الرشاد والهداية (قوله)
اطر بي الى الله بعد اغاث من الاخلاق * معلوم
او كلامه كلام شهير من اخذه درر كمهانی
اضيفه في مشندر او لکسوسی تودر که الله تعالیٰ به
وصل اولان اصناف خلا نقل نظری عذر بجهه
در نفس فان وتجله هم والنقدن داخل وظارع
اولان رسعد که تکریت درون ساخته بکرم درت
پیش فند رس هر کسل عمری آخر نهادک اولان
فسندر عد دجه حقه کمدر بول وادرد زیرا
هر فن حقه بروادر که سالان حق اولان کیسه
هنفسده بروول اولان سبل هر خطوهه بعنى
هر آدمه بروول المذهب کي بعنى کرجه بول در
ولکن هر آدم اول بولان بها بذنه ابصاله وسیله
اولنه کو باهر آدمه بروول المش او لوزو بورادن

Исмоил Ҳаққи Бурсавийга тегишли «Шарҳи усули ашара»нинг
илк саҳифалари (Истанбул 1291/1874).

شىء الاصول العتيدة =


لسم الله رب العالمين الله رب العالمين

مەلتىقىشى كېرىئە قاڭىزىم مەجاھىردى شىب
ماقى نە دوجى ياخى ئەنلىرى ئەپسىزلىقى
خەنە خەنەشى ئەلماڭىزىدى نۇر خى
كىچىك ئەغا قۇلن بىرۇشى راڭىزلى شىنى

المهدى الذى وضع الأصول على أساسها الأصول
والصلوة والسلام على حصره الرسول الذى هو مفتاح
كل مسوول وعلى الله واصحاته المبشرة لأسماها العترة
أقام بعد «هذا شىء الأصول» المبشرة إلى شىء العترة
العافى المبشرة إلى النبي محمد بن الراوى قبرى سورة دعاء
بررة النزى كىپىشىلا سىبا دەمچى باقىنىڭ تۈركى ئەلەكىنلىلىنى قىمى
مەلتىقىشى كېرىئە قاڭىزىم مەجاھىردى شىب
شەپىلەتلىك ئەنلىرى ئەپسىزلىقى
أىندىرە عانىنىد، بىرگەزىزىدا كەتكەپىلەندىرلى
على ئەنلىرى ئەنلىرى ئەپسىزلىقى
سەھىم وعىنى سەئىخىلىھىم وسەھىھە وادىدەن
ورسولەنلىقى ئەنلىرى ئەپسىزلىقى
والىهدى الله رب العالمين

أونچىم بورىد ئەغا ئەنلىرى ئەپسىزلىقى
شەپىلەتلىك ئەنلىرى ئەپسىزلىقى
تۈركى ئەلەكىنلىلىنى قىمىدۇرىنى

9، سەرىجى ئەپسىزلىقى بىم جەنە



«Рисола илал ҳоим»нинг таржимага асос олингган нусхасидан саҳифалар. Кўчирилиш санаси 686/1287 (Сулаймония кутубхонаси 2052 инвентарь рақамли қўлёзма).

بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله الذي عطا منفعته للغير ، وأثنا عشر على التبر ، وعشرين على العلامات
البر ، حمدًا يصاغر أهلا ، والخلاف على رسوله مودعا ،
طال شبابا دولا ، الإمام الأجل ، ثم اللذين نظروا إلى الإسلام ، والذين
وعذلوا عليه ، حيثما أطلقوا عليهم ، أهل الدين ، عز عنهم عذابه ، ثم اللذين
العنوز المأكولى للمرأة المرضى بهم ، ولهن السكري ، قدس الله ربهم ربهم ،
هذا وعمر والذيبة ،

فوائض الجمال وفواش الجمال

المشتري بمحى السنين الكبير
المسنون سنة ١١٨٤ هـ

عني بالتصحيح والتبييض

الدكتور فرجت بن سليمان

أستاذ إسلام وآداب ودين
بجامعة مازن بن جعفر بدمشق

(١) في المقدمة : + وأحسن وذهب إلى الكفر + يعني بذلك + وعده سبعين

(٢) في المقدمة : + وكل ما يكتب + يعني بذلك + وعده سبعين

(٣) في المقدمة : + كل ما يكتب + يعني بذلك + وعده سبعين

(٤) في المقدمة : + كل ما يكتب + يعني بذلك + وعده سبعين

(٥) في المقدمة : + كل ما يكتب + يعني بذلك + وعده سبعين

(٦) في المقدمة : + كل ما يكتب + يعني بذلك + وعده سبعين

Ф. Мейер нашр қылдырган «Фавойиҳ-ул жамол» асарининг
шук саҳифалари (Германия 1957).

НАЖМИДДИН КУБРО ВА УНИНГ РИСОЛАЛАРИ

Маълумки, XII-XIV асрлар тасаввуфшунослик илмида тариқатлар даври дея эътироф этилган¹. Худди мана шу даврларда Ўрта Осиёда ҳам учта йирик тариқатнинг майдонга келиши ушбу фикрни тўла тасдиқдайди.

Бутун дунёга донг таратган тариқатлардан бирига Султон-ул орифин Xожа Аҳмад Яссавий асос солган бўлса, иккинчиси халқимизнинг буюк ва жасур фарзанди Нажмиддин Кубро ҳазратларининг табарруқ номлари билан боғлиқ. Учинчиси эса «тариқати олия» дея эътироф этилган хожагон -- нақшбандия тариқатидир. Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг илмий, адабий ва ирфоний мерослари ушбу йўлларнинг ўрганилишидаги бош асос ва нодир манбалардир. Шуни таъкидлаш жоизки, Шайх Нажмиддин Кубронинг асарлари Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг асарларига нисбатан бизгача кўпроқ етиб келган. Бугунги кунда Ўзбекистон, Эрон ва Туркия қўлёзма хазиналарида унинг ўндан ортиқ қўлёзма асарлари сақланмоқда.

Кубронинг биргина «Усули ашара» рисоласи асрлар мобайнида ҳар хил тилиларга таржима қилинган, кўплаб шарҳлар билглан ва турлича номланган. «Рисолат-ут турук», «Рисолайи одобуз зокирин», «Рисолайи одоб-ус соликин», «Ақрабу тариқи иаллоҳ» шулар жумласидандир. Асар турлича номланганлиги боис аксарият ҳолларда Кубро асарлари рўйхатини келтиришда улар мустақил асар номлари дея нотўғри қайд қилинади.

Бу асар юртимизда илк бора 1997 йили Абдураҳмон Жомийнинг шогирди Абдулғафур Лорий шарҳи билан олим Муҳаммаджон Қодиров таржимасида чоп этилди. «Шарҳи рисолайи одобуз-зокирин» дебочасида Абдулғафур Лорий шундай дейди: «...Ушбу бир неча сўз юритишм боиси, асҳоби сафолар раҳномоси, арбоби вафолар кутби улуг Шайх Абу Жаниноб Нажмид-

¹ Қаранг: Mustafa Kara. Tasavvuf hayat. İstanbul, 1996. 12-бет

лии Кубро (қ.с.) рисолаларининг таржимаси ва шарҳи бўлиб, унда шатторнуфия тариқатининг баёни ва бу сўзниг омма орасида тарқалган маънолари шарҳидир. Ул зот бу тариқатни аниқ йўналишга солиб, таъбирини охирига етказган эдилар»².

«Усули ашара» ишқ ва жазбага асосланган турли тариқат вакиллари учун бир кўлёзма вазифасини ўтаган. Турли асрларда унга янтидан-янти шарҳлар битилганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мана, ўкувчилар эътиборига асарнинг яна бир шарҳи ҳавола этилмоқда.

Шайхнинг кейинги «Рисола илал ҳоим» ва «Фавотиҳ-ул жамол» асарлари эса китобхонлар учун янгилик. Бу рисолалар усмонли турк тилидан ўзбекчалаштирилган бўлса-да, улар Туркияда сақланаётган арабча кўлёзма матн билан қиёсланди. Албатта, бу машиқатли ишни амалга оширганлиги учун филология фанлари номзоди Сайфиддин Сайфуллоҳга миннагдорчилик изҳор этамиз.

Мазкур икки рисола ҳам ўтмишда олимларнинг диққат марказида турғанлигини кўрсатувчи ўнлаб далиллар мавжудлигини эслатиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидағи «Маноқиби Сайфиддин Боҳарзий»да шундай дейилади: «Ҳазрат Шайх Нажмиддин Кубро (қ.р.) мифармоянд: «Хилвати арбъаинаро даҳ шарт аст: Аввал таҳорат ба дил ва баязоз. Ва давоми вузуз жиҳати онки, руҳи қудс дар бадани хок олуде бошандаст...» ва ҳоказо³.

«Фавойиҳ-ул жамол»га келсак, Имом Фаззолий «Кимёи саолат»да инсон табиатида малаконий, шайтоний, ҳайвоний сифатлар мужассамлигидан баҳс юритиб: «Агарда сен малаклар сифатига соҳиб инсон бўлсанг, жон-жаҳдинг билан ҳаракат қил, гайрат кўрсат. Токи сенда Ҳақ даргоҳига элтувучи йўл очилсин. Оқибат бу йўл воситасида Унинг жамолига восил бўлгайсан. Фақат оламта ҳикмат кўзи, ибрат назари билан қарашни унугтма», – дейди⁴.

«Фавойиҳ-ул жамол» айнан ашёга ҳикмат кўзи, ибрат назари билан бокувчининг изҳори ва баёнидир.

² Шайх Нажмиддин Кубро. «Шарҳи рисолайе одоб-уз зокири». Урганч, 1997. 16-саҳифа.

³ Қаранг: УзРФА Шарқшунослик институти кўлёзмалар хазинаси, 6965/1 инвентарь рақамли кўлёзма 20(а) варақ.

⁴ Қаранг: Imam Gazali. Kimya-yi saadet. Istanbul, 1992. 14–15-бет.

Ўтган асрларда мутасаввиф олимлар тасаввуфнинг бош манбаларидан бўлмиш «Авориф-ул маориф», «Кашф-ул маҳжуб», «Рисолай Кушайрий», «Иҳёи улумиддин» сингари китобларга қайта-қайта мурожаат қилишган. «Фавойиҳ-ул жамол» ана шундай асарлардан бири. Бунинг ёрқин далили XVII асрда яшаб ўтган Мулла Аҳмад томонидан тузилган “Вирд-ул муридин” асаридаги эътирофдир⁵. Унда айнан “Фавойиҳ-ул жамол”нинг тасаввуф оламидаги қиммати алоҳида таъкидланган.

XIV асрда мутасаввиф Аҳмад баҳо бин Яъкуб бин Ҳусайн бин Маҳмуд бин Сулаймон томонидан тузилган «Хазинат-ул фавоид-ул жалолия» асарининг илк саҳифасидаёқ араб тилида Шайхнинг «Фавойиҳ» асаридан қуидаги иқтибос келтирилади: «Шариат бамисоли кема, тариқат эса денгиз, ҳақиқат денгиз қаъридаги инжу. Ким инжуни қўлга киритмоқ истаса, кемага минар, денгизда сузар...»

Демак, Нажмиддин Кубро шариат, тариқат ва ҳақиқатни образли тарзда шарҳлаш ва уни ўқувчи дилига сингдиришга эришган.

Ҳинд машойихларига бағишлиланган бошқа бир тазкирада эса муршид ва мурид муносабати ҳақидаги сўзлари келтирилган: «Шайх Нажмиддин Кубро шундай дейдилар: Ҳеч ким тарбият топмади ва шайхликка эришмади, агар тариқат йўлидан юриб танбеҳ ва мақтов эшитмаган бўлса. Ва яна айтдики: Шайх шундай инсонки, Ҳақ тариқат йўлида бўлади ва ундан мурид кўрқинч ва ҳалок қилувчи нарсаларни ўрганиб, тўғри йўлни топади. Ва у муридига баъзи вақтларда манзиллар, мақомлар, ҳолларни баён қиласи ва фойдаси бор, зиён келтирмайдиган нарсаларни кўрсатиб беради»⁶.

Бу гаплар Кубронинг мавжуд асарларидан бирортасида ҳам учрамайди. Бу эса унинг ҳозирча бизга номаълум асари хусусида тахмин қилиш имконини беради.

Тасаввуфдаги сайри сулук, мухтасар айтганда, ҳалқдан Ҳаққа юксалиш ва Ҳақдан ҳалққа қайтиш йўлидир. «Фавойиҳ-ул жамол»да худди ана шу илоҳий-ирфоний саёҳат ниҳоятда жонли ва жозибали тарзда ифодалаб берилган. Шунинг учун асарда Наж-

⁵ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, 8296 инвентарь рақамли қўлёзма 30(б) варақ.

⁶Қаранг: ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. 9663 инв. рақамли қўлёзма. 40(б) варақ.

миддин Кубронинг рух, ҳол, мақом, вақт, мушоҳада ва завқ хусусидаги фикр-қарашлари ўзининг ёрқин аксини топган.

Шайхнинг ушбу асари оддий китобхон учун тушунарсиздай туюлиши табиий. Зеро, рисола муқаддимасида Шайх Кубро ўқувчиларга мурожаат қилиб бундай демишлар:

«Ардоқли дўстим, кўзларингни юмгил ва қара!

Қани, нимани кўра оласан ва қандай кўрасан? Агар: «Ҳеч нарсани кўрмаяпман» десанг, янгишасан. Аслида сен худди ўша онда кўраяпсан. Аммо вужуд ва жисмоний борлиғингнинг зулмати уни сенинг басиратингдан ва нигоҳингдан йироқлаштиromoқла. Шу боис ҳеч нимани топа олмайсан ҳам, кўра билмайсан ҳам!».

Нажмиддин Кубро асарлари инсонни жисмоний борлиғ зулматидан қутқариши ва зиё йўлларига бошличи билан ҳам катта қимматга эгадир.

Азиза БЕКТОШ
ЎзР ФА Тил ва адабиёт
институти аспиранти

Тасаввуф истилоҳлари шарҳи

- А -

АБДОЛ – тарки дунё айлаб Ҳаққа юз бурган вали. Улар руҳларини, маънавий борлиқларини моддий борлиқлари ўрнига бадал айлаган дарвешлардир. Абдол – ўзгаларнинг унга қилган ёмонликларини осон кечира билгувчи, қазо ва қадарга кўнгил хушлиги билан бўйин эгувчи, ибодатларни чин ихлос ила адо айловчи киши. Абдоллар дунёнинг маънавий посбонлари дурлар. Ибн Арабийга кўра, Аллоҳ етти иқлимини етти абдол воситасида бино қилган. Шу боис етти замоннинг руҳонияти уларга боғлиқ ва ҳар абдол ўз кучини етти замоннинг биридан ўрин олган пайғамбарлар – Ҳазрат Иброҳим, Ҳазрат Мусо, Ҳазрат Ҳорун, Ҳазрат Идрис, Ҳазрат Юсуф, Ҳазрат Исо, ва Ҳазрат Одам алайҳиссаломдан олур. Ҳазрат Яхё эса Исо билан Ҳорун ўртасида юриб пайғамбарлардан эшитган ҳақиқатларни етти абдол қалбига нақш айлаб турармиш.

АБРОР – ўзи, сўзи-ю амали тўғри бўлганлар, яхшилик ва поклик ила танилган кишилар. Тасаввуфда аброр икки тоифага ажратилган: 1. Аҳли футувват бўлиб, булар ўзларини инсонийлик хизматига бағишлаганлар. 2. Махлуқотдан узоқлашиб бутунлай Аллоҳга бағишлаганлар, яъни файратга таслим зотлар.

АБУЛ ВАҚТ – вақт соҳиби, вақтнинг отаси. Вақт ва ҳолнинг таъсирига берилмаган сўфийлар учун кўлланилган. Ҳолига мағлуб соликларга эса «ибнул вақт» – вақтнинг ўғли дейилган.

АВЛИЕ – валилар, дўстлар. Аллоҳнинг энг яқин дўстлари, севимли қуллари демак. Авлиёнинг каромати ҳақдир.

Шунинг учун у динда бир далил ўлароқ қабул қилинур.

АВСОТ – ўрга, ўрталығ дегани. Илоҳий тақдирнинг ҳукмига рози, сулукнинг ўргасидаги солик. Маънавий таълимтарбияни энди бошлаганлар «мубтади», ўртага етганлар «авсот» («авосит»), охирдагилар «мунтаҳи» дейилган.

АДАБ – яхши тарбия, мақбул амал ва гўзал хулқ. Нафси тарбиялаш, ботиний покланиш интизоми. Тасаввуф араббларининг таснифларига биноан, адаб тўрт қисмдан иборат: 1. Шариат одоби. Бу – пайғамбар шариати ва суннатига амал қилмоқ. 2. Тариқат одоби. Бу – бирор бир тариқатга кириб, унинг одоб ва арконини ўзлаштириш, шу бўйича ҳаракат қилиш. 3. Маърифат одоби – бу нафси амморани мағлуб айлаб, илми ҳол сирларини ўзлаштириш. 4. Ҳақиқат одоби. Бу - Аллоҳдан бошқалардан юз буриб, Ҳақ ахлоқи или ахлоқланиш, фано низомида юксалиш.

АДАМ – йўқлик, ҳечлик фано. Тасаввуфда адам иккита ажратилган: биринчisi – мутлоқ йўқлик, иккинчisi – муқаддийяд йўқлик. Мутлоқ ва ҳақиқий Вужуд Аллоҳга нисбатан оламдаги ашё ва моддалар бир йўқлиқдурки, улар асли йўқлиқдан яралмиш. Ибн Арабийга кўра, «Коинотдаги ҳар бир нарса ваҳий ва хаёлдан иборат эрур». Зоро, уларниң ҳақиқий ва мустақил бошли бир борлиқлари йўқдир.

АЗОБ – қадар, азият. Сўфийлар наздида бу дунёдаги гуноҳкорликлари учун ширк ва қуфр аҳлига охиратда бериладиган жазо маъносида тадбиқ этилган.

АЛОЙИҚ – толибларни мурод ва мақсадлардан йироклантирувчи сабаб ва муносабатлар.

АМАЛ – инсоннинг ишонган, эътиқод боғлаган нарсалари билан яшапши, диннинг ҳукм ва шартларини адопланши, таъзиқланган ишлардан ўзини бугунлай тийишлир. Амалнинг иймон билан алоқаси жуда яқиндир: у қалбла иймонни қувватлантириш билан бирга, таъсирини ҳам оғтиради. Бир таснифга кўра амал иккига бўлинур: 1. Ваҳий амаллар. 2. Касбий амаллар. Ҳақиқий ишқ түғёни, табиий завқ-шавқ, ахлоқ гўзаллиги, чин ихлос сингари амаллар нахбийдир. Гуноҳдан покланиш, ҳаромдан қочиш, сидқ иш риёзат чекиши кабилар эса касбий амаллар саналади.

«АНАЛ - ҲАҚ» – «Мен-Ҳақман». Машхур мутасаввиф Мансур Ҳалложнинг сўзи. Мансур Ҳаллож ана шу сўзи учун худолик даъвосини илгари сурган дея қатл этилган. Лекин «Анал-Ҳақ» дейиши орасида фарқ бор. Чунки «Аллоҳ» сўзи Тангрининг зотига, Ҳақ эса Унинг тажаллийларига бериладиган исмдир. Шунингдек, ал-Ҳақ Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири бўлиб, борлиги доим мавжуд, борлиги ҳақиқий маъносига эга демакдир.

Ҳаллож «Анал-Ҳақ» дегандা, «шундай бир мартабага кўтарилиганки, унинг назарида Аллоҳдан бошқа барча борлиқ фоний йўқликка маҳкум ва ботил эди. Ҳақиқий борлиқ ёлғиз Аллоҳ – Ҳақ эди. Бу қадар баланд бир мартабага юксалган Ҳаллож, ёлғиз Аллоҳнинг бир исми бўлмиш «Ҳақ – мавжуд» калимасини билур, ҳатто ўзининг ҳам исмини хотирлай олмасди» (Имом Фаззолий).

АНБИЁ – пайғамбарлар, наби сўзининг кўплиги. Пайғамбар сўзининг маъноси «хабар келтирган»дир. «Расул» ҳам пайғамбар демак. Аммо «наби» билан «расул» орасида фарқ мавжуд: расул бевосита диний ҳукмларни келтирган пайғамбар бўлса, наби ўзидан олдинги пайғамбарларнинг ҳукмларига таяниб, одамларни Аллоҳ бирлиги ва қулигига чорловчи ҳисобланади. Куръони каримнинг йигирма биринчи сураси пайғамбарлар ҳақида баҳс юритилгани учун ҳам «Анбиё» деб аталган. Аллоҳ биринчи инсон ва илк пайғамбар ўлароқ ҳазрати Одамни яратган. Сўнгра ҳар бир миллатга бир пайғамбар юборган: «Аниқки, биз ҳар бир умматга «Аллоҳга иболат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганимиз...» (Нахъ: 36). Фазилат ва даража эътибори билан ҳам пайғамбарлар орасида фарқ бўлган: «Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди» (Бақара, 2:253) Шу маънода пайғамбарларнинг энг олий ругбага кўтарилигани Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдирлар. Тасаввуфда анбиёлик мақомлари ва пайғамбарлар тақдирига алоҳида аҳамият берилтандир.

АНОСИРИ ЧАҲОРГОНА – тўрт унсур. Булар: сув ҳаво, тупроқ, олов. Сўфийлар нафснинг тўрт мартабасини тўрт унсурга қиёс қилганлар. Нафси амморани олов, нафси лаввомани ҳаво, нафси мулҳимани сув, нафси мутмаиннани тупроқ тамсил этган.

АНФУС – нафаслар, руҳлар, жонлар дегани. Бу – инсоннинг ботиний дунёси, руҳ олами. Куръони каримда: «Уларга оятларимизни оғоқда ва анфусда (нафсада) зухурлантирамиз» («Фуссилат», 43), дейилган. Тасаввуф тафсирларида отларнинг оғоқ (ташқи дунёда мавжуд бўлган барча борлиқлар) ва анфусда кўрсатилиши «ўлим» тарзида талқин этилган. Ва «табиий ўлим» дейилганда нафс ҳамда шаҳватларнинг ўлеми назарда тутилади.

Тасаввуф фалсафасига кўра, инсонни қуршаб олган ташқи дунё – олами кубро, инсон қуршаган дунё – олами асфар – кичик оламдир. Шу боис ташқи дунёга хос ҳамма нарсанинг намунаси инсонда ҳам мавжуд. Масалан: инсоннинг гавдаси ер юзининг, руҳи кўк юзининг, қалби тоғларнинг, қалб билимлари жаниат меваларининг, кўнгилда уйғонган файз ва илҳом ёмғирнинг, нафс қорнинг тимсолидир. Аллоҳнинг ташқи дунёдаги оятлари инсоннинг ботиний дунёсида ҳам мавжуд. Фақат улар басират кўзи билан англашилади. Бу нуқтаи назар мутасаввуфларни Куръонни зоҳирий англаш билан кифояланиб қолмай, анфусий (ботинан) тушуниш ва гушунчаларни тадқиқ этишга даъват қилган.

АРЗ – ер юзи, заминдаги зоҳир олами. Арз – яратиқ, ундаги зийнат ва гўзаллик эса ҳақдир. Ҳақнинг сифати само, ҳалқнинг сифати арз эрур.

АРШ – айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ – кулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Аршга «нафси куял» номини берганлар ҳам бўлган экан. Арш коинотнинг муazzзам руҳи бўлиб, у моддий оламнинг илк босқичи санаалган. Арш – тажаллий манбаи, яъни илоҳий кудрат асоси. Шунинг учун у илоҳий тахт деб қабул қилинган. «Арши му-

алло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» – булар Аршга қўйилган номлардир.

АСМОИ ҲУСНА – Аллоҳу таолонинг гўзал исмлари демак. Бу ҳақида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: «Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар) (Аъроф: 180). Ёки «(Эй Муҳаммад), айтинг: «Аллоҳ деб чорлангиз, ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зоро, У зотнинг гўзал исмлари бордир».

Бу исмларнинг жами тўқсон тўққизта. Қуръони каримда асмои ҳуснанинг муҳтасар рўйхати ҳам мавжуд. Булар: ар-Раҳмон, ар-Раҳим, ал-Малик, ал-Кудус, ас-Салим, ал-Мўмин, ал-Азиз, ал-Холиқ, ал-Мусаввир кабилардир (Ҳашр, 22-24).

«Мақомоти Нақшбанд»да Хожа Баҳоваддин Ҳазратлари тилидан Муҳаммад алайҳиссаломнинг шундай сўзлари келтирилган: «Айтур эдилар: Ҳазрати Расул саллоллоҳу алайҳи вассаллам буюрдилар: «Инналлоҳа азза ва жалла тисъа ва тисъийна исман миънатун гайру ваҳидин фа-ман аҳсаҳа даҳала-л жаннат» (Аллоҳ азза ва жалланинг тўқсон тўққизта, яъни (бир кам юзта) исми бор, кимки уни санаса (хотирласа) жаннатга киради».

Хожа Нақшбанд изоҳларига кўра «Аҳсо» сўзининг бир маъноси – Ҳақ таолонинг номларини санаш бўлса, яна бир маъноси – бу номларнинг мазмунини билиш. Ва яна бири бу номлар амалиётидан фойдаланиш. Масалан, «Раззоқ» деса ризқ ғами хотирга келмайди, «Мутакабир» деса буюклик ва улуғлик Ҳақ субҳонаҳудан эканини билади в. ҳ.

Аллоҳнинг гўзал исмларини икки гуруҳда хотирга келтириш ёки зикр айлаш мумкиндир. Биринчиси, Ҳақ таолонинг зотига тегишли хос бир исм бўлмиш «Аллоҳ»ни тилга олиш. Бу лафзи шариф Тангридан бўлак ҳеч бир борлиққа нисбатан кўлланилмайди. Йккинчиси, Аллоҳ сифатларидан олинган ва ҳар бири унинг маълум бир сифатини англатувчи номлардир.

Диний–тасаввуфий манбалардаги маълумотлар илк муротаба мушоҳада йўли или пайғамбарларга билдирилган. Ва

уларнинг ҳаммаси ҳам асмои ҳусна мазмунларидан хабарлор бўлишган. Бироқ бу маънолар уларга мушоҳадаларининг даражаси ва нисбатига кўра зоҳир бўлган. Асмои ҳусна пайғамбарлар томонидан қўйилган исмлар эканлиги ҳам илмда айтилган. Масалан, исми Жалолни Одам алайҳиссалом, Қавий, Азиз ва Маннонни Идрис пайғамбар кашф қилган эканлар. Шунга ўхшаб бошқа пайғамбарлар ҳам ўз тилларидаги сўзлар билан Аллоҳга исмлар қўйишган. Бу номларнинг бир қанчаси Куръони каримда жамланган. Зикр мажлислари ва тасаввуф адабиётида асмои ҳуснадан кенг фойдаланилган.

АҚЛ – сўфийларнинг нуқтаи назари бўйича, илоҳий бир нурдир. Сўфийлар икки турли Ақл борлигини эътироф этгандар. 1. Ақли кулл – илоҳий, қудратли, мутлақ ақл бўлиб, тангрининг фаол тажаллийсидан иборат. Илк маротаба Тангридан дунёга келган бу ақл «Ақли аввал» ёки «Рухи аъзам» деб аталган. Шунингдек, ҳақиқати Мұхаммадияни ҳам сўфийлар Ақли кулл деганлар. Ақли куллдан нафси кулл майдонга келганки, у Лавҳи маҳфуз деб номланган. 2. Ақли жуз (акли мажоз) – инсоннинг ҳаёти, яшаш одоби, фаолиятига тегишли. Ақли жуз иккига ажратилган: 1) ақли маод – илҳом ва ирфон билан тарбияланган инсонни охиратдан огоҳ қиласидиган ақл. 2) ақли маош – мавжуд дунёни, ҳаётни тушунишга хизмат этадиган ақл. Ақли маод иймон соҳибларига, Ақли маош эса барча кишилар учун хос деб ҳисобланган.

АФЕР – ғайрлар, Ҳақдан бошқа нарсалар, мосиво. Сўфийлик ҳаётини яшамаган, тариқатдан йироқ кишилар. Бу калима нафс маъносида ҳам қўлланилган.

АҲЛИ – бегона бўлмаган, дўст. Ўтмишда инсонлар уч тоифага бўлинган: 1. Аҳли дунё – мол-мулки ва неъматларига берилиб, охиратни тушунмайдиганлар. 2. Аҳли уқбо – охиратни англаб, умрини тоат-ибодат билан ўтказиб, гуноҳ ишлардан тийилганлар. 3. Аҳли илоҳ – кўнгли Аллоҳ ишқи билан тўлган ва батамом Ҳақ йўлига кирганлар. 4. Жаҳаннамга тушнишга маҳкум кишилар эса «Аҳли нор» дейилган.

АҲЛИ БОТИН – маънавий ҳол соҳиблари, Ҳақ сир-

ларидан воқиғи кишилар, авлиё ва тасаввуф аҳли. Аҳли ҳол — тасаввуфий ҳолларни яшашга эришган ва улардан ҳузурланмиш ошиқ, ориф ва дарвешлар жамоаси. Улар толиб, мурид, солик ҳам дейилган.

- Б -

БАЛО — ғам, кадар, мусибат, оғат, фалокат. Тасаввуфда илоҳий имтиҳон, солик қалбида шавқ ва қувончнинг зуҳурланиши ёки ортиши демак. Имом Газзалийнинг таъкидлашича, «балода неъмат бордир. Чунки у инсонни охират ва Аллоҳга боғлар. Шунинг учун балодан суюниб, шукр айламоқ керакдир». Балога авлиёнинг либоси деб қаралишининг боиси ҳам ана шунда.

БАСИРАТ — ботиний назарнинг очилиши, қалб кўзи ила кўриш, илоҳий сезгининг кучайиши. Бунга «Кудсий кувват» ҳам дейилган.

БАСТ-ҚАБЗ — ёйилиш-тўпланиши, севиниш - қайгу чекиши, кенглик - торлик, очилиш - ёйилиш ҳоллари. Зеҳн ва қалбнинг очилиши ва ниҳоятда маҳсулдор, яратувчан ҳолга кириши. Илтижо ва ёлворишиларнинг Аллоҳ томонидан ижобат этилиши ҳам баст дейилган.

БАҚО — фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда кулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар билан баҳога эришиши. Башарий иродадан илоҳий, яъни энг олий иродага юксалиш.

БОРИҚА — валининг қалбига Аллоҳдан келадиган, лекин тез сўнувчи нур. Каифнинг бошланғичи.

БОТИН — ич, пинҳон, сир, асрори илоҳия. Соликнинг сийрати, руҳи ва ички олами.

БУРҲОН — ишончли ва қатъий далил демак. Шубҳага бутунлай барҳам берувчи «хужжат».

БҮЙД-ҚУРБ — узоқлик, яқинлик. Аллоҳга, Аллоҳ амрлари ва ризосига узоқ ёки яқин бўлиш ҳоли.

- В -

ВАЖД — ишқ ва муҳаббат. Ошиқ қалбида табиий бир равишида туғиладиган илҳом, сурур ва тажаллийлар. Ҳуж-

вирий «Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф) даги аламдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ», дейди.

ВАЖҲ-УЛ ҲАҚ – ҳар бир нарсанинг ҳақиқати.

ВАСЛ (васл-фасл) – етишиш, эришиш, восил бўлиш, Ҳақ висолига етишмоқ. Васл ёки вуслат тасаввуфий ҳаётлаги йўлчиликнинг ниҳоясига алоқадордир. Тасаввуфда маъшуқи азал билан қовушмоқ, ўзлиқдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфилар бир хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари Аллоҳ ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишини кўзда тутиб, васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўргадаги парда кўтарилиб, инсон Ҳақ васлига эришади, дея ишонч билдирганлар.

ВАТАН – қулнинг ҳол ила энг охирда эришган ва қарор топган жойи маънавий юрт. Жунайд Бағдодий демиши: «Аллоҳнинг шундай қуллари бордурки, бир қанча мақомладурлар. Улар Аллоҳнинг ҳадя ташийдиган отларига миналилар ва суръат-ла Аллоҳга томон елиб борадилар». Абу Сулаймон Доронийнинг айтишича, «Иймон яқийндан (илм) кўп фазилатларидир. Чунки иймон юртдир»... Инсон руҳининг бу дунёга келишдан аввалти манзили ҳам аслий ватан дейилган. Сўфи Оллоёр инсонни «Кетар аслий ватанга даст холи», деганда ҳам айнан ўща ватани назарда туттган.

ВАТАР – орзу, умид. Башарий сифатлар ва нафсоний лаззатлардан йироқдаги латиф бир туйғу, мусаффо истак. Абу Наср Сарроҷжат кўра, бу сўз «фалон одам ватанида жойлашимиш ватанига (орзу ва истакларига) етишмиш», маъносида ҳам ишлатилган.

ВАҚТ – мозий ила истиқбол орасидаги замон. Қулнинг қалбида ворид бўладиган илоҳий воридот ва Раҳмоний тажаллий вақти. Солик устидан ҳокимликка етишган маънавий ҳол. Сўфий ибнул вақтдир. У ўзи ичидаги яшаётган ҳолдан бошқасига аҳамият бермас.

ВАҲДАТИ ВУЖУД – вужуднинг бирлиги демак. Аллоҳдан бошқа борлик йўқлигини билиш шуурига соҳиб бўлиши-

дир. Ваҳдати вужуд маслагига кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Аллоҳнинг турли-туман тажаллийлари, зухурлари, тахайюллари ва кўринишларидан бошқа бир нарса эмасдир. Ваҳдати вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли билан билинади, мушоҳада этилади.

ВАҲДАТИ ШУҲУД – соликнинг важд ва жамъ ҳолида мосивага барҳам бериб, фақат ваҳдатни кўриши. Зухур ва тажаллий айлаган Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсага кўз тикмаслиги.

ВАҲДАТИ ҚУСУД – қасд ва ироданинг бирлаштирилуви. Кулнинг ўз хоҳиши-иродаси, тушунча ва орзусини тарк айлаб, Аллоҳнинг иродасини ўзининг иродаси ҳолига етказа билиши.

ВАҲМ – тахайюл, кўркув, шубҳа, ақл билан фаҳм орасидаги бир ҳол. Ваҳм фаҳмнинг кўриқчисидир. Сўфийлар ваҳм деганда оламни, мосивони назарда тутишган.

ВИЖДОН – ич туйғуси, ботиний қувват, тўғрилик туйғуси. Виждон важддан кўра кўп карра афзалдир. Чунки унинг Ҳаққа яқинлиги бор.

ВОРИД – қулнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган равишда қалбда юзага келадиган маъно, илҳом ва файз эрур.

ВОСИЛИ ҲАҚ – сайри сулук манзилларини кечиб ўтиб, тавҳид мақомини эгаллаган ошиқ, ориф ва соликлар.

ВУЖУД – мавжудлик, борлиқ. Энг мукаммал шаклдаги важд ҳоли, ҳаққа етишиш. Солик башарий сифатлардан фоний бўлгач, ҳақ вужудига бирлашур.

ВУСЛАТ – етишиш, эришиш, восил бўлиш. Ҳақ висолига етишмоқ. Васл ёки вуслат тасаввуфий ҳаётдаги йўлчиликнинг ниҳоясига алоқадор. Яхё бин Муознинг айтишича, «Сайри сулук йўлида ҳаракат қилганлар тўрт гуруҳдир: тоиб (тавба қилган), зоҳид, муштоқ ва восил. Тоиб – хафв ила пардаланса, зоҳид ҳубб (севги) ила, муштоқ – яшаётган маънавий ҳоли билан пардаланганди. Восил эса - Ҳақдан бошқа ҳеч бир нарса ила пардаланмаган кишидир.

- Д -

ДАРВЕШ – тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳур-

рият мақомидир. Яссавий «Фақрнома»сида таъкидлаганки, «Ҳар ким дарвешлик даъвосини қилса, аввал Ҳақ амрига бўйин суниб, шариат амри билан бўлғай. Ва ботил ишлардин ва билъят ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмагунча, қундуз хизмат қилмагунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил туур».

Тарк мақомларида кўнгилни поклаш, том бир таслимият ичра таваккал ишонч - эътиқодини камолга етказиши, узлуксиз равишда ишқ оташида тобланиши, ўтмиш учун «ўлиб», келажак учун қайта «тугилиш» ва руҳоний эркин, тўлақонли озод умр кечириш дарвешларга хос фазилат ва сифатлардир.

«Гиёс ул-лугот»да изоҳланишича, дарвеш сўзининг асл маъноси эшиклардан нарса тиловчи демакдир. Дарвешнинг қадимий шакли даровез – эшикларга осилувчилик, у кейинчалик дарвеш бўлган. Албатта, одамларнинг эшикларига осилиб, тиланчилик қилиб юрувчи қашшоқ ва гадолар билан тариқатга мансуб дарвеш ўртасида тўғридан-тўғри бир боғлиқлик йўқ. Бироқ мажозий ўҳшашибор. Дарвеш учун муршиднинг эшиги бамисоли Къабадурки, у ана шу эшикка осилувчи ва ундан нажот тиловчидир.

«Нур ал-улум»да ўқиймиз: «Сўрдиларки, дарвешлик недур? Айтди: «Уч чашмадан иборат бир дарёдир. Бу чацмалардан бири – парҳез, иккинчиси – саховат, учинчи-си Тангри таоло бандаларидан ниёзмандлик этмаслик эрур». Шайх розияялоҳу анху бир сўфийдан сўрдики: «Сизлар кимни дарвеш деб айтасизлар?» Деди: «Дунёдан хабари бўлмаганни». Шайх деди: «Бундай эмас, юрагида дунё андишаси бўлмаганга айтилур. Чин сўзлайди-ю сўзи йўқ, эшигади-ю қулоги йўқ, овқатланади-ю лаззати йўқ, ҳаратат ва хотиржамлик, қайгу ва қувончдан фориф киши – бу дарвеш эрур».

Жалолиддин Румий самога эркин ва яйраб парвоз қиласиган қуш билан дарвеш ўртасида жуда яқинлик борлигига дикқатни жалб этган. Буюк шоир инсон дарвешлик фазилатларини мукаммал эгаллай олмаса-да, дарвешликка интилишнинг ўзиёқ уни дунёнинг бир қанча «тузоқ»лари-

дан кутқаза олишига ишонч билдириб, дейди: «...қушки ердан юқори учгай, агарчи осмонга етмагай, аммо домдин йироқ бўлгай. Ҳам ул навъ агар киши дарвеш бўлса, агар дарвешликка етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлидин мумтоз бўлгай ва дунёнинг заҳматларидан сабукбор бўлгай...»

Ривоятга қўра, ёзниг иссиқ ва тўзонли бир кунида Шайх Абу Али Марвазийни кўчада кўриб қолишиб: «Эй Шайх, бу жазирамада қаён борурсиз?» – деб сўрашибди. У жавоб бериб дебди: «Фалон дарвешлар хонақоҳигаки, мен битибменки, ҳар кун осмондин дарвешларга юз йигирма раҳмат ёғар. Хусусан, ҳозир – чоштоҳ пайтида. Борадурменик, анда нонушта қилғаймен, шоядки, ул раҳматлардин менга ҳам насиб бўлгай. Улуғлар дебдурларки, ўзингни алар орасида (яъни дарвешлар орасида – И.Х.) сигура ўзингни алардин ва аларнинг дўстларидин кўргуз, агарчи билгайсенки, не навъ расvosен... Тонгла сўрасаларки, «Кимсен?», дегайсенки, аларнинг (дарвешларнинг – И.Х.) дўстлариданмен ва сўзларини эшитсанг, агарчи маъносин билмасанг бош тебрат, то тонгла дегайсенки, аларнинг бош тебратувчилариданмен...»

Дарвешларга яқинлик – нафсу ҳаводан йироқлашув демак. Дарвешлар суҳбатини тинглаш Ҳақ сирларидан огоҳликдир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан: Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади?» – деб сўралганида, «Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ Субҳоналлоҳу буни дарвешларга ато қиласиди, «фаиннаҳу янзуру би нуриллаҳи» – «Чунки у (яъни дарвеш – И.Х.) Аллоҳ нури орқали боқади», – деб жавоб қайтарган эканлар.

ДАҲШАТ – ишқнинг, севгилиниг ҳайбат, азamat ва қудратидан ошиқнинг ақлдан жудо бўлиши, беҳушлик, ҳайронлик ҳолати. Бу ҳолатга етган киши «мадхуш» дейилган.

- Ж -

ЖАБАРУТ – мулк ва малакут ёки шаҳодат ва гайб - моддий ва маънавий оламларнинг ўртасида мавжуд бўлган олам.

ЖАЗБА – руҳнинг севинч, сурур ва гайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздин кечмоқ ҳоли. Бу ҳам Ҳусни Мутлоқнинг ўзига бутунлай мафтун айлаши ва қулнинг Аллоҳ ила бирлашувидир.

Жазба икки турлидир: а) хафий жазба – қулнинг Ҳақни севиши. б) жамъий жазба – Ҳақнинг қулни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у Аллоҳ томонидан ато этилади. Соликда истеъдол ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳақقا яқинлашпа олмайди. Сайри сулукнинг бошланғичи жазбанинг ниҳояси ҳисобланади.

ЖАЛВАТ – кишининг ватани ва оиласидан узоқлашуви; жилоланиш, жило бермоқ; маълум бир нарсанинг ўртага чиқиши, зухурланиши. Тасаввуфий истилоҳда халқдан узоқлашиб, танҳоликда Ҳақ ила бўлиш. Қулнинг илоҳий сифат ва гўзал ҳулқ ила безаниб, хилватдан чиқиб ҳалққа аралашшиши. Жалват нақшбандийликда «Хилват дар анжуман» тарзида ифодаланган.

ЖАЛОЛ – улуғлик, буюклиқ, азамат. Маъшуқнинг ошиққа мутлақо муҳтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг фурурини синдириб, ўзининг қаршиисида нақадар чорасизлигини исботлаши. Соликни манллик даъвосидан халос этгувчи илоҳий тажаллийлар.

ЖАМОЛ – гўзал чехра, гўзаллик. Аллоҳнинг лутф ва раҳмат сабаби бўлган сифатлари тажаллийси.

ЖАМЬ ВА ФАРҚ – тўпланиш, ажralиш, ваҳдат - касрат. Жамъ Ҳаққа доир, фарқ қулга оид нарса. Жамъ – қулнинг эришгани, фарқ – Ҳақнинг эҳсон қилгани. Жамъ – барча нарани Аллоҳ билан қойим кўрмоқ, фарқ эса - ашёни Аллоҳдан айри, аммо Аллоҳдан деб билмоқдир.

ЖАМЬИЯТ – мосиводан кутулиши ва бутун диққатни Аллоҳга таважжӯҳ иуқтасига жамлаш. Қалб паришонлиги. Инсоннинг зеҳнан ва қалбан ўзини Ҳаққа бағишилаши.

ЖАҲОЛАТ – подонлик, билимсизлик, жаҳлга тобе бўлиш. Қанча муддат расмий ва зоҳирий илмларни ўрганиш билан машғул бўлмасин, барибир ҳақиқатни идрок айлаш қобилиятидан маҳрум қолдирадиган кўнгил.

ЖИЛІВА – ноз, истиғно, гўзалининг кўнгилни фатҳ этувчи ҳол ёхуд чиройли ҳаракатлари. Сулук аҳлининг кўнгилда порлаган илоҳий нур. Бу нур ошиқни телба қилур.

ЖУНУН – телбалик, жиннилик. Илоҳий ишқда сармастлик ҳоли. Ҳамма нарсани унугиб, фақат Ҳақ дийдорини исташ.

- 3 -

ЗАВҚ – ҳузур, лаззат. Илоҳий тажаллийларнинг бошланиши. Ҳақдан етадиган ирфон нури.

ЗИКР – сўзлаш, баён қилиш, хотирлап, ёд айлаш, хотирдагини унумаслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу калима фафлат ва нисён – эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган.

Зикр тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф аҳлининг наздида барча қоида, усул ва одобларнинг бошидир. Тариқат пирлари ва муридларнинг зикр фойдалари ҳақида умумий қарашлари тахминан бундай бўлган: зикр – шайтонга қарши энг ўтқир ярог. Қалбдан ғам, қайгува гуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳ ва кенглик бағишилар; тафаккур ва маърифатнинг юксалишини таъминлар; ҳар турли ёмонликларнинг илдизини қуритиб, хато ва гуноҳларнинг олдини олар...

«Фойдали бўладиган зикр – давомли ва қалб ҳузури ила бўладиган зикр эрур. Зикрнинг ниҳоясида эса унс ва муҳаббат туғилур... Киши зикр этилажак Аллоҳ ила унсият пайдо этиб, кўнглида Аллоҳ муҳаббати ҳосил бўлгунга қадар бир оз заҳмат чекар. Сўнтра эса Аллоҳни хотирламаса тура олмайдиган ҳолга келар...», дея таъкидлаганлар Имом Фазолий.

Зикр фақат Аллоҳни ёд айлаш, унинг гўзал исмларини эслаш эмас, балки дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтиришидир. Аллоҳ ила мукаммал бир шуурий, зеҳний алоқа ўрнатиш зарурки, бу баҳт ҳаммага ҳам насиб этавермаган,

албатта. Шунинг учун тасаввұфда зикр икки қысмға ажратылған: бири «зикри омма», иккінчіси «зикри хос». Зикри омма савобни құлға киритмоқ нияти ила амалға ошириләди, аммо зокирнинг табиатидан ёмон хислатлар, айтайлик, кибр, ғуур, риё, ҳирс, газаб, қаҳр, макр кабилар бутунлай, яғни таг-туби ила бархам топмаган бўлади. Хосларнинг зикри бунинг акси: унда нафс тамоман мағлуб этилади ва қалб маърифат, муҳаббат нурлари ила ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам Аллоҳ исми ва ишқидан бошқа ҳеч нима қолмайди. Аммо бундай улуғ ҳол соҳиби бўлмоқ учун қатъий интизом, сабр ва ихлос билан зикрга берилиш талаб этилган. Шу маънода қуйидаги ҳикоят эътиборга мөлиkdir: нақл қилинишича, Жунайд Бағдодийдан таҳсил олмоқ учун хорижий ўлкалардан ўн олти киши ташриф буюрибди. Шайх уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида хилватхоналарга киритиб, давомли тарзда зикр ила машғул бўлишга буюрибди. Орадан бир ҳафта ўтгач, зокирларнинг ҳолларини билмоқ учун ёnlарига кириб: «Қўнглиңгизда нени кўриб, ундан нени эшитаётисизлар?» — деда сўрабди. «Фақат муҳаббати дунёни кўриб, унинг овозларини эшитаётимиз», — дейишибди толиблар. «Муҳаббати дунё ва унга таалуқдли ҳамма нарсани ичингиздан чиқариб, иззат ва лаззатлардан қатъян кечингиз», — деда танбех берибди шайх. Шундан сўнг орадан яна бир ҳафта ўтгач, у уларнинг ёnlарига бориб: «Қалбингизда нима пайдо бўлди?» — деб сўрайди. «Охират ишқи! Энди фақат шу ишқ кўнглинизни ишғол қилаётир». «Буни ҳам тарқ қилинг!» — фармойиш берибди Бағдодий. Орадан бир ҳафта ўтгач, навбатдаги сўров бўлибди: «Қалбингиз нима билан тўлди?» «Фақат муҳаббати аноният, яғни үзини севмоқ муҳаббати билан тўлди», — дейишибди толиблар. «Унда ўз борлиғингизни ҳам тарқ этингиз!». Яна бир ҳафгадан сўнг эса «Қалбингизни нима ишғол этди?» деб сўралганида зокирлар: «Фақат муҳаббати илоҳ ишғол қилди», дейишибди. Шундан кейин уларга асмои сабъа зикри буюрилибди. Орадан ҳаммаси бўлиб қирқ кун ўтгач, Ҳазрати Жунайд: «Қалбингизда нима қолмишдур?» деб сўраганда толиблар бир овоз-

дан: «Қалбимиздан мосиво (Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса, яъни касрат демак) маҳв бўлиб, ёлғиз Аллоҳу азимушшон қолди», – дейишибди. Бу гапни эшитган Жунайд Бағоддий восилларнинг ҳақларига дуо қилгач: «Мана энди қаённи истасангиз, ўша ёққа бораверингизлар. Чунки муродга эришдингиз ва сизларга тобе бўлганларни ҳам шундай мақом ва ҳузурга етказингиз», – дея руҳсат берган экан.

ЗИКР – инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган ҳам машаққатли, ҳам завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга.

Тасаввуфий ҳаёт сирларини билмоқ учун, албатта, зикр қонун-қоидалари, зикри хуфия – яширин, шинҳона зикр ва зикри жаҳрия – очиқ, овоз чиқариб амалга оширилган зикр тажрибалари билан ҳам қизиқиш лозим.

ЗОТ – ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли. Сўфийлар ақидаси бўйича, Аллоҳ ўз зотида қоим, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зухури, сифатлари эса ул зотнинг тажаллийсидан иборат.

ЗОҲИД – зуҳд йўлига кирган, тарқидунё этган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташданур ва улар тариқатга мансубдурлар». Шу сабабли ҳақиқий зоҳид ўзини «ёндириши», яъни ёниб яшамоги лозим. Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, қўрқув, умид ва «Илм-ал яқийн» эрур.

ЗУҲД – парҳез қилмоқ, яъни дунёга илтифот этмасдан тоат-ибодат ила кун кечирмоқ. Асл зуҳд – Аллоҳга маъқул нарсаларни севмоқ. Тангри таъқиқлаган нарсалардан ҳазар этмоқ. Расулуллоҳ демишлар: «Дунёда зуҳдни таржиҳ этки, Мавло сени севсин ва носнинг (инсонларнинг) кўлидагиларга илтифот этмагилки, нос ҳам сени севсин».

Аҳмад ибн Ҳанибал зуҳднинг уч мартабаси борлигини айтган. Биринчиси – авом зуҳди. Бу – ҳаромни тарк этмоқ. Иккинчиси – хавос зуҳди. Бу – ҳалолнинг ҳамзаруриятдан ортиғини тарк айлаш. Учинчиси – Аллоҳдан бошқа ҳаммасини тарк қилмоқ, яъни аъхос зуҳди.

- И -

ИБОДАТ – Аллоҳга топинмок, қуллуқ қилмоқ ва унинг амрларини адо этмоқдир. Ўтмишда ибодат ахли жаннат учун, жаҳоннам азобларидан қўрқув туфайли ёки Ҳақнинг ризоси учун ибодат қилувчилар тоифасига ажратилган.

ИМОН – қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол. Иймон учун қалбнинг тасдиғи асл ҳисобланади. Ислом дини нуқтаи назарича, Аллоҳнинг мавжудлиги, бирлиги, Мұхаммад пайғамбарнинг Аллоҳ элчиси экани, Куръонга, ундан олдин нозил этилган диний китобларга шубҳасиз ишонган, намозини канда қилмаган, рўза туттан, ҳажта борган, закот берган киши мўъмин, яъни иймонли киши дейилади. Иймоннинг туб моҳияти ва бош асоси Куръони каримда белгилаб берилган. Масалан, «Нисо» сурасида бундай дейилади: «Эй мўъминлар, Аллоҳга, унинг пайғамбарига, нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган китобларига иймонингиз комил бўлсин. Кимки Аллоҳга, фаришталарига, китобларга, пайғамбарларга ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди».

Диний ва тасаввуфий адабиётларда иймон икки қисмга ажратилган: тақлидий иймон ва таҳқиқий иймон.

Тақлидий иймон – ота-боболари, дин вакиллари ва муҳит таъсирида юзага келган иймон бўлиб, бунда тақлид қилиш, эргашиш жиҳатлари устиворлик қиласиди.

Таҳқиқий иймон – иймонга оид барча масалаларни далил ва тафсилот, талаб ва қонуниятлари билан билмоқ, сўзсиз унга амал қилмоқдир. Бу иймон инсонни ҳар қандай шубҳа, қўрқув, гуноҳ, фалокат ва ожизлиқдан муҳофаза этгувчи илоҳий қудрат манбаи ҳисобланади. Ҳазрати Алиниңг эътирофига кўра, қалбда «Иймон, энг аввало, оқиши бир нуқта тарзида пайдо бўлур. Кул, яъни Аллоҳ қули солиҳ амалларни адо этаркан, у нуқта мустаҳкамланиб кенгаяр ва қалбни ишғол айлар. Натижада эса қалб бутунлай оқлилкка чулғанур». Шунинг учун ҳам иймонли юракда ҳасад, адоват, жаҳолат қоронгуликлари бўлмайди.

ИЛҲОМ – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар.

ИНОБА – бирор муршидга мурил бўлмоқ. Кўл бериш, таслим бўлиш, шайх хузурида қусур ва гуноҳларга тавба қилиш. Барча ашёдан кечиб, ашё соҳибиға юз буриш.

ИНСОНИ КОМИЛ – гўзал хислат ва юксак фазилатларга соҳиб инсон. Моддий оламлар билан маънавий оламларни ўзида мужассамлаштирган мавжудлик.

ИРФОН – қашғ ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим. Маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм.

ИСТИҚОМАТ – тўғрилик, тўғри ҳаракат этиш, рост йўлга етишиш. Кушайрий таъбирига кўра, «Истиқомат қароматдан устун эрур».

ИСТИФРОҚ – ғарқ бўлиш, бирор нарсани бошдан охиригача эгаллаш, ишғол этиш. Сўфийликда Аллоҳдан бошиқа ҳамма нарса билан алоқани узиб важд ва ҳолга таслим бўлишдир. Валоят мартабасидан кейинги ҳол. Истиғроқнинг даражаси учдири: 1. Илмнинг ҳолга истиғроқи. 2. Ишоратнинг каشفга истиғроқи. 3. Шавоҳиднинг жамъда истиғроқи.

ИШОРАТ – илоҳий маънога дахлдор бўлгани боис сўз билан изоҳланмайдиган ва сўзловчи сир сақлайдиган ҳақиқатлар. Абу Наср Сарроҷ бундай деб ёзганлар: «Бирор келиб «Ишорат недур?» деб сўрайдиган бўлса, унга шундай жавоб берилур: «Ишорат – Аллоҳнинг «Табора-каллазий» оятидаги «аллазий» лафзи кабидир. Аллазий – киноятдур, киноят эса латофати туфайли ишорат янглиғдир. Ишорат – фақат аҳли илмнинг улуғлари идрок айлай оладиган бир нарсадир». Тасаввуф тили ишорат тили, дея зътироф этилгандир. Шунинг учун Абу Али Рўзборий, «Бизнинг илмимиз ишорат эрур. Иборага кўчгач, ғойиб бўлур», деганлар.

ИШҚ – тасаввуфда ҳусни Мутлақа бўлган шиддатли севги. Ваҳдати вужуднинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллисининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ва мазҳарлари зоти билан ўхшаш. Ҳақнинг илк зухурига «Ҳақиқати Муҳаммадия» дейилган. Ишқ илоҳдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир Рӯҳ соҳибиға хос.

Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ - ҳусни мутлақа, мажозий ишқ эса одам ва олам гўзалигига ошиқлик эрур.

- К -

КАВН – бор бўлиш, бирор бир нарсанинг борлиги. Бутун мавжудот.

КАРОМАТ – икром, шараф, карам, лутф ва эҳсон демак. Каромат – пайғамбарлик даъвосидан йироқ бўлган одамда фавқулодда ҳолатнинг зуҳурланиши ёки руҳий тажриба билан боғлиқ ҳайратланарли воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши. Каромат иккита бўлинган: биринчиси-каромати кунния. Иккинчиси – каромати илмий. Булар «қавний» ва «ҳақиқий» деб ҳам аталган. Қавний кароматлар – қисқа фурслатларда рўй берадиган фавқулодда ғайритабиий ҳодисалар. Масалан: ҳавода учмоқ, денгизда юрмоқ, инсоннинг күш ёки бошқа жонзотга айланиниши, қушга ўхшаб парвоз қилиши шулар жумласидандир. Ҳақиқий каромат эса - илм, ирфон, маърифат, ибодат, ахлоқ ва инсонлиқдаги устунлик ва шу устунликдан юзага келган турли шакллардаги ҳодисолар. Тасаввуф аҳлининг эътиқодига кўра, асл каромат – каромати илмий ҳисобланади. Шунинг учун ақл ва маърифтигининг кучига ишонган одамлар каромати куннияга иштибоҳ билан қараганлар.

КАШФ – ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш.

КИМЁ – тасаввуф истилоҳида борга қаноат айлаб, йўғига умид боғлаш ва орзу қилишдан кечиш. Беҳуда хаёлларни тарк ишламиш. Ёмон феъллардан йироқлаштириб, яхши сифатларга пристигириш тарзida нафсни гарбиялаш кимёи саодат эрур.

КЎНГИЛ – анъанавий ҳаёт манбай, Ҳақ нури жамонини кўрсатадиган кўзгу. Айрим сўфийлар кўнгилни Каъблдан ҳам устун қўйганлар.

- Л -

ЛАДУН – ғайб илми, илоҳий асрорни ўргатувчи илм.

ЛАТИФА – нозик, юмшоқ, инжа. Ниҳоятда нозик маъ-

нони ифодалайдиган, англаш мумкин, аммо сўз билан айтиб бўлмайдиган ишорат. Завқий илмга ўхшаш илм.

ЛАТОЙИФИ СИТТА – нафс, қалб, руҳ, сир, хафий, ахфо.

ЛАТОЙИФИ ХАМСА – беш латифа демак. Инсонга оид манфух руҳнинг беш турли кўриниши бордир: қалб, руҳ, сир, хафий, ахфо. Булар амр оламига мансуб, халқ оламига оид «нафс» латифаси ҳам бор. Улар бир-бирининг ичида яширган. Кейингиси олдингисига нисбатан латифдир. Ҳар қайси латифа пайғамбарлардан бири эришган маънавий ҳақиқатларни тамсил этар. Қалб латифаси Ҳазрат Одамга, руҳ Ҳазрат Иброҳимга, сир Ҳазрат Мусога, хафи Ҳазрат Исога, ахфо эса Ҳазрат Муҳаммад алайҳисса-ломга нисбатан берилган. Уларнинг ҳар бири бир рангта эга. Қалб сариқ, руҳ қирмизи, сир оқ, хафий қора, ахфо япил рангдадир.

- М -

МАВТ – ўлим, нафсни туб илдизи ила ҳаво-ю ҳавас заминидан ажратиб ташламоқ. Чунки ҳаво-ю ҳавас нафснинг жони эрур. Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Усули ашара» рисоласида бундай ўлимни беш турга ажратиб кўрсатгандар: 1. Мавти иродий – инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши, яъни фанои куллийга етишиши. 2. Мавти аҳмар – «қирмизи ўлим». Бу – нафснинг истакларига қарши тура олиш, чидамда уларни бартараф эта олиш демак. 3. Мавти абяз – «оқ ўлим». Очлик йўли билан нафс ва таъмани забун айлаш. Шунда кўнгил покланниб, шаффоффлик, яъни оқлик касб этади. 4. Мавти ахзар – «яшил ўлим». Ямоқдан кийим тикмак ва киймак. Чунки янги ва чиройли кийим ўзгаларнинг диққатини жалб қилурки, бу шуҳрат нишонаси ҳисобланади. 5. Мавти асвад – «қора ўлим». Бу қайгу ва мусибатларга таҳаммул этиш, халқу ҳайлийиқнинг ҳар қандай жабру жафосига чидашдир.

МАИЙЯТ – баробарлик, тенглик, бирор бир буюк кишининг амрларига итоатда бўлиш. Аллоҳга яқинлик мақомига юксалиши.

МАЛОМАТИЙЯ – тасаввуф заминида пайдо бўлиб, Ҳамдун Қассор томонидан асос солинган (қассорийя деб ҳам аталган) бир маслак оқими. Бу маслак вакиллари нафси қийнаш, ўз нафсига тинимсиз ранж етказиш, бошқаларнинг таъна-маломатларини қувонч ила қаршилашни кўникмага айлантирганлар. Улар улуғликдан, даъводан, ўзни кўз-кўз қилишлардан, ҳалқнинг олқиши ва эҳтиромини қозонишни баразидан бутунлай фориг бўлишган. Сўхравардийнинг эътирофи бўйича, «ҳақиқий маломатий томирларида ихлос завқи жўшган, том маъноси ила сидқ ва садоқатга эришган бир кишидир».

Маломийларнинг эътиборга молик хусусиятларидан бири – дунёга таҳқир кўзи ила боқмаслик ва тарки дунёчиликка ундумаслик бўлган. Улар тужжорлик, ҳунармандлик ишлари билан шуғуланишган. Уларнинг орасидан садри аъзамлик, шайхулисломлик каби муҳим ҳукумат мансабларини эгаллаган кишилар етишиб чиқсан. Маломийни ҳаммадан ортиқ чўчитадиган нарса риё ва кибр эди. Нажмиддин Кубро ўз тариқатини яратишда маломатийлик маслаги ва тажрибаларига ҳам асосланган.

МАЪРИФАТ – ақлу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегисли илм-ирфон. «Кашф ул-махжуб» муаллифи нинг айтишича, фуқаҳо сингари бошқа кишилар ҳам Аллоҳ ҳақидағи илмга «маърифат» номини берганлар. Тариқат шайхлари эса Аллоҳ хусусидағи сиҳатли ҳолни «маърифат» дея атаганлар. Ва шунга кўра, «Маърифат илмдан кўп карпа устундир», деганлар. Имом Фазолийнинг таъкидига кўра, «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади».

МАҚОМ – манзил, марҳала, маънавий мавқе, марта-ба, тўхтам. Қушайрийнинг айтишича, мақом қулнинг такрор асосида сифат ҳолига етказган одоби ва ахлоқидир. Мақомга риёзат, мужоҳада ила эришилур.

Тавба, вараъ, зуҳд, факр, сабр, таваккул, ризо – бу-

лар тариқат мақомлари эрур. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараң мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айни шу тартибда давом этади.

МЕҲНАТ – заҳмат, машақат, қийинчилик, ранж ва азоб.

МОСИВО – Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса касрат демаклар. Ваҳдати вужуд маслагидаги ошиқлар, умуман, Ҳақ қуллари Худодан бошқа бир борлиқ мавжудлигини тан олмайдилар. Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ – Аллоҳ борлигининг тасдиги ва далиллари дидир. Тариқатчи шоирлар «ғайр», «сиво», «давъо», «ёлғон», «ағёр» каби атамаларни ҳам мосиво маъносида татбиқ қилганлар.

МОУМАН – бу оламга дохил ташвишлар, манлик даъвоси, маънавий-руҳий бугунилликка эриша билмаслик.

МУЖОҲАДА – нафсни вужудий мешақатлар ила қийнаш, ҳаво ва ҳавасста қатъяян қарши курашиш.

МУЗОҲАРА – мужоҳадага киришган соликнинг шу мужоҳададан кейин важдли руҳга мазҳарияти, руҳнинг Аллоҳга мутглақо таслим бўлиши ва дунёни тарқ қилиши.

МУКОШАФА – кашф йўли ила билиш, авлиёуллоҳнинг қалбида гайбий сирларнинг очилиши. Музоҳара мақомидан кейин, яъни солик узоқ бир мужоҳададан сўнг етишадиган мақомдир.

МУРАФФАҲУЛ ҲОЛ – тинч, хотиржам, роҳатли, осойишта ҳол.

МУРИД – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутглақ иродасига бўйсундирган ва сулук маргабасини эгаллаган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

МУРОҚАБА – мушоҳада, бирор нарсага диққат ила нигоҳ ташламоқ, худо фикрига берилиб, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майлардан фориғ бўлмоқ. Тасаввуфда муроқаба икки хилга ажратилган: бири авомнинг муроқабаси бўлиб, бунда Ҳаққа толиб киши Аллоҳнинг амрларини адо этади. Унинг ўз аҳволидан огоҳ ва талабгор эканини англаб, айни шу мулоҳазадан ғофил қолмайди. Иккинчиси – муроқабаи ҳавос. Бунда солик жазбан муҳаббат билан ҳусни

мутлақнинг сири бўлган аҳадиятини давомли тарзда барча ашёда муноҳада ва мулоҳаза қиласи ҳамда шу жараёнда ашёни тамоман эсдан чиқаради. Айни ҳолда Аллоҳ таолонинг анворига назар айлаб, асрорига муроқиб бўлади.

МУРОҚИБ – муроқаба этувчи, ўзлиқдан халос бўлган, Аллоҳга боғланган киши.

МУРШИД – тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо.

МУРШИДИ КОМИЛ – Ҳаққа етишган, фанофилоҳ мартабасига юксалган вали.

МУСОМАРА – Ҳақнинг қулга пинҳона сўз айтиши, яширин хитоб. Орифларга зуҳур бўладиган нидо.

«МУТУ ҚАБЛА АН ТАМУТУ» – «Ўлмасдан бурун ўлинг!». Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тарақкий топишида Мухаммад пайғамбарнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «Ўлмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис ана ўша ҳикматлардан бири эди. Сўфий ориф, эран, абдол – хуллас, Ҳақ ошиқлари учун ушбу ҳадис ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айлангандир. Шу боис Аҳмад Яссавийнинг айрим ҳикматлари шу ҳадиснинг шеърий таърифи ўлароқ яратилган бўлса, баъзи ҳикматларда ундан айни шаклда фойдаланилган. Имом Раббоний «... ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча муқаддас зотга етишмак мумкин бўлмас... Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк одимдир ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражаси эрур», - деган. Шунинг учун ҳам Ҳақ таолонинг хос одамлари сайру сулуқда ишни «ўлмасдан бурун ўлиш»дан бошлапцган. Ва бу муроқаба тарзида амалга оширилган бўлиб, унинг ижро шаклини Мухаммад Нурий Нақшбандий шундай тасвирлайди: «Ҳақ йўлчиси солик муроқаба билан машғул бўлиб, бутунлай шахсий истакларидан кечар. Ақлига келган нарсаларни бир ёнга сурниб, фикрлашдан ҳам тўхтар. Шу ҳол ила вужуд аъзоларини жонсиз ҳисоблаб, кўзларини юмар... Айни шу аҳволда гўё ўлим ҳукми келгану у бу фоний дунёни тарк қилган.

Шундан сўнг солик ўзини қабрда тасаввур этар. Орадан маълум замон ўтиб, жасад ва суюклари ҳам чириган. Вуҷуд тупроққа қоришиб кетган ва ундан ҳеч бир ному нишон қолмаган... Ана шундай муроқба энг ози билан бир, ўртача икки, кўпи билан уч соат давом топар. Шунинг оқибатида эса «Ўлмасдан бурун ўлинг!» амрининг сири очилар.

МУҲАББАТ – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири, яъни ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқлар ила севгилига яқинлашмоқ, унга лойиқлик.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғда бўлганидек, диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи-ю дарахти ҳам муҳаббатdir.

- Н -

НАФАС – 1. Тирикликни таъминловчи нафас, яъни ҳаво. 2. Дам, фурсат, лаҳза. 3. Муршиддан етадиган файз, ишқ ўтида ёнган қалбнинг фараҳланиши. «Рисолаи Қушайрий»-да ёзилишича, «Нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра кўп нозиктаб ва покизадур. Шу боис вақт соҳиби мубтадий-дир (бошлангич ҳолда). Нафас соҳиби мунтаҳидир (охирги марҳалада). Ҳол соҳиби эса шу иккиси орасида бўлур... Вақт қалб соҳибларига, ҳол руҳ соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир».

Сўфийлар Ҳақ таоло билан ўтган нафасларни ибодатларнинг энг аълоси ва фазилатлisi деб ҳисобламишлар.

НАФС – ўзлик, руҳ, зот. Сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «доя»лик қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларча, нафс – золим, шум, гушна, чиркин, калтабин. Тасаввув аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар: 1. Нафси аммора: инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс. 2. Нафси лаввома: бад ишлардан пушаймон қилувчи, терғаш, парҳезликка қодир нафс. 3. Нафси мулҳама: илоҳий йўл-йўриқлар ва жозибага илҳомлантирадиган

нафс. 4. Нафси мутмаинна: иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс. 5. Нафси розийя: Аллоҳдан рози нафс. 6. Нафси марзийя: Аллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс. 7. Нафси софийя: қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс. Сўфийлар назарида, нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир «занжир». У одамни Ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу боис нафсга ҳоким бўлмоқ керак. Уни янчмоқ учун ранжу меҳнат камлик қиласи, жиҳод лозим. Бу жангда эса Аллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шартдир.

НИЁЗ – ҳожат, эҳтиёж, истак, туҳфаи дарвешона, ҳадя, эҳсон маъноларини билдирур. Тасаввуфий истилоҳ сифатида кичикнинг каттага саломи ва дуоси мазмунини англатади.

НУБУВВАТ – пайғамбарлик. Тасаввуфда Аллоҳдан етган таблиғ, Ҳақдан келган хабар, малакдан келган илоҳий билим. Фаззолийнинг шарҳлашича, «Нубувват хос инсонлар ҳолларидан бир ҳолдурки, шу ҳол ичида инсонда маънавий бир кўз очилар. Бу кўзда бир нур бўлиб, у нур-ла гайбни ва ақл идрок эта олмайдиган нарсаларни кўришга еришилур».

НУР – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. Ан-Нур Асмойи Ҳуснадан бири. Аллоҳнинг зоҳир исми билан тажаллисига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадиган вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний или юзага чиқиши ва қалдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий воридотга ҳам нур дейилган.

- О -

ОБИД – ибодат қилувчи. Ибн Синога кўра, «дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимсага зоҳид; нафл ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган кишиига обид дерлар. Обидларнинг ибодатлари – намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, ҳажга бормоқ, нафсга даҳлдор орзу-ҳавасларни енгиб, таркидунё қилиш орқали охиратни севмоқ. Обидлар бир-бирини ранжитиб, бир-бирига озор етказгани учун улар авом тоифасига нисбат берилган. Шу-

нингдек, уларниң табиатида кибр, ҳасад, хусумат, фисқ ва ғанимлик сингари иллатлар ҳам тез-тез қўзга ташланиб турган. Зеро, обид шубҳа ва даъво одами эрур. Ибн Ҳанбал «Олимнинг обиддан устунлиги ойнинг юлдузлардан устунлиги қабидир», демиш

ОГОҲ – воқиф, ориф, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолни англовчи, тўғри йўлга тушган Ҳақ одами. Қалб кўзи очиқ валий.

ОЗОД – дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай боғлиқликдан қутулиб, маънавий ҳурриятта эришган инсон. Тўла маънодаги эркин одам.

ОЙНА – Ҳақни мушоҳада этишга восита бўлган мавжудот. Инсони комилнинг кўнгли.

ОЛАМ – дунё, жаҳон, коинот, борлиқ. Тасаввуфда Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсага олам дейилмиш. Ва бир неча олам тушунчаси илгари сурилган. Булар:

ОЛАМИ АМР – ҳеч қандай сабабга боғлиқ бўлмасдан яратилган олам. Малакут олами ҳам шу оламдандир. Амр олами билан ҳалқ олами орасидаги фарқ унинг лаҳзада бор бўлганлигидадир.

ОЛАМИ АРВОҲ – руҳлар олами. Вужуд таайюни соний ва воҳидият мартабасидан кейин руҳлар мартабасига етади. Бунда ҳар руҳ ўзини ва ўзининг мабдаи бўлмини Ҳақни идрок қиласди.

ОЛАМИ ДУНЁ – дунё олами демак. Ҳақ бу оламга инсон воситаси ила назар ташлар. Бунга вужуди шаҳодат ҳам дейилган.

ОЛАМИ КУБРО – буюк олам. Зоҳиран буюк олам коинотдир. Кичик олам эса инсон. Дарҳақиқат, коинот инсонда мужассамлашгандир. Зеро, инсон бутун оламларнинг аслидир. Инсон зоҳиран кичик, ҳақиқатда эса улуғ оламдир.

ОЛАМИ СУФРО – кичик олам. Бу олам эса инсондир.

ОЛАМИ ҲАЛҚ – яратилган олам. Сабабга боғлиқ равишда вужуд этилган олам. Шаҳодат олами ҳам шу гуруҳдандир.

ОЛАМИ ШАҲОДАТ – кўринадиган, зоҳирий олам. Парчаланиши ва бўлининиши қабул этилган жисмларнинг

шакллари ила зоти мутлоқнинг хорижда зуҳур айлаши. Шунинг учун бу оламга «олами кавну фасод» ҳам дейилган. Чунки унда жисмларнинг шакллари бир томондан вужуд топади, иккинчи ёндан бузилади. Бу олам олами мулк, олами носут, олами ҳис, олами аносир, олами афлоку аижом, олами маволид ҳам деб юритилган.

ОРИФ – ирфон соҳиби. Том маънодати ҳақиқунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон туйғуларга асосланади. Ориф бўлмоқ учун китобий билимлардан беҳад юксалмоқ керак. Ориф Аллоҳ томонидан баҳш этилган «Ладун» ишорати билан унинг мавжудлигини идрок этади ва мавхум борлиқдан кечиб, тангри борлиғи билан умр ўтказади.

ОШИҚ – ишқ тутқуни, Ҳақ ишқига мубтало Аллоҳнараст. Ибн Арабийнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ қўйидаги сифатлар соҳиби бўлиши керак: «мағтул»лик, күш каби парвоз эта олиш, доимо бедор яшаш, ғам ва қадарларни пинҳон сақлаш, тарқидунё этиш, кўп дарду изтироб чекиш, маъшуқани эслашдан тўхтамаслик, ўзидағи фазилатларга ортиқча аҳамият бермаслик, севгилига итоат этиб, унга қарши борищдан қочиц, нафсдан батамом халос бўлиб ҳар қандай ҳолатда ҳам сабрли бўлиш, қалб жунунинг етишиш, маъшуқасини ҳатто ўзидан-да қизғаниш...

- Р -

РАЖО – Аллоҳдан умидворлик. Сўфийнинг дийдор ва жамол томошасига умид боғлаши.

РАЙН – қалбнинг кирланиши, занглаши. Аллоҳ таоло буюрмиш: «Йўқ, аксинича, уларнинг қилаётган ёмонликлари қалбларини кирлатмишдир» (Мугаффифин, 14).

РАМЗ – сўз зоҳирининг замирида яширингандан ахли дилдан ўзга киши англай олмайдиган яширин маъно.

РАҚИҚА – руҳоний латифа.

РИЁ – иккюзламачилик, соҳтакорлик. Ҳақ ризоси учун қилинмаган ихлоссиз ишлар. Самиимиёт ибодатлар.

РИЁЗАТ – меҳнат-манаққат тортиш, ранж чекиш. Оз ейиш, оз сўзлаш, оз ухлани ва хилкотга чекиниш ила нафси тарбиялаш. Нафс орзуярини йўқотиш

РИЖОЛ-УЛ ФАЙБ – тасаввуфий маслақда дунёни бошириш ва идора этишлари қабул қилинган валилар жамоаси рижол-ул файб деб аталган. Ва улар файб эранлари, рижолулоҳ, мардони Худо, мардони файб, хукумати маънавия деб ҳам юритилган.

Оламни идора айловчи ушбу хукумати маънавиянинг бошида «кутб» турган. Кутб аслида тегирмон тошининг ўқи демакдир. Тегирмон тоши бир ўқ атрофида айлангани сингари, оламнинг меҳварини ҳам кутб ташкил этар. Кутбга «ғавс» (мададкор), «ғавс-ул аъзам» (энг буюк ғавс), «кутб-ул ақтоб» ҳам дейилмиш.

Аҳди Ҳақ тасаввури бўйича, қутбнинг икки томонида икки имом бўлган. Ўнгдагиси мадаклар оламини, чап томондагиси мулк оламини бошқарган. Кутб вафот этгач, сўл ёқдаги имом унинг ўрнини эгаллаган. Ундан анча кейин «автод» (тирик, таянчлар) дейилмиш тўрт валига навбат келмиш.

Булар дунёning тўрт жиҳатига масъул этилган бўлишса, «абдол» ёки «ахёр» отлиф етти вали етти иқлимга раҳнамолик қилишган. Навбатдаги сафга мансуб ва «нужабо» дейилган қирқ вали эса халққа ёрдам кўрсатиб, оғирини сингил қилиш билан машғулдирлар. Одамларни кузатиб, амалларини текширадиган уч юз валига «нуқабо» дейилган. Халқ орасида ишлатиладиган учлар, еттилар, қирқлар ҳам шу уч юз валиданурлар. Ҳужвирийга кўра, бу уч юз валидан ташқари яна тўрт минг кишилик валилар жамоаси мавжуддирки, буларнинг вали эканликларини ҳеч кимса, ҳатто уларнинг ўzlари ҳам билмайдилар. Агар рижол-ул файбдан бирори вафот этса, олдинги табақага мансуб валилардан бири унинг ўрнини эгаллар, унинг ўрнини бошқа табақадан яна бири олар ва ниҳоят ўрин алмашинишга «нуқабо» ҳам иштирок этар.

Мазкур тушунчага кўра, дунёда доимо бир қутб мавжуд бўлар ва дунё қутбсиз қолмас.

Рижол-ул файб бир-бирларини яхши танирлар, фақат ўзгалар уларни билавермаслар. Бу жиҳатдан тариқатларда ўзи мансуб тариқат асосчисини қутб қабул қилиш (унга нисба-

тан муҳаббат туфайли) одат тусига кирган. Умуман, тариқат вакилининг назарида ўша тариқатнинг шайхи қутб эрур.

РИЗО – розилик, хушнудлик, мамнунлик. Тасаввуфда Аллоҳ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Зуннун Мисрийга кўра, «Ризо - қайғу ва қадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ». Рувайм бин Аҳмад ал-Бағдодий эса ризони инсонга қисмат этилмиш балолардан лаззатланиш истеъоди, дея таърифлайди. Мавлоно Фузулий:

Ё Раб, балойи ишқ ила қил ошно мани,

Бир дам балойи ишқдан этма жудо мани,

деганида, бу ўткинчи дунё ҳирсу ҳавасларидан кўнгилни бутунлай поклашни назарда туттган эди. Зоро, Жунайд Бағдодий қайд этганидек: «Ризо қалбларда восил бўлган илмнинг мустаҳкам ва саҳиҳ бўлишидир. Қалб илмнинг ҳақиқатига юзлангач, илм уни ризога йўналтирас».

Ризо масаласида сўфийлар хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирганлар. Абдулкарим Кушайрий шундай деган: «Ироқлик сўфийлар билан хуросонлик маломатийлар ризо ҳолми ёки мақомми деган масалада мунозарага киришидилар. Хуросонликлар дедиларки, ризо мақомлар жумласидандир, таваккулнинг ниҳояти эрур. Бунинг маъноси, ризо қулнинг ҳаракати ва интилиши билан эришиладиган нарсалар тоифасидан демак. Ироқликлар эса бундай дейдилар: «Ризо - ҳолларга мансуб. Кул бунга меҳнат, машақкат билан етиша олмас. Аслида, ризо дастлаб қулнинг интилиши ила қўлга киритилар. Ушбу ҳолатга кўра, у сайри сулук мақомларидан бири ҳисобланади».

РОБИТА – алоқа, боғланиш, занжир, тартиб ва қоида. Нажмиддин Куброга кўра, ирова тобланиб, «толибдаги са-мимият ҳам кучта тўлса, ҳиммат соҳиби ила матлуб орасида (моддий ва маънавий) робита майдонга келур. Бу робита ё ижод ва пайдо айлаш, ёки ихфо ва йўқотиш шаклида воқе бўлур».

Аллоҳ ила солик ўртасидаги робита илоҳий нурдир. Ана шу нур соликни само билан боғлар. Шунда у гоҳо «самодан қалбига тўғри инган ва ўзи ҳам боғланган занжир кўрурки, бу Аллоҳнинг ипидир». Бунгача мурид муршиднинг ру-

ҳониятидан файз олишига ишониб, комил шайхнинг сувратини тасаввурда жонлантира билиши, дастлаб пирга, сўнг пайғамбарга, ниҳоят, Аллоҳга фано бўлмоғи лозим. Робита икки қисмдан иборат: «робитаи муҳаббат» — ишқ ила шайхни хотирлаш; «робитаи талаббус» — муриднинг ўзини баъзан шайхи қиёфасида тасаввур этиши.

РУҲ — илоҳий бир нафас ва Аллоҳнинг амрларидандир. Ҳақнинг тажаллийсидир. Руҳ, наботий руҳ, ҳайвоний руҳ, инсоний руҳ ва изофий руҳ дея бир неча турларга ажратилган. Сўҳравардийнинг ёзишича, «Руҳи ҳайвоний қалдан қайноқланган, ҳис ва ҳаракат кучини ифодалайдиган латиф бир жисмдир... Туйғу аъзолари кучини шу руҳдан олур». Фазолийта кўра, руҳнинг сифатлари завқ, тамиз, басират, гафлатдан фориглик, сироят қуввати ва ашёлардан туғиладиган ғам-аламларни ҳис этмасликдан иборат эрур.

РУЪЯТУЛЛОҲ — Аллоҳни ва тажаллиларини қалб кўзи билан сайр айлаш, мъянавий оламни томоша қилиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш.

- С -

САБР — чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устиворлик. Тасаввуфий тушунчада сабр — инсоннинг яхши ва ёмон ҳолатларнинг барчаси Аллоҳ томонидан берилганини англаши ва шунга тан бериши. Яхши ҳоллар учун шукр, ёмон ҳоллар учун ишқоят қиласлик сабрнинг шартларидандир.

Имом Фаззолийнинг уқтиришича, сабр уч нарса ила камолотга етади. Биринчиси — илм, иккинчиси — ҳол, учинчиси — амал. Сабр қилувчилар уч тоифадир: 1. Мутассаббир, яъни зўрма-зўракилик ила сабр қилувчи, сабрда бесабрликка ён берувчи. 2. Собир — сабрли, сабрига содик киши. 3. Саббор — ўта сабрли.

Собирлик уч мақомдан таркиб топган: нафс ва шахватларни тарк этиш; қазога ризо; яхши-ёмондир, ширин-аччиқдир — Аллоҳдан келган ҳар бир нарсани хушнудлик ва ишқ ила қабул қилиш.

«Рисолайи Кушайрий»да шундай дейилган: «Сабрнинг икки нави борлигини билиш лозимдир. Обидларнинг сабри

ва ошиқларнинг сабри. Обидлар сабрининг гўзал кўринишни – сабрнинг тантдиллик ва шикоятдан фориғ бўлиши. Ошиқларнинг энг гўзал сабри изтиробдан холиликдир»

Адаб эътибори ила сабр олти қисмга ажратилган: 1. Сабри лиллоҳ. Бу энг заиф мартабадаги сабрdir. 2. Сабри биллоҳ. Аллоҳ қудрати билан эришиладиган сабр. 3. Сабри Аллоҳ. Аллоҳнинг ҳиммати билан бўладиган сабр. 4. Сабри филлоҳ. Аллоҳ йўлидаги сабр. 5. Сабри маоллоҳ. Илоҳий сирлардан воқиф, огоҳ кишиларнинг сабри. 6. Сабри аниллоҳ. Аллоҳга вуслат айлапдан ҳосил бўлажак сабр. Бу – сабрнинг энг юқори даражаси эрур («Гулзори сўфия», 52-бет).

Сабр дейилганда авом кимсалар йўқчилик, қийинчилик ва кулфатларга бардош кўрсатишнигина англайдилар. Аслида, сабрнинг энг қийини – шодлик, хуррамлик, омад, бой-бадавлатлик асносидаги сабр ҳисобланади. Бу ҳақда Имом Фаззолий шундай деганлар: «Ҳақиқий хунар оғият ва тўкинчиликда сабр этишни англашдир. Бунинг сабри улардан, шодланиб кўнгил бермаслик – ҳамма-ҳаммаси кишининг қўлида омонат эканини ва бир зумда йўқ бўлишини билмакдир. Шунинг учун дунёнинг ҳеч бир нарсасига дилни боғламаслик лозим... Йўқсилликдаги сабр бир жиҳатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликдаги сабр тамомила бир ирода ишидир...»

Сабрда сўз ва амал заррача бўлсин бир-биридан йироқлашмаслиги ва ажралмаслиги зарур.

САЙР – тариқатда тариқат асосчиси бино эттан усул доирасида маънавиятнинг юксалиши, руҳий камолотга етиштирувчи саёҳат.

САЙРИ АНИЛЛОҲ – сайру сулукнинг тўрт мартабасидан охиргиси. Бу сайр ваҳдатдан касрат томонга бўлган сайрdir.

САЙРИ ИЛАЛЛОҲ – сайри сулукнинг илк мартабаси, сафари аввал. Соликнинг зикр йўли билан Ҳақ таолога уруж айлаб, асмоуллоҳ мартabalаридан исми ҳақиқийга восил бўлишидир.

САЙРИ МАҶАЛЛОҲ – сулукнинг учинчи мартабаси. Соликнинг ҳар мартабада Аллоҳ билан сайрга етишиши.

САЙРИ ФИЛЛОҲ – сайри сулукнинг иккинчи марта-баси. Сифатуллоҳ ила сифатланиш, асмоуллоҳ билан мутаҳаққиқ ва ахлоқуллоҳ ила мугахолиқ бўлиш, «уфуқи аъло» га етишиш, башарий сифатлардан фориенлик.

САҚР - САҲВ – сархушлик ва хушёрлик. Файбат ва хузур ҳолининг олий шакли. Сакр (ёки сукр) илоҳий ишқ майдан масти бўлиб ўзини унугтган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли. Саҳв эса бунинг акси: ўзини унугтанинг ўзига келиши, хушёр бўлиши, тамкин ҳолати, файбат ҳолининг зоил этилиши. Сакр ҳолисиз саҳв ҳоли ҳам бўлмас. Шунинг учун сакри Ҳақ билан бўлганинг саҳви ҳам Ҳақ билан бўлур. Сакри нафсоний лаззатларга қоришганинг саҳви ҳам бошқача бўлмас, дейилмиш.

Абдулкарим Қушайрийнинг таъкидлапича, «Кул сакр ҳолида ҳол шоҳиди (маънавий бир ҳол ила ҳузури илоҳий-дадир) биландир. Саҳв ҳолида эса илм шоҳиди (шариат илми талабларига кўра амал қилгувчи) биландир». «Кашф-ул маҳжуб»даги таснифга кўра, сакр икки турлидир: 1. Муваддат (дўстлик) шаробидан туғилажак сакр. 2. Муҳаббат қадаҳидан ҳосил бўладиган сакр. «Муваддат сакри ма-луддир. Зеро, у неъматни кўрмакдан юзага келур... Неъмат бергувчини кўрган ҳар бир киши Уни унинг-ла кўрур. Бу тақдирда ўзини кўрмас бўлур...» деганлар Ҳужвирий. Ул зот саҳвни ҳам «фафлат саҳви» ва «муҳаббат саҳви» дея иккига ажратиб, бундай ёзганлар: «Фафлат саҳви Ҳақ билан кул ўртасидаги энг катта ва энг қалин ҳижобдур. Муҳаббат саҳви энг очиқ қашф эрур...»

Сакр ва саҳв орасидаги асосий фарқ эса мана бундай: сакр ҳолида инсон ўзини тамоман унугтади. Ақлу ҳушни тарқ айлагани учун фано ва бақога доир билим ва тушунчалардан ҳам фориг бўлади. Чунки Ҳақ қулга жамол сифати билан тажалли этгач, у бундан сархуш ва сармаст бўлиб, «мен»ликдан йироқлашади. Саҳв ҳолида эса бундай эмас, инсон ҳамма нарсага ақл нигоҳи билан қарайди, ўзлигига доир тушунчалардан ажралмайди. Фақат буларнинг барчасига «фано» кўзи ила боқади. Чунки ҳақиқатда боқий бўлган ва боқий қоладигани ёлиз Аллоҳдир. Бошқаси ўткинчи ва йўқликка маҳкум эрур.

Сакр ҳоли инсонни тобелик, қарамлик, маҳдудлик туйгуларидан ҳалос айлаб, руҳий фаолликни таъмин этса-да, ақл ва иродага ён бермагани боис, Жунайд Бағдодий ва унинг издошлари сакрдан саҳвни устун кўйганлар. Ва сакр соҳибларининг ҳолатларини мақбул ҳам кўрмаганлар.

Ривоят этилишича, Мансур Ҳаллож Амр бин Усмон билан алоқани узгач, Жунайд Бағдодийнинг ҳузурига борибидилар. Жунайд: «Бизнинг ёнимизга нега келдинг?» деб сўраганида, Ҳаллож: «Шайхнинг сұхбатидан баҳраманд бўлмоқ учун», деб жавоб берибидилар. Жунайд эса: «Мен телбалар билан сұхбат қурмасмен. Сұхбат ақлнинг комиллигини талаб этар. Акс ҳолда оқибат салафларинг Маккий ва Тустарий каби бўлур», демиш. Ҳаллож: «Устод, саҳв ва сакр қулнинг икки сифати эрур. Қул башарий сифатларидан фориғ бўлар экан, Раббисидан маҳжуб қолур...» Жунайд: «Мансур, саҳв ва сакр ҳақида ғалат фикрдасен. Саҳв - Аллоҳ ила саломатда бўлиш ҳоли эрур. Сакр эса шавқ ва муҳаббатнинг жўшишидир. Буарнинг иккисига ҳам қасдан ва мажбуран эришиб бўлмас...»

Боязид Бистомий ва ул зотнинг тарафдорлари сакрни саҳвдан юксак ҳисоблаганлар. Уларнинг ақиласи бўйича, саҳв қул билан Аллоҳ орасида қалин парда бўлган ўша башарий сифатларнинг мавжудлигини таъминлайди. Сакр эса бу сифатларни йўқотиб, ихтиёр, тадбир, тасарруф сингари ҳижобларни ҳам ўртадан кўтаришга қодирдир. Айрим сўфийлар сакрни «султоний ҳол»нинг энг юксак камолта эришуви деб билганлар. Абдуллоҳ Даволийнинг «Гулзори сўфия»сида нафснинг воридоти файбия сабаби ила завқ ва сурурдан туғилган сакр - «сакри табиий», ишқнинг ғалабасидан юзага келган сакр - «сакри илоҳий» деб номланган.

САМОЪ – эшитиш, тинглаш; қўшиқ, мусиқа, рақс. Дарвешларнинг зикр мажлисларида давра айланиб, жўшиб рақс тушишлари. Мажозий мазмунда – важд ва соликлар ҳолати.

Абулқосим Бағдодийнинг таснифи бўйича, самоъ икки хилдир: 1. Сўз тингламоқ. 2. Куй тингламоқ. Самоънинг биринчи хилида бироз сўз тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ

олинади. Лекин бундай самоъ фақат поклик ва қалб ҳузури билан эшитилмоғи лозим. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг илк босқичларида ёқ мусиқа руҳнинг гизоси ва ризқи сифатида эътироф этилган. Руҳ озигига эришдими, у юксак мақомларга парвоз қилган. Имом Фаззолий ҳам «Маърифат соҳибларига самоъ руҳнинг озиғи эрур... Шунинг учун мусиқий завқни фақат нозик бир табиат ва соғ бир руҳ билан идрок айлаш мумкинdir», деганлар. Шаҳобиддин Сўҳравардий бундай ёзганлар: «Мусиқа айримлар учун - шифо; баъзилар учун - физо; бошқа бирорвлар учун эса қувончdir».

Самоъ уч ният билан тингланмоғи жоиз бўлган: севги, важд ва хафв. Самоъда нашъанинг уч аломати кузатилган: рақс, олқиш ва қувонч.

Абу Али ад-Даққоқнинг таъкидлашича, «Самоъ авом учун ҳаром. Чунки уларнинг нафслари ўлмаган, тириқдир. Зоҳидлар учун мубоҳ (руҳсат этилган). Негаки, улар нафсга қарши курашурлар. Ҳақ ошиқлари учун мустаҳаб. Чунки уларнинг қалблари тириқдир».

САФАР – қалбни Аллоҳга йўналтириш. Сафар тўрут турилдири: 1. Сайри аниллоҳ 2. Сайри филлоҳ 3. Сайри илаллоҳ 4. Сайри маъаллоҳ.

САФО – пок, бегаш, бекудурат бўлмоқ. Сафо – ҳақиқий содиқлар сифати. Сафонинг моҳияти қалбни ва хаёлни бегоналардан тўла-тўқис покламоқдир. Айрим сўфийларнинг ҳукм этишларича, «Сафо башарнинг сифати эмас. Зеро, башар кадар ва ноқисликдан озод бўла олмас». Сафо талабсиз бир ҳузур, таъмасиз вужуд ҳолидир. Бундай ҳолга эришган одам мутглақ шодлик ва поклик бағрида яшар.

СИР – яширин, пинҳон нарса. Тасаввуфда Аллоҳ ила кул орасидаги яширин ҳақиқат. Тил ила изҳор этилмас маъно. Руҳ – ишқ, қалб – маърифат, сир – мушоҳада манзили эрур. Сир инсон вужудидаги руҳга ўхшаш бир латифлик. Руҳ қалбдан устун бўлганидек, сир руҳдан устун мавқега эга. Сирни сирга улаш – илоҳий бирликка этишмоқликни англатади.

СУЛУК – тариқатга кириш. Аллоҳ тажаллийси учун қалб

үйини хорижий нарсалардан тозалап. Жаҳлдан илмга, ёмон феъллардан яхши ва гўзал хулқларга, ўз вужудидан Ҳақ вужудига томон ҳаракат айлаш.

СЎФИЙ – кўпчилик тадқиқотчилар бу сўз арабча «сүф»-дан келиб чиқсан бўлиб, юнг мато, ҳирқа деган қарорга келишган. Бошқа бир нуқтаи назарларга кўра, сўфий юнон тилидаги «сафос» – донишманд сўзидан олингандир. Бу сўзни соф – поклик, яъни ахлоқий тозаланиш ва руҳий камолот мазмунида тушунтирган олимлар ҳам бор. «Гиёс ул-лугот»да ўқиймиз: «Сўфий – хирқапўш, зероки, юнгни сүф дейилади. Фуқаронинг истилоҳида ўз дилига нигоҳ қаратган, хаёлини Ҳақдан бошқа нарсадан фориғ этган киши сўфий деб аталади».

Абулҳасан Али Ҳужвирийнинг шарҳлашибча, ҳирқа – пўшлар азалий софликка восил бўлганлардир. Бундан бошқа тиловат ва таваллочиilar гуруҳига ҳам сўфийлар дейилган. Жунайд Бағдодий таърифига кўра эса: «Иши фақат Худо билан бўлган, Вужуди мутлақнинг мавжудлигинигина тан олувчилар сўфийлар деб аталади». Сўфий сўзи, умуман, этимологик мазмундан маҳрум бўлиб, ундаги ҳарфлар психо-физиологик таассурот уйғотади, деган фикр ҳам мавжуд. Бу тушунчага кўра, сүф сўзининг ҳар бир ҳарфи аниқ маънени билдиради: «С» – самат, сафо, савм (парҳезкорлик); «в» – видоъ, вафо, вард; «ф» – факр, фикр ва фано».

- Т -

ТААММУЛ – чуқур ва теран мулоҳазаларга берилиш, кенг фикрлаш, диққат-ла муҳокама юритиши. Илоҳий ҳақиқатларни идрок айлаш ҳолатига етишимоқ.

ТАВАЖЖУҲ – юzlаниш, зеҳнни диққат ила бир нарсага қаратиши. Тасаввуфий моҳиятда таважжуҳ Аллоҳга юз бурмоқ, йўналмоқ ёки тушунчаларни Ҳусни мутлаққа тўлиқ тобе айламоқ демак. Таважжуҳда солик ўзлигидан кечмаган бўлса-да, шунга ҳаракат қилиши керак. Таважжуҳ важидан аввал юз берадиган ҳол саналади.

ТАВҲИД – луғавий маъноси бирор бир нарсани воҳид айлаш. Илмий истилоҳда эса Аллоҳнинг бирлигига ишон-

моқдир. Сўфийлар эътиқодида тавҳид Аллоҳнинг азал ва абадда событ ваҳдониятига ишончдир. Олимлар тушунчасида тавҳид эътиқодга тааллуқли бўлса, сўфийлар учун у мақсад, мушоҳада ва маърифат ҳисобланади. Биринчиси – билиш ва тасдиқ этишга асосланса, иккинчиси – завқий идрокка суянади. Йомом Фаззолий таърифига кўра, «Тавҳид шундай шарафли мақомдурки, таваккул, ризо, Аллоҳга таслимият ҳоллари ҳам айни шу мартабацинг меваларидир». Абдулоҳ Ансорий ҳазратларининг айтишича, «тавҳид – бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир». Диний адабиётда тавҳид – тавҳиди иймоний, тавҳиди илмий, тавҳиди ҳолий (яшаш тавҳиди), тавҳиди илоҳий каби турларга ажратилади.

Тавҳиднинг даражалари қуидагилардир: тавҳиди афъол – ҳар қандай сифатни Аллоҳдан деб билиш ва уларни ҳол назари билан кўриб, камолга етказиш; тавҳиди сифот – ҳар қандай сифатни Худодан деб англаш ва уни мукаммаллаштириш; тавҳиди зот – борлиқдаги ҳамма нарсани факат Аллоҳ вужудининг натижаси деб билиш.

ТАЖАЛЛИ – илоҳий файзнинг солик кўнглида зухур айлаши, гайб нурларидан пайдо бўлган ҳол. Тажалли икки қисмдир: 1. Руҳоний тажалли 2. Раббоний тажалли. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улухият тажаллиси. 2. Рубубият тажаллиси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммадга, иккинчиси Ҳазрати Мусога тегишлидир.

ТАЖРИД-ТАФРИД – бошқалардан узоклашиш, тоқ қолмоқ. Соликнинг зоҳиран молу мулкдан, ботинан зиддиятли фикр ва тушунчалардан ўзини халос айлаши. Тажрид молик бўлмаслик, тафрид эса мамлук бўлмасликдир. Тажрид қалбни мосиводан қутқариш, тафрид Ҳақни шаълига нолойиқ сифатлардан баланд тутиш; Уни фард, яъни қиёссиз, тенгсиз ўлароқ кўриш эрур.

ТАКВИН – бор этмоқ, ижод қилмоқ, бирор бир нарсани йўқлиқдан борлиққа чиқармоқ, Аллоҳнинг хос сифатларидан бири. Аллоҳ ана шу сифат ила ҳар қандай нарсани йўқдан бор, бордан йўқ этади.

ТАЛВИН – бир рангдан бошқа рангта ўтиш, бир ҳол-

дан бошқа ҳолга ўзгаришидир. Талвииининг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин бир манзилда қарор тоғмоқ, вазминлик ва руҳий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади.

ТАРАҚҚИЙ – юксалиш, илгарилаш. Бир ҳолдан иккинчи бир ҳолга, бир мақомдан бошқа бир мақомга кўтарилиш.

ТАРИҚАТ – йўл. «Шариат» ва «тариқат» сўзлари бошқа-бошқа ўзакдан яралганига қарамасдан лугавий маъноси бир, яъни йўл демакдир. Шу боис Юнус Эмро: «Шариат, тариқат йўлдир юрганг...» дейди. Лекин тариқат, шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. «Агар сўрасаларки, тариқат мақомти нечадур, айттил: тўрт юзу қирқ тўрттадир», дейди Ҳусайн Вонз Кошифий ва уларнинг барчаси тавба, хафв, жигол, сабрдан иборат тўрт мақомда жамланганини баён этади. Ул зотнинг фикрига кўра, ҳатто «тариқат» сўзидағи ҳар бир ҳарф солик зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), курб кўрсатмоқ (К) ва буткул таважжух (Т) каби мажбуриятларни юклагандир.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр – хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифлаган ушбу йўлнинг асосини зуҳд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида ҳам қаралган. Бу йўл - Ҳаққа етишишининг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр – яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл - нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланади. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ ҳалқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғриликдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби эрур.

3. Тариқи шуттор – ошиқлар йўли. Унинг иккинчи бир

номи – тариқи соирин. Бу – ишқ, мұхаббат ва жазба билан мақсадға эришиладиган йүл. Үнга юз бурган ёки кирған киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда күп мақомлардан ўтмоғи шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулук асосдир.

Хуллас, тариқат – инсонларни маҳсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат эса Аллоҳга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва мафкура йўлидир.

Тариқатларнинг ибтидоси ҳазрати пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафога бориб боғланадики, кейин уни икки буюк саҳоба – ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али давом эттирғанлар. Ҳазрати Абу Бакрга бориб боғланадиган тариқатлар сассиз, яширин ҳолатга, яъни зикри хуфияяга асосланган. Зикр ва дуоси очиқ ҳамда баланд овозда, жамоат ҳолида ижро этиладиган жаҳрий тариқатлар ҳазрати Алига нисбат берилган.

ТАСЛИМ – бош эгиш, таслим бўлиш. Аллоҳ амрларига тобелик. Файб оламидан келадиган нарсаларга рози бўлиш.

ТАСФИЯ – софланиш, покланиш, равнан бир ҳолга келтириш. Тасфияи нафс – нафсни чиркинлик ва ёмонликлардан фориф этиш демак.

ТАФАККУР – фикр, мұхокама этиши. Аллоҳнинг зотидан бошқа ҳамма нарса тўғрисида мушоҳада этиш. Абу Али Рўзборийнинг айтишича, тафаккурнинг тўрт шакли бордир: 1. Аллоҳнинг оят ва аломатларига доир тафаккур. Бу – мұхаббатни майдонга келтиради. 2. Унинг савоб ва жаннатга тегишли даъватларини тушунмоқ. Бундан рағбат ва иштиёқ ҳосил бўлади. 3. Унинг азоб ва жаҳаннамига даҳлдор ҳукмларини тафаккур айлаш. Бундан хафв, яъни қўрқув туғилади. 4. Аллоҳнинг эҳсони ва нафснинг жафосини мушоҳада этиш. Бу – Аллоҳдан андиша ва ҳаё ҳиссини юзага чиқаради.

ТАФАРРУЖ – сайр-тomoша. Сайри сулук мақомларида юксалган соликнинг улвий-суфлий, моддий ва маънавий барча оламларни сайр қилиши.

ТАФВИЗ – топшириш, бошқага юклаш, таслим, таваккул. Қулнинг барча ишларни Аллоҳга ҳавола айлаши ва унинг ҳар бир ишини күнгил хушлиги ила қабул этиши. Аллоҳга на тил, на дил ила мутглақо зътиroz қымаслик. Тафвиз таслимнинг, таслим эса таваккулнинг самари эрур. Шу боис ҳам тафвиз таваккулнинг мукаммал шакли ва орифларнинг сифати дея зъгироф этилган.

ТАҲЗИБ – тозалаш, поклаш, холис ҳолга етказиш, истрох айлаш; ҳам илм, ҳам амалда кусурларга барҳам бериш, яъни илмни жаҳолатдан, амални риёдан йироқлашибирмоқ.

ТУШ – уйқу пайтида зеҳнда юзага келадиган воқеа, ҳодиса ва тушунчалар демак. Сүфийлар тушни сайри сулукдаги илм ва қашф йўлларидан бири деб билғанлар. Ҳазрати пайғамбаримизнинг «Яхши ва солиҳ туш нубувватнинг қирқ олти жузъидан биридир», деган ҳадислари ва Қуръони каримдаги тушга доир оятлар бунга бош асос бўлган. Ҳазрати Иброҳимнинг ўғли Исмоилни қурбон қилишни тушида мушоҳада қилиши, туцда ўн бир юлдузнинг Юсуф пайғамбарга сажда этганилиги, Миср подшоҳи кўрган туш ва буларнинг тўғри чиқиши Қуръони каримда нақл этилган.

Имом Қушайрийнинг ёзишича, туш бир турли каромат эрур, унинг ҳақиқати эса бундай: «Туш қалбга етган хотир (маънавий хитоб) ва муҳаййила ила тасаввур этилувчи бир ҳолдир... Туш - инсонларнинг қалбларида яратилган ва ўрнашган нарсанинг тахайюл ва тасаввұф йўли билан идрок этилишидан иборат». Имом Фаззолийнинг зътирофлари бўйича эса, «Туш малакут оламининг энг ёрқин далилларидан эрур. Не ёзуқки, инсонлар қалб ва сирлардан ғофил қолганлариdek, тушнинг сирларидан ҳам бехабардурлар».

Тушнинг асосий сирларидан бири шуки, содиқ ва солиҳ туш кўрмоқ учун инсон, энг аввало, қалб поклигига етишиши ва тўла маънода ботиний тозаликка эришмоги шарт. Бу ҳақда Сўҳравардий ёзади: «Инсон кўнгли ва ич дунёсининг нағсоний ҳаво ва истаклар таъсири ҳамда дунё севгисидан

тозаланиши; кин, ҳасад, хасталиклардан фориғ бўлиши со-
диқ тушлар кўришининг қайноғидир...»

Қалб ойнаси кирланган, ҳасад, гийбат ва адоват тутун-
ларидан сийрати қорайган кимсаларнинг тушларида ҳеч
қандай хайр ва тўғрилик бўлмайди.

- У -

УБУДИЯТ – бандалик, қулиқ. Ибодатдан кўп карра
устун бир ҳол. Бу сўз ошиқнинг қуллигини ифодалайди.
Убудият аҳли қулиқни Аллоҳ жамолини кўриш учун дард
ва риёзат тортиш деб биладилар.

УЗЛАТ-ХИЛВАТ – машҳур сўфий Басрий демишидир:
«Тавротдан ёд олган калималарим мана шулар эди: «Ин-
сон фарзанди қаноат этди – бадавлат бўлди. Хилватга че-
кинди – саломат бўлди...»

Узлат ёки хилват ва унинг фойдаси ҳақида бошқа му-
қаддас китобларда ҳам фикр баён этилган. Чунончи, Қуръ-
они каримнинг «Аъроф» сурасида бундай дейилган: «Мусо
билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн
кеча билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорнинг (унинг учун
белгиланган) вақти комил қирқ кеча бўлди» (Аллоҳ Тур-
тоғида Мусога шунча муддат танҳо ибодат қилишни буор-
ди). Аллоҳ таолога муножот қилиш учун кетар экан, Мусо
акаси Ҳорунга деди: «Қавмим устида менинг ўринбосарим
бўлгин ва (агар улар ёмон амал қиссалар) тузатгин...»
(Аъроф, 142)

Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофига
кўра, хилват ва узлат Қуръоннинг ана шу ояти заминида
юзага келган. Шунингдек, ислом сўфийлари учун Мухам-
мад алайҳиссаломнинг Ҳиро тоғида ўтказган узлатдаги
ҳаёти, айниқса, ибрат ва намуна бўлган эди. Ҳазрати пай-
ғамбар ваҳий келгунга қадар ҳар йил бир ой одамлардан
бутунлай ажralиб, Маккай мухаррама яқинидаги ўша тоғ
бағридаги горда фақат Аллоҳ мушоҳадасига берилаш ва ибо-
лат қиласар эканлар. Пайғамбаримизнинг узлатдаги бу ибо-
датларини баъзи уламолар «ибодати тафаккур» десалар,
айримлари «зикруллоҳ эди», деганлар. Тасаввуф аҳли учун

эса хилватдан бош мақсад зикрulloҳ эрур. Зеро, улар хилватни Ҳақдан ҳақ илмини ўзлаштируммоқ, Аллоҳ ила унсиятни кучайтируммоқ, ишқдаги завқу сурурни жўш урдирмоқ деб билганлар.

Хилват – холи жой, танҳолик, ҳеч нимага боғланмаслик, дунёнинг хилма-хил ғалваларидан фориглик демак. Тасаввуфда эса бундай ҳолда шайх раҳнамолиги ва кўрсатмаларига биноан муриднинг махсус бир гўшада бекиниб, ибодат ва зикр ила Аллоҳ билан алоқа боғлаши англашилди. Камида қирқ кун давом қиласидан бу жараёнга «чила» ёки «арбайн чиқармоқ» дейилган. Хилват ва узлат тўғрисида бизда ҳанузгача нотўғри ва бирёқлама фикр давом этиб келади. Дин ва тасаввуф зинҳор ҳаётни батамом хилватда ўтказишни тарғиб этмаган. Узлат – ҳаётдан қочищ, турмушдан ажралиш, одамлардан безиш эҳтиёжи эмас, балки маълум муддат «касби камол ва сайри жамол» айлагандан сўнг руҳий камолот ила яна фаолиятда бўлмоқдир.

Хилват шартги бўйича, инсон танҳолик гўшасига беркинар экан, у «Бошқалар менинг ёмонлигим ва гуноҳимдан фориг бўлсинлар», дея ният қиласиги шарт саналган. Аксинча, «Мен одамларнинг шарорат ва гуноҳларидан ха-лос бўлурман», деган хаёлга борса, у кибру ҳавога берилган ҳисобланган.

Имом Фаззолий: «Хилват мағлубиятлардан қутултирадиган, кўз ва қулоқни муҳофаза қиласидан энг гўзал парда эрур» деганлар. Ибн Арабийнинг ёзишича, «Аллоҳ таоло ҳазратларининг неъматлари зиёда бўлишини истаган, асрори илоҳия ва Ҳақнинг жўмардлик хазиналаридан мавжудотдаги номутаноҳий (чексиз, битмас-тутаммас) сирларнинг тажаллисига талабгор бўлган киши, албатта, хилватга кириши ва зикрulloҳ айлаши шарт». Чунки хилват инсонга тубан ва чиркин қилиқ ҳамда ҳаракатлардан ха-лос бўлмоқ учун кенг имкон яратади. Хилватта чекинмоқ – тил ва дилни оғатлардан асрамоқ, кўнгилга зийнат, вужудга осойиш бермоқ, тафаккур ва муроқаба чегараларини беҳад кенгайтируммоқ демак.

Тасаввуфда хилват иккига ажратилган: биринчиси –

шариат хилвати; иккинчиси – тариқат хилвати. Шариат хилвати айб ва нуқсон саналмиш барча гуноҳу ёмонликлардан тавба қилишга асосланади. Бу хилватнинг шартларини ва одоб қоидаларини тўлиқ адо этмасдан тариқат хилватига юз буриб бўлмайди. Шаҳобиддин Сўхравардийнинг эътирофича, тариқат хилватидан мақсад бир талай гаройибот, ажойибот ёки кашфиётларга шоҳид бўлмоқ эмас, балки зикри илоҳийдан ўзга муродлардан холи бўлмоқ.

Баҳоуддин Нақшбанддан «Сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр, хилват ва самоъ бўлурми?» дея сўраганларидан, «Бўлмас!» дея жавоб берганлар. Лекин бу жавобдан нақшбандийликда хилват маслаги ва одати умуман бўлмаган, дея хулоса чиқармаслик керак. Нақшбандийликда ҳам икки турли - зоҳирий ва ботиний хилват бўлган. Бу тариқатта мансуб соликлар ҳақиқат сирларининг идроки учун ботиний хилват йўлини танлаганлар.

Шайх Жамолиддин дейдиларки, «ботиний хилват – ҳақиқий хилват бўлиб, у Ҳақ таолонинг сирларини мушоҳада этмоқдан иборат. Бу хилват нақшбандия тариқатига хосдир». Ботиний хилват зоҳиран, яъни жисм ва жасадда ҳалқ билан, ботинда – руҳ ва кўнгилда Аллоҳ ила бўлмоқ ҳолидир.

Хуллас, хилват ҳолати қалбга фавқулодда сокинлик, хотиржамлик бағишлайдиган бир ҳолат. Хилват – одамни олоннинг фикрсизлик фавқолари, жаҳолат ғалваларидан муҳофаза этадиган дахлсиз бир ибодаттоҳ. Ҳасан Басрийнинг бу тущунчани «Аҳмоқ бир кимсадан узоқ бўлмоқ, Аллоҳ таолога яқинлашмоқдир», дея шарҳлаганлари ҳам бежиз эмас. Ҳазрати Умарнинг: «Узлатдан насибангизни олингиз!» деган даъвати ҳанузгача аҳамиятини йўқотмаган.

УНС – яқинлик. Аллоҳ жамолини идрок айлаш билан қалбни фараҳ ва севинчга эриштириши.

- Ф -

ФАЙЗИ ИЛОҲИЙ – Ҳақ таолодан етгувчи файз. Иккисимга ажратилган: бири – файзи ақдас, иккинчиси –

файзи муқаддас. Даствабисига илм мартабаси орқали эришилур. Кейингисига ҳақиқат ва олий моҳият туфайли етишилур.

ФАНО – йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топишига фано дейилур. Фанонинг туб маъноси – қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарқ қилиб, Аллоҳнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий ирода-га кўчиши. Қушайрий фанони учта ажратган: 1. Илк фано – қулнинг ўзидан ва ёмон хулқ-атворидан фоний бўлиши. 2. Иккинчи фано – Ҳақни томоша айлаган қулнинг Ҳақ сифатларидан ҳам фоний бўлуви. 3. Учинчи фано Ҳақнинг борлиғида йўқ бўлган қулнинг ўз фаносини кўришдан ҳам фонийлигидир. Фано ҳолидаги ошиқ «мен»лигини унугиши билан тавҳидга соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори дараҷаси эса яна шудир. Фанофилоҳ эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши. Тасаввуфда фано фил ишқ назарияси ҳам яратилган. Бу назарияга кўра, кўнгил тасфияси ва руҳни даражама-даражада юксалтириш орқали фано фил ишқ марҳаласини эгаллаганлар ишқ, ошиқ ва маъшуқ бирлигига эришарлар. Яъни ишқ, ошиқ ва маъшуқ орасида ҳеч қандай фарқ ва ажралиш бўлмас. Бу – ишқнинг башарий ҳис-туйғуларни илоҳийлаштириши демак.

ФАРОСАТ – сезиш, ҳис қилиш. Тасаввуфда басират кўзи ила ғайбни кўриш, пинҳоний кашф айлашдир. Бошқача қилиб айтганда, руҳнинг илоҳий бир қувват билан англаб тафаккур этиши туфайли ғайбий маъноларни билишилдирики, бунга фаросати ақлия, кашфия ва илоҳия дейилган. Бу фаросатда хато ёки янгилишлик бўлмас.

Нажмиддин Кубро фаросат соҳибларининг мартабаларини тўрт асосий руқнга ажратиш мумкинлигини сўзлаб, уларни шундай таърифлаганлар: 1. Имон – авом савиясидаги мўминларнинг ҳолидир. Бу мартаба дарахтнинг баргига ўхшар. 2. Валоят – хос мўминларнинг ҳолидир. Бу мартаба эҳсон мартабаси ҳам дейилган. Дарахтнинг меваси каби Эрур. Чунки имон, илм ва амали солиҳдан мақсад мушоҳа-

да мақомига юксалмоқдир. 3. Нубувват – ахосул хавос. Бу меванинг айни ўзиҳир. 4. Рисолат – хулосаи ахос, яъни ўзининг ўзиҳир. Фаросатнинг биринчи ва иккинчи мартабаси касбий бўлиб, муҳоҳада ва ғайрат билан қўлга киритилади. Кейинги иккитаси ваҳбий, яъни Аллоҳнинг лутфи эрур.

ФАСЛ – маъшуқадан кутилган ёки орзу қилинган нарсадан айри тушмоқ, ажралмоқ. Мутасаввифларнинг айтишича, «Ким эришганини иддао этса, билсинки, у эришмагандир, балки ажралгандир». Зеро, «Васлсиз фасл, фаслсиз васл бўлмас» (Саррож).

ФАҚР – тариқатнинг тўртингчи мақоми. Фақир – шу мақомга мансуб киши. Иброҳим Бухорий Калободий факрга таъриф бериб: «Фақр – молинг бўлмаслик, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслик, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг Аллоҳдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди.

ФИРОР – қочиши. Ҳақдан узоқлаштирувчи ҳар қандай нарсадан қочмоқ. Фирор уч қисмдир: авомнинг фирори, яъни бунда жаҳддан илмга, жоҳиллардан олимларга, танбаллиқдан ғайратга фирор этилади; хавос фирмогир сирдан шуҳудга, русумдан усулага, нафсоний лаззатлардан илоҳий нажот маъвосига қочишни англатса, ахоснинг фирмогир мосиводан Аллоҳга интилиш демакдир.

ФИТРАТ – яратилиш, динга мувофиқ табиат; саломат ва истиқомат. Ибн Таймийяга кўра, «Фитрат – Аллоҳни севмак, Аллоҳнинг нафсга ато этган бир кучи эрур. Бу куч ила Аллоҳни таниб, севиб, унга шаҳодат этурмиз, холис бир тарзда Яратганга ибодат қилиурмиз. Аллоҳни севиш инсонда фитрий ўлароқ мавжуд эрур».

- X -

ХИРҚА – шайх, мурид ва дарвешлар киядиган маҳсус кийим. Бу сўзнинг лугавий маъноси ямоқ, парча ёки қуроқдан тикилган кийим демак. Истилоҳда эса шайх билан мурид орасида алоқа ўрнатилиши, «муриднинг нафс билан ўзи орасида шайхнинг хукмронлигини қабул айлаши»дир.

«Агар «хирқа» сўзи қаердан келиб чиққан, деб сўрасалар, — дейди Ҳусайн Воиз Кошифий, — «харақ» сўзидан келиб чиққан, деб айттил. «Харақ» араб тилида парчалаш демақдир. Бас, хирқа кийган киши барча дунёвий алоқалар ипини парчаласин (узсин), токи у хирқа кийишга муносиб одам бўлсин. Яна дейдиларки, бу ном «харқ» сўзидан олинган ва «харқ» кенг саҳрордир. Яъни, бундай түнни кийган киши ишқнинг поёнсиз саҳросида сулук қилиб, мужоҳидат биёбонини риёзат қадами ила босиб ўтади. Ва яна «хирқа» сўзидан олинган ҳам дейдилар. Чунки хирқа кийган одам ўзини улугвор, олижаноб тутсин, яъни таъманинг шумлигига алданиб, хор бўлмасин. Ва яна баъзилар, бу ном «хирқа» дан келиб чиққан, дейдилар ва бу қулоқнинг тешиладиган ва сирға осиладиган жойидир. Демак, хирқа кийган одам эранларнинг тамғали (халқа таққан) қули бўлсин...»

Тасаввуф арбобларига кўра, хирқа кийиш одати Иброҳим алайҳиссаломга бориб боғланади. Иброҳим Халилуллоҳ оловга ташлангани замон Аллоҳ ҳукми билан Жаброил жаннатдан бир кўйлак келтириб, унга кийдирган ва шу кўйлак шарофатидан ул зот оловда ёниб кул бўлишдан қутулган эканлар. Бу кўйлак дастлаб ҳазрати Исҳоққа, сўнгра Ёкуб пайтамбарга мерос ўтган, Ёкуб эса уни маҳсус бир кутига солиб, ўғли Юсуф алайҳиссаломнинг бўйнига осиб қўйганлар. Юсуф пайтамбар яланғоч ҳолда қудуққа ташланганида Жаброил етиб келиб, қутини очиб, унга кўйлакни кийдирган экан... Сўфийлар хирқада худди ана шу кўйлакнинг сирини кўриб, унга маънавий маънолар берганлар. Сўҳравардий хирқанинг икки турга — муридлик хирқаси ва табарруқ хирқага ажралишини айтиб, яна бундай деган: «Шайхларнинг муридларига кийдиришни истаганлари асл хирқа муридлик хирқасидир. Муридлик хирқасини ҳақиқий муридлар, кейингисини эса мурид бўлмаган, аммо уларга ўхшашга ҳаракат қилувчи муташаббиҳ муридлар киорлар». Алишер Навоийнинг «Насоим-ул муҳаббат» асарида Шайх Саидиддин Фарғонийнинг «Хирқа нисбати иккидур: бири иродат хирқаси ва ани бир шайхдин ўзга-

лин олмоқ раво эмас ва яна бири табаррук хирқаси. Ва ани кўп машойихдин табаррук учун олмоқ раводур», деган фикрлари келтирилган.

Хирқанинг ранги қора, кўк (мовий) ва оқ бўлган. Тариқатга янги киргандар – қора, маълум бир даражага етишганлар – мовий, сайри сулукни ниҳоясига етказганлар оқ рангдаги хирқа кийишлари бир одатта айлантирилган бўлсада, хирқапўшиқда мовий раингнинг нуфузи анча устан бўлган.

Ҳужвирий «Сўфийларнинг кийимлари кўпинчча мовий рангдадир», сўзининг маъносини қуидагича изоҳлади: 1. Сўфийлар тутган йўл сафар ва саёҳатга асослангандири. Оқ рангдаги кийим сафарда тез кирланар... 2. Мовий кийишнинг иккинчи бир маъноси (furṣatni бой берганларнинг) бошига тушган мусибатлар ва дардларига ишоратдирки, «дунё – фалокатлар ўлкаси, мусибатлар харобаси, кам сахроси, ҳижронда ўртангандарнинг изтироб жойи ва бало қалъаси эрур. Муридлар ва ирова соҳиблари кўнгил муродларининг дунёда ҳосил бўлмаслигини кўриб - билганлари учун мовий кийимишлар...» 3. Бошқа бир гурӯҳ сўфийлар бўлганки, улар муомала ва амалларини қусурдан, кўнгил бузуқликларидан, вақтни бехуда исроф қилишдан муҳофаза эта олмаганлар. Шу боис улар мовий хирқани устларидан ташламаганлар.

Хулас, хирқа кийишнинг ўзига ҳос анча қийин шарт ва талаблари кўп бўлган ва уларни тўла-тўқис бажариш осон кечмаган. «Футувватномаи султония» муаллифи хирқанинг аҳкоми олтита деб далолат берадилар. Булар: тавба, саховат, қаноат, ризо, риёзат, хафву ражонинг ўртасини саклаш. Ҳатто «хирқа» сўзидағи ҳар бир ҳарф соликдан хайриҳоҳлик, фидокорлик, нафсга қаҳр эта олиш сингари хусусиятларга эга бўлишни талаб этган.

Ҳужвирий хирқанинг бели – сабрга, икки этаги – хафв ва ражога, белбоғи – нафсга қарши курашга, астари – ихлосга ишорат айлашини таъкидлаган. Ҳусайн Кошифийнинг бу хусусдаги таърифлари янада бошқача.

Шаҳобиддин Сўхравардийнинг ҳикоя қилишича, ул зот

Исфаҳонда бўлган чоғларида бир гуруҳ кишилар Аҳмад Фаззолийнинг ҳузурига келиб, ундан хирқа сўрабди. Шайх уларнинг орзулатини эштиб, «Фалончининг ёнига борингиз. У сизга хирқанинг нималигини англатсин. Кейин келинглар, мен сизга хирқа кийдирурман», дея уларни Сўҳравардийнинг олдига жўнатибди.» Ўша кимсалар менинг ҳузуримга келишди, - деганлар Сўҳравардий. - Мен хирқанинг ҳақиқатлари, хирқа соҳибининг вазифалари ва буларни қандай бажариш қоидалари ва одобини етарли даражада тушунтиридим. Буларни эштиб, ул кишилар хирқа талаби ва уни кийишдан воз кечдилар.

Тасаввуфдан мурод - хирқа кийиш эмас, балки нафси енгиш, кўнгилни поклаш, сабр ва бардош ила фикр, маърифат, руҳоният юқсанакликларини эгаллашдир. Бу эса камдан-кам кишиларга насиб айлаган қисмат эрур.

ХОТИР – ўй, фикр, хаёл. Қалбда пайдо бўладиган туйғу, ҳис, маънавий хитоб. Имон ва виждан саси. «Кашфул маҳжуб» рисоласида ёзилишича, сўфиylар хотир деганда кўнгилда туғилган дастлабки фикр ё хаёлнинг иккинчи бир хотир ила тез зойил бўлиши туфайли қалбда янги бир маънонинг юзага чиқиши ва хотир соҳибининг уни йўқотишига қодирлигини назарда тутганлар. Чунки хотир Ҳақдан, малакдан, нафсдан ва шайтондан ҳосил бўлади. Шу боис Аллоҳдан келадиган хотирга «хотири Ҳақ», малакдан келадиганига «кашф ва илҳом», нафсдан келадиганига «хавожиз», шайтонга даҳлдорига «васваса» дейилтан. Олий идрок соҳиблари - бўлмиш шайх ва мурид, ориф ва ошиқ, дарвеш ва мискинлар хотири Ҳаққа тобе кишилардир. Нафс даъватлари ва шайтон овози буларни тўғриликдан чалғита олмайди.

Нақл қилининича, Хайрун Нассож аталмиш зотнинг кўнглида «Устодинг Жунайд дарвозангнинг олдида турибди», деган бир хотир туғилибди. Лекин буни у дилидан йироқлаштирибди. Шунда илк хотирни қўллаб-кувватловчи яна бир чорлов эштилибди. Нассож бунга ҳеч аҳамият бермабди. Навбатдаги даъватдан сўнг у ташқарига чиқибди. Қарасаки, Жунайд Бағдодий дарвоза ёнида турганмиш.

Шунда Жунайд унга: «Эй Хайр, шайхларнинг суннатини жойига қўйиб илк хотирга тобе бўлсайдинг, мени шунча куттириб қўймасдинг», деган эканлар.

- III -

ШАМС-УЛ ҚАЛБ – қалб қуёши. Файб оламига етишганларнинг қалбини ёриштирадиган офтоб. Унга мұқаддимат-ул файб, мезон-ул файб, шамс-ул ирфон, шамс-ур руҳоний ҳам дейилган.

ШАРИАТ – очиқ, ҳаёт манбаига элтувчи тўғри йўл; қонуни, зоҳирий хукмлар мажмуаси каби маъноларни ифодалайди. Истилоҳий жиҳатдан Аллоҳнинг амри, оят, ҳадис, ижмои уммат ва қиёси фуқаҳо асосларига таянган дин қоидалари деган маънони англатади. Бу сўз Куръони қаримда «ширъатун» тарзида қўлланган. «Моида» сурасининг 48-оятида эса, «Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик», дейилган.

Шариат – дин йўли, Аллоҳнинг дахлсиз қонунлари: «Аллоҳнинг йўли қонун бўлиб, илгари ҳам ўтгандир. Аллоҳнинг йўлини ҳаргиз ўзгартира олмассиз» («Фатҳ», 23).

Тасаввуф аҳди Аллоҳга элтувчи йўлни тўрт босқичга ажратиб, биринчисини - шариат, иккинчисини - тариқат, учинчисини - маърифат, охиргисини - ҳақиқат деб атаган. Ҳожи Бектоши Валининг ёзишича, «Шариат йўлида муқаммал бўлмаган кишига тариқат, маърифат ва ҳақиқат мартабалари насиб этмас...» Бежиз эмаски, орифлар: «Шариат бир дараҳтдур, тариқат - унинг шохлари, маърифат – япроқлари, ҳақиқат – мевалари. Дараҳт бўлмаса навда ҳам, япроқ ҳам, мева ҳам бўлмайди», дея таълим берганлар. Шунинг учун сўфийлар шариатни тамал, яъни пойdevor; тариқат, маърифат ва ҳақиқатни эса шу пойdevor устида юксалган уч қаватли бир иморат шаклида тасаввур қилгандар. Ва иморатсиз пойdevor бўлур, аммо пойdevорсиз иморат бўлмас», деган тушунчада собит турганлар.

Шайх Нажмиддин Кубро таърифига кўра, «Шариат бамисоли кема, тариқат эса дengiz, ҳақиқат – дengiz қаъридаги инжу. Ким инжуни қўлга киритмоқ истаса, кемага

минар, денгизда сузар. Шариатнинг тамизлиги сув ила, тариқатники қалбни ҳою ҳавасдан узоқ ва холи тутмоқ ила, ҳақиқатники эса Аллоҳдан бошқа ҳар нарсадан йироқ туриши билан бўлур».

Мавлоно Жалолиддин Румий эса бу ҳақда «Маснавий» асарининг муқаддимасида бундай дейди: «Шариат шамга ўхшар – йўл кўрсатар. Аммо шамни қўлга олмоқ билан йўл очилмас. Йўлга тушдингми, бас, юришинг тариқат Эрур, мақсадга эришилиши ҳақиқатдур. Шариат – билим, тариқат – тутмоқ, ҳақиқат – Тангрига этишмоқ». Шариат илми, биринчи навбатда, нафсни билишни талаб қиласи. Чунки «шариат нафснинг, тариқат кўнгилнинг ва ҳақиқат руҳнинг йўли» Эрур. Бошқа бир таърифга кўра, Аллоҳга ибодат – шариат, Уни талаб этиш – тариқат ва Аллоҳни мушоҳада айлаш ҳақиқатдур.

Ҳусайн Вониз Кошифийнинг таснифиға биноан, шариат билан тариқат ўртасидаги фарқ мана бундай: «Шариат равшанлик, нишон ва ҳурмат Эрур. Тариқат – сайд-ҳаракат, баён ва хизмат. Шариатнинг самараси – аҳдга вафо, тариқатники – фано, яъни ўздан кечмоқ».

- Я -

ЯҚИЙН – очиқ-ойдин, аниқ ва шубҳа-гумондан мутлақо холи илм демак. Имом Фаззолийнинг ёзишича, «дин сарватининг бутун сармояси» илми яқийнdir. Яқийн илмнинг бошланғичи бўлиб, унга эришилгач, қалбга барча нарсани фаҳмламоқ ва англамоқ имкони очилар экан. Аҳли калом «яқийн» калимасини билим маъносида татбиқ этганига шак-шубҳа йўқdir.

Тасаввуф таълимотига кўра, «қай замонки нафс бирор нарсани тасдиқлашга тарафдор бўлса ва ўша нарса нафсдан ғолиб келиб, исталган шаклда уни тасарруф эта олса, яқийн номи берилур» (Фаззолий). Яқийннинг уч мақоми бор: 1.Илм-ул яқийн – ўқиб-ўрганиш ва ақлий далилларга асосланиб эришиладиган билим. Тасаввифий нуқтаи назарга кўра, илм-ул яқийн – шариатнинг зоҳири; айн-ул яқийн шариат аҳкомини ихлос ила адо айлаб умр кечириш ва

ҳақиқатга таянмоқ эрур. 2. Мукошафа йўли билан ҳосил этиладиган ботиний билим, ҳол сирларини очувчи илм. Ушбу икки илм ўртасидаги фарқни содда шаклда шундай тушунтириш мумкин: айтайлик, бирор киши иккинчи бир кишига қандайдир ширин ва лаззатли мевани таърифлаб берди. Шу меванинг кўринишни ва таъми ҳақидаги тасаввур ва ишончнинг юзага келиши – илм-ул яқийн. Кейин ўша мевани кўзи билан кўриб, ушлаши – айн-ул яқийн. Ниҳоят, меванинг ейилиши ва лаззатланиш ҳаққ-ул яқийн демакдир.

Яна бир қиёс: ақл-хуши жойида ҳар бир инсон ўлимнинг муҳаққақлигини тушунади ва тан олади. Бу илм-ул яқийндири. Ўлим фариштаси келгач, ўлим билан юзма-юз бўлиш – айн-ул яқийн. Ўлим ҳақиқатга айланиб, унга таслим бўлиш эса ҳаққ-ул яқийндири. 3. Ҳаққ-ул яқийн – илм, мушоҳада ва ҳол босқичларидан ўтиб, Ҳаққа фоне бўлмоқ. Яъни, фақат илм билан эмас, кўриш, ҳол ва сир мақомларида яшаб, ҳақиқатни билиш ва шу ҳолатда давом этиш. Бу яқийн даражаларининг охирни ва энг юксагидир. Чунки унда илм ва мушоҳададан кечиб, асл моҳият ичидан яшаш ҳақиқати қўлга киритилади. Айрим олимлар ҳаққ-ул яқийн қулнинг ҳам илм, ҳам мушоҳада, ҳам ҳол соҳиби ўлароқ Ҳаққа фоне бўлиши, деган фикрни билдирганлар.

ЯҚОЗО – уйғоқлик, маънавий-руҳий бедорлик. Шундай бедорликка эришилмагунча Ҳақ ва ҳақиқат йўлида ҳеч бир мурод ҳосил бўлмайди.

- Қ -

ҚАВСИ НУЗУЛ – илоҳий вужуддан ажralган нурнинг аносири арбаъага интиқол кайфияти. Тўрт унсур – жамодот, наботовот, ҳайвонот ва инсон. Мабда.

ҚАВСИ УРУЖ – илоҳий вужуддан ажralган нурнинг кейин яна такрор аслига қайтиши. Қавси сууд. Маод

ҚАЛБ – кўнгил, дил, юрак, виждон. Қалб калимасининг лугавий маъноси «бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, асоси демакдир» (Нажмиддин Кубро). Сўфий ва мутасаввифлар бу «ўрталиқ»ни инсон тириклиги

ва маънавий ҳаётининг бош манбай, маърифат ва ирфон маркази, кашф ва илҳом ойнаси, Ҳақ ва ҳақиқат сирларининг тажаллигоҳи, Аллоҳнинг таҳти деб белгилашган. Аҳмад Рифоий ёзди: «Қалб бир гўшт нарчасидир. Айни пайтда қалб нурлар жамланадиган жой эрур». Инсондаги илоҳий, шайтоний, нафсоний, ҳайвоний, хуллас, барча ҳол ва хусусиятлар қалбда аксини топар. Шу боис қалб тасфияга муҳтоҷдир. Қалбнинг энг ёмон оғати дунё ҳирси, ҳасад, хусумат ва кибрдир. Қалбнинг автори (таври, табақоти) еттита: 1. Садр – кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоги. 2. Қалб – юрак, имон жавҳарининг жойи. 3. Шигоф – халқни севиш, халқ учун қўйиниш жойи. 4. Фуод – кўнгил, гайбий мушоҳада маскани. 5. Ҳиббат-ул қалб – илоҳий ишқ жойи. 6. Сувайдо – гайбий мукошафа, илми ладуний ери. 7. Муҳтажун қалб – илоҳий нурлар зухурланган жой.

И мом Фаззолий маърифат даражаси, сифат ва бошқа етакчи хусусиятларига кўра қалбнинг тўртга ажралишини ёзган. Биринчиси – ёлғиз Аллоҳни севиб, фақат Уни билиш ва мушоҳада айлаш билан фараҳданадиган қалб. Иккинчиси – маърифат ва Аллоҳ ила унсият завқидан йироқ ва бенасиб қалб. Бундай қалб соҳибларини қувонтирадиган нарса бойлик, амал ва ҳар турли моддий манфаатлардир. Учинчи хил қалб эса кўп кучини Аллоҳга интилиш, илоҳий ишқдан завқланишга бағишилар, аммо вақти-вақти билан башарий сифатларга ҳам қайтар. Ниҳоят, яна бир хил қалб бордирки, у башарий сифатлардан ажралмасала, баъзи-баъзида илм ва маърифатдан баҳра олишни ҳам билар. Фаззолийнинг эътирофи бўйича, биринчи хил қалб беҳад камёб, энг кўп учрайдигани ва дунёни тўлдиргани эса - иккинчиси. Қолган иккитасининг ҳам сони оздир.

ҚУРБ – яқинлик. Сайийд Шариф Журжонийга кўра, қурб «Кулнинг саодатига сабаб бўладиган ҳар иш ила Аллоҳга яқинлашувиdir. Аммо Ҳақнинг кулга яқинлиги эмасдир». Күшпайрийнинг ёзилича, қурб - қулнинг Аллоҳга яқинлиги, аввало, унга иймон келтириш, уни тасдиқ айлаш. Ибн Арабий қурб – тоат ила қиём айлаш деркан, яна қоба қавсайн ҳақиқатига ҳам «қурб» дейилишини айтган.

- F -

ФАЙБАТ-ХУЗУР – соликнинг қалбидаги диний-илоҳий маънолар ила машгул бўлиб, моддий оламдан фориғ қолиши, халқнинг аҳволидан бехабарлик, важд ва истифроқ ҳоли. Файбат ҳолида кул моддий олам билан боғлайдиган ҳиссиятларни тарк этиб, илоҳий ҳузурда тажаллиларни томоша айлар экан, барча нарсани унугади. Нақл қилинишича, Жунайд Бағдодий бир куни хотини билан ўтирас экан, ҳузурига Шиблий кириб келибдилар. У зотни кўрган аёл ўрнидан туриб, яширинмоқчи бўлибди. Эри эса унга: «Шиблийнинг сендан мутлақо хабари йўқ (у файбат ҳолидадир), жойингда ўтиравер», дебди. Бир оз фурсатдан сўнг Жунайд Шиблий билан шундай гаплашибдики, натижада Шиблий йиглай бошлабди. Ва шунда Жунайд хотинига: «Шиблий ўзига келди, файбат ҳоли зойил бўлди, энди бекинавер», деган экан.

Ҳузур – халқдан кечиб, Ҳаққа юз буриш. Бунда ҳузур роҳат маъносида эмас, балки Ҳақнинг ҳузурида бўлмоқ, Аллоҳ тажаллиётига восиликни англатади. Кушайрийнинг таъкидлашича, «Ҳузур ҳоли Ҳақ зикрининг кул қалбини эгаллаш сурати ила юзага чиқур.. У замон кул қалби билан улуг Раббининг ҳузурига чиқар. Кулнинг халқдан файбати нисбатига қараб Ҳақ билан бўлган ҳузури мукаммалашур». Файбатга «ҳузури халқ», ҳузурига «ҳузури Ҳақ» дейилур».

ФАЙН – истигфор билан ўртадан кўтариладиган қалбдаги ҳижоб ва парда. У икки навдир: бири юпқа, иккинчи – қалин. Қалин парда катта гуноҳ қилган гафлат бандалирида бўлур. Ҳазрати Пайғамбарнинг «Қалбим файн ичиди қолур ва ҳар кун юз дафъа Аллоҳдан афв тилайман», дейишлари ушбу ҳақиқатни ифода этгандир.

- X -

ҲАВО – ишқ мақомининг номларидан бири. Ибн Арабийнинг ёзишича, ҳавонинг икки хил маъноси бўлиб, иккови ҳам ишққа уйғундир. Биринчиси – ишқнинг қалбда юз кўрсатиши ёки қалб қаърига ўрнашиши. Бунда севги гайб оламидан шаҳодат оламига иниб, қалбда зухур этади.

Ибн Арабий ҳаво калимаси қалб ичига кириш ё ўрнашиш маъносида келишининг учта сабаби бор, деган. Булар – боқиши, яъни назар, ҳис қилиш ва эҳсон кўрсатиши.

Ҳаво сўзининг иккинчи маъноси дафъатан (кутилмаганда) пайдо бўлган ишқ түғенидир.

ҲАЁТ – тириклиқ, соғлик, жон, яшаш. Тасаввуфда қудрат илми билан сифатлантирувчи бир сифат. Ҳаётнинг учдаражаси бор: 1. Ҳаёти илм – қалбнинг жоҳиллик, нодонлик ўлимидан ҳаюс бўлиб илм ила ҳаёт кўриши. 2. Ҳаёти жамъи – қалбнинг тафриқа ҳалокатидан кутулиб, ўзида ҳимматни жамлаши. 3. Ҳаёти Ҳақ вужуд ҳаёти эрурки, бу қулнинг фано филлоҳ ва бақо биллоҳ мақомларига юксалишидир.

ҲАЙРАТ – ҳайрон қолиш, ажабланиш. Қалбда юз очгани тажалли туфайли соликнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишиши. Абу Наср Сарроҳнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юритишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни ёришув, ойдинлашувдир. Шиблийдан ҳайрат ҳақида сўраганларида, у: «Ҳайрат икки турлидир: бири – гуноҳ қилиш қўркувининг шиддатидан туғилган ҳайрат, иккинчиси эса қалблардан ўрин олган таъзим туйғусидан майдонга чиққан ҳайрат», деган экан. Ҳайрат фано филлоҳ ҳолига кўтарилиш учун етишиш зарур мақомлардан бири ҳамдир.

ҲАҚИҚАТ – чиндан мавжуд нарса, асл моҳият. Аллоҳни билиш, борлиқ олам сирларини тўғри ва теран англаш. Ҳақиқат – шариатнинг ботини. Шунинг учун ҳақиқат тасаввуф маъносида ҳам ишлатилган. Абу Наср Сарроҳ ёзди: «Шариат илми – хизмат илми. Ҳақиқат илми мушоҳада илмидир... Шариат – баён илми, ҳақиқат – бурҳон илми. Шариат илми муомала учундир. Ҳақиқат илми муроқаба учундир. Шариат илми феълларга хос, ҳақиқат илми ҳолларга махсус...»

ҲИЖОБ – парда, тўсиқ. Ошиқни маъшукасидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Дунё ва охиратга

оид тамаъ ва ниятлар инсонни Аллоҳдан ажратувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам Ҳақ ва солик орасини тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади. «Аллоҳ ила қул орасида нурдан ва қоронгуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир», дейди Нажмиддин Кубро. Бу пардаларни йўқ айлаш учун инсон умрини ботин поклигига бағишлаб, мушоҳададан асло ажралмаслиги лозим. Хусусан, илоҳий ишқ ҳароратидан бенасиб қолмаслик бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

ҲОЛ-ҲОЛАТ – аҳвол, ҳолат, вазият, айни пайтда вақт, замон. Муайян дамда туғилиб, сўнг ўтиб кетадиган ҳистийгу, ҳаяжон, эҳтирос, шавқ, зухур, важд, ҳайбат, ҳузур каби ҳоллардир. Ҳол Ҳақ туҳфаси ва ҳадяси эрур. Шунинг учун ҳол инсоннинг иродаси ва ҳаракатига тобе эмас. Абу Наср Сарроҳ ҳолни «лаҳзада туғилиб, қалбда ризо, тафвиз ва шунга ўхшаш сифатларни муқимлаштирадиган аҳволдир», дейди. Абдулкарим Қушайрийта кўра, «ҳол қулнинг (Ҳақ ошиғининг – И.Х.) қасди, жалб айлаш ташаббуси, эришиш истагисиз қалбда пайдо этиладиган нашъя-хузун, шодлик-қайғу, ҳайбат-ҳаяжон сингари маънолар эрур».

Кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти мукаммал Ҳақнинг содиқ қулларига «ҳол соҳиблари» дейилган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум – талвин соҳиблари, яна бошқа бир тоифалари ҳолига ҳоким – саҳв ва тамкин вакиллари бўлганлар.

Баъзи сўфийлар ҳоллар доимий ва боқий бўлади, агар шундай бўлмаса, уларга лавоиҳ ва баводиҳ номи берилур, деган фикрда бўлганлар. Лавоиҳ ва баводиҳ соҳиби эса тасаввуфий ҳолларини топмаган ва ҳолда камолга этиша билмаган киши демакдир. Ҳол лаҳзада туғилиб, тез фурсатда тойиб бўлади, дегувчиларга писбатан унинг собит қолишига ишонувчиларнинг сони кўпдир. Шуларнинг қарашларини ёқлаб, Қушайрий бундай деб ёзганлар: «Ҳолларнинг маъноси (ҳол) бир кимса учун ширб (машраб, мақом) вазиятида келур-да, у кимса шу мақомда тарбия этилтур. Лекин бу вазиятда бўлган ҳол соҳибининг тавориқ но-

мини олган ва ширб ҳолатига етган ҳолларидан зиёд давом этмаган иккинчи даражали бир талай ҳоллари ҳам бордир». Бироқ, шунга қарамасдан, тавориқ туфайли сўфий янада устун ва «абадий юксалиш ҳолатига эга бўлур».

Хафв, ражо, хузун, муроқаба, убудият, истиқомат, сидқ, ҳаё, ҳуррият – булар тасаввуфий ҳолларга (уларнинг бир қисмига) берилган номлар. Лекин ҳол тасаввуфдаги шундай гаройиб ҳолат ва хилма-хил маънавий, руҳий-психологик ҳодисаки, унинг барча шакл ва кўринишларини номлаш ёки таърифлашгага имкон бўлмаган, албатта. Масалан, солик унс ва баст ҳолидан баланд кўтарилиганида борлиғидан қуш саслари эшитиладиган бир ҳолатга етишар экан. Буни Нажмиддин Кубро ҳикоятидан билиш мумкин.

Ҳолни берадиган ҳам, оладиган ҳам Аллоҳ бўлганилиги учун сўфийлар Уни «Муҳаввилул аҳвол», «Муқаллибул кулуб», дейишган.

ҲУЗУН – сурур ва шодликнинг зидди. Фам, кадар, гусса. Ҳузуннинг даражаси учдир: 1. Авомнинг ҳузуни. 2. Хавоснинг ҳузуни. 3. Ахоснинг ҳузуни. Авом умрнинг гафлат ичидан кечишидан фам чекса, хавос қалбнинг Ҳақдан йироқ қолиши ва мосивога муҳаббатидан ҳасрат тортади. Ахоснинг ҳузуни эса ҳалқ онгини ўзгартириш, яъни уни илми ирфонга етиштириш билан алоқадордир.

ҲУРРИЯТ – эркинлик, озод бўлмоқ. Тасаввуфда энг юксак даражада Аллоҳга қул бўлиш ҳоли. Кушайрий ёзади: «Билки, ҳақиқий ҳуррият қулликда камол ҳолидир. Аллоҳ таолога писбатан убудиятга содик бўлсанг, ўзгаларга қул бўлмоқ бўйинтуруғидан қутулиб, ҳуррияттга эришурсан». Ҳуррият – нафсоний ҳаёт ҷоғларидан халос бўлиб, руҳоний ҳаёт кенгликларига етишиш.

Фақат мана шу ҳолатда инсон чин маънодаги ҳурлик – ақл ва идроқ, қалб ва тафаккур эркинлигига эришади. Мана шу сабабга кўра ҳам ҳуррият орифликнинг охирги мақоми деб белгилантган. Иброҳим Адҳамнинг: «Ҳуррият ва қарам соҳибидан бошқаси ила суҳбатлашма», деган сўзлари Ҳаққа қул бўлиб ҳурликка эришган зотларнинг қадри нақадар баланд тутилганини таъкидлашга хизмат қиласди.


МУНДАРИЖА

Шайхлар ва шаҳидлар куброси	3
<i>Тасаввүфнинг ўн асоси</i>	<i>32</i>
1. Тавба	48
2. Зухд	51
3. Оллоҳга таваккул	55
4. Қаноат	57
5. Ўзлат	58
6. Доимий зикр	66
7. Таважжӯҳ	71
8. Сабр	73
9. Муроқаба	74
10. Ризо	78
<i>Рисола илал ҳоим</i>	<i>82</i>
1. Вужуд покизалиги	85
2. Хилват	85
3. Давомли сукут	86
4. Давомий рўза тутиш	87
5. Узлуксиз зикр	88
6. Таслимият	91
7. Хотирани поклаш	93
8. Робитай шайх	101
9. Фақат мажбурият Ҳолида ухлаш	102
10. Ейиш-ичишида ўрта йўлни танлаш	104
<i>«Фавойиҳ-ул жамол»</i>	<i>108</i>
Мушоҳада мақомида вужуд, нафс ва шайтон орасидаги тафовут	110
Зикр оташи ва шайтён оташи ўртасидаги тафовут	111

Хавотири ҳақ билан хавотири нафс ўртасидаги тафовут	118
Таклиф зиммадан тушадими?	124
Завқ табдили	125
Истиғроқ	128
Нафс	133
Мушоҳада	136
Фано	144
Ҳол - Мақом - Вақт. Ҳол, мақом ва вақт ўртасидаги тафовут нима? Ҳол	147
Мақом	149
Рақс - самоъ	152
Вақт	157
Тасаввуфда ҳумуд-жумуд	169
Валининг аломатлари	188
Нажмиддин Кубро ва унинг рисолалари	204
<i>Тасаввуф истилоҳлафи шарҳи</i>	208

Шайх Нажмиддин Кубро

ТАСАВВУФИЙ ХАЁТ



Таржимон ва
нашрга тайёровчилар:
Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
Азиза БЕКТОШ

Масбул мұхаррір:
Сайфиддин САЙФУЛЛОХ

Тақризчи:
Нодирхон ҲАСАН

Техник мұхаррір:
Ихтиёр САЙД

Босишига 2004 йил 25 марта рухсат этилди.
Босмахонаға 2004 йил 18 марта топширилди.
Бичими 84X60 $\frac{1}{16}$. Адади 1000 нұсха. Офсет қофози.
20-сон буюртма.

Баҳоси келишилгандарда.

"MUTARJIM" шўъба корхонаси матбаа бўлими,
Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси,
Кошиқчи 1-тор кўча, 1-уй.